ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЕТ ИНСТИТУТИ

Ш. ШУКУРОВ

# ЎЗБЕК ТИЛИДА ФЕЪЛ ЗАМОНЛАРИ ТАРАҚҚИЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ—1976

www.ziyouz.com kutubxonasi

4Ўз
Ш 91

Асар ўзбек тилида феъл замонларининг тарихий тараққиётини ўрганишга бағишланган бўлиб, автор замон маъноларини ифодаловчи феъл формаларининг шаклланиши, тараққиёти ва стабиллаша бориши, тарихий тараққиёт процессида бу формаларнинг активлаша бориши ёки пассивлаша бориши, бу формаларда юз берган формал ҳамда семантик ўзгаришлар ва бунинг сабаблари каби масалаларни ёритишга ҳаракат қилган.

Китоб тилшунослар, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, аспирантлар, студентлар ҳамда туркий тиллар тарихини ўрганувчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир
филология фанлари доктори
проф. Э. В. СЕВОРТЯН

Ш $\frac{70103-351}{355(06)-75}$ 232—76

www.ziyouz.com kutubxonasi

## АВТОРДАН

Ушбу асар ўзбек тилида феъл замонларининг тарихий тараққиётини ўрганишга бағишланган бўлиб, автор текширилаётган формаларнинг қадимги даврлардан бошлаб ҳозирга қадар босиб ўтган тарихий йўлини аниқлаш, бу формаларнинг шаклланиши тараққиёти ва стабиллаша бориши каби масалаларни ёритишга ҳаракат қилган.

Ишда текширилаётган ҳар бир формашинг маънолари ва қўлланишидаги ўзига хос хусусиятлари баён қилинади. Тарихий тараққиёт процессида бу формаларнинг активлаша бориши ёки пассивлаша бориши, маъносининг кенгая бориши ёки чегаралана бориши ва бунинг сабаблари изоҳланади. Ушбу формаларнинг шахс-сон аффикслари билан тусланишидаги ўзига хос томонлари ва бу формаларни ясовчи аффиксларнинг фонетик структураси таркиби каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор берилади.

Маълумки, туркий тилларда феълнинг бўлишсиз формаси одатда *-ма/-мә* аффикси ёрдамида ясалади. Замон формаларининг бўлишсизлиги ҳам шу асосда ҳосил бўлади. Такрор бўлмаслиги учун ушбу формаларнинг бўлишсизлиги ва унинг ясалиши ҳақида гапирилмади. Шу билан бирга, замон формаларидан айримларининг бўлишсизлиги *йоқ* ёки *эрмәс* (*эмәс*) ёрдамида ҳам ясалади (*алмаған//алғаны йоқ//алған эрмәс, алмамыш//алмышы йоқ* каби). Бундай формаларнинг бўлишсизлиги, унинг ясалиш йўллари ва қўлланишидаги ўзига хос хусусиятлари каби масалаларга эса алоҳида тўхтаб ўтилди.

Ишнинг ёзилишида эски ўзбек тилида битилган ҳар хил жанр ва характердаги асарлар асосий манба бўлди (фойдаланилган ёзма ёдгорликлар ҳақида ишнинг «Кириш» қисмида махсус тўхталади). Ёзма ёдгорликлардан келтирилган мисоллар, айрим ҳоллардан ташқари, хронологик тартибда берилди. Ҳар бир мисолнинг манбаси ва бу манбанинг саҳифаси кўрсатилди. У ёки бу форма ўзбек тили тараққиётининг фалон даврларида истеъмолда бўлган ёки унинг қўлланиши фалон даврдан бошлаб кузатилади дейилганда, биринчи навбатда, текширилган ёзма ёдгорликлардаги фактларга асосланилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ишда текшириш объекти бўлган тил ҳодисалари ҳозирги ўзбек адабий тили фактлари билан қиёслаб борилди, зарур ўринларда ўзбек шевалари фактларига ҳам мурожаат қилинди. Шунингдек, бошқа туркий тиллар ва бу тилларнинг тарихига оид материаллардан ҳам қиёс учун фойдаланилди. Бунда, биринчидан, эски ўзбек тилида истеъмолда бўлган замон формаларининг характери ва моҳиятини кенгроқ ва тўлароқ ёритиш, иккинчидан, ушбу формаларнинг бошқа туркий тилларда қай даражада тарқалгани ва булар туркий тилларнинг қайси бири ёки қайси группаси учун характерли эканини аниқлаш мақсади кўзда тутилди. Ишда қадимги туркий ёдгорликлар материалларидан ҳам фойдаланилди ва бу манбаларда текширилаётган формаларнинг қай даражада акс этгани кўрсатиб борилди (ушбу манбалар ҳақида ҳам ишнинг «Кириш» қисмида гапирилади).

Ишнинг юзага келишида фойдали маслаҳатлари билан лутфан ёрдам кўрсатган проф. Э. В. Севортян, СССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси А. Н. Кононов, ЎзССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ғ. А. Абдураҳмонов, проф. Ф. А. Абдуллаев, проф. М. Ш. Рагимов, проф. Э. И. Фозилов ва бошқа ўртоқларга автор ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# КИРИШ

§ 1. Ҳозирги туркий тилларнинг кўпчилиги бўйича феълнинг майл ва замон[1] масаласи маълум даражада ўрганилган ва бу соҳада қатор ишлар қилинган. Лекин бу масала кейинги вақтларда ҳам туркологиянинг энг актуал ва асосий проблемаларидан бири бўлиб қолмоқда. Туркий тилларда феълнинг майл ва замон категориялари масаласи бўйича 1962 йил Бокуда ўтказилган координацион йиғилиш натижалари бу масаланинг ниҳоятда мураккаб ва актуал эканлигини, айниқса, унинг тарихий планда ўрганилиши муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди[2].

Ҳозирги ўзбек тилида феълнинг майл ва замон категориялари бўйича диссертациялар ҳимоя қилинган, монография ва мақолалар эълон қилинган. Бу ҳақда дарслик ва қўлланмаларда ҳам анча кенг маълумотлар берилган. Лекин бу соҳада ҳали ўз ифодасини топмаган масалалар оз эмас. Масалан, майл ва замон турлари, бу категорияларни ифодаловчи формаларнинг миқдори ва чегараси, бу формалардан ҳар бирининг майл ва замон системасидаги ўрни, буларнинг ўзаро муносабати каби масалалар бўйича адабиётларда ҳар хил фикр ва мулоҳазалар баён қилинган.

Жумладан, ҳозирги ўзбек тилида феълнинг нечта майл тури борлиги ва буларнинг номланиши масаласида тилшунослар ўртасида бирлик йўқ. Тўғри, кўпчилик ишларда ҳозирги ўзбек тили-

---

[1] Туркий тилларда, айниқса, тарихан феъл майллари ва замонлари бири иккинчиси билан узвий боғлиқ бўлган категорияларни ташкил этади. Ушбу китоб авторининг ўзбек тилида феъл майллари ва замонлари тараққиётига бағишланган тадқиқотининг бир қисми бўлиб, бунда аниқлик майлидаги замон формалари ҳақида гап боради. Бошқа майллар эса авторнинг кейинги китобида берилади. Шулар ҳисобга олиниб, ушбу китобнинг «Кириш» қисмида феъл майллари, майл билан замон ўртасидаги ўзаро муносабат каби масалалар ҳақида ҳам гапирилди.

[2] Совещание по вопросам категорий времени и наклонения глагола в тюркских языках (Тезисы докладов), Баку, 1961.

Йиғилиш материаллари кейинчалик «Вопросы категорий времени и наклонения глагола в тюркских языках» (Баку, 1968) номи билан нашр этилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

да феълнинг уч майл тури борлиги қайд қилинади. 1) аниқлик майли; 2) буйруқ-истак майли (ёки буйруқ майли); 3) шарт майли. Лекин буйруқ, истак каби маъноларни ифодаловчи майл формалари бу ишларнинг айримларида «буйруқ майли»[3], бошқаларида «буйруқ-истак майли»[4] номи билан аталади.

Баъзи ишларда эса қуйидаги тўрт майл тури кўрсатилади: 1) буйруқ майли; 2) аниқлик майли; 3) шарт майли; 4) истак майли[5]. Бу ишларда буйруқ-истак майлининг I шахс бирлик ва кўплик формалари алоҳида майл тури сифатида қаралиб, булар «истак майли» номи билан аталади, II ва III шахс формалари эса «буйруқ майли» номи билан алоҳида группага ажратилади.

Т. Хўжаевнинг феъл майллари ва замонлари масаласига бағишланган мақоласида ҳам буйруқ-истак майли икки мустақил майл турига ажратилган (буйруқ майли, истак майли). Бундан ташқари, автор *айтса ҳам (айтса-да)* типидаги формаларни, шунингдек, *айтиши керак (лозим, зарур)* типидаги бирикмаларни ҳам алоҳида майл турлари сифатида қарайди ва булардан биринчисини (*айтса ҳам, айтса-да*) «тўсиқсизлик майли», иккинчисини эса *(айтиши керак)* «вазифа майли» номи билан атайди. Шундай қилиб, Т. Хўжаев ҳозирги ўзбек тилида қуйидаги олти майл тури бор, деб кўрсатади: 1) аниқлик майли; 2) буйруқ майли; 3) истак майли; 4) шарт майли; 5) тўсиқсизлик майли; 6) вазифа майли[6].

А. Ҳожиевнинг ҳозирги ўзбек тилида феълнинг майл турлари ҳақидаги мақоласида масалага бошқачароқ қаралади. Автор, биринчидан, «аниқлик майли» термини шу майл группасига кирувчи формаларнинг характерига мос келмаслиги ҳақида гапириб, бу майлни «ижро майли» деб аташ маъқул эканлигини айтади, иккинчидан, *-моқчи* аффикси билан ясалган *ишламоқчи* типидаги формани алоҳида майл тури сифатида қарайди ва уни «мақсад майли» деб атайди, учинчидан, одатда «ўтган замон давом феъли» деб аталувчи *ишлар эди* типидаги аналитик формани омоформа ҳисоблаб, бу форма рус тилидаги «сослагательное наклонение»га мос келувчи маъноси бўйича алоҳида майл турини ташкил этади, деб қарайди ва бу майлни «шартли майл» номи билан атайди. Демак, авторнинг кўрсатишича, *(-а)р+эди* ёрдамида ясалган *ишлар эди* типидаги форма, бир томондан, аниқлик майлининг (А. Ҳожиевда «ижро майли») ўтган замон феъли вазифасини бажаради, иккинчи томондан, мустақил майл турини ташкил этади. Шундай қилиб, А. Ҳожиев ҳозирги ўзбек тилида феълнинг қуйи-

---

[3] А. Г. Гуломов. Феъл. Тошкент. 1954. 45-бет.

[4] У. Турсунов, Ж. Мухторов, Ш. Раҳматуллаев. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1965, 82-бет; М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов. Ўзбек тили. Тошкент, 1966, 152-бет; Ж. Жўраева. Феъл майллари классификациясига доир. ЎзТА. 1962, 2-сон, 63-бет.

[5] А. Н. Кононов. Грамматика современного узбекского литературного языка. М.—Л., 1960, стр. 202.

[6] Т. Хўжаев. Ўзбек тилида феъл ва майл, замон ва майл масалалари, «Труды СамГУ», Новая серия, вып. № 124, Самарканд, 1963, 103-бет.

даги беш майл тури бор, деб ҳисоблайди: 1) буйруқ-истак майли; 2) шарт майли; 3) шартли майл; 4) мақсад майли; 5) ижро майли[7].

Ҳозирги ўзбек тилида «буйруқ майли» ва «истак майли» номлари билан икки мустақил майл турига ажратилган формаларни, кўпчилик авторлар таъкидлаганидек, «буйруқ-истак майли» номи билан бир майл группасига бирлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳол ушбу формаларнинг характери ва маъносига мос келади. *Айтса ҳам (айтса-да)* типидаги формалар ҳамда *айтиши керак (лозим, зарур)* типидаги бирикмалар эса майл талабларига жавоб бермайди ва буларни майл формаси сифатида қараш тўғри бўлмайди. *-моқчи* аффиксли *ишламоқчи* типидаги ва *-(а)р+эди* ёрдамида ясалган *ишлар эди* типидаги формаларнинг алоҳида майл турлари сифатида ажратилиши исбот талаб қилади.

Шундай экан, ҳозирги ўзбек тилида феъл майлларини, кўпчилик ишларда кўрсатилганидек, қуйидаги уч турга бўлиш мақсадга мувофиқдир: 1) буйруқ-истак майли; 2) шарт майли; 3) аниқлик майли.

Ҳозирги ўзбек тилида феъл замонлари ва буларни ифодаловчи формаларнинг миқдори ва чегараси, бу формаларнинг ўзаро муносабати, айрим формаларнинг қайси замон ёки қайси майл группасига оидлиги каби масалалар бўйича ҳам адабиётларда турли фикр ва мулоҳазалар айтилган ва ҳар хил қарашлар бор (бу хилдаги масалалар ҳақида иш давомида ўрни билан тўхтаб ўтилади).

§ 2. Ўзбек тили тарихини ўрганиш маълум традицияга эга. Агар ўзбек классик адабиётига оид манбалар, хусусан, Алишер Навоий асарлари бўйича тузилган тарихий луғатлар ва бу луғатларга илова қилинган грамматик очеркларни ҳисобга олмасак, эски ўзбек тилини ўрганиш асосан XIX асрнинг ўрталаридан бошланган, деб айтиш мумкин. Лекин ўтган асрда ўзбек тили тарихи бўйича бажарилган ишлар айрим асарларни нашр этиш ва уларга лингвистик комментарийлар бериш билан чегараланган.

Ўзбек тилининг тарихий грамматикасига оид масалалар, хусусан, феъл майллари ва замонларининг тарихи ва тараққиёти масаласи кейинги йилларгача монографик текшириш объекти бўлган эмас. 1865 йилда Н. И. Ильминскийнинг «Бобирнома» тилидаги *-р, -ғай, -ғу* ва бошқа айрим феъл формаларининг таҳлилига бағишланган иши эълон қилинган эди[8]. Лекин Я. Шинкевичнинг «Қисаси Рабғузий»[9] тилига бағишланган асари эълон қилингунга қадар ўзбек тилининг тарихий грамматикаси бўйича бу хилдаги ишлар юзага келмади.

---

[7] А. Ҳожиев. Феълнинг майл турлари ҳақида, ЎзТА, 1969, 6-сон, 53—56-бетлар.

[8] Н. И. Ильминский. Материалы для джагатайского спряжения из Бабер-намэ, Казань, 1865.

[9] J. Schinkewitsch. Rabγuzis Syntax, MSoS (II Abteilung: Westasiatische Studien), Band XXIX—XXX, Berlin, 1926, 1927.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Г. Вамбери, К. Броккельман ва А. М. Шчербакнинг грамматикаларида[10], шунингдек, айрим ёзма ёдгорликларнинг тил хусусиятларини таҳлил қилишга бағишланган ишларда ўзбек тили тараққиётининг маълум даврларида ёки текширилаётган ёдгорлик тилида амалда бўлган майл ва замон формалари ҳақида ҳам бошқа грамматик категориялар сингари қисқа ва умумий маълумотлар берилган. Бу ишларнинг характери ва вазифаси ҳам шуни тақозо қилади[11].

Бу ишларнинг кўпчилигида буйруқ-истак майли формалари икки мустақил майл турига ажратилиб, текширилаётган давр ёки ёдгорлик тилида феъл майллари қуйидагича тўртта турга ажратилади: 1) буйруқ майли; 2) истак майли; 3) шарт майли; 4) аниқлик майли.

Ёзма ёдгорликлар материалларининг кўрсатишича, буйруқ, истак каби маъноларни ифодаловчи феъл формаларини эски ўзбек тилида ҳам «буйруқ-истак майли» номи билан бир группага бирлаштириш мақсадга мувофиқдир. Шундай экан, эски ўзбек тилидаги феъл майлларини ҳам ҳозирги ўзбек тилидаги каби қуйидаги уч турга бўлиш тўғри бўлади: 1) буйруқ-истак майли; 2) шарт майли; 3) аниқлик майли.

## Майл ва замон

§ 3. Ўзбек тилшунослигида, шунингдек, бошқа туркий тилларга оид адабиётларда майл ва замон категорияларининг моҳиятини тушунишда ва буларни таърифлаш масаласида зиддият йўқ. Адабиётларда таъкидланишича, майл категорияси ҳаракат ёки ҳолат билан субъект орасидаги алоқанинг воқеликка муносабатини кўрсатади, замон категорияси эса ҳаракат ёки ҳолатнинг нутқ моментига муносабатини кўрсатади.

Лекин майл ва замон категориялари ўртасидаги чегарани белгилаш, бу категорияларни ифодаловчи формаларни классификация қилиш каби қатор масалалар бўйича тилшунослар ўртасида бирлик йўқ. Бу ҳол баъзи формаларнинг майл ва замон категорияларидан қайси бирига алоқадорлигини аниқлаш масаласида, ҳатто, айнан бир тил доирасида ҳар хилликлар келиб чиқишига сабаб бўлган. Тилшуносларнинг бир группаси баъзи формаларни у ёки бу белгисига кўра майл категориясига киритсалар, бошқалари шу формаларни бошқа хусусиятларига асосланиб, замон формаси сифатида қарайдилар.

---

[10] H. Vámbéry. Čagataische Sprachstudien, Leipzig, 1867; C. Brockelmann. Osttürkische Grammatik der islamischen Litteratur-Sprachen Mittelasiens, Leiden, 1954; А. М. Щербак. Грамматика староузбекского языка, М. -Л., 1962.

[11] Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси бўйича олий ўқув юртлари учун нашр этилган қўлланмада ҳам эски ўзбек тилида истеъмолда бўлган майл ва замон формалари ҳақида шу хилда умумий маълумотлар берилган (Ғ. Абдураҳмонов, Ш. Шукуров. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Морфология ва синтаксис, Тошкент, 1973).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Масалан, ҳозирги ўзбек тилида -*(а)р* аффиксли *борарман* типидаги форма одатда аниқлик майли группасига киритилиб, «келаси замон гумон феъли» («будущее предположительное время») номи билан аталади. А. А. Коклянова эса бу форманинг аниқлик майли формалари группасига киритилишига ва келаси замон феъли сифатида қаралишига эътироз билдиради ва бу формани ҳозирги ўзбек тили учун «гумон майли» («особое предположительное наклонение») сифатида қараш мумкин, деган фикрни айтади. Автор ушбу форманинг ҳозирги ўзбек тилида гумон, тахмин каби маъноларни ифодалаш хусусиятига асосланиб шундай хулосага келган[12].

Ўзбек тилшунослигида одатда «ўтган замон давом феъли» деб аталувчи *олар эди* типидаги аналитик формани А. К. Боровков, А. А. Коклянова ва А. Ҳожиевлар омоформа сифатида қараб, замон маъносини ифодалашига кўра аниқлик майлининг ўтган замон феъли группасига киритадилар, қўшма гап таркибида келиб, рус тилидаги «сослагательное наклонение»га хос маънони ифодалашига кўра эса алоҳида майл турига ажратадилар[13]. Кейингисини А. К. Боровков ва А. А. Коклянова «сослагательное наклонение»[14], А. Ҳожиев «шартли майл»[15] номи билан атайди.

-*моқчи* аффиксли *олмоқчи* типидаги формани У. Турсунов, Ж. Мухторов, С. Усмонов ва Ж. Жўраевалар келаси замон феъли сифатида қарайдилар ва уни «келаси замон мақсад феъли» деб атайдилар[16]. А. Ҳожиев бу формани, юқорида айтилганидек, алоҳида майл тури сифатида қараш ва бу майлни «мақсад майли» номи билан аташ мувофиқ, деб қарайди[17]. Бошқа авторлар эса ушбу формани замон категориясига ҳам, майл категориясига ҳам киритмайдилар. Масалан, А. Н. Кононов бу формани «Формы глагола, выражающие модальные оттенки» бўлимига киритади ва

---

[12] А. А. Коклянова. Категория времени в современном узбекском языке, М., 1963, стр. 10—12, 60, 63.

К. М. Любимов ҳам бу формани ҳозирги турк тили учун аниқлик майлига киритиш тўғри бўлмаслиги ҳақида гапириб, уни алоҳида майл турига ажратиш ва бу майлни «неопределенный имперфект» номи билан аташ керак, деган фикрни айтади (К. М. Любимов. О настоящем-будущем времени в турецком языке, Сб. «Академику В. А. Гордлевскому к его 75-летию», М., 1953, стр. 167).

[13] А. А. Юлдашев бу формани бошқа туркий тиллар учун ҳам икки мустақил грамматик категорияни ташкил этувчи омоформа сифатида қарайди (А. А. Юлдашев. Аналитические формы глагола в тюркских языках, М., 1965, стр. 128, 251).

[14] А. К. Боровков. Краткий очерк грамматики узбекского языка. «Узбекско-русский словарь», М., 1959, стр. 709; А. А. Коклянова. Кўрсатилган асар, 95-бет.

[15] А. Ҳожиев. Феълнинг майл турлари ҳақида, 55—56-бетлар.

[16] У. Турсунов, Ж. Мухторов, Ш. Раҳматуллаев. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 76-бет; М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов. Ўзбек тили, 152-бет; Дж. Джураева (Мухиддинова). Категория будущего времени глагола в современном узбекском языке, АКД, Ташкент, 1961, стр. 13.

[17] А. Ҳожиев. -моқчи аффикси билан ясалган феъл формаси ҳақида, ЎзТА, 1966, 4-сон, 29-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

уни «модальность на *-моқчи»* номи билан атайди[18]. В. В. Решетов эса «отглагольные имена» («ҳаракат номи») группасига киритиб, «форма намерения» деб атайди[19].

Шарт ва буйруқ-истак майллари ва бу майлларни ифодаловчи формаларнинг замон категориясига муносабати масаласида ҳам ўзбек тилшунослигида ҳар хил қарашлар бор. Кўпчилик ишларда шарт майлида ҳам замон маъноси борлиги эътироф қилиниб, бу майл формалари замон нуқтаи назардан икки группага ажратилади (ҳозирги-келаси замон ва ўтган замон)[20]. Айрим ишларда эса бу майлда замон маъноси борлиги ёки йўқлиги ҳақида умуман гапирилмайди[21]. Баъзи ишларда, ҳатто, буйруқ-истак майлида ҳам замон маъноси бор деб тушунилади ва бу майл формалари келаси замон маъносини ифодаловчи воситалардан бири сифатида қаралади[22].

§ 4. Ўзбек тилшунослигида, шунингдек, бошқа туркий тилларга оид адабиётларда феълнинг майл ва замон категориялари бўйича бундай ҳар хил қарашларнинг пайдо бўлишидаги сабаблардан бири бу категориялар ўртасида формал жиҳатдан қатъий дифференциация йўқлигидадир. Биринчидан, бир вақтнинг ўзида майл ва замон маъноларини ифодалаш учун иккита аффикс қатор ишлатилмайди. Иккинчидан, бир форма, бир томондан, майл маъносини ифодалаш учун хизмат қилса, иккинчи томондан, иш-ҳаракатнинг замонга муносабатини кўрсатиши мумкин. Масалан, аниқлик майли туркумидаги феъллар иш-ҳаракатнинг қайси замонга муносабатини кўрсатиши жиҳатдан классификация қилинади. Шунингдек, *-са/-сэ* аффиксли *олса* типидаги форма, бир томондан, шарт майлини ташкил этса, иккинчи томондан, шу майлнинг ҳозирги-келаси замон маъносини ифодалайди. Шунинг учун ҳам бу форма шарт майлининг ҳозирги-келаси замон формаси ҳисобланади.

Туркий тиллар тарихида майл билан замон, майл билан майл ва замон билан замон ўртасида семантик жиҳатдан ҳам қатъий дифференциация бўлмаган[23].

---

[18] А. Н. Кононов. Грамматика современного узбекского литературного языка, стр. 278.

[19] В. В. Решетов. Основы фонетики и грамматики узбекского языка, Ташкент, 1965, стр. 202.

[20] А. Н. Кононов. Кўрсатилган асар, 232, 233-бетлар; В. В. Решетов, Кўрсатилган асар, 163, 168-бетлар; М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов. Кўрсатилган асар, 153 154-бетлар.

[21] У. Турсунов, Ж. Мухторов, Ш. Раҳматуллаев. Кўрсатилган асар, 84-бет.

[22] Дж. Джураева (Мухиддинова). Кўрсатилган асар, 11—12-бетлар.

[23] Бу ҳол айрим адабиётларда қайд қилинган: Н. А. Баскаков, Система спряжения или изменения слов по лицам в языках тюркской группы, ИСГТЯ, Часть II, стр. 281; Э. В. Севортян. Современное состояние и некоторые вопросы исторического изучения тюркских языков в СССР, «Вопросы методов изучения истории тюркских языков», Ашхабад, 1961, стр. 22; М. Ш. Рагимов. История формирования наклонений глагола в азербайджанском языке, АДД, Баку, 1966, стр. 12.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу ҳол, биринчи навбатда, аниқлик майлидаги келаси замон феъли билан бошқа майллар ўртасидаги ўзаро муносабат масаласига алоқадордир. Айрим формалар, бир томондан, аниқлик майлига алоқадор бўлиб, келаси замон феълини ташкил этган бўлса, иккинчи томондан, шу формалар бошқа майл маъносида ҳам актив истеъмолда бўлган. Масалан, қорлуқ ва қипчоқ группасидаги туркий тилларда, шу жумладан, ўзбек тилида *-ғай* аффиксли *алғай-мэн* типидаги форма маълум даврларгача аниқлик майлининг келаси замон формаси вазифасини бажариши билан бирга, истак, тилак, илтимос, маслаҳат, буйруқ, тахмин, фараз каби маъноларда ҳам актив қўлланган. Кейинчалик бу форманинг семантикаси чегаралана бошлаган ва, ниҳоят, ҳозирги туркий тилларнинг кўпчилигида асосан истак майли формаси сифатида шаклланган. Ўғуз группасидаги туркий тилларда *-а* аффиксли *алам* типидаги форма ҳам худди шундай семантик тараққиёт йўлини босиб ўтган[24], *-асы/-эси* аффиксли *аласы* типидаги форма ҳам ўғуз группасидаги туркий тилларда шу хилда кўп маъноли хусусиятга эга бўлган[25].

Иккинчидан, туркий тиллар тарихида *-са/-сэ* аффиксли ҳозирги-келаси замон шарт феъли шарт маъносидан ташқари истак, илтимос, маслаҳат, сабаб, мақсад, пайт, буйруқ каби маъноларда ҳам қўлланган. Ушбу форманинг бу хусусияти ҳозирги ўзбек ва бошқа кўпчилик тилларда ҳам асосан сақланган. Ўзбек ва бошқа кўпчилик тилларда буйруқ-истак майли формаларининг семантик жиҳатдан бир бутунликни ташкил этиши ҳам характерлидир.

Учинчидан, айрим туркий тиллар тарихида аниқлик майлининг ҳозирги ва келаси замон формалари ўртасида семантик дифференциация бўлмаган. Масалан, эски ўзбек тилида фақат ҳозирги замон маъносида қўлланувчи махсус формалар бўлмаган. *Ала-дур-мэн* ва *ала-мэн* типидаги формалар ҳозирги замон маъносидан ташқари келаси замон, «умумзамон» маъноларида ҳам қўлланган. *-(а)яп, -(а)ётир, -(а)ётиб* аффикслари билан ясалган *оляпман, олаётирман* ва *олаётибман* типидаги конкрет ҳозирги замон формаларининг қўлланиши XIX аср охирларидан бошлаб кузатилади. *-моқда* аффиксли *олмоқдаман* типидаги форма эса баъзи ёзма ёдгорликларда кузатилади, буларда ҳам саноқли ўринлардагина учрайди. *-р* аффиксли *алар-мэн* типидаги форма эски ўзбек тилида ҳозирги замон, келаси замон, «умумзамон» каби маъноларда қўлланган.

§ 5. Туркий тилларда феъл майллари ва замонлари ўртасида семантик ҳамда формал жиҳатдан қатъий дифференциация бўлмаслигининг маълум тарихий сабаблари бор. Гап шундаки, тур-

---

[24] М. Ш. Рагимов. Кўрсатилган асар, 49—60-бетлар; Э. А. Грунина. Форма времени на -а/-е по памятникам турецкого языка. «Тюркологический сборник. К шестидесятилетию Андрея Николаевича Кононова», М., 1966.
[25] М. Ш. Рагимов. Кўрсатилган асар, 87—96-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

кий тилларда феъл майллари ва замонлари генетик жиҳатдан бири иккинчиси билан ўзаро боғлиқ бўлган категорияларни ташкил этади, яъни бу категориялар тарихан бир хил манба асосида ривожланган, аниқроғи, майл формалари ҳам, замон формалари ҳам сифатдош формалари асосида шаклланган[26]. Бу ҳолни мавжуд тил фактлари тасдиқлайди.

Ҳозирги туркий тилларда у ёки бу замон, ёки майл группасига мансуб бўлган *алмыш, алған, алар//алур//алыр (алмас// алмаз//алмар), алыйор, алйар, алайатыр (алажатыр), алажак, аласы* ва бошқа айрим формаларнинг асоси сифатдош эканлиги маълум.

Тарихий тараққиёт процессида майл ва замон формаларининг айримларида сифатдошлик хусусияти сезилмаслик даражага келиб қолган, айримларида эса сифатдош белгиси бутунлай тушиб қолган. *Алдым* ва *алыбман* типидаги ўтган замон феъллари, *аламан* типидаги ҳозирги-келаси замон феъли, *алсам* типидаги ҳозирги-келаси замон шарт феъли, *алғайман* ва *алам* типидаги истак майли формалари, буйруқ-истак майлининг I шахс бирлик ва кўплик формалари шулар жумласидандир. Фактларнинг тарихий-қиёсий анализи бу формаларнинг ҳам сифатдош формалари асосида шаклланган эканлигини кўрсатади.

Масалан, *-ды* аффиксли *алдым* типидаги ўтган замон феълининг *-дуқ* аффиксли *алдуқ* типидаги сифатдош асосида шаклланганлиги кўпчилик туркологлар томонидан эътироф қилинган ва бу фикр маълум даражада далиллар билан исботланган. Ҳозирги-келаси замон феълининг *аламан* формаси дастлаб *ала* типидаги равишдошга *тур-* ҳолат феълининг ҳозирги-келаси замон сифатдош формаси *турур* қўшилиши билан ясалган (*ала турур мэн* [>*али дурур мэн*] >*аладур-мэн* [>*алады-мэн*] >*ала-мэн*>*аламан*). *Алыбман* типидаги ўтган замон феълининг келиб чиқиши ва тараққиётида ҳам худди шу процесслар юз берган (*алыб турур мэн* > *алыбтур-мэн* // *алыбдур-мэн* [ > *алыбту-мэн* // *алыбду-мэн*] >*алыб-мэн*>*алыб-ман*)[27]. Ҳозирги-келаси замон шарт феъли эса дастлаб истак маъносидаги *ал*[*ығ*]*са* типидаги формага ҳозирги-келаси замон сифатдошининг кўрсаткичи *-р* қўшилиши асосида шаклланган бўлиб, кейинчалик ундан *-ығ-* ва *-р* формантлари тушиб қолган (*алығса*+*р*>*ал*[*ығ*]*сар*>*алсар*>*алса*).

Буйруқ-истак майлининг I шахс бирлик формалари *алғай-мэн* типидаги формадан ривожланган (*алғай-мэн*>*алғайын*>*алайын*> *алай; алғай-мэн* > *алгайым* > *алайым* > *алыым* > *алым* > *алым*). *Алғай-мэн* типидаги форма ўз навбатида *алга-мэн* типидаги келаси замон феълидан ривожланган (*алға-мэн*>*алға*+*й*+*мэн*>*алғай-мэн*). *Алға-мэн* типидаги форма эса аслида *билгә* типидаги

[26] Н. А. Баскаков. Система спряжения или изменения слов по лицам в языках тюркской группы, стр. 280.

[27] Текшириш объекти бўлган формаларнинг келиб чиқиш манбаси, шаклланиш процесслари ва қонуниятлари ҳақида иш давомида ўрни билан тўхтаб ўтилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳозирги-келаси замон сифатдоши асосида ясалган. Истак майлининг *алам* типидаги формаси ҳам *алга-мэн* типидаги келаси замон феълидан келиб чиққан (Масалан: *алға-мэн>алғам>алам; алға-сэн>ала-сэн>аласан; алга>ала*). Буйруқ-истак майли I шахс кўплик формаларининг шаклланишида ҳам *билгэ* типидаги ҳозирги-келаси замон сифатдоши асос бўлган (Масалан: *алға+лы>алғалы+м>алалым; алга+лы>алгалы+ң>алалың [>алалығ]>алалық>алайлық>алайық*).

Шундай қилиб, ёзма ёдгорликлардаги ва ҳозирги туркий тиллардаги мавжуд фактларнинг кўрсатишича, феъл майллари ва замонларининг семантик ҳамда формал жиҳатдан дифференциацияланиши, феъл майлларининг мустақил грамматик категория сифатида шаклланиши туркий тиллар тараққиётининг кейинги даврларидан бошланган ва бу процесс айрим туркий тилларда ҳозир ҳам давом этмоқда[28].

Эски ўзбек тилида ҳам ҳозирги ўзбек ва бошқа кўпчилик туркий тиллардаги каби аниқлик майлида ҳар учала грамматик замон мавжуд, шарт майлида замон маъноси нисбий характерга эга, буйруқ-истак майлида эса грамматик замон йўқ. Буйруқ-истак формалари ҳали бажарилмаган ёки нутқ моментидан кейин бажарилиши мумкин бўлган иш-ҳаракатни кўрсатиши жиҳатдан келаси замонга ўхшайди. Лекин бу грамматик замон эмас.

## Шахс-сон формалари

§ 6. Феъл майллари ва замонларининг гапдаги вазифаси ва маънолари шахс-сон формалари орқали реаллашади. Ҳар бир майл ёки замон формаси ифодалаган иш-ҳаракат ўзининг конкрет бажарувчисига эга бўлади. Иш-ҳаракатнинг бажарувчиси бир ёки бир неча шахсдан иборат бўлиши мумкин.

Шахс-сон формалари иш-ҳаракатнинг бажарувчисини кўрсатишидан ташқари, қисман майл ва замон формаларининг маъносига ҳам таъсир этади. Масалан, *-мыш* аффиксли ўтган замон феълининг II ва III шахс формалари эшитилганлик, гумон, тахмин каби маъноларда ҳам қўлланади. Бу феълнинг I шахс формалари эса бундай маъноларга эга эмас. Ҳозирги-келаси замон шарт феълининг илтимос маъносида қўлланиши асосан II шахс формаларига хосдир. Бу жиҳатдан буйруқ-истак майли формалари ўртасидаги маъно фарқлари ҳам характерлидир, яъни I шахс формаларида истак маъноси, II шахс формаларида буйруқ маъноси биринчи ўринда туради, III шахс формалари учун эса истак маъноси ҳам, буйруқ маъноси ҳам баробар ўрин эгаллайди. Бундан ташқари, буйруқ-истак майлининг I шахс формалари сўзловчининг иш-ҳара-

---

[28] Н. А. Баскаков. Система спряжения или изменения слов по лицам в языках тюркской группы, стр. 281; М. Ш. Рагимов. К вопросу о формировании категории наклонения и её отношение к категории времени в азербайджанском языке, «Вопросы категорий времени и наклонения глагола в тюркских языках», Баку, 1968, стр. 118.



www.ziyouz.com kutubxonasi

катни бажаришга аҳд қилиши, қарор қилиши каби маъноларни ифодалаганда, аниқлик майлидаги келаси замон феълига ўхшайди. Шунингдек, эски ўзбек тилида баъзан (айрим ёдгорликларда) *-р* аффиксли ҳозирги-келаси замон феълининг I шахс формалари истак маъносида, II шахс формалари буйруқ маъносида қўлланиши ҳам учрайди.

§ 7. Эски ўзбек тилида ҳам ҳозирги ўзбек ва бошқа туркий тиллардаги каби феъл майллари ва замонларида шахс-сон формалари махсус аффикслар ёрдамида ясалган бўлиб, буларни формал жиҳатдан шартли равишда икки группага бўлиш мумкин[29]: 1) шахс-сон аффиксларининг тўла формалари; 2) шахс-сон аффиксларининг қисқарган формалари.

1. Шахс-сон аффиксларининг тўла формалари:

| Шахс | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| I шахс | *-мэн* | *-миз, -биз* |
| II шахс | *-сэн* | *-сиз (лэр)* |
| III шахс | ∅∅ | *-лар¦-лэр* |

2. Шахс-сон аффиксларининг қисқарган формалари:

| Шахс | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| I шахс | *-м* | *-қ¦-к (-уз¦-үз, -ыз¦-из)* |
| II шахс | *-ң* | *-ңыз¦-ңиз¦¦-ңуз¦-ңүз (лар¦лэр)* |
| III шахс | *(-сы¦-си)* | *-лар¦-лэр (-лары¦-лэри)* |

Эски ўзбек тилида бу аффиксларнинг қўлланиши қуйидагича бўлган.

1. Шахс-сон аффиксларининг тўла формалари қуйидаги феълларга қўшилган:

а) *-мыш* аффиксли ўтган замон феълига: *бармыш-мэн, бармыш-сэн, бармыш-миз (бармыш-биз), бармыш-сиз(лэр).*

б) *-ған* аффиксли ўтган замон феълига: *барған-мэн, барған-сэн* каби;

в) *-б* аффиксли равишдош асосида ясалган ўтган замон феълига: *барыб-мэн* (<*барыбтур-мэн*//*барыбдур-мэн*<*барыб турур мэн*), *барыб-сэн, барыб-миз (барыб-биз), барыб-сиз;*

г) *-а/-ә(-й)* аффиксли равишдош асосида ясалган ҳозирги (ҳозирги-келаси) замон феълига: *бара-мэн* (<*барадур-мэн*<*бара турур мэн*), *бара-сэн, бара-миз (бара-биз), бара-сиз;*

д) ҳозирги замон феълининг *-мақда/-мэкдә* аффиксли формасига: *бармақда-мэн, бармақда-сэн* каби;

---

[29] Буйруқ-истак майлида шахс-сон маъноларининг ифодаланиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, алоҳида группани ташкил этади (бу ҳақда авторнинг феъл майлларига бағишланган кейинги китобида гапирилади).



www.ziyouz.com kutubxonasi

е) *-р* аффиксли ҳозирги-келаси замон феълига: *барур-мэн, барур-сэн, барур-миз (барур-биз), барур-сиз;*

ж) *-ға, -ғай* аффиксли формаларга: *барға-мэн, барға-сэн, барға-миз (барға-биз), барға-сиз; барғай-мэн, барғай-сэн, барғай-миз (барғай-биз), барғай-сиз.*

2. Шахс-сон аффиксларининг қисқарган формалари қуйидаги феълларга қўшилган:

а) ўтган замон феълининг *-ды* аффиксли формасига: *бардым, бардың, бардуқ (бардук), бардыңыз(лар);*

б) ҳозирги-келаси замон шарт феълига: *барсам, барсаң, барсақ (барсәк), барсаңыз(лар);*

в) аниқлик майлидаги ўтган замон феълининг аналитик формаларига: *бармыш эрдим; барған эрдим; бардым эрди; барыб эрдим (<барыбдур эрдим<барыб турур эрдим), бара эрдим (<барадур эрдим<бара турур эрдим); барур эрдим (бармаз эрдим//бармас эрдим)* каби;

г) шарт майлининг аналитик формаларига: барсам *эрди//барса эрдим//барсам эрдим, бардым эрсә, бармыш эрсәм, барур эрсәм (бармаз эрсәм//бармас эрсәм)* каби;

г) *-ғу* аффиксли келаси замон феълига: *барғум(дур), барғуң(дур), барғумыз(дур), барғуңыз(дур).*

Шу билан бирга, айрим феълларга шахс-сон аффиксларининг иккала формаси қўшилиши ҳам кузатилади. Яъни:

1. Шахс-сон аффиксларининг тўла формаларини қабул қиладиган айрим феълларнинг I шахс бирлик ва кўплиги учун баъзан бу аффиксларнинг қисқарган формалари ҳам қўшилган. Қиёсланг:

*бармыш-мэн≈бармышим;*
*бармамыш-мэн≈бармышым йоқ;*
*бармаған-мэн≈барғаным йоқ;*
*барур-мэн≈барурам*[30]*;*
*барур-биз(-миз)≈баруруз* («Тафсир»да);
*бармаз-биз(-миз)≈бармазуз* («Тафсир»да).

2. XIII-XIV асрларга оид ёдгорликларда шахс-сон аффиксларининг қисқарган вариантларини қабул қиладиган феълларга бу аффиксларнинг тўла вариантлари ҳам қўшилган (ёки аксинча). Булар қуйидагилар:

а) ҳозирги-келаси замон шарт феъли. Қиёсланг:

*барсам≈барса-мэн;*
*барсаң≈барса-сэн;*
*барсақ≈барса-миз (барса-биз);*
*барсаңыз≈барса-сиз(ләр);*

б) *-ды* аффиксли ўтган замон феъли I шахс кўплигининг *-миз(-биз)* ёрдамида ясалган формаси билан бир қаторда *-қ/-к* аффикси билан ясалган формаси ҳам қўлланган. Қиёсланг:

---

[30] Бу феълнинг I шахс бирлигининг бўлишсиз формаси феъл негизига *-ман/-мән* ёки *-мам/-мәм* қўшилиши билан ҳам ясалган, яъни *бармас-мән* билан бир қаторда *барман* ёки *бармам* формаси ҳам қўлланган (Қар.: § 86).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*бардымыз (бардыбыз)≈бардуқ,*
*кэлдимиз (келдибиз)≈калдук.*

Юқорида қайд қилинганлардан кўриниб турибдики, шахс-сон аффиксларининг қисқарган формалари бўйича эски ўзбек тили билан ҳозирги ўзбек тили асосан ўхшаш бўлиб, тўла формалари бўйича баъзи фарқлар кузатилади. Бу фарқлар асосан I шахснинг бирлик ва кўплик формалари ҳамда II шахснинг бирлик формасига алоқадордир. Яъни:

1. Маълумки, I шахс кўплик аффикси ҳозирги ўзбек адабий тилида *-миз* тарзида [ы] унлоши билан келади. Эски ўзбек тилида эса бу аффикснинг [б] ундоши билан бошланган *-биз* формаси ҳам қўлланган. Қиёсланг: *барған-миз//барған-биз, бармыш-миз//бармыш-биз, барур-миз//барур-биз, бармас-миз//бармас-биз, барғай-миз//барғай-биз* каби.

2. I ва II шахс бирлик аффикслари ҳозирги ўзбек тилида [а] унлиси билан *-ман, -сан* формасида қўлланади. Эски ўзбек тилида эса [э] унлиси билан келган *-мэн, -сэн* формасига эга бўлган. Чунки ёзма ёдгорликларда бу аффикслар асосан ی (ёй) орқали مين، سين формасида ёзилган.

Эски ўзбек тилида I ва II шахс бирлик аффиксларининг тўла формалари фақат юмшоқ вариантга эга бўлиб (*-мэн, -сэн*), сингармонизм қонунига мослашмайди (I ва II шахс кўплик аффиксларининг тўла формалари *-миз(-биз), -сиз* ҳам, афтидан, фақат юмшоқ вариантга эга бўлган). Шунинг учун шахс-сон аффиксларининг тўла формалари қаттиқ ўзакли феълларда ҳам, юмшоқ ўзакли феълларда ҳам дефис орқали ёзиш мувофиқдир. Масалан: *бармыш-мэн//кэлмиш-мэн, бармыш-сэн//кэлмиш-сэн, бармыш-миз//кэлмиш-миз (бармыш-биз//кэлмиш-биз), бармыш-сиз//кэлмиш-сиз; барур-мэн//кэлүр-мэн, барур-сэн//кэлүр-сэн, барурмиз//кэлүр-миз (барур-биз//кэлүр-биз), барур-сиз//кэлүр-сиз* каби.

Юқорида айтилганлар I ва II шахсларнинг бирлик ва кўплик формаларига тегишлидир. Эски ўзбек тилида ҳам ҳозирги ўзбек ва бошқа кўпчилик туркий тиллардаги каби феъл майллари ва замонларининг I ва II шахс бирлик ва кўплиги учун тегишли аффикс қўшилиши шарт бўлган[31]. III шахс бирлиги эса эски ўзбек тилида ҳам нуль кўрсаткичли бўлган[32]. Ўтган замон феълининг III шахс бирлик формаси *алыбды* таркибидаги ва ҳозирги (ҳозирги-келаси) замон феълининг III шахс бирлик формаси *ала-*

---

[31] Бу жиҳатдан ҳозирги салар тили ва сариғ уйғурлар тили алоҳида группани ташкил этади, яъни бу тилларда феъл майллари ва замонлари шахс-сон аффикслари билан тусланмайди. Бу маънолар эга вазифасида келган кишилик олмошлари орқали ифодаланади (Э. Р. Тенишев. Саларский язык, М., 1963, стр. 29; Э. Р. Тенишев, Б. Х. Тодаева. Язык желтых уйгуров, М., 1966, стр. 25).

[32] Бу жиҳатдан *-ғу* аффиксли келаси замон формаси бошқа формалардан фарқланади, яъни бу форманинг III шахс бирлиги *-сы/-си* аффикси ёрдамида ясалади: *барғу+сы(дур), кэлгу+си(дур)* каби.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*ды* таркибидаги *-ды* форманти эса шу феълларни ясашда иштирок этган *турур* ҳолат феълининг қисқарган формасидир (Қар.: §§ 75, 77).

Ҳар бир майл ва ҳар бир замон формасига шахс-сон аффиксларининг қўшилишидаги ўзига хос хусусиятлари ҳақида иш давомида ўрни билан тўхтаб ўтилади.

**Фойдаланилган манбалар ҳақида**

§ 8. Эски ўзбек тилида, айниқса, XV асрдан бошлаб ҳар хил адабий жанрларга оид бўлган жуда кўп асарлар яратилганки, булар ўзбек адабий тилининг ташкил топишини, унинг тараққиёт процессларини ва қонуниятларини тасаввур қилишга, шунингдек, тарихий грамматика ва тарихий фонетика масалаларини илмий асосда ёритишга имкон беради.

Лекин бу асарлар ҳали лингвистик томондан жуда кам ўрганилган, буларнинг кўпчилиги бўйича илмий-танқидий текстлар яратилмаган, айримларининг эса, ҳатто, оммавий нашри ҳам амалга оширилган эмас. Бу ҳол ўзбек тили тарихи бўйича тадқиқот ишлари олиб боришда маълум қийинчиликлар туғдиради, албатта.

Бу соҳада қийинчилик туғдирадиган масалалардан яна бири XIII—XIV асрлар давомида Ўрта Осиё территориясида яратилган ёдгорликларнинг, айниқса, XIV аср давомида Олтин Ўрда территориясида яратилган асарларнинг ўзбек тилига муносабати масаласидир. Бу масала ҳозиргача мунозарали ҳолича қолиб келмоқда. Лекин бу масала адабий тил тарихи нуқтаи назардангина мунозарали, деб қаралиши керак. Бу ҳақда Б. А. Серебренниковнинг қуйидаги мулоҳазалари ўринлидир: «При исследовании истории языка нам представляется недопустимым смешение истории литературного языка и истории языка вообще... Материалом для истории литературного языка служат произведения писателей, основная ее задача проследить в историческом плане процесс образования литературного языка, воссоздать общую картину становления его норм и стилей. История литературного языка не затрагивает глубин истории. Последнюю задачу должна выполнить история языка вообще, в задачу которой входит изучение истории звуков, форм и синтаксического строя данного языка»[33]. «Лингвист, занимающийся историей языка вообще, может использовать письменный памятник независимо от факта установления его принадлежности к конкретному тюркскому языку. Лингвист, занимающийся историей литературного языка, не может использовать данный памятник, не установив его конкретной языковой принадлежности»[34].

[33] Б. А. Серебренников. Методы изучения истории языков, применяемые в индоевропеистике и в тюркологии. Сб. «Вопросы методов изучения истории тюркских языков», Ашхабад, 1961, стр. 61.

[34] Ўша тўплам, 213-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шу принципга асосланиб, XIII—XIV асрлар давомида Ўрта Осиё ва Олтин Ўрда территорияларида яратилган асарларнинг ўзбек тилига қанчалик алоқадорлигидан қатъи назар, ишимизда бу манбаларнинг тил фактларидан ҳам тўла фойдаландик. Булар «Тафсир»», «Қисасул анбиё», «Ўғузнома», «Муҳаббатнома», «Хисрав ва Ширин», «Гулистон бит туркий», «Наҳжул фародис» асарларидир.

Ишнинг текшириш объекти бўлган манбаларнинг асосий қисмини XV—XIX асрларга оид ёдгорликлар ташкил этади. Булар Лутфий, Отойи, Саккокий, Юсуф Амирий, Аҳмадий, Мир Ҳайдар, Хожандий, Яқиний, Навоий, Бобир, Ҳувайдо, Муқимий, Фурқат каби ўзбек классик адабиёти намоёндаларининг шеърий ва прозаик асарлари ҳамда «Шажараи тарокима», «Шажараи турк», «Фирдавсул иқбол», «Шайбонийнома», «Бобирнома» каби тарихий ва тарихий-мемуар асарлар, шунингдек, «Тўтинома» каби форс тилидан эски ўзбек тилига таржима қилинган асарлардир.

Маълумки, XX асрнинг биринчи чораги, айниқса, 1920—30 йиллар ўзбек тили тараққиёти тарихида жуда мураккаб ва алоҳида даврни ташкил этади. Шунинг учун бу даврга оид бўлган ҳар хил жанрлардаги асарларнинг тил фактларига ҳам алоҳида эътибор берилди (бу асарлар ҳақида «Шартли қисқартмалар» бўлимига қаралсин).

Булардан ташқари, ишда ўрхун-енисей ёдгорликлари ва қадимги уйғур тилига оид текстлар ҳамда XI аср ёдгорликлари — «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк» материалларидан ҳам қиёс учун фойдаланилди. Ушбу манбаларни шартли равишда «Қадимги туркий ёдгорликлар» деган умумий ном билан атадик[35]. Шу билан бирга, бу манбаларнинг ҳар бирига хос хусусиятлар ўрни билан алоҳида қайд қилиб борилди. XII аср ёдгорлиги «Ҳибатул ҳақойиқ»ни ҳам шартли равишда шу группага киритдик.

Ишда текшириш объекти бўлган ўзбек тили ёзма ёдгорликларининг бир қисми илмий-танқидий текстлар асосида фойдаланилди. Илмий-танқидий тексти яратилмаган асарлар эса қўлёзма нусхалар асосида фойдаланилди (текширилган манбалар ҳақида «Шартли қисқартмалар» бўлимига қаралсин).

### Транскрипция ҳақида

§ 9. Эски ўзбек тилига оид текстларни транскрипция қилишнинг ягона принцип нормалари ишланган эмас. Натижада бу соҳада тадқиқотчилар ўртасида ҳозирга қадар ҳар хилликлар давом этиб келмоқда. Шунинг учун ҳам ишимизда фойдаланилган транскрипцион белгилар ва баъзи транскрипцион принциплар ҳақида изоҳ бериб ўтишга зарурат туғилди.

[35] Ушбу манбаларда феъл майллари ва замонлари масаласи бўйича автор махсус кузатиш олиб борган ва кузатиш натижалари эълон қилинган (Ш. Шукуров. Феъл тарихидан. Қадимги туркий ёдгорликлар тилида майл ва замон формалари, Тошкент, 1970).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ишда эски ўзбек тилига оид текстларни транскрипция қилиш учун қуйидаги белгилардан фойдаланилди:

Унлилар учун

*а* — тил орқа, лабланмаган, кенг унли.
*ә* — тил олди, лабланмаган, кенг унли.
*э* — тил олди, лабланмаган, кенг унли.
*и* — тил олди, лабланмаган, тор унли.
*ы* — тил орқа, лабланмаган, тор унли.
*о* — тил орқа, лабланган, ўрта-кенг унли.
*ө* — тил олди, лабланган, ўрта-кенг унли.
*у* — тил орқа, лабланган, тор унли.
ү — тил олди, лабланган, тор унли.
*ā* — арабча сўзлардаги тил ўрта, чўзиқ [а] унлиси ва форсча-тожикча сўзлардаги тил орқа, лабланган, чўзиқ [о] унлиси учун қўлланди (Мас., *кāтиб, қāдир, āфтāб, дāнā*).

Арабча сўзлардаги тил ўрта, қисқа [а] унлиси ва форсча-тожикча сўзлардаги тил олди, қисқа [ä] унлиси эса [а] орқали берилди (Мас.: *амал, қалам, шаҳр//шаҳар, сафар*).

Ундошлар учун

*ң* — портловчи, бурун товуши, сонор — ڭ (Мас.: *мың, мэң, кэң*).
*җ* — тил ўрта, жарангли, аффрикат ундош — ج (Мас.: *җуда, ганҗ*).
*ж* — тил олди, жарангли, сирғалувчи ундош — ژ (Мас.: *аждар, мужда, ажун*).

Бошқа ундошлар учун ҳозирги ўзбек алфавитида мавжуд бўлган қуйидаги белгилар ишлатилди: *б, в, г, д, з, й, к, л, м, н, п, р, с, т, ф, х, ч, ш, ъ, қ, ғ, ҳ*.

Изоҳ: 1. Техник сабабларга кўра, тил олди, жарангли, аффрикат ذ ундоши ва [ф] билан [в] орасидаги ڤ ундоши учун махсус белги олинмади. Булар учун одатдаги [з], [в] белгилари ишлатилди (Мас.: اذاق — *азақ*, کیذن — *кэзин*, ایڤ≈اڤ — *эв*, سوڤ≈سڤ — *сув*).

2. Араб ва форс сўзларида ишлатиладиган ث (се), ص (сод), ض (зод), ط (то), ظ (зо), ذ (зол) ундошлари учун одатдаги [с], [з], [т] белгилари қўлланди.

Маълумки, қадимги ёдгорликлар бўйича ҳар хил ноширлар томонидан эълон қилинган текстларда транскрипцион ҳар хилликлар мавжуд. Бирликни сақлаш мақсадида бу текстлардан олинган мисолларнинг ёзилишини ишда қабул қилинган транскрипцион белгилар орқали берилди. Лекин бунда ҳар бир нашир-



www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг орфографик принциплари сақланди. Қипчоқ ва ўғуз группасидаги туркий тилларнинг қадимги даврларига оид бўлган «Кодекс куманикус», «Аттуҳфатуз закияту филуғатит туркия», «Китоби Дада Қўрқут» каби ёдгорликлардан келтирилган мисолларнинг транскрипциясида ҳам шу принципга асосланилди.

Ҳозирги ўзбек адабий тили ва ўзбек шеваларидан, шунингдек, бошқа туркий тиллардан келтирилган мисолларнинг ёзилиши ўзгаришсиз берилди.

1920—30 йиллар ўзбек тилига оид манбалардан келтирилган мисоллар эса маълум сабабларга кўра ҳозирги ўзбек ёзуви асосида берилди.

**§ 10.** Эски ўзбек тилида айрим аффикслар, баъзи боғловчи ва юкламалар сингармонистик вариантларга эга бўлмаган. Шунинг учун буларни сўзлардан дефис орқали ажратиб ёзиш мувофиқдир. Булар асосан қуйидагилар:

1. Шахс-сон аффиксларининг I ва II шахс бирлик ва кўплик формалари (тўла формалар). Мас.: *барадур-мэн, барадур-сэн, барадур-миз (барадур-биз), барадур-сиз; келәдүр-мэн, кәләдүр-сэн, келәдүр-миз (кәләдүр-биз), кәләдүр-сиз.*

2. Ухшатиш, қиёслаш каби маъноларни ифодаловчи *-дэк* (*-тэк*) аффикси. Мас.: *сув-дек (сув-тэк), йэгү-дэк (йэгү-тэк), аның-дэк (аның-тэк), мэниң-дэк (мэниң-тэк).*

3. Юкламалар:

а) *-оқ* (*-өк*) юкламаси. Узбек тилида XV асрдан бошлаб бу юклама қаттиқ ўзакли сўзларга ҳам, юмшоқ ўзакли сўзларга ҳам асосан орқа қатор *-оқ* вариантида қўшилган. Мас.: *андағ-оқ, сэн-оқ, биз-оқ, бирлә-оқ;*

б) *-му* юкламаси. Мас.: *ач-му, бар-му, билүр-му, мэн-му, сэн-му;*

в) *-ла* юкламаси. Мас.: *аладур-ла, кэләдүр-ла, болды-ла, әйләдиң-ла;*

г) *-чы/-чи, -да/-дә* юкламалари ҳам дефис орқали ёзилди. Мас.: *барсаң-чы, кэлсәң-чи, барса-да, кэлсә-дә.*

4. *-у*(*-йу, -ву*) боғловчиси. Мас.: *ақл-у хуш, пари-йу малак, җафā-ву зулм.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЎТГАН ЗАМОН

§ 11. Эски ўзбек тилидагина эмас, ҳозирги ўзбек тили бўйича ҳам ўтган замон феълига оид айрим масалалар етарли ёритилган эмас, баъзи масалалар аниқлик киритишни талаб қилади.

Масалан, ўтган замон феъли формаларининг миқдорини белгилашда ўзбек тилшунослари ўртасида бирлик йўқ. В. В. Решетов ва А. А. Кокляновалар ҳозирги ўзбек тилидаги ўтган замон феълининг қуйидаги олтита формасини кўрсатадилар: 1. *-ди* (олдим); 2. *-ган* (олганман); 3. *-(и)б* (олибман); 4. *-ган эди* (олган эдим); 5. *-(и)б эди* (олиб эдим); 6. *-(а)р эди* (олар эдим)[1]. Бу формалар биринчи марта Е. Д. Поливанов томонидан қайд қилинган эди. Лекин Е. Д. Поливанов *олганман, олган эдим* типидаги формаларнинг иккаласини «историческое прошедшее» номи билан бир группага бирлаштириб, *олганим бор* типидаги формани мустақил форма сифатида изоҳлаган[2]. А. Ғ. Ғуломов, У. Турсунов ва Ж. Мухторовлар юқоридаги олтита формани асосга олганлари ҳолда тўлиқсиз феълнинг *экан, эмиш* формалари иштирокида ҳосил бўлган *олган экан, олган эмиш, олар экан, олар эмиш* типидаги бирикмаларни ҳам ўтган замон феъли сифатида қарайдилар[3]. Бу формалар қаторига С. Усмонов *олаётган эди, олмоқда эди, олмоқчи эди, оладиган эди* типидаги формаларни[4], Ж. Жўраева эса *олаётиб эди, олаётир эди* типидаги формаларни ҳам қўшади[5].

---

[1] В. В. Решетов. Основы фонетики и грамматики узбекского языка, Ташкент, 1965, стр. 141—154; А. А. Коклянова. Категория времени в современном узбекском языке, М., 1963, стр. 74, 80, 85, 89, 93, 94.

[2] Е. Д. Поливанов. Введение в изучение узбекского языка, Ташкент, 1926.

[3] А. Ғ. Ғуломов. Феъл, Тошкент, 1954, 27, 30-бетлар; У. Турсунов, Ж. Мухторов, Ш. Раҳматуллаев. Ҳозирги ўзбек адабий тили, Тошкент, 1960, 79—80-бетлар.

[4] М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов. Ўзбек тили, Тошкент, 1966, 147—150-бетлар.

[5] Ҳозирги ўзбек адабий тили, I. Фонетика, лексикология, морфология, Тошкент, 1966, 287—292-бетлар (Бу асарнинг «Феъл замонлари» қисмини Ж. Жўраева ёзган).



www.ziyouz.com kutubxonasi

А. Ҳ. Сулаймонов тўлиқсиз феъл ёрдамида ясалган формаларнигина эмас, *балки турли феъл формаларига бўлмоқ феъли қў*шилиши билан ҳосил бўлган бирикмаларни ҳам, ҳатто *-иб олди* (ўтириб олди, тушиб олди, ташлаб олди, ичиб олди), *-ай деб қолди* (учай деб қолди, очай-очай деб қолди), *-(а)й деди* (табриклаб қўяй деди, юборай деди) каби бирикмаларни ҳам ўтган замон феъли формаси сифатида қарайди[6]. Автор замон формаларини турли модал маъноларни ифодаловчи формалар ва бирикмалар билан қориштириб юборган, бу формаларга берилган изоҳларнинг кўпчилиги чалкаш, ўринсиз ва субъектив характерга эга.

А. Н. Кононовнинг кўрсатишича, ҳозирги ўзбек тилида ўтган замон феълининг тўққизта формаси мавжуд бўлиб, булардан учтаси содда (простые), олтитаси мураккаб (сложные) формалардир: 1. *-ди* (ёздим); 2. *-ган* (ёзганман); 3. *-(и)б* (ёзибман); 4. *-ган+эди* (ёзган эдим); 5. *-(и)б+эди* (ёзиб эдим); 6. *-(а)р+эди* (ёзар эдим); 7. *-а/-й+ётган+эди* (ёзаётган эдим); 8. *-(а) ётир+эди* (ёзаётир эдим); 9. *-моқда+эди* (ёзмоқда эдим)[7] Демак, Е. Д. Поливанов, В. В. Решетов, А. Л. Кокляновалар кўрсатган олтита формага А. Н. Кононовда кейинги учтаси (7, 8, 9) қўшилган[8]. А. Ҳожиев ҳам ҳозирги ўзбек тилидаги ўтган замон феъли формаларига бағишланган мақоласида[9] тўққизта формани кўрсатган. Лекин А. Ҳожиев ўтган замон феълининг мураккаб (аналитик) формалари группасига *ёзаётиб эдим* типидаги формани ҳам қўшиб, А. Н. Кононовдаги *ёзаётир эдим* (8) типидаги формани кўрсатмаган.

Агар *ёзаётиб эдим* типидаги формани ҳам ҳисобга олсак, ўтган замон феъли формаларининг сони ўнтага етади. Ҳақиқатан ҳам ҳозирги ўзбек тилидаги аниқлик майлининг ўтган замон феъли мана шу ўнта формани ўз ичига олади.

Тўлиқсиз феълнинг *экан, эмиш* формалари иштирокида ҳосил бўлган *олган экан, олган эмиш, олар экан, олар эмиш* типидаги формаларни, А. Н. Кононов «Формы глагола, выражающие модальные оттенки» сарлавҳаси остида берган[10]. Ҳақиқатан ҳам тўлиқсиз феълнинг *экан, эмиш* формалари асосий феъл маъносига турли модаль оттенкаларини бериш учун хизмат қилиб, замон нуқтаи назаридан янги форма ясамайди. *Олмоқчи эдим, оладиган*

---

[6] А. Ҳ. Сулаймонов, А. Ҳ. Ҳожиев, Ж. Жўраева. Феъл замонлари, Тошкент, 1952, 3—38-бетлар.

[7] А. Н. Кононов. Грамматика современного узбекского литературного языка, М.—Л., 1960, стр. 215—228.

[8] Булардан 7-пунктдаги *-а/-й+ётган+эди* (ёзаётган эдим) формаси «Определенный имперфект» сарлавҳаси остида берилиб, 8-пунктдаги *-(а)ётир+эди* (ёзаётир эдим) формаси ҳам олдингисининг синоними сифатида шу жойда кўрсатилган (А. Н. Кононов. Кўрсатилган асар, 227—228-бетлар).

[9] А. Ҳожиев. Феълнинг ўтган замон формалари, ЎзТА, 1969, 2-сон.

[10] А. Н. Кононов. Кўрсатилган асар, 272—280-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*эдим*[11] типидаги формаларни эса айрим истиснолар билангина аниқлик майлининг ўтган замон формалари группасига киритиш мумкин. Чунки *-моқчи* (олмоқчи), *-а/-й+диган* (оладиган) аффиксли формаларга тўлиқсиз феълнинг *эди* формаси қўшилиши билан замон нуқтаи назаридан янги форма ҳосил бўлса ҳам, бу формаларда *-моқчи*, *-а/-й+диган* аффиксли формаларга хос бўлган модаллик маънолари сақланади.

Ҳозирги ўзбек тилидаги ўтган замон феъли бобида аниқлик киритилиши зарур бўлган яна бир қатор масалалар бор. Булардан бири ўтган замон феъли формаларининг ҳар хил номлар билан аталишидир. Масалан, А. Ғ. Ғуломов *-ган* аффиксли формани «тарихий ўтган замон феъли», *-ган+эди* формасини «узоқ ўтган замон феъли», *-(и)б+эди* формасини «ўтган замон ҳикоя феъли» деб атаса[12], У. Турсунов ва Ж. Мухторовлар *-ган* аффиксли формани «аниқ ўтган замон формаси», *-ган+эди* ва *-(и)б+эди* формаларининг иккаласини «ўтган замон ҳикоя формаси» деб атайдилар[13]. Бошқа авторларда ҳам шунга ўхшаш ҳар хилликлар мавжуд. Иккинчидан, ўтган замон феълининг баъзи формаларига берилган номлар ва изоҳлар бу формаларнинг характерига тўғри келмайди. Масалан, *-ган+эди* формаси кўпчилик авторларда «узоқ ўтган замон феъли» («давнопрошедшее время») номи билан аталиб, бу форма нутқ моментидан анча илгари бажарилган иш-ҳаракатни кўрсатади, деб изоҳланади. Аслида, ҳеч қандай замон формаси ўз ҳолича иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги узоқ ёки яқинликни кўрсата олмайди, чунки бу тушунчалар грамматик категория эмас. Бу маънолар умумий контекст орқали ёки пайт маъносидаги сўзлар ёрдамида аниқланиши мумкин. *-ган+эди* формасининг характерли хусусияти нисбий замонни кўрсатишдир, яъни бу форма ифодалаган иш-ҳаракат кўпинча нутқ моменти билан бевосита эмас, балки билвосита, яъни бошқа иш-ҳаракат орқали боғланади (бу ҳақда ўз ўрнида гапирилади). Учинчидан, ҳозирги ўзбек тилида (эски ўзбек тилида ҳам) *-ган+эди* ва *-(и)-б+эди* формалари ўртасида маъно жиҳатидан ҳам, қўлланишда ҳам деярли фарқ йўқ. У. Турсунов ва Ж. Мухторовлар шу ҳолатни ҳисобга олиб, бу формаларнинг иккаласини бир хил ном билан атаганлар[14]. Лекин буларни «ўтган замон ҳикоя формаси» деб аташ ва «нутқ моментига нисбатан анча илгари бажарилган ҳаракатни билдиради», деб изоҳлаш тўғри бўлмайди. А. Ғ. Ғуломов бу формаларнинг маъно жиҳатдан бир-бирига анча яқин эканлигини уқдирган ҳолда, *-ган+эди* формасини, юқорида айтилганидек, «узоқ ўтган замон феъли», *-(и)б+эди* фор-

---

[11] Бу формалар эски ўзбек тили учун хос бўлмаган, биз фойдаланган манбаларда қайд қилинмади.

[12] А. Ғ. Ғуломов. Феъл, 25—27-бетлар.

[13] У. Турсунов, Ж. Мухторов, Ш. Раҳматуллаев. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 78—79-бетлар.

[14] Ўша асар, 78—79-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

масини «ўтган замон ҳикоя феъли» номи билан атайди[15]. А. Н. Кононов *-ган+эди* формасини «давнопрошедшее время», *-(и)б+эди* формасини «предпрошедшее время» номи билан атаб, биринчиси узоқ ўтган замон, иккинчиси яқин ўтган замон маъносини ифодалайди, деб тушунтиради[16]. Ҳозирги ўзбек тилида *-ган+эди* ва *-(и)б+эди* формалари ўртасидаги асосий фарқ шундаки, биринчиси адабий тил нормаси учун характерли бўлиб, иккинчиси асосан оғзаки нутқда қўлланади (қар.: § 50).

Аниқлик майлининг ўтган замон формалари эски ўзбек тилида яна ҳам мураккаб ва ҳар хил бўлиб, биз бу формаларнинг ҳар бирини махсус ном билан атамадик.

Эски ўзбек тилида истеъмолда бўлган ўтган замон формалари ҳам тузилишига кўра икки группага бўлинади: 1. Ўтган замон феълининг содда формалари; 2. Ўтган замон феълининг мураккаб (аналитик) формалари.

## ЎТГАН ЗАМОН ФЕЪЛИНИНГ СОДДА ФОРМАЛАРИ

§ 12. Эски ўзбек тилида ўтган замон феълининг *-ды* аффиксли формасидан ташқари *-мыш, -дуқ, -ған* аффиксли сифатдошлар ва *-б* аффиксли равишдош асосида ҳосил бўлган содда формалари истеъмолда бўлган. Бу формалар ифодалаган маъноларига кўра икки группага ажралади: 1. *-ды, -дуқ* аффиксли формалар; 2. *-мыш, -ған, -б* аффиксли формалар.

### *-ды* аффиксли форма

§ 13. Ўтган замон феълини ясовчи *-ды* аффикси эски ўзбек тилида ҳам қадимги туркий ёдгорликлар тилидаги ва ҳозирги сингармонизмли туркий тиллардаги каби жарангли *-ды/-ди* ва жарангсиз *-ты/-ти* вариантларига эга бўлиб, булардан қайси бирининг ишлатилиши ҳар бир тилнинг ўзига хос фонетик қонуниятлари ва шу аффиксни қабул қилган феълнинг характери билан боғлиқдир. Эски ўзбек тилида *-ды* аффиксининг жарангли ва жарангсиз вариантларда ишлатилиши бобида қадимги ёдгорликлар билан ўхшаш томонлар бўлиши билан бирга маълум фарқлар ҳам бор.

Бу масалада қадимги ёдгорликлар ўртасида ҳам ўзаро фарқлар мавжуд бўлиб, бу манбаларни мазкур масала бўйича шартли равишда уч группага бўлиш мумкин: 1. Ўрхун-енисей ёдгорликлари; 2. XI аср ёдгорликлари — «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк» асарлари; 3. Қадимги уйғур тилига оид текстлар. Шу билан бирга, ҳар бир группага оид манбалар ўртасида ҳам жузъий фарқлар бор.

---

[15] А. Ғ. Ғуломов. Феъл, 26—27-бетлар.

[16] А. Н. Кононов. Грамматика современного узбекского литературного языка, стр. 222—225.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Урхун-енисей ёдгорликларида *-ды* аффиксининг жарангли ва жарангсиз вариантларда ишлатилиши қуйидагича бўлган:

Урхун текстларида, жумладан, «Култегин» ва «Тонюқуқ» ёдномаларида [л], [р], [н] сонор товушлари билан тугаган феълларга жарангсиз *-ты/-ти* вариантлари қўшилган: *қалты, кəлти; урты, көрти* (лекин: *барды); сақынты, өтүнти* каби. Бошқа ўринларда эса жарангли *-ды/-ди* вариантлари қўшилган: *басды, тутды, сүлəтди, қачды, суңушды, сөзлəшди, ичикди, тəгди, буздьı* (лекин: *бəдизти), йайды, сүлəди, битиди, йорыды* каби.

Енисей текстларида[17] ҳам асосан шу хилда бўлиб, баъзан бу тартибнинг бузилиш ҳоллари ҳам кузатилади. Яъни [л], [р], [н] сонорлари билан тугаган айрим феълларга жарангли *-ды/-ди* вариантлари ҳам қўшила берган. Масалан: *адырылты//адырылды, өлти//өлди, өлүрти//өлүрди, əрти//əрди, қазғанты//қазғанды* каби. Ҳатто, бир текстнинг ўзида *адырыл-* феълига икки марта жарангсиз *-ты* (*адырылты*), бир марта жарангли *-ды* (*адырылды*) вариантда қўшилиши ҳам қайд қилинди[18]. Енисей текстларида мавжуд бўлган бу ҳодисага С. Е. Малов ҳам алоҳида эътибор берган ва бу ҳол шу ёдгорликлар тилида қандайдир диалектал хусусиятнинг акс этишидир, деган фикрни айтган[19].

Шу билан бирга, ўрхун текстларида фақат жарангли *-ды/-ди* вариантлари қўшиладиган феълларнинг айримларига енисей текстларида жарангсиз *-ты/-ти* вариантлари қўшилиши ҳам кузатилади: *қачды//қачты, кəтди//кəтти, тикди//тикти, уғады//уғаты* каби.

Енисей текстларида учрайдиган бундай хусусиятлар С. Е. Маловнинг «Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии»[20] китобида берилган текстларда ҳам кузатилади. Қиёсланг: *болты* (16, 27, 35, 72-бетлар) — *болды* (75, 76-бетлар), *эрти* (8, 9, 16-бетлар) — *эрди* (80—83-бетлар), *бартыг* (53-бет) — *бардымыз* (45-бет), *сүлəтим* (8, 45-бетлар) — *сүлəдим* (16-бет), *тоқытдым* (9-бет) — *тоқыттым* (19-бет).

2. XI аср ёдгорликлари — «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк» асарларида жарангсиз ундош билан тугаган феълларга *-ды* аффиксининг жарангсиз *-ты/-ти* вариантлари қўшилган: *бақты, төкти, тапты, кəсти, сатты, кəтти, ачты, кəчти, йарышты, түшти* каби. Жарангли ундош ва унли билан тугаган феълларга эса жарангли *-ды/-ди* вариантлари қўшилган: *сабды, тəгди, абыдды, чыжды, чөжди, қазды, кəзди, айды, қалды, кəлди, тамды, чөмди, сынды, көнди, əнди, туғды, қувды, сəвди, алдады, ундəди, ағруды, андыды,*

---

[17] Бу ўринда проф. С. Е. Маловнинг «Енисейская письменность тюрков» (М.—Л., 1952) китобида берилган текстлар назарда тутилади.

[18] Қаранг: С. Е. Малов. Енисейская письменность тюрков, М.—Л., 1952, стр. 80.

[19] Ўша асар, 13-бет.

[20] С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии, М.—Л., 1959.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*эвдиди* каби. Лекин жарангли ذ — з ундоши билан тугаган феъллар бундан мустасно. Иккала асарда ҳам бундай феълларга (булар асосан бир бўғинли феъллардир) *-ды* аффиксининг жарангсиз *-ты/-ти* вариантлари қўшилган: ҚБ — *қузты, йазты, ызты;* МК — *бузты, тозты, тызты, сузты, қазты, қозты, кэзти, ызты, кузти.* «Девону луғотит турк»нинг III томида[21] бу типдаги феъллар ذ — з билан ёзилгани ҳолда, II томида *тытты, сутты, сытты, қатты, кэтти* шаклида ت — *т* билан ёзилган. Маҳмуд Кошғарийнинг изоҳлашича, бу феълларнинг негизи аслида *тыт-, сут-, сыт-, қат-, кэт-* эмас, балки *тыз-, суз-, сыз-, қаз-, кэз-* шаклида бўлиб, буларга ўтган замон феълининг аффикси *-ты/-ти* қўшилгач, феъл таркибидаги ذ — *з* ассимиляцияга учраб ت — *т* ундошига айланган (*тыз+ты>тытты* каби)[22].

Шу билан бирга, *-ды* аффиксининг жарангли ва жарангсиз вариантларда ишлатилиши бўйича бу асарлар ўртасида айрим фарқлар ҳам кузатилади: «Қутадғу билиг»да жарангсиз ундош билан тугаган феълларга систематик равишда жарангсиз *-ты/-ти* вариантлари қўшилган бўлса, «Девону луғотит турк»да бундай феълларга жарангли *-ды/-ди* вариантлари қўшилиши ҳам учрайди. Қиёсланг: *сөкти//чөкди, қақты//тақды, сачты//қачды, кэчти//ичди, қачышты//қочушды, тикишти//тэгишди.*

XI аср тилида ўтган замон феъли аффиксининг жарангсиз *-ты/-ти* вариантларида ишлатилиш ҳоллари ва бунинг сабаблари ҳақида Маҳмуд Кошғарий алоҳида уқдириб ўтган. Унинг айтишича, бу аффикс аслида жарангли *-ды//-ди* формасида бўлиб, жарангсиз ундош билан тугаган феълларга қўшилганда, нутқнинг ёқимли бўлиши учун унинг таркибидаги [д] ни [т] га алмаштирилиб, *-ты/-ти* формасида ишлатилган (талаффуз қилинган)[23].

Шундай қилиб, ўтган замон феълини ясовчи *-ды* аффиксининг жарангли ва жарангсиз вариантларда ишлатилиши бўйича ўрхун-енисей ёдгорликлари билан XI аср ёдгорликлари — «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк» асарлари ўртасида катта фарқ бўлган: ўрхун-енисей ёдгорликларида бу аффикснинг жарангсиз *-ты/-ти* вариантлари асосан [л], [р], [н] сонорлари билан тугаган феълларга қўшилиб, бошқа ўринларда жарангли *-ды/-ди* вариантлари қўшилган бўлса, «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк» асарларида жарангсиз *-ты/-ти* вариантлари жарангсиз ундош билан тугаган феълларга қўшилиб, бошқа ўринларда асосан жарангли *-ды/-ди* вариантлари қўшилган.

3. Қадимги уйғур ёзувида [д] ва [т] ундошлари бир хил белги билан ифодаланганлиги сабабли уйғур тилига оид текстларда *-ды*

---

[21] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. III том, Тошкент, 1963, 443—445-бетлар.
[22] Ўша асар, II том, 337—342-бетлар.
[23] Ўша асар, II том, 12, 41—42-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

аффиксининг жарангли ва жарангсиз вариантларда ишлатилиш ўринлари ва қонуниятларини аниқлаш қийин.

Ёзма ёдгорликларнинг кўрсатишича, ўтган замон феълини ясовчи *-ды* аффиксининг жарангли ва жарангсиз вариантларда ишлатилиши бўйича эски ўзбек тилида ҳам асосан «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк» асарларидаги қонуниятлар амалда бўлган. Яъни жарангсиз ундош билан тугаган феълларга асосан жарангсиз -ты/-ти вариантлари қўшилган: *экти, қорқты, тапты, өпти, айтты, эшитти, басты, кэсти, ачты, ичти, урушты, кирушти* каби (лекин баъзан: *қорқды, тапды, айтды, эшитди, қачды, ичди, урушды*). Бошқа ўринларда жарангли *-ды/-ди* вариантлари қўшилган: *сэвди, тэгди, туғды, қазды, көргузди, айды, куйди, алды, өлди, йанды, өртәнди, сорды, бэрди, башлады, сөзләди, оқыды, битиди* каби.

Эски ўзбек тилида ўтган замон феъли аффиксининг жарангли ва жарангсиз вариантларда ишлатилиш қонуниятлари бўйича Мирза Меҳдихон махсус кузатиш олиб борган. Унинг кўрсатишича, жарангсиз [т] ундоши билан тугаган феълларга бу аффикснинг жарангсиз *-ты/-ти* вариантлари (*тут+ты*), жарангсиз [с], [ш], [п], [ч], [қ], [к] ундошлари билан тугаган феълларга жарангсиз *-ты/-ти* ёки жарангли *-ды/-ди* вариантлари (*төкти//төкди*), бошқа ўринларда эса жарангли *-ды/-ди* вариантлари қўшилган (*алды, йэди, дэди, урды*)[24]. Лекин бизнинг кузатишимизча, жарангсиз [т] ундоши билан тугаган феълларга жарангсиз вариантлари билан бир қаторда жарангли вариантлари ҳам қўшила берган (*айтты//айтды, йаратты//йаратды, эшитти//эшитди, унутти//унутди, кэтти//кэтди, битти//битди, этти//этди* каби). Бу ўринда шу нарсани ҳам ҳисобга олиш керакки, Мирза Меҳдихон бу масалани Навоий ва унинг замондошлари асарлари бўйича кузатган.

Ўтган замон феълини ясовчи *-ды* аффиксининг жарангли ва жарангсиз вариантларда ишлатилиши ҳақида юқорида айтилганлар ўз навбатида туркий тилларнинг тарихий фонетикаси учун маълум қимматга эга бўлган қуйидаги фикрни тасдиқлаши мумкин: туркий тиллар тараққиётининг қадимги даврларида икки жарангли ундошнинг ёки икки жарангсиз ундошнинг қатор келиши одатдаги ҳодиса бўлмаган (бу ўринда сўзнинг ўзак-негизи охиридаги ундош билан аффикс бошидаги ундошнинг қатор келиши назарда тутиляпти). Кейинчалик ундошлар уйғунлиги юзага келиб, икки жарангли ундошнинг ёки икки жарангсиз ундошнинг қатор келиши мумкин бўлган. Бу ҳодиса, биринчи навбатда, ундош билан тугаган сўзларга ундош билан бошланувчи аффиксларнинг қўшилишига тааллуқли бўлиб, ўтган замон феъли аффиксининг жарангли ва жарангсиз вариантларда ишлатилиши мисолида ҳам акс этган.

Маълумки, ҳозирги ўзбек ёзув адабий тилида ўтган замон феълининг бу аффикси феъл негизининг қандай бўлишидан қатъи на-

---

[24] Қаранг: А. М. Щербак. Грамматика староузбекского языка, М.—Л., 1962, стр. 165.

зар *-ди* формасида ёзилиб (*экди, чиқди, топди, айтди, босди, очди, эшитди* каби), оғзаки нутқда жарангли ва жарангсиз вариантларда *талаффуз* қилинади. Сингармонизм қонуни амалда бўлган ҳозирги туркий тилларда (ёзма нутқда ҳам, оғзаки нутқда ҳам) бу аффикс жарангли ва жарангсиз вариантларда қўлланади. Масалан, қозоқ тилида: *-ды/-ді, -ты/-ті* (*жазды, көрді, айтты, кетті*).

§ 14. Ўтган замон феълини ясовчи *-ды* аффиксининг этимологияси масаласи ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб, яъни О. Бетлингдан тортиб ҳозирги кунгача турколог олимлар диққатини жалб қилиб келмоқда. Бу давр ичида мазкур масала бўйича ҳар хил тахмин ва фаразлар айтилди. Бу ҳақда махсус ишлар ҳам эълон қилинди[25]. Ушбу масала бўйича айтилган тахмин ва фаразлар кўпчиликка маълум ва булар шу масалага бағишланган адабиётларда батафсил анализ қилинган. Шунинг учун бу ўринда шу нарсани эслатиб ўтиш билангина чегараланамизки, мазкур масала бўйича қанчалик изланишлар бўлишига қарамасдан ҳозиргача кўпчилик туркологлар томонидан эътироф қилинган ижобий натижага эришилгани йўқ. Ушбу масалага кейинги йилларда ҳам тадқиқотчиларнинг[26] яна мурожаат қилаётгани ва янги изланишлар давом этаётгани бунинг далилидир.

§ *15. -ды аффиксли ўтган замон феълининг шахс-сон аффикслари билан тусланишт*.

I шахс бирлиги қадимги ёдгорликлар тилида ҳам, эски ўзбек тилида ҳам ҳозирги ўзбек ва бошқа туркий тиллардаги каби *-м* аффикси билан ясалган: *алды+м, бэрди+м* каби.

I шахс кўплиги *-мыз/-миз* ёки *-қ/-к* аффикслари ёрдамида ясалган:

1) *-мыз/-миз* аффикси билан ясалган *бардымыз* типидаги форма[27] XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларда, масалан, «*Тафсир*» ва «*Қисасул анбиё*»да ҳам анча кенг истеъмолда бўлиб, кейинги даврларга оид манбаларда учрамайди. Ҳозир бу форма ўзбек тилининг Тошкент ва Қарши шеваларида баъзи фонетик ўзгачаликлар билан қўлланади[28] (Тош.: *кўрдуз, кўрдувзэ;* Қар-

---

[25] А. Н. Кононов. Происхождение прошедшего категорического времени в тюркских языках, Сб. «Тюркологический сборник», I, М.—Л., 1951; Н. А. Баскаков. Причастие на *-ды/-ты* в тюркских языках, «Труды Московского института востоковедения», № 6, 1951; П. И. Кузнецов. Происхождение прошедшего времени на *-ды* и имен действия в тюркских языках, Сб. «Тюрко-монгольское языкознание и фольклористика», М., 1960.

[26] Бу ҳақда фикр юритилган кейинги адабиётлардан А. М. Шчербак, Е. Чарыяров, Е. И. Коркина ишларини кўрсатиш мумкин (А. М. Щербак. Грамматический очерк языка тюркских текстов X—XIII вв. из Восточного Туркестана, М.—Л., 1962, стр. 150; Б. Чарыяров. Времена глагола в тюркских языках юго-западной группы, АДД, Ашхабад, 1970, стр. 44—46; Е. И. Коркина. Наклонения глагола в якутском языке, М., 1970, стр. 65—70).

[27] Урхун-енисей ёдгорликларида, қадимги уйғур тилига оид текстларда ва «Девону луғотит турк»да фақат шу форма қўлланган.

[28] Я. Г. Гулямов. Грамматика ташкентского говора, Ташкент, 1968, стр. 112; А. Шерматов. Қарши шевасининг баъзи морфологик хусусиятлари, ЎзДМ, II том, 196-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ш н: *йэздувуз, бэшладувуз*), шунингдек, Сибирь ва Олтойдаг кўпчилик туркий тиллар учун ҳам характерли бўлиб, турли фонетик вариантларда ишлатилади. Масалан, тува, чулим: *алдывыз, келдивис, уштувус, өстүвүс*[29]; олт, хакас, шўр: *бардыбыс, ойнадыбыс, шыктыбыз*[30];

2) *-қ/-к* аффикси билан ясалган *бардуқ (барды+қ), кэлдүк (кэлди+к)* типидаги форманинг ёзма ёдгорликларда акс этиши XIII—XIV асрлардан бошлаб кузатилади. Масалан, «Тафсир» ва «Қисасул анбиё»да *бардымыз* типидаги форма билан бир қаторда *бардуқ* типидаги форма ҳам қўлланган. Қиёсланг: Таф.— *йаа қылдымыз, эшитдимиз* (10б, 28а), *башладуқ, тавба қылдуқ* (14а 101а); Рабғ.— *булдымыз, эшиттимиз* (62б, 93б), *арза қылдуқ йүклэдүк, көрмэдүк* (60а).

Ёзма ёдгорликлардан маълум бўлишича, туркий тилларнинг кўпчилигида XIV асрдан бошлаб фақат *бардуқ* типидаги форма қўлланган. Масалан, «Хисрав ва Ширин», «Наҳжул Фародис» «Кодекс куманикус» каби XIV асрга оид ёдгорликларда фақат шу форма учрайди. Шу давр ёдгорлиги «Аттуҳфатуз закияту филлуғатит туркия» асарининг автори ҳам қипчоқларда шу форма қўлланганлигини қайд қилган[31]. Ҳозирги ўзбек ва кўпчилик туркий тилларда ҳам асосан шу форма қўлланади.

II шахс бирлиги туркий тилларнинг кўпчилигида *-ң* аффикси билан ясалади: *барды+ң, кэлди+ң* каби (ҳозирги ўзбек адабий тилида: *борди+нг, келди+нг*). Айрим туркий тилларда, асосан ўғуз группасидаги туркий тилларда бу аффикс *-н* формасида ишлатилади. Масалан, озарб, турк, гаг.: *барды+н* (бординг) *келди+н* (келдинг). Қарайим тилида эса *-н ва -й* формаларига эга: *алды+н//алды+й, келди+н//келди+й*[32].

Эски ўзбек тилида, шунингдек, қадимги ёдгорликлар тилида ҳам *-ң* аффиксли *бардың, кэлдиң* типидаги форма қўлланган Лекин «Култегин» ёдномасида бу ўринда *-ғ/-г* аффиксли *бардығ* (бординг), *кэлдиг* (келдинг) типидаги форма ишлатилган[33]: *Ан тағының учун игидмиш қағаныңын сабын алматын, йир сайу б а р д ы ғ, қоп анта а л қ ы н т ы ғ, а р ы л т ы ғ* (КТ, 28). *Сучиг сабыңа, йымшақ ағысыңа артурып үкүс, түрк будун,* ө л т и (КТ, 28).

---

[29] Ф. Г. Исхаков, А. А. Пальбах. Грамматика тувинского языка. Фонетика и морфология, М., 1961, стр. 365; А. П. Дульзон. Чулымско-тюркский язык, «Яз. нар. СССР», II, стр. 455.

[30] Н. А. Баскаков. Алтайский язык, «Яз. нар. СССР», II, стр. 51. В. Г. Карпов. Хакасский язык, «Яз. нар. СССР», II, стр. 437; Г. Ф. Бабушкин, Г. И. Донидзе. Шорский язык, «Яз. нар. СССР», II, стр. 475.

[31] Аттуҳфатуз закияту филлугатит туркия (Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов), Тошкент, 1968, 120-бет.

[32] К. М. Мусаев. Грамматика караимского языка. Фонетика и морфология, М., 1964, стр. 272.

[33] С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., 1951 стр. 46; 196; В. М. Насилов. Язык орхоно-енисейских памятников, М., 1960 стр. 61.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу форманинг XI асрда арғулар тилида қўлланганн ҳақида Маҳмуд Кошғарий маълумот берган (*бардығ* — «бординг», *сэн аны қачурдуғ* — «сен уни қочирдинг»)[34].

*-ды* аффиксли ўтган замон феълининг *-ғ/-г* аффикси билан ясалган *бардығ, кэлдиг* типидаги II шахс бирлик формаси бошқа манбаларда қайд қилинмади, ҳозирги туркий тилларнинг қайси бирида мавжудлиги ҳам маълум эмас.

II шахс кўплиги *-қыз/-қиз* ва *-қызлар//-қизлэр* аффикслари билан ясалади: *барды+қыз, кэлди+қиз; барды+қызлар, кэлди+қизлэр* каби.

Бу формаларнинг ишлатилишида туркий тиллар ўртасида маълум фарқлар бор. Бундай фарқлар қадимги ёдгорликлар ёзилган даврдан бошлабоқ кузатилади.

Масалан, ўрхун-енисей ёдгорликларида *бардықыз* типидаги форма қўлланган бўлиб, қадимги уйғур тилига оид текстларда *бардықызлар* типидаги форма ҳам истеъмолда бўлган.

«Девону луғотит турк»да *бардықыз* типидаги форма қайд қилинган. Маҳмуд Кошғарий бу форманинг қўлланишидаги диалектал фарқлар ҳақида ҳам маълумот берган. Унинг айтишича, бу формани ўғузлар кўплик маъносида қўллаганлари ҳолда, бошқа турклар бирликнинг ҳурмати маъносида қўллаганлар[35].

Эски ўзбек тилида *бардықыз* ва *бардықызлар* типидаги формаларнинг иккаласи ҳам истеъмолда бўлган. Лекин буларнинг қўлланишида маълум фарқлар кузатилади.

Ёзма ёдгорликларнинг кўрсатишича, эски ўзбек тилида асосан *бардықыз* типидаги форма қўлланган бўлиб, бу форма айрим ёдгорликларда II шахс бирлигининг ҳурмати маъносида ҳам ишлатилган. Мас.: *Бир āқл бэги бар эрди, ул айтды: пāдшāҳ, мунга Исфаҳāнның даруғалығыны* б э р д и қ и з... (Ш. тар., 25).

*Бардықызлар* типидаги форма эски ўзбек тилида кам истеъмолда бўлиб, айрим прозаик асарларда учрайди: *Анлардын нэчэ* қ а л д ы қ ы з л а р? (Таф,. 2а). *Ул йай ва оқны кэ, тапыб* к э л т у р д и қ и з л э р,.. (Ш. тар., 28).

Ҳозирги ўзбек адабий тилида бу феълнинг II шахс кўплиги учун асосан *бордингиз* (бардыцыз) типидаги форма қўлланади. Бу форма II шахс бирлигининг ҳурмати маъносида ҳам қўлланганлиги туфайли II шахс кўплиги учун *бординглар,* баъзан *бордингизлар* типидаги формалар ҳам ишлатилади. Оғзаки нутқда эса *бордиларинг* типидаги форма ҳам қўлланади[36].

Маълумки, ўзбек шеваларида *-ды* аффиксли ўтган замон феълининг II шахс кўплик формалари турли фонетик вариантларда қўлланади.

---

[34] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк, II том, 194-бет.

[35] Ўша асар, II том, 52-бет.

[36] А. Ғ. Ғуломов. Феъл, 23—24-бетлар; А. Н. Кононов. Грамматика современного узбекского литературного языка, стр. 215—216.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу феълнинг III шахс кўплиги эски ўзбек тилида ҳам ҳозирги ўзбек ва бошқа туркий тиллардаги каби *-лар/-ләр* кўплик аффикси ёрдамида ясалган (*барды+лар, кэлди+ләр* каби).

§ 16. Ўтган замон феъли *-ды* аффиксли формасининг шахс-сон аффикслари билан тусланиши билан боғлиқ бўлган яна бир масала л а б  г а р м о н и я с и, яъни охирги бўғинида лаб унлиси бўлган феълларга қўшилганда, *-ды* аффикси таркибидаги [ы], [и] унлиларининг [у], [ү] унлиларига ўтиши масаласидир. Бу процесс туркий тилларнинг ўзига хос фонетик қонуниятлари билан боғлиқ равишда ҳар хил туркий тилларда турли даражада акс этган.

Бу масалада қадимги ёдгорликлар ўртасида ҳам маълум фарқлар кузатилади:

1) Ўрхун-енисей ёдгорликларида [у], [ү] унлилари, умуман, унли товушлар кўпинча ёзувда акс этмаган[37]. Шунинг учун бу манбаларда ўтган замон феълининг *-ды* аффикси таркибида лаб гармониясининг қанчалик акс этганлиги ҳақида хулоса чиқариш қийин;

2) қадимги уйғур тилига оид текстларда I ва II шахсларнинг бирлик ва кўплик формаларида лаб гармониясига амал қилинган бўлиб, бу манбаларда лаб гармонияси, ҳатто, шахс-сон қўшимчаларида ҳам акс этган. Масалан. Олт. йор. — *көртүм, болтум, унтум, йитүрдүм//йитүрдим, қолундуң* (лекин: *олуртдың*), *кәлуртүмуз, кәлуртүңүзләр;* Хуаст. — *учтумыз, йонтумуз, өлүрдүмүз, болтумуз, йүкүнтүмүз, эксүттүмүз;*

3) XI аср ёдгорликлари — «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк» асарларида I ва II шахсларнинг бирлик формасидагина лаб гармонияси акс этган. Бунда ҳам иккала асар ўртасида маълум фарқлар бор. Яъни:

а) «Қутадгу билиг»да I ва II шахсларнинг бирлик формасида лаб гармониясига систематик равишда амал қилинган. Масалан: *болдум, болдуң, көрдүм, көрдүң, өтүндүм, өтүндүң;*

б) «Девону луғотит турк»да I ва II шахсларнинг бирлик формасида лаб гармонияси систематик характерга эга эмас. Қиёсланг: *көрдүм//көрдим, кәчүрдүм, қачурдум, узурдум, йузурдым, қавуштым.*

Ўтган замон феълини ясовчи *-ды* аффиксида лаб гармониясининг акс этиши масаласида эски ўзбек тилининг қадимги ёдгорликлар тили билан ўхшаш томонлари бўлиши билан бирга ўзига хос хусусиятлари ҳам бор.

Эски ўзбек тилида I шахс бирлик, II шахс бирлик ва кўплик формаларида, шунингдек, I шахснинг *-қ/-к* аффикси ёрдамида ясалган кўплик формасида лаб гармониясига асосан амал қилинган. Масалан: *болдум, болдуң, болдуқ, болдуңыз//болдуңуз* (лекин баъзан: *болдым, болдың, болдық, болдыңыз*). I шахс кўпли-

---

[37] И. А. Б а т м а н о в. Язык енисейских памятников древнетюркской письменности, Фрунзе, 1959, стр. 43.



www.ziyouz.com kutubxonasi

гининг *-мыз/-миз* аффикси билан ясалган формасида эса лаб гармонияси деярли акс этмаган. Масалан: *бутдимиз, унутдимиз, төруттимиз, кэлтурдимиз, булдымыз* (лекин баъзан: *булдумыз, қойдумыз*).

Ўтган замон феълини ясовчи *-ды* аффиксида лаб гармониясининг акс этиши масаласида эски ўзбек тили тараққиётини шартли равишда қуйидаги икки даврга бўлиш мумкин: 1) XV асрдан олдинги даврларда, масалан, «Тафсир» ва «Қисасул анбиё» асарларида *-ды* аффиксида лаб гармонияси акс этмаган ҳоллар ҳам кўп учрайди; 2) XV аср ва ундан кейинги даврларда бу аффиксда лаб гармониясига асосан амал қилинган.

Шу билан бирга, XV аср ва ундан кейинги даврларга оид ёдгорликларда қуйидаги ўзига хос ҳолатлар ҳам кузатилади:

а) *-ды* аффикси таркибида (охирги бўғинида) лаб унлиси бўлмаган феълларга қўшилганда ҳам I шахс кўплик формаси асосан лаб унлиси билан келган. Масалан: *айтдуқ, йаратдуқ, кэлдук, эшитдук*. Бу ҳол баъзан I ва II шахсларнинг бирлик формасида ҳам кузатилади. Қиёсланг: *айтдым//айтдум, эшиттим//эшиттүм, багладың//багладуң, кэлдиң//кэлдүң, билдиң//билдүң;*

б) I шахс кўплик формасида палатал гармониянинг бузилиш ҳоллари ҳам кузатилади, яъни қаттиқ ўзакли феълларга ҳам юмшоқ *-дук/-тук* вариантлари қўшилади. Бу ҳол «Бобирнома» тили учун характерли бўлиб, бошқа манбаларда кам учрайди. Масалан: باردوک *(бардук)*, جیقتوک *(чықтук)*, اتلاندوک *(атландук)*, بوللوق *(болдуқ)*≈ بولدوک *(болдук)*, قونلوق *(қондуқ)*≈ قونلوک *(қондук)*, قیللوق *(қылдуқ)*≈ قیلدوک *(қылдук)*, تابتوق *(таптуқ)*≈ تابلوک *(таптук)*, الدوق *(алдуқ)*≈ الدوک *(алдук)*, المادوق *(алмадуқ)*≈ المادوک *(алмадук)*. Бундай ҳодиса ҳозир уйғур тили учун характерлидир. Лекин уйғур тилида, аксинча, феъл ўзагининг қаттиқ ёки юмшоқ бўлишидан қатъи назар орқа қатор *-дуқ/-туқ* вариантларида қўшилади *(алдуқ, кэлдуқ, кэттуқ* каби)[38].

Ўтган замон феълини ясовчи *-ды* аффиксида лаб гармониясининг акс этиши одатда I ва II шахслар, яъни ёпиқ бўғинлар учун хос бўлган ҳодисадир. «Кодекс куманикус» асарида бу ҳодиса III шахс учун ҳам характерли бўлган (*көрдү, түштү, көтүрдү, өпту, қучту, төрүлдү, йүгүндү, көтүрдү йолуқту, буйурду, урду, өлдү//өлди, туттулар, сордулар, өлдүрдүләр//өлдүрдиләр, урдулар//урдылар*)[39]. Бу ҳол «Ўғузнома»да (*күлдү, йүрүдү*), «Қутад-

[38] Һазирқи заман уйғур тили, II қисм. Морфология ва синтаксис, Алмута, 1966, 234-бет.

[39] Мисоллар В. В. Радлов нашридан олинди (W. Radloff. Das türkischen Sprachmaterial des Codex Cumanicus, St.-Petersbourg, 1887).



www.ziyouz.com kutubxonasi

ғу билиг» (*өлду*), «Ҳибатул ҳақойиқ (*өлмәду*) асарларининг уйғур ёзувидаги нусхаларида ҳам кузатилади[40].

Ўтган замон феълини ясовчи *-ды* аффиксида лаб гармониясининг акс этиши ҳозир кўпчилик туркий тилларда, биринчи навбатда, сингармонизмли тилларда мавжуд. Айрим тилларда, масалан, туркман адабий тилида[41] бу ҳодиса таркибида лаб унлиси бўлган бир бўғинли феъллар билан чегараланади. Маълумки, ҳозирги ўзбек адабий тилида феъл ўзагининг қандай бўлишидан қатъи назар, бу аффикс *-ди* формасида қўшилади: *бордим, бординг, борди, бордик, бордингиз//бординглар//бордингизлар, бордилар* каби. Бу аффиксда лаб гармониясининг акс этиши «ж»ловчи ўзбек шеваларида мавжуд бўлиб, буларда ҳам спорадик характерга эга. Масалан: *туттум//туттым, туттунг//туттынг, тутту// тутты, туттуқ//туттық, туттунгуз//туттынгыз, тутту/ тутты*(лар)[42].

Ўтган замон феълини ясовчи *-ды* аффиксида лаб гармониясининг акс этиши ва бу ҳодисанинг туркий тилларда тарқалиш даражаси, унинг диалектал асослари ҳақида тарихий манбаларда баъзи маълумотлар берилган. Ибн Муҳаннанинг кўрсатишича, туркий тилларда бу ҳодиса диалектал характерга эгадир. Унинг айтишича, ўтган замон феъли таркибидаги унлини туркманлар касра билан талаффуз қилганлари ҳолда (*бардым, билдим, болдым, көрдим*), бошқа турклар олдинги бўғиндаги унлининг характерига қараб икки хил талаффуз қилганлар: а) агар олдинги бўғин касрали ёки фатхали бўлса, касра билан (*билдим, бардым*); б) агар олдинги бўғин даммали бўлса, дамма билан (*болдум, көрдум*) талаффуз қилганлар[43]. Шунга ўхшаш фикр Мирза Меҳдихоннинг «Мабониул луғат» грамматикасида ҳам қайд қилинган. Шу билан бирга, Мирза Меҳдихон «румий турклари» бу қоидага риоя қилмасликларини айтади, яъни улар олдинги бўғин касрали ёки даммали бўлса ҳам ўтган замон феъли аффикси таркибидаги унлини дамма билан талаффуз қилганлар (*билдум, бардум* каби)[44].

Ўтган замон феълини ясовчи *-ды* аффикси таркибидаги унлининг характери, унинг қандай талаффуз қилингани ва бу масалада туркий тиллар ўртасида фарқлар мавжудлиги ҳақида Маҳмуд

---

[40] А. М. Щербак. Грамматический очерк языка тюркских текстов X—XIII вв. из Восточного Туркестана, стр. 149; К. Махмудов. Фонетические и морфологические особенности языка «Хибатул хакаик», АКД, Ташкент, стр. 19.

[41] Б. Чарыяров. Времена глагола в тюркских языках юго-западной группы, стр. 48.

[42] Ш. Шоабдураҳмонов. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари, Тошкент, 1962, 165-бет.

[43] П. М. Мелиоранский. Араб-филолог о турецком языке, СПб., 1900, стр. XXX.

[44] The Mabâni 'l-bughat being a grammaire of the turki language in Persion by Mîrzâ Mehdi khân. Ed. E. Denison Ross, Calcutta, 1910, P. 64. Яна қаранг: А. М. Щербак. Грамматический очерк языка тюркских текстов X—XIII вв. из Восточного Туркестана, стр. 149.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кошғарий ҳам маълумот берган. Бу ҳақда у шундай ёзади: «Турклар د-д ҳарфини касра қилиб, بَرْدِمْ бардым дейдилар. Бу қоидага мувофиқдир. Уғуз ва бошқалар د-д ни фатҳа қилиб, بَرْدَمْ бардам дейдилар. Бу қоидага тескаридир. Лекин арғулар د-д ни ўтру (пиш) қилиб, بَرْدُمْ бардум, كَلْدُمْ кэлдум дейдилар... Бу қоидадан узоқдир»[45].

Демак, Маҳмуд Кошғарийнинг кўрсатишича, ўтган замон феъли аффикси таркибидаги унлининг ҳар хил талаффуз қилиниши XI аср тилида диалектал характерга эга бўлиб, бу ҳодисанинг унлилар гармониясига ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Шундай қилиб, ўтган замон феълини ясовчи *-ды* аффиксида лаб гармониясининг акс этиши туркий тиллар тарихида, шу жумладан, эски ўзбек тилида маълум қонуниятга эга бўлган систематик ҳодиса бўлмаган. Бу ҳол бир ўринда сингармонизм қонуни билан боғлиқ бўлган ҳодиса сифатида, бошқа ўринда диалектал характерга эга бўлган ҳодиса сифатида кўринади. Шунинг учун тарихий манбаларда ҳам бу ҳодиса, юқорида кўрганимиздек, турлича изоҳланган. А. М. Щербак ҳам бу ҳодисани махсус кузатиб, «разделение диалектных или языковых групп по характеру огласовки аффикса проследить довольно трудно», деган хулосага келган[46].

* *
*

Эски ўзбек тилида *-ды* аффиксли ўтган замон феълининг шахс-сон аффикслари билан тусланиш парадигмаси қуйидаги кўринишда бўлган:

Бирлик формалари

| | |
|---|---|
| I шахс | *алдым, кэлдим (кэлдум), көрдүм (көрдим)* |
| II шахс | *алдың, кэлдиң (кэлдүң), көрдүң (көрдиң)* |
| III шахс | *алды, кэлди, көрди* |

[45] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк, III том, 153-бет.
[46] А. М. Щербак. Грамматический очерк языка тюркских текстов X—XIII вв. из Восточного Туркестана, стр. 149.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўплик формалари

| | |
|---|---|
| I шахс | *алдуқ (алдук), кэлдук (кэлдик), кӧрдук (кӧрдик) (алдымыз, кэлдимиз, кӧрдимиз\|\|кӧрдумиз)* |
| II шахс | *алдыңыз, кэлдиңиз, кӧрдуңуз (кӧрдуңиз, кӧрдиңиз) алдыңызлар, кэлдиңизләр, кӧрдуңузләр (кӧрдуңизләр, кӧрдиңизләр)* |
| III шахс | *алды (лар), кэлди (ләр), кӧрди (ләр)* |

§ 17. *-ды* аффиксли ўтган замон феълининг маъноси. Бу форма иш-ҳаракатнинг аниқ бўлганлигини (ёки бўлмаганлигини), унинг бўлганлиги (ёки бўлмаганлиги) фактини кўрсатади: *Азиз Йусуфға бақты, айды: мэн сэни сатғын алдым,... оғул тутундым, мэңә мунуму қылдың?* (Рабғ., 55а). *Мусāны кэлтурдиләр, айдылар, биз жадуларны кэлтурдимиз тэб* (Таф., 30б). *Густāлығ йузидин бир нэчә сӧз битиб, қағаз башын йапуштуруб йыбарылды,.. қуллуқ арзадашт битилди* (Нав. Мнш., 11). *Адина куни ражаб айының сәккизидә фарз вақтыда қаравулдын хабар кэлди ким, ғаним йасаб кэләдур. Биз дағы жибаланыб ва йарағланыб атландук* (БН, 344).

*Барча элни суруган атланды,*
*Ата орнида болуб қатланды* (ШН, 197).

*Элчи бу сӧзләрниң барчасын айтды, Айна ынаныб кэлиб, Кӧл Эркини кӧрди, Кӧл Эрки тақы йуртыны тапшуруб, қайтыб ӧз йуртыға тушди* (Ш. тар., 47).

Ўтган замон феълининг *-ды* аффиксли формаси барча туркий тиллар учун умумий бўлиб, маъносида ҳам фарқ йўқ. Бу форманинг кўрсатилган маъноси туркий тилларда қадимдан шаклланган бўлиб, асрлар давомида ўзгаришсиз давом этиб келмоқда. Қадимги ёдгорликларда ҳам бу форма шу маънони ифодалаш учун хизмат қилган. Маҳмуд Кошғарий[47] ва бошқа авторлар ҳам бу форманинг маъносини шу хилда изоҳлаганлар. Ҳозирги ўзбек ва бошқа туркий тилларда ҳам асосан шу маънода қўлланади.

Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида бу форма баъзан стилистик томонлар билан боғлиқ ҳолда келаси замон ва бошқа маъноларда ҳам ишлатилади[48]. Шунга ўхшаш ҳоллар ёзма ёдгорликларда ҳам кузатилади: *Тэз ғамыңызны йэмәсәңиз, мусулмāнлықдын айрылыб, кāфир болдыңыз, тэди* (Ш. турк, 110).

*Шāҳā, бизгә назар қылсаң, нэ болды?*
*Гадāны муътабар қылсаң, нэ болды?* (Отойи, 60б).
*Аның зулфы, сӧзи ичрә мэниң қиссам узун болды,*
*Сабā, нэ болды, йэткурсэң аңа бу дāстāнымны*
(Сакк., 22а).

---

[47] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк, II том, 63-бет.
[48] А. Ғ. Ғуломов. Феъл, 24-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу мисолларда ўтган замон формасидаги *кāфир болдыңыз, нэ болды* феъллари шарт эргаш гапли қўшма гап таркибидаги бош гапнинг кесими вазифасида келган бўлиб, келаси замон маъносини ифодалайди, яъни бу феъллар «кофир бўласиз», «нима бўлади» маъносида қўлланган. Бундай ҳолларда келаси замон маъноси таъкидлаб кўрсатилган бўлади.

Қуйидаги мисолларда эса бу форма ҳар хил типдаги эргаш гапларнинг кесими вазифасида келган бўлиб, турли маъноларни ифодалайди:

1. *Бойуңны к ө р д и-й у сарви саҳи равāн кэчти,..*
*Қачан тэңизгэ киши т ү ш т и, шāдмāн кэчти*
(Сакк., 26б).

2. *Тā йүзүңнүң васфыны Лутфий б и т и д и, дафтары*
*Болды рангин-у насими гул кэлур аврāқдын*
(Лутф., 213б).

3. *Ким кэ бир шиддат ара сабр-у т а ҳ а м м у л э й л э д и,*
*Бахт аның нишини нош-у хāрыны гул эйлэди*
(Нав. МҚ, 80).

4. *Ҳар ким аларға й а в у ш т ы, хақдын йырақ түшти, ҳар ким алардын айру т ү ш т и, хақның йақынларыға йолуқушты* (Нав. МҚ, 158).

5. *Дост Муҳаммад Бақир андақ маст эди ким, Амин Муҳаммад тархан-у Мастий Чуҳра башлықлар ҳар нэчэ с аъ й қ ы л д ы л а р, атландуралмадылар* (БН, 317).

6. *Қайда ким у р д у қ қ а н а т, айрылмадуқ,*
*Ҳ а р н э а м р э т т и ң, тахаллуф қылмадуқ*
(Нав. ЛТ, 185).

Биринчи ва иккинчи мисолларда *көрди, түшти, битиди* феъллари пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келган бўлиб, «кўрганда», «тушганда», «битганда (ёзганда)» маъносини, учинчи ва тўртинчи мисолларда *таҳаммул эйлэди, йавушты, түшти* феъллари шарт эргаш гапнинг кесими вазифасида келган бўлиб, «таҳаммул айлаган бўлса», «ёвушган (яқинлашган) бўлса», «тушган бўлса» маъносини ифодалайди, бешинчи ва олтинчи мисолларда эса *саъй қылдылар, урдуқ қанат, ҳарнэ эттиң* феъллари тўсиқсиз эргаш гапнинг кесими вазифасида келган бўлиб, «ҳаракат қилсалар ҳам», «қанот урсак ҳам», «нима қилсанг ҳам» маъносини ифодалайди.

Ўтган замон феълининг бундай қўлланишида турли маъно оттенкалари мавжуд бўлади. Масалан, биринчи мисолдаги *көрди, түшти* феъллари пайт маъносини ифодалаши билан бирга, бош ва эргаш гаплардаги иш-ҳаракатнинг тез орада бирин-кетин юзага келганини ҳам кўрсатади.

*-ды* аффиксли ўтган замон феълининг қўлланишидаги бундай ҳоллар стилистик приёмлар билан боғлиқ бўлиб, маълум контекстдагина вужудга келади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

### *-дуқ* аффиксли форма

§ 18. *-дуқ* аффикси билан ясалган *бар+дуқ, кэл+дук* типидаги ўтган замон сифатдоши Ўрхун-енисей ёдгорликларида актив истеъмолда бўлиб, қадимги уйғур тилига оид текстларда, шунингдек, «Қутадғу билиг», «Девону луғотит турк», «Ҳибатул ҳақойиқ», «Тафсир», «Ўғузнома» каби XI—XIV асрларга оид ёдгорликларда ҳам қўлланган. Бу сифатдош маълум даврларга келиб кўпчилик туркий тилларда истеъмолдан чиққан. Масалан, ўзбек тилининг XV аср ва ундан кейинги даврларга оид ёдгорликларида қўлланмаган. Ҳозирги ўзбек ва бошқа кўпчилик туркий тилларда *-дуқ* аффикси *қолдиқ, ташландиқ, ҳордиқ* каби айрим сўзлар таркибида сақланган бўлиб, бу типдаги сўзлар ўзининг сифатдошлик хусусиятини йўқотган ва от туркумига ўтган. *-дуқ* аффиксли сифатдошнинг кенг қўлланиши ўғуз группасидаги туркий тилларда давом этган бўлиб, бу тилларда ҳозир ҳам турли фонетик вариантлар актив қўлланади[49].

Ёдгорликлар тилида *-дуқ* аффикси жарангли [д] ундоши билан бошланган *-дуқ/-дук* ва жарангсиз [т] ундоши билан бошланган *-туқ/-тук* вариантларида ишлатилган. Бу вариантларнинг ишлатилишида ҳам ўтган замон феълини ясовчи *-ды* аффиксининг жарангли *-ды/-ди* ва жарангсиз *-ты/ти* вариантларда ишлатилишидаги қонуниятлар амалда бўлган, яъни *-дуқ* аффиксининг жарангли ёки жарангсиз вариантларда ишлатилиши ҳам шу аффиксни қабул қилган феълнинг характерига, шунингдек, ёдгорликлар тилининг ўзига хос фонетик қонуниятларига боғлиқдир (Қар.: § 13).

Қадимги ёдгорликлар тилида *-дуқ* аффиксли сифатдошнинг грамматик функцияларидан бири предикатив позицияда келиб, ўтган замон феъли маъносини ифодалашдир[50]. Лекин унинг бундай қўлланиши бошқа функцияларига нисбатан анча чегараланган бўлиб, айрим манбаларда, масалан, «Култургин», «Моюн-Чур», «Онгин» ёдномаларида, «Ирқ битиг», «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк» асарларида, кейинги даврларга оид ёдгорликлардан эса «Тафсир»да кузатилади.

[49] А. Н. Кононов. Грамматика современного турецкого литературного языка, М.—Л., 1956, стр. 437—454; Һ. Мирзәзадә. Азәрбајҹан дилинин тарихи морфолокијасы, Бакы, 1962, сәһ. 279—281; Т. Дж. Дашчян. Глагольные имена на -дыг, -ажаг, -маг и -ма в современном азербайджанском языке, АКД, Баку, 1962, стр. 8—10; Л. А. Покровская. Грамматика гагаузского языка. Фонетика и морфология, М., 1964, стр. 238; В. Г. Алиев. Причастия в современном азербайджанском и узбекском языках, АКД, Ташкент, 1965, стр. 17—18

[50] *-дуқ* аффиксли сифатдошнинг қадимги ёдгорликлардаги грамматик маънолари, синтактик функциялари ва бу аффикснинг фонетик вариантлари ҳақида қаранг: В. Г. Кондратьев. Материалы к характеристике деепричастий и формы на -дуқ в языке памятников тюркской рунической письменности, «Уч. зап. ЛГУ» Серия востоковедческих наук, № 305, 1961, стр. 133—136; Ш. Шукуров. -дуқ формаси тарихидан, ЎзТА, 1965, 2-сон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

§ 19. Қадимги ёдгорликлар тилида *-дуқ* аффиксли ўтган замон феъли III шахс формасида қўлланган бўлиб, I ва II шахслар учун ҳам III шахс формаси ишлатила берган. Бунда шахссон маънолари контекст мазмунидан ёки эга вазифасида келган сўз орқали англашилади. Қиёсланг:

1. *Қаңыңа ис(иңә) әр кәлти, қарлуқ исиңә* *к ә л м ә д у к* (МЧур., 36).

2. *Оғлын, кишисин* *у т у з м а д у қ* *йана тоқузон бош қоң утмыш. Оғлы йутузы қоп өгирәр* (Ирқ бит., 82).

3. *Өзүң* *т а п л а м а д у қ* *бәрү кәлмәкиң,*
*Маңар тушмақың ҳам йүзүм көрмәкиң* (ҚБ, 142а).

4. *Инимә оғлыма анча өтләдим: қалйурут әлтәрәс қағанта* *а д ы р ы л м а д у қ,* *й а ң ы л м а д у қ,* *тәңри билгә қағанта адырилмалым, йаңылмалым, тийин, анча өтләдим* (Онг., 9).

Бу мисолларнинг биринчи ва иккинчисида *-дуқ* формасидаги *кәлмәдук, утузмадуқ* феъллари III шахс бирлиги маъносида ишлатилган (*кәлмәдук* — «келмади», *утузмадуқ* — «ютқазмади»), учинчи мисолдаги *тапламадуқ* феъли II шахс бирлиги маъносида ишлатилган бўлиб, бу маъно контекст мазмунидан ва *өзүң* олмоши ёрдамида англашилади (*өзүң тапламадуқ* — «ўзинг тиламадинг, истамадинг»), тўртинчи мисолдаги *адырылмадуқ, йаңылмадуқ* феълларининг эса I шахс кўплиги маъносида ишлатилганлиги контекст мазмунидан англашилиб турибди (*адырылмадуқ* — «ажралмадик», *йаңылмадуқ* — «янглишмадик»).

XI аср тилида *-дуқ* аффиксли ўтган замон феълининг қўлланиши, унинг шахс-сон аффиксларини қабул қилмаслиги ва бошқа хусусиятлари ҳақида Маҳмуд Кошғарий ҳам маълумот берган. Унинг кўрсатишича, ўғузлар ва қипчоқларнинг баъзилари (суворийлар) ўтган замон феълини ясовчи *-ды/-ди* аффикси ўрнида *-дуқ/-дук* аффиксини, яъни *барды, кәлди* ўрнида *бардуқ, кәлдук* формасини қўллаганлар. Бу форма ҳамма шахслар учун, шунингдек, бирлик ва кўплик учун ҳам ўзгаришсиз бир хил шаклда келган, яъни бу формага шахс-сон аффикслари қўшилмаган. Масалан: *Мән йа* *қ у р д у қ* («мен ёй қурдим» маъносида) *биз йа* *қ у р д у қ* (биз ёй қурдик), *ол йа* *қ у р д у қ* (у ёй қурди), *мән йармақ* *т ә р д у к* (мен танга тердим), *биз* *к ә л д у к* (биз келдик), *ол* *к ә л д у к* (у келди). Лекин ўғузларнинг кўпчилиги бу формани I шахс бирлиги учунгина, яъни *бардым* ўрнида *бардуқ, кәлдим* ўрнида *кәлдук* формасини қўллаганлар. Қолган ўринларда эса бошқа турклар каби *-ды* аффиксли формани қўллаганлар[51].

Демак, Маҳмуд Кошғарийнинг кўрсатишича, биринчидан, XI асрда *-дуқ* аффиксли ўтган замон феълининг қўлланиши ўғузлар ва айрим қипчоқлар (суворийлар) тили билан чегараланган, иккинчидан, бу форма маъно жиҳатдан ўтган замон феълининг

---

[51] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк, II том, 64—65-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*-ды* аффиксли формасидан фарқ қилмайди, учинчидан, мазкур формага ҳеч қандай шахс-сон аффикси қўшилмасдан, бу маъно эга вазифасида келган олмошлар орқали англашилади (*мән турдуқ* — «мен турдим», *биз турдуқ* — «биз турдик», *сән турдуқ* — «сен турдинг», *ул турдуқ* — «у турди» каби).

«Тафсир»да *-дуқ* аффиксли ўтган замон феъли I шахс кўплигининг *-миз* аффикси билан ясалиши, III шахс бирлигида *турур*, III шахс кўплиги учун эса *-лар/-ләр* кўплик аффикси қўшилиши ҳам учрайди:

1. *Қачан ким тәгди эрсә күн туғушынға, болды аны туғар бузун үзә,* *қ ы л м а д у қ-м и з* *анларға анда азын өртүк парда* (Таф., 7б).

2. *Ҳәч көз андағ* *к ө р м ә д ү к т у р у р л а р,* *ҳәч көңүл аныңтәк санмадуқ болур* (Таф., 67а).

3. *Улуғлуқы алтмыш йыллық йәр болғай... ҳәч* *т ә г м ә д ү к т у р у р* *мундын өң ӣдамийлар ва парилар* (Таф., 67б).

Мисолларнинг биринчисидаги *қылмадуқ-миз* феъли «қилмадик» маъносида, иккинчисидаги *көрмәдүк турурлар* «кўрмаганлар», учинчисидаги *тәгмәдүк турур «етмаган* (етмаганлар)» маъносида қўлланган.

§ 20. *-дуқ* аффиксли ўтган замон феълининг м а ъ н о с и д а қуйидаги икки ҳолат кузатилади:

Б и р и н ч и д а н, бу форма маъно жиҳатдан ўтган замон феълининг *-ды* аффиксли формасига ўхшайди, яъни иш-ҳаракатнинг аниқ бўлганлигини (ёки бўлмаганлигини), унинг бўлганлиги (ёки бўлмаганлиги) фактини кўрсатади: *Бүкәгүкә йәтдим. Кичә йаруқ батыр эрикли суңусдым... Бүкәгүкдә сәкиз оғуз тоқуз татар* *қ а л м а д у қ* (МЧур., 35). *Отағқа өпкаләб, сүгә сөзләмәдүк* (МК, III, 226). *Қачан ким тәгди эрсә күн туғышынға, болды аны туғар бузун үзә,* *қ ы л м а д у қ-м и з* *анларға анда азын өртүк парда* (Таф., 7б).

Мисоллардаги *қалмадуқ, сөзләмәдүк, қылмадуқ-миз* феъллари «қолмади», «сўзлашмади», «қилмадик» маъносида қўлланган.

И к к и н ч и д а н, *-дуқ* аффиксли форма маъно жиҳатдан ўтган замон феълининг *-мыш* аффиксли формасига ҳам яқин туради, яъни олдин бажарилган иш-ҳаракатнинг нутқ моментида мавжуд бўлган натижасини кўрсатади. *-дуқ* аффиксли форманинг бу маъноси асосан унинг *-мыш* аффиксли форма билан ёнма-ён қўлланганида кўринади. Қиёсланг: *Йағы болыб, итину* *й а р а т у н у* *у м а д у қ* *йана* *и ч и к м и с* (КТ, 29). *Улуг эб* *ө р т ә н м и ш,* *қатына тәги* *қ а л м а д у қ,* *бөкинә тәги* *қ о д м (а д) у қ,* — *тир* (Ирқ бит., 81). *Қазаш тәмиш* *қ а й м а д у қ,* *қазын тәмиш* *қ а й м ы ш* (МК, III, 263). *Мунда айтур «қылдым» тәб, валэкин* *қ ы л м а д у қ т у р у р* (Таф., 130а).

Бу мисолларда *-миш* аффиксли *ичикмис, өртәнмиш, қаймыш* феъллари билан *-дуқ* аффиксли *йаратуну умадуқ, қалмадуқ, қод(ма)дуқ, қаймадуқ, қылмадуқ турур* феъллари бир хил маънода қўлланган бўлиб, *-дуқ* аффиксли феъллар ўрнида *-миш* аффиксли



www.ziyouz.com kutubxonasi

феъллар ёки, аксинча, *-мыш* аффиксли феъллар ўрнида *-дуқ* аффиксли феъллар қўлланса, маънода ўзгариш бўлмайди.

Бу ўринда шу нарсани эслатиб ўтиш керакки, *-мыш* аффиксли ўтган замон феълининг бўлишсиз формада қўлланиши ўрхун-енисей ёдгорликларида ва «Девону луғотит турк»да учрамайди, қадимги уйғур тилига оид текстларда ва «Қутадғу билиг»да эса саноқли ўринлардагина кузатилади (Қар.: § 27). Агар «Девону луғотит турк»да келтирилган мисолларни ҳисобга олмасак, *-дуқ* аффиксли ўтган замон феъли ёдгорликларда фақат бўлишсиз формада[52] қўлланган. Бу ҳол ўз навбатида қуйидаги мулоҳазани айтишга асос бўлади: қадимги ёдгорликлар тилида *-мыш* аффиксли ўтган замон феълининг бўлишсиз формада қўлланиши характерли бўлмаганлиги сабабли бу феълнинг инкор маъносини ифодалаш учун *-дуқ* аффиксли ўтган замон феълининг бўлишсиз формасидан фойдаланилган бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, *-дуқ* аффиксли сифатдошнинг предикатив функцияда қўлланиб, ўтган замон феъли маъносини ифодалаши қадимги ёдгорликлар тили учун хос бўлиб, кейинги даврларда унинг бу функцияси истеъмолдан чиққан. *-дуқ* аффиксли сифатдошнинг бу функцияси ҳозир ўғуз группасидаги туркий тилларда ҳам сақланмаган.

Баъзи адабиётларда ҳозирги якут тилида тахмин, гумон маъносидаги ўтган замон феълини ясовчи *-тах, -таг(-дах)* аффикси ана шу *-дуқ* аффиксининг фонетик варианти (рефлекси) эканлиги таъкидланади[53]. Ҳозирги хакас тилидаги ўтган замон феълини ясовчи *-чых/-чік* ва ҳозирги қирғиз тилидаги *-чу/-чү* аффиксларининг тарихи ҳам *-дуқ* аффикси билан боғлиқ эканлиги адабиётларда қайд қилинган[54]. Н. А. Баскаковнинг кейинги йилларда эълон қилинган бир ишида[55] бу группага ҳозирги тува тилидаги ўтган замон феълини ясовчи *-чык/-чик (-чук/-чүк, -жык/-жик, -жук/-жүк)* аффикси ҳам қўшилган.

§ 21. *-дуқ* аффиксининг таркиби, этимологияси ҳақида баъзи мулоҳазалар айтилган[56]. Масалан, А. Қазем-Бек бу аффикс ўтган замон феълининг *-ды/-ди* аффиксига хослик, эгалик каби маъноларни ифодаловчи *-ғы/-ги* аффикси қўшилиши асоси-

---

[52] *-дуқ* аффиксли ўтган замон феълининг бўлишсиз формаси одатда *-ма/-мә* аффикси билан ясалган: *қалмадуқ, кәлмәдүк* каби. Шу билан бирга, «Тафсир»да бу форманинг (эгалик аффикси +) *йоқ* инкор сўзи ёрдамида ясалиши ҳам учрайди: *Тәгинмәдүк йинжулар-тәк кимәрсә көрдүки йоқ* (Таф., 68 б.).

[53] Г. И. Рамстедт. Введение в алтайское языкознание, М., 1957, стр. 139.

[54] Н. А. Баскаков и А. И. Инкижекова-Грекул. Хакасский язык, «Хакасско-русский словарь», М., 1953, стр. 458.

[55] Н. А. Баскаков. *Форма глагола на* -чык/-чик≈-чу/-чү в хакаском, тувинском и киргизском языках, Сб. «Вопросы тюркологии», Ташкент, 1965, стр., 9, 10.

[56] Бу масалага доир адабиётлар рўйхати А. Н. Кононовнинг «Грамматика современного узбекского литературного языка» (124-бет, § 138) китобида берилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

да шаклланган бўлса керак, деган фикрни айтган: «Склоняемое причастие на دك или на دق кажется, первоначально образуется из третьего лица прошедшего времени, последуемого كى или غى, означающего: который, которая»[57]. Г. И. Рамстедтнинг кўрсатишича, *-дуқ* аффикси *-д-, -т-* аффикси билан ясалган феълларга *-қ* қўшилиши натижасида ҳосил бўлган[58]. Н. А. Баскаков, аксинча, *-т* аффикси *-дыкъ* аффиксидан келиб чиққан, деган фикрни айтади[59]. А. Н. Кононов *-дуқ* ва *-ган* аффиксли сифатдош формаларнинг функционал ўхшашлигини ҳисобга олиб, *-дуқ* аффикси *турган* (<*тур+ган*) сўзи асосида шаклланган бўлиши керак, деган тахминни айтади $\left(\frac{t}{d}\text{urgan} > \frac{t}{d}\text{ıgan} > \frac{t}{d}\text{ıg} > \frac{t}{d}\text{ık}\right)$[60].

§ 22. Сифатдош ясовчи *-дуқ* аффикси билан *-ды* аффиксли ўтган замон феълининг *бардуқ (барды+қ)* типидаги I шахс кўплик формаси таркибидаги *-дуқ (-дық)* элементи ўртасида шаклан ўхшашлик бор. Лекин бу формаларнинг ҳар бири мустақил грамматик категорияни ташкил этади. Шу ўхшашликни ҳисобга олиб, баъзи авторлар бу формаларни тенглаштирадилар. Масалан, Г. И. Рамстедт ўтган замон феълининг I шахс кўплик формаси ана шу *-дуқ* аффиксли форманинг функционал ўзгариши натижасида юзага келган, яъни сифатдошнинг *-дуқ* аффикси таркибидаги [қ] ўтган замон феълининг I шахс кўплик кўрсаткичи сифатида қабул қилинган, кейинчалик бу [қ] бошқа парадигмаларда ҳам ўрин олган (Масалан, истак (?—Ш. Ш.) формаси *sa+q*, буйруқ формаси *-ajy+q*), деб тушунтиради[61]. Аслида, ўтган замон феълининг I шахс кўплик формасини ясовчи *-қ* аффиксининг сифатдош ясовчи *-дуқ* аффикси таркибидаги [қ] ундошига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Сифатдош ясовчи *-дуқ* қисмларга ажралмайдиган содда аффикс сифатида тасаввур қилиниб, унинг таркибидаги [қ] ундоши ўз мустақиллигини йўқотган. Ўтган замон феълининг I шахс кўплик формасидаги *-дуқ (-дық)* эса икки аффикснинг бирикувидан ташкил топган мураккаб аффиксдир: а) *-ды* — ўтган замон феъли кўрсаткичи; б) *-қ* — I шахс кўплик кўрсаткичи.

Маълумки, туркологик адабиётларда ўтган замон феълининг *-ды* аффикси сифатдош ясовчи *-дуқ(-дық)* аффиксидан ривожланган, деган фикр ҳам айтилган. Лекин бу бошқа масала бўлиб, унинг I шахс кўплик формасига алоқаси йўқ.

Ўтган замон феъли *-ды* аффиксининг этимологияси ҳақида фикр юритилган ишларда I шахс кўплик кўрсаткичи *-қ(-к)* тўғри-

---

[57] А. Казем-Бек. Общая грамматика турецко-татарского языка. Изд. 2-е, Казань, 1846, стр. 272.

[58] Г. И. Рамстедт. Введение в алтайское языкознание, стр. 139.

[59] Н. А. Баскаков. Каракалпакский язык, II. Фонетика и морфология, М., 1952, стр. 395, 397.

[60] Н. А. Кононов. Грамматика современного турецкого литературного языка, стр. 437—438.

[61] Г. И. Рамстедт. Введение в алтайское языкознание, стр. 139.



www.ziyouz.com kutubxonasi

сида ҳам маълум мулоҳазалар айтилган. Бу ишларда ўтган замон феълининг I шахс кўплик формасини ясовчи *-қ* аффикси тарихини, Г. И. Рамстедт тушунтирганидек, сифатдошнинг *-дуқ* аффикси таркибидаги [қ] ундошига эмас, балки бошқа манбага боғланади[62].

### *-мыш* аффиксли форма

§ 23. Бу аффикс ёзма ёдгорликларда *-мыш/-миш, -муш/-мүш* ва *-мыс/-мис* формаларида қўлланган. Булардан биринчиси [*-мыш/-миш*] асосий бўлиб, иккинчи [*-муш/-мүш*] ва учинчиси [*-мыс/-мис*] айрим манбалардагина учрайди.

*-мыш* аффиксининг турли формаларда ишлатилиши бўйича ёзма ёдгорликлар ўртасида фарқлар мавжуд бўлиб, бундай фарқлар, ҳатто, бир группага мансуб бўлган манбалар ўртасида ҳам кузатилади. Масалан, «Култегин» ёдномасида бу аффикс *-мыш/-миш* ва *-мыс/-мис* формаларида параллел ишлатилган бўлиб, «Тонюқуқ» ёдномасида *-мыс/-мис* формасида, енисей текстларида эса кўпинча *-мыс/-мис,* баъзан *-мыш/-миш* формасида ишлатилган.

Қадимги уйғур тилига оид текстларда ҳам шундай ҳолни кўрамиз. Масалан, «Ирқ битиг»да асосан *-мыш/-миш,* манихей текстларида (масалан, «Хуастуанифт»да) *-мыс/-мис,* «Олтин йоруқ»да эса иккала форма параллел ишлатилган.

XI—XII асрларга оид ёдгорликлар — «Қутадғу билиг», «Девону луғотит турк» ва «Ҳибатул ҳақойиқ» асарларида фақат *-мыш/-миш* формаси ишлатилган. Маҳмуд Кошғарий ҳам фақат шу формани кўрсатган[63].

Бу ўринда шу нарсани эслатиб ўтиш керакки, ўрхун-енисей ёдгорликларида ва қадимги уйғур тилига оид текстларда [ш] ва [с] ундошларининг алмашиниб келиши фақат *-мыш* аффикси учунгина тааллуқли бўлмай, балки бу ёдгорликлар тилига хос бўлган умумий ҳодисадир. Масалан, «Култегин» ёдномасида *киши, өкүш* каби сўзлар баъзан [с] билан *киси, өкүс* формасида, «Тонюқуқ» ёдномасида эса *киши, табышған, қабышыр* каби сўзлар фақат [с] билан *киси, табысған, қабысыр* формасида ёзилган.

Қадимги ёдгорликлар тилида *-мыш/-миш* ўрнида *-мыс/-мис* ишлатилиши, умуман, [ш] ундошининг [с] ундоши билан алмашиниб келиш ҳодисаси шу ёдгорликлар тилига бағишланган адабиётларда турлича изоҳланган. Тадқиқотчиларнинг бир группаси бу ҳодисани шу ёдгорликларнинг орфографик хусусияти сифатида қараса[64], бошқалари маҳаллий шева хусусиятининг, жонли сўз-

---

[62] Қаранг: А. Н. Кононов. Происхождение прошедшего категорического времени в тюркских языках, стр. 114—115, 118—119.

[63] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк, II том, 62-бет.

[64] W. Radloff. Die Alttürkische Inschriften der Mongolei. Noue Folge, SPb., 1897, S. 19; П. М. Мелиоранский. Памятник в честь Кюль-Тегина, СПб., 1899, стр. 33, 40.



www.ziyouz.com kutubxonasi

лашув тилининг ёзув адабий тилда акс этишидир, деган мулоҳазани айтадилар[65].

А. Габэн қадимги уйғур тилининг «н» диалектида *-мыш* аффиксининг [а], [ә] унлилари билан *-маш/-мәш* формасида, охирги бўғинида лаб унлиси бўлган феълларда эса [у], [ү] лаб унлилари билан *-муш/-мүш* формасида ишлатилган, деб маълумот берган[66]. Ҳақиқатан ҳам қадимги уйғур тилининг «н» диалектида сўз ясовчи, форма ясовчи, сўз ўзгартувчи аффикслар таркибидаги [ы], [и] тор унлиларининг [а], [ә] кенг унлилари билан алмашиниши маълум ҳодисадир. Масалан, *бардамаз* (бордик), *кәлтәмәз* (келдик), *ишләдәмәз* (ишладик), *қылтымаз* (қилдик); *болайан* (бўлайин), *уныталам* (унитайлик); *бәгнәң* (бекнинг), *кишинәң* (кишининг) *сизнәң* (сизнинг); *қанамаз* (хонимиз), *исәңәзән* (ишингизни); *бараn* (бориб), *кәләn* (келиб). Бу ҳақда шу манбалар тилига бағишланган адабиётларда қайд қилинган[67]. Шунга ўхшаш ҳодиса XI аср тилида ҳам мавжудлиги ҳақида Маҳмуд Кошғарий маълумот берган, яъни унинг айтишича, *-ды* аффиксли ўтган замон феълининг *бардым* типидаги I шахс бирлик формасини ўғуз ва бошқа айрим турклар *бардам* тарзида талаффуз қилганлар[68] (Қар.: § 16). Лекин А. Габэн *-мыш* аффиксининг *-маш/-мәш* ва *-муш/-мүш* формаларида ишлатилишига мисоллар келтирмаган. Авторнинг кўрсатилган китобида берилган текстларда ҳам бу ҳодисани учратмадик.

Эски ўзбек тилида бу аффикс *-мыш/-миш* формасида ишлатилган бўлиб, XIII—XIV асрларга, шунингдек, XIX асрга оид айрим манбаларда баъзан *-муш/-мүш* формасида ҳам учрайди, яъни бу манбаларда охирги бўғинида лаб унлиси бўлган феълларга қўшилганда, бу аффикс таркибидаги [ы], [и] унлиларининг [у], [ү] лаб унлиларига ўтиш ҳоллари ҳам кузатилади: بولموش- *болмуш//булмуш,* توشموش — *түшмүш,* كوترولموش- *көтрүлмүш* (Таф., 9б, 11б, 65а), *буйурмуш, болмуш* (ЎН, 43) *болмуш-мэн* (Муқ., 194), *дэмүшдүр* (Фурқ. II, 87).

§ 24. Ўзбек тилида *-мыш* аффиксли ўтган замон феъли кейинги даврларгача қўлланиб келган. Бу форма ўзбек миллий адабий тилининг шаклланиш арафасида, яъни 1920—30 йилларда ҳам

---

[65] С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности, стр. 125—126; И. А. Батманов. Следы говоров в языке памятников орхоно-енисейской письменности, Сб. «Проблемы тюркологии и истории востоковедения», Казань, 1964, стр. 118, 120—121; Уша автор. Язык енисейских памятников древнетюркской письменности, стр. 34—35; T. Tekin. Bir «runik» harfin fonetik degeri hakkında «Türk kültürünü araştırma enstitüsü yayınları», 19, I, A2, Ankara, 1966, S. 417; А. С. Аманжолов. К вопросу о соответствии с//ш в древнетюркских диалектах, Сб. «Исследования по уйгурскому языку», 2, Алма-Ата, 1970, стр. 167—169.

[66] A. Gabain. Alttürkische Grammatik. II Auflage, Leipzig, 1950, S. 114.

[67] A. Gabain. Кўрсатилган асар, 5, 89, 97—98-бетлар; В. М. Насилов. Древнеуйгурский язык, стр. 9; А. М. Щербак. Грамматический очерк языка тюркских текстов X—XIII вв. из Восточного Туркестана, стр. 41.

[68] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк, III том, 153-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

турли жанрларга оид асарларда истеъмолда бўлган. Масалан: *Умидин боғламиш сизга, севуклим, меҳрибоним* (Арм., 11). *Юрагим бугун кўрсам, севинчларга тўлмишдир* (Я. йўл, 8). *Энг тўғри йўл кўрсатгани учун ҳозирги қимматини йўқотмамишдир* (Арм., 7—8). *Бугун ўн икки кун, Ҳасанали ота Тошкент кетмишдир, шундан бери ундан дарак бўлмади* (А. Қод., 98).

Ёзма ёдгорликларнинг кўрсатишича, ўзбек ва бошқа кўпчилик туркий тилларда *-мыш* аффиксли форманинг қўлланиши аста-секин пассивлаша борган ва натижада ўтган замон феъли формаси сифатида истеъмолдан чиққан[69]. Ҳозир бу тилларда *-мыш* аффикси *турмуш, ўтмиш, кечмиш, емиш* каби бир қатор сўзлар таркибида сақланган бўлиб, бу сўзлар ўзининг феъллик (сифатдошлик) хусусиятини йўқотган ва от туркумига ўтган. Шу билан бирга, бу тилларда *-мыш* аффиксининг *эмоқ* тўлиқсиз феъли билан ишлатилиши характерлидир (*эмиш* ёки *имиш*). Кейингиси, яъни *эмиш(имиш)* ҳар хил феъл формаларига ёки кесим функциясида келган от ҳамда от туркумидаги сўзларга қўшилиб келади ва турли маъно оттенкаларини ифодалашга хизмат қилади. Масалан, ўзбек тилида *эмиш* ўзи қўшилиб келган сўзга эшитилганлик, гумон, ишончсизлик, ноаниқлик каби маъно оттенкаларини беради. Масалан: *келган эмиш, келибди эмиш, келар эмиш, келаётган эмиш, маълум эмиш, катта эмиш, бор эмиш, йўқ эмиш.*

Ҳозирги ўзбек ва бошқа кўпчилик туркий тилларда *-мыш* аффиксли форма ўрнида шу форма билан семантик ва функционал мос келувчи *-ган* аффиксли форма қўлланади.

Маълумки, ҳозир *-мыш* аффиксли форма ўғуз группасидаги турк, озарбайжон, гагауз тилларида турли маъно ва функцияларда актив қўлланади. Лекин шу группага мансуб бўлган туркман тилида бу форманинг тақдири ўзбек тилидагидек бўлган, яъни бу форма туркман тили тарихида истеъмолда бўлиб, ҳозирги туркман адабий тилида қўлланмайди[70]. Унинг функцияларини ҳозирги туркман тилида ҳам асосан *-ан(<-ган)* аффиксли форма бажаради[71].

§ 25. *-мыш* аффиксининг этимологияси ва таркиби ҳақида турли фикрлар айтилган[72]. Масалан, Н. К. Дмитриев мўғул тилидаги [l] ундошининг туркий тилларда [ш] ундошига ва мўғул тилидаги [а] унлисининг туркий тилларда биринчи бўғиндан кейингиларида келадиган [ы] унлисига мос келишини ҳисобга

---

[69] Ҳозир *-мыш* аффиксли ўтган замон феълининг шеърий асарларда ва тарихий мавзуда ёзилган асарлардаги персонажлар тилида ишлатилиши учрайди. Лекин бу форма ҳозирги ўзбек адабий тили нормасига кирмайди, ўзбек шеваларида ҳам ишлатилмайди.

[70] Э. Каджарова. Прошедшее время изъявительного наклонения в письменных памятниках туркменского языка XVIII—XIX вв., АКД, Ашхабад, 1964, стр. 8—10; Б. Чарыяров. Времена глагола в тюркских языках юго-западной группы, стр. 54—55.

[71] Э. Каджарова. Кўрсатилган асар, 11-бет.

[72] Бу масалага доир адабиётлар рўйхати А. Н. Кононовнинг «Грамматика современного турецкого литературного языка» (231-бет) китобида берилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

олиб, *-мыш* аффикси мўғул ёзув тилидаги -mal (-mel) аффикси билан боғлиқ бўлса керак, деган фикрни айтади[73]. Г. И. Рамстедт бу фикрни яна ривожлантиради ва кенгроқ изоҳлайди. Унинг айтишича, *-мыш* таркибли аффикс бўлиб, икки қисмдан иборатдир: *-м* [от (имя) ясовчи аффикс]+*иш* [«предмет», «нарса», «иш», «факт» маъносидаги от (имя существительное)]. *Иш* сўзини эса Г. И. Рамстедт кореец тилидаги *ил* «предмет», «иш» (монг.— *уйле,* маньчж.— *вейле,* якут — *ула*) сўзига тенглаштиради[74]. А. Н. Кононов ҳам шунга ўхшаш фикрни айтади, яъни *-м* — сўз ясовчи аффикс (ser-mek «сайламоқ» — serim «сайлаш») бўлиб, *иш* «шерик», «ўртоқ», «дўст» маъносидаги *эш* сўзидан келиб чиққандир[75]. Котвич ҳам туркий -miš ва мўғулча -mal аффиксларининг бирлигини эътироф қилади. Лекин у бу аффикслар оралиқ (промежуточный) *-ма* билан туркий -š ёки мўғулча -l аффиксларининг бирикуви асосида ташкил топган бўлса керак, деган тахминни айтиш билан чегараланган[76].

В. М. Насиловнинг «Грамматика уйгурского языка» китобида *-мыш* аффиксининг уйғур ва бошқа айрим туркий тилларда «хабар», «дарак», «довруқ», «овоза» каби маъноларда қўлланувчи *миш-миш* сўзи асосида шаклланган бўлиши мумкинлиги ҳақида ишора қилинган[77]. Юзаки қараганда, шундай бўлиши ҳам мумкин. Чунки *миш-миш* сўзи билан *-мыш* аффикси шаклан ҳам, мазмунан ҳам бир-бирига ўхшайди. Аксинча, *миш-миш* сўзи *-мыш* аффикси асосида вужудга келган бўлиши ҳам мумкин, яъни бу сўз *-мыш* аффиксини қабул қилган тўлиқсиз феълнинг такрорланиши асосида шаклланган бўлиши мумкин (*эмиш-эмиш*>*миш-миш*).

*-мыш* аффиксининг этимологияси, таркиби ҳақида қайд қилинганлардан бошқачароқ фикрлар ҳам айтилган бўлиб, булар илмий асосга эга эмас. Масалан, баъзи тадқиқотчилар бу аффикснинг пайдо бўлишини *алтмыш, йэтмиш* сўзларидаги *-мыш/-миш* элементи билан боғлайдилар[78].

Қисқаси, *-мыш* аффиксининг этимологияси ва таркибини аниқлаш бўйича қанчалик изланишлар бўлишига қарамасдан, А. Н. Кононов айтганидек[79], бу масалада ҳозиргача ижобий натижага эришилгани йўқ.

§ 26. *-мыш* аффиксли ўтган замон феълининг шахс-сон аффикслари билан тусланиши. Бу феълнинг тусланиши бўйича

---

[73] Н. К. Дмитриев. Строй тюркских языков, М., 1962, стр. 181.

[74] Г. И. Рамстедт. Введение в алтайское языкознание, стр. 101—102.

[75] А. Н. Кононов. Турецкая глагольная форма на «мыш», «Уч. зап. ЛГУ», Серия филологических наук, 20, вып. 1, 1939, стр. 38—39.

[76] В. Котвич. Исследование по алтайским языкам, М., 1962, стр. 297, 310, 312.

[77] В. М. Насилов. Грамматика уйгурского языка, М., 1940, стр. 100.

[78] Бу хилдаги фикрлар ҳақида Н. К. Дмитриевнинг кўрсатилган асарида (182—184-бетлар) гапирилган.

[79] А. Н. Кононов. Грамматика современного турецкого литературного языка, стр. 231.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қадимги ёдгорликлар тили билан эски ўзбек тили ва бошқа туркий тиллар ўртасида баъзи жузъий фарқлар кузатилади.

Урхун текстларида бу феъл фақат III шахс бирлик формасида ишлатилган бўлиб, енисей текстларида I шахс бирлик формасида ҳам учрайди: *Йигирмә йашда* *а л ы н м ы ш ы м* (Ен. Т, 29)— «Йигирма ёшимда олинганман (мени йигирма ёшимда олишган)».

Қадимги уйғур тилига оид текстларда бу феълнинг шахс-сон аффикслари билан тусланиши қуйидагича кўринишда бўлган:

I шахс бирлиги учун *-мән* ёки *-м* қўшилган: *И ч қ ы н м ы ш м ә н* *кәнчимин* (Олт. йор., 179). *Йылан йылқы қалачқа әлчигә бәрмишим* (Уйг. шпр., 38);

I шахс кўплиги учун *-биз* қўшилган: *Биз... исиг өзүмүзкә әтөзүмүзкә әртингү* *и л и н м и ш,* *й а п ш ы н м ы ш-б и з* (Олт. йор., 174);

II шахс кўплиги *-сиз* ёрдамида ясалган: *Битиг* *и т м и ш-с и з* (Уйг. шпр., 9).

III шахс бирлиги одатда нуль кўрсаткичли бўлади: *Өз көңүлинтәки сақынчы* *п у т м ы ш* (Уйг. III, 85). *Әр абқа* *б а р м ы ш,* *тагда* *қ а л м а м ы ш* (Ирқ бит., 81).

III шахс кўплик формаси учун *-лар/-ләр* қўшилган: *Адынта анчолайу* *к ә л м и с л ә р* (Уйг. III, 35).

Шу билан бирга, III шахс формасида баъзан *ол, эрүр* ёки *түрүр* қўшилиб келади. Бу ўринда булар предикативлик белгиси сифатида келиб, *-мыш* аффиксли формага ҳеч қандай қўшимча маъно бермайди[80]. Қиёсланг: *Анта кин өзи йасы* *а л ғ ы н м ы с о л* (Уйг. II, 42). *Әдгүг анынғығ қоп тәңри* *й а р а т м ы ш о л* (Хуаст., 217). *Йақшы атлық йәк* *у р н а н м ы ш о л* (Тшс., 25). *Илки тылтағ сөгүт* *ө п м ү ш ә р ү р* (Уйг. II, 7). *Он әдгү қылынчлығ төрүдә бошғутта...* *к и т м и ш ә р у р л ә р* (ТТ, VI, 272). *Йолда* *т у ш м ы ш т у р у р л а р* (Уйг. II, 4).

XI аср ёдгорлиги «Қутадғу билиг»да *-мыш* аффиксли ўтган замон феъли асосан III шахс формасида ишлатилган бўлиб, баъзан I ва II шахсларнинг бирлик формалари ҳам учрайди:

*Йақын қаб қадишдын* *й и т у р м и ш-с а* *өз,*
*Улуш кәнд будундын* *ә в ү р м и ш-с а* *йүз* (ҚБ, 119а).
*Тәлим* *к ө р м и ш и м* *б а р,* *тегимсиз киши,*
*Туруб әлгә йазды, кәсилди башы* (ҚБ, 95а).

Шу давр ёдгорликлари «Девону луғотит турк» ва «Ҳибатул ҳақойиқ»да бу форма фақат III шахс бирлик формасида ишла-

---

[80] В. М. Насилов *-мыш* аффиксли формага *эрүр* қўшилганда ҳаракат натижасининг мавжудлиги кўрсатилади, деб изоҳлайди (В. М. Насилов. Древнеуйгурский язык, стр. 81). Д. М. Насилов эса бу ўринда *эрүр* модаллик кўрсаткичи бўлиб, *-мыш* аффиксли форманинг перфект маъносини кучайтиришга хизмат қилади, деган фикрни айтади (Д. М. Насилов. Структура времен индикатива в древнеуйгурском языке (по памятникам уйгурского письма), АКД, М., 1963, стр. 7).



www.ziyouz.com kutubxonasi

тилган бўлиб, «Девону луғотит турк»да III шахсда баъзан *ол* қў шилиб келган: *Ол әвгә б а р м ы ш о л* (МК, I, 73). «Қутадғу би лиг» тили учун бу ҳодиса анча характерли бўлган ва, шу била бирга, бу ўринда *турур* ҳам ишлатилган: *Қамуғ әзгүлүкгә әли у р м ы ш о л* (ҚБ, 116б). *Өкүш мың осаллығ өлүм б а с м ы ш о л* (ҚБ, 174б). *Й а п у л м ы ш т у р у р, көр, мәңә бу қапуғ* (ҚБ 145а). *Қанāатқа Озғурмыш ат бәриб, қарындашы тәб а й м ы ш т у р у р* (ҚБ, 16).

Эски ўзбек тилида *-мыш* аффиксли ўтган замон феълинин шахс-сон аффикслари билан тусланиши айрим ўзгачаликларда ташқари асосан қадимги ёдгорликлардагига ўхшайди:

I шахс бирлиги қуйидагича икки хил йўл билан ясалган:

а) I шахс бирлик аффиксининг тўла формаси *-мән* қўшилга Бу форма эски ўзбек тили тараққиётининг ҳамма даврлари учу характерли бўлиб, ёзма ёдгорликларда кенг истеъмолда бўлган *Анларқа сөзләмәгил, роза т у т м ы ш-м ә н, тәб айғыл* (Таф., 18б) *Арұқны ұл таш үскүндә, йолда у н у т м ы ш-м ә н* (Рабғ., 100а) *Ғ а р қ а б о л м ы ш-м ә н уйаттын тәргә мән* (Лутф., 225а). *Кир пикиңниң хасларындын б а ғ л а м ы ш-м ә н салны* (Отойи, 62а) *Мән чу васлың бирлә т а п м ы ш-мән кушад* (Нав. ЛТ, 144) *Мән истиқбалларыға ч ы қ м ы ш-м ә н* (БН, 102). *Āрзу бирлә хавасларды н қ у т у л м ы ш-м ә н асир* (Муқ., 181).

б) I шахс бирлик аффиксининг қисқа *-(а)м/-(ә)м* варианті қўшилган. Ўзбек тилида бу форма XV асрдан бошлаб қўллангa бўлиб, шеърий асарлардагина учрайди (шеърий асарларда I шах бирлигининг шу формаси актив қўлланган): *Фурқатыңдын б о л м ы ш а м з ā р-у з а и ф* (Лутф., 222а). *Дайр ара бу нав ким з ā р о л м ы ш а м/ишқ бандыға г и р и ф т ā р о л м ы ш а.* (Нав., ЛТ, 79). *Шāгирдлыгыда т а п м ы ш а м кам* (Мунис, 348) *Розгāрым тийра-йу з ā р-у п а р и ш ā н о л м ы ш а м* (Муқ., 250)

I шахс кўплиги *-биз(-миз)* ёрдамида ясалган бўлиб, бу форм айрим ёдгорликлардагина қайд қилинди: *Ғ а л а т қ ы л м ы ш б и з, у л дәгүл турур* (Таф., 79б). *Биз йол й а з м ы ш-б и з* (Рабғ 146б). *Қылың андақ кә, қ ы л м ы ш-б и з и р ā д а* (Нав., ФИ 145). *...көп й у р ү м и ш-б и з кәчәләр* (ШН, 210).

II шахс бирлиги *-сән* қўшилиши билан ясалган: *Бир йыл муң да о л т у р м ы ш-с ә н* (Рабғ., 77а). *...Саккāкий ғамы көп-му д миш-с ә н* (Сакк., 16а). *Танымақда магар й а ң ы л м ы ш-с ә н, өзгә эл бизни фаҳм қылмыш-сән* (Нав., СС, 175). *Турфа ки ж а м ә й л ә м и ш-с ә н куфрны имāн билә* (Мунис, 55). ... *д й ы б а р м ы ш-с ә н Муқимий интизāрым бар эди* (Муқ., 117)

Мирза Меҳдихон *-мыш* аффиксли ўтган замон феълинин II шахс бирлиги Алишер Навоий тилида *алмышаң* формасид ҳам ишлатилганини айтади[81]. Навоийнинг мазкур ишимизда фо даланган асарларида бу формани учратмадик.

---

[81] The Mabânî 'l-lughat, p. 22. Яна қаранг: З. А. У м а р о в. Грамматик староузбекского языка «Мабани ул-лугат» Мирзы Мехдихана, АКД, 196 стр. 20.



www.ziyouz.com kutubxonasi

II шахс кўплиги *-сиз(лэр)* ёрдамида ясалган бўлиб, бу формани XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларнинг айримларида қайд қилинди: *Қуйуғга с а л м ы ш-с и з, қуйугдын ч ы қ а р м ы ш-с и з, с а т м ы ш-с и з* (Рабғ., 69б). *Ул тэңригэ ким, сизлэр б у т м и ш т у р у р с и з л э р,..* (Таф., 9а).

III шахс кўплиги *-лар/-лэр* аффикси ёрдамида ясалган (*бармышлар, кэлмишлэр* каби).

III шахс бирлиги одатда нуль кўрсаткичли бўлиб, баъзан унга *турур (дурур)* ёки унинг қисқарган формалари *тур//түр, дур//дүр* қўшилиб келган. Буларнинг ишлатилишида ёзма ёдгорликлар ўртасида қуйидагича фарқ кузатилади:

а) XV асрдан олдинги даврларга оид ёдгорликларда *турур* формасида қўшилган: *Бу қисса йэмэ түгэл шарҳ бирлэ й ā д қ ы л ы н м ы ш т у р у р* (Таф., 18б). *Канъанға ...пайғамбар турур тақы у л ғ а й м ы ш т у р у р* (Рабғ., 62б);

б) XV аср ва ундан кейинги даврларга оид ёдгорликларда қисқарган *тур//түр* ёки *дур//дүр* формасида қўшилган: *Чун й а ш у н м ы ш т у р қамышлар ичрэ шаккар элкидин* (Лутф., 216а). *Көрүб б а г л а м ы ш д у р сөз йолыны* (Нав., ФШ., 63). *Гулузарымны чаман ара к ө р м и ш д ү р* (Мунис, 63). *Ҳамма имāратлары ā р а с т а б о л м ы ш д у р* (Фурқ. II, 146.)

Бу даврга оид шеърий асарларда баъзан *дурур* формасида ҳам қўшилган:

*Кэлиб хāн аллыда арз этти Баҳрāм,*
*Кэ бу йаңлығ хабар б о л м ы ш д у р у р ъ ā м*
(Нав. ФШ, 208).

*Жāныма т ү ш м и ш д у р у р ишқ аташдын сөзиши,*
*Дэмэңиз ким, нэ дурур чāки гирибāндын ғараз*
(Мунис, 150).

Айрим ёдгорликларда, масалан, «Тафсир»да *турур* I ва II шахс формаларига ва III шахс кўплик формасига ҳам қўшилган: *Мэн уларың кишисиндин бирэгуни ө л д ү р м и ш т у р у р м э н* (Таф., 29б). *Сэн ганж б у л м у ш т у р у р с э н* (Таф., 9б). *Ул тэңригэ ким, сизлэр б ү т м и ш т у р у р с и з л э р, мэн йэмэ б ү т м и ш т у р у р м э н* (Таф., 9а). *Баъзи а й м ы ш т у р у р л а р* (Таф., 16а).

*-мыш* аффиксли ўтган замон феълининг шахс-сон аффикслари билан тусланиши бўйича ҳозирги турк, озарбайжон, гагауз тиллари ҳам ўзига хос хусусиятлари билан бир-биридан ажралиб туради[82].

§ 27. *-мыш* аффиксли ўтган замон феъли б ў л и ш с и з ф о р м а с и н и н г ясалишида ҳам ёдгорликлар ўртасида баъзи жузъий фарқлар кузатилади.

---

[82] В. Чарыяров. Времена глагола в тюркских языках юго-западной группы, стр. 55, 56.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўрхун-енисей ёдгорликларида, шунингдек, «Девону луғотит турк» ва «Ҳибатул ҳақойиқ» асарларида бу феъл бўлишсиз аспектда ишлатилмаган. Маҳмуд Қошғарий ҳам кўпчилик феъл формаларининг бўлишсиз аспекти ясалиши ҳақида маълумот берганн ҳолда, *-мыш* аффиксли форманинг бўлишсиз аспекти тўғрисида ҳеч нарса айтмаган.

Қадимги уйғур тилига оид текстларда *-мыш* аффиксли феълнинг бўлишсиз формаси қуйидагича уч хил йўл билан ясалган, лекин буларнинг учаласи ҳам кам истеъмолда бўлган:

а) *-ма/-мә* аффикси билан: *й ә т м ә м и ш* (Уйг. шпр., 9);

б) *әр-* тўлиқсиз феълининг бўлишсиз формаси *әрмәз* ёрдамида: *Артуқ к ү з ә т м и ш ә р м ә з* (ТТ, VIII, 9);

в) эгалик аффикси *+йоқ* инкор сўзи ёрдамида: *Мән күчүм йәтмишинчә ис күч қылып тапынып, й а с м ы с ы м йоқ. Бәгим ма маңа йавуз йаман қ ы л ы н м ы с ы й о қ* (Юрид., 203).

«Қутадғу билиг»да фақат эгалик аффикси *-+йоқ* сўзи ёрдамида ҳосил бўлган форма қайд қилинди: *Айур: к ө р м и ш и м й о қ бу йаңлығ киши* (ҚБ, 26б).

Шунга аналогия сифатида бўлса керак, «Қутадгу билиг»да *-мыш* аффиксли ўтган замон феълининг бўлишли формасида *бар* сўзи қўшилиб келиши учрайди:

*Тәлим к ө р м и ш и м б а р, тәгимсиз киши,*
*Туруб әлгә йазды, кәсилди башы* (ҚБ, 95а).

Эски ўзбек тилида *-мыш* аффиксли ўтган замон феълининг қуйидаги икки хил бўлишсиз формаси истеъмолда бўлган:

а) *-ма/-мә* аффикси билан ясалган форма. Бу форма эски ўзбек тили тараққиётининг ҳамма даврлари учун умумий бўлган. Лекин XV аср ва ундан кейинги даврларда асосан шеърий асарларда қўлланган: *Йана түгәл й а р а т ы л м а м ы ш* (Таф., 40а). *Көңләкни нә үчүн алыб к э т м ә м и ш?* (Рабғ., 47б). *Мэн фалакның гардишиндин б о л м а м ы ш-м э н нāтаван* (Лутф., 211а). *Сөз билә эл васл ганҗын т а п м а м ы ш* (Нав. ЛТ, 23). *Б о л м а м ы ш хан қатыда ул мақбул* (ШН, 17). *К э л м ә м и ш ҳам кочаи ишқ ичрә мэн йаңлығ киши* (Мунис, 299). *Б и л м ә м и ш дэвāна көңлүм бу савāл эркән ғалат* (Фурқ. I, 206);

б) эгалик аффикси *+йоқ* инкор сўзи ёрдамида ҳосил бўлган форма. Бу форма XIII—XIV асрларга оид ёдгорликлар тили учун характерли бўлиб, кейинги даврларга оид ёдгорликларнинг айримларида қайд қилинди: *Айдылар: к ө р м и ш и м и з, э ш и т м и ш и м и з й о қ тэб* (Таф., 132б). *Мэн ҳэч мунуң-тэк э ш и т м и ш и м й о қ* (Рабғ., 38а). *Мэндин ҳеч йырақ б а р м ы ш ы й о қ т у р у р* (Таф., 132б). *Жаҳанның көзи ҳаргиз к ө р м и ш и й о қ* (ШН, 114).

Қиёсланг: *Мэн қайу эрсә вақтда йалган с ө з л ә м и ш и м б а р м у?* (Таф., 28а). *Чэчәкни ким тикәнсиз к ө р м и ш и б а р* (ХШ, 92а).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Демак, ўзбек тилида *-мыш* аффиксли ўтган замон феълининг бўлишсиз формада ишлатилиши XV асрга қадар характерли бўлиб, кейинги даврларда анча чегараланган. Ёзма ёдгорликларнинг кўрсатишича, ўзбек тилида XV асрдан бошлаб *-мыш* аффиксли феъл билан семантик ва функционал мос келувчи *-ған* аффиксли феълнинг қўлланиши активлаша борган бўлиб, *-мыш* аффиксли феълнинг бўлишсиз формалари ўрнида ҳам асосан мана шу *-ған* аффиксли феълнинг бўлишсиз формалари қўллана бошлаган.

* * *

Эски ўзбек тилида *-мыш* аффиксли ўтган замон феълининг шахс-сон аффикслари билан тусланиш парадигмаси қуйидаги кўринишда бўлган:

| Шахс | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| I шахс | *алмыш-мэн*<br>*алмыш турур мэн*<br>*алмышам* | *алмыш-биз*//*алмыш-миз* |
| II шахс | *алмыш-сэн*<br>*алмыш турур сэн* | *алмыш-сиз* (*алмыш-сизлэр*) |
| III шахс | *алмыш*<br>*алмыш турур*<br>*алмыш дурур*<br>*алмыштур*<br>*алмышдур* | *алмыш*(*лар*)<br>*алмыш турур*(*лар*) |

Бўлишсиз формалари: *алмамыш, алмышы йўқ (алмышы йоқ турур).*

§ 28. *-мыш* аффиксли ўтган замон феъли формасининг маъноси. Бу форма ҳам ўтган замон феълининг *-ды* аффиксли формаси каби иш ҳаракатнинг нутқ моментига қадар аниқ бўлганлигини (ёки бўлмаганлигини) билдиради. Шу билан бирга, *-мыш* аффиксли форма *-ды* аффиксли формадан фарқ қилиб, иш-ҳаракатнинг ўзини эмас, балки унинг нутқ моментида мавжуд бўлган натижасини кўрсатади: *Қачан Зулайхā эрликиңэ кирди эрсэ, Зулайхāны көрди: бэзэнмиш, йинчкэ, йуфқа тонлар кизмиш* (Рабг., 53а).

*Эмди ким тупрақ болмышдур эшикиңдэ таным,*
*Қайдадур ҳасид кэ, көргэй давлат-у җāҳым мэниң*
(Лутф., 197б).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Кэтүр сāқий, мэңә бир җāми рангин,*
*Кэ т у ш м ы ш ғам ташы көңлүмгә сангин* (Нав. ФШ, 43).
*Җāнвафа эрди бириниң аты,*
*Ким вафāдын й а р а т ы л м ы ш зāты* (ШН, 109).
*Базмымны равшан әйлә хуршид талъатыңдын,*
*Ким розгāрым ансыз б о л м ы ш д у р асру қара*
(Мунис, 58).
*Өзи хоқандий, аммā исми* Зāкир,
*Кāзара Рус ара б о л м ы ш мусāфир* (Фурқ. II, 108).

Бундан ташқари, *-мыш* аффиксли ўтган замон феъли баъзан эшитилганлик, гумон, ноаниқлик каби маъноларда ҳам қўлланган, яъни иш-ҳаракатнинг бажарилгани сўзловчига аниқ бўлмасдан, бу ҳақда у бошқалардан эшитгани асосида маълумот беради. Лекин *-мыш* аффиксли феъл бундай маънода II ёки III шахсдагина қўлланиб, ҳозирги ўзбек тилидаги *-б* аффиксли ўтган замон феълига яқин туради: *Исмāил айды: ул атам турур. Сэн аны а ғ ы р л а м ы ш-с э н. Эвиң эшикин кэтәргил тэб сэни а й м ы ш. Эмды мэңә сэн кэрәкмәз-сэн тэб талақ бэрди* (Рабғ., 31б).

Бу мисолдаги *ағырламыш-сэн, аймыш* феъллари ўрнида ҳозирги ўзбек тилида *агырлабсан (огир олибсан), айтибди* феъллари қўлланади.

*-мыш* аффиксли ўтган замон феълининг I шахс формасида эшитилганлик, гумон, ноаниқлик каби маънолар бўлмайди[83]. Чунки I шахсда сўзловчи (ёки сўзловчилар) ўзи ҳақида маълумот беради. Шунинг учун *-мыш* аффиксли ўтган замон феъли I шахсда қўлланганда, ҳар вақт иш-ҳаракатнинг бажарилгани аниқ бўлади.

*-мыш* аффиксли ўтган замон феълига *турур* ҳолат феъли ёки унинг қисқарган *тур//түр, дур//дүр* формалари қўшилиб келганда, юқорида айтилганидек, маънода ўзгариш бўлмайди, яъни бу ўринда *турур (тур//түр, дур//дүр)* предикатив функцияда келиб, *-мыш* аффиксли формага ҳеч қандай қўшимча маъно бермайди. Қиёсланг:

1. *Исāқа ишāрат қылгыл, айғыл роза т у т м ы ш т у р у р м э н тэб* (Таф., 18а).
2. *Анларқа сөзләмәгил, роза т у т м ы ш-м э н тэб айгыл* (Таф., 18б).

Мисолларнинг биринчисида *-мыш* аффиксли формага *турур* қўшилиб келган бўлиб *(тутмыш турур мэн),* иккинчисида қўшилмаган *(тутмыш-мэн)*. Лекин иккала мисолда ҳам бу форма бир хил маънода қўлланган кўриниб турибди. Бу ўринда шу нарсани эслатиб ўтиш кифояки, ҳатто, бир жумланинг ўзида *-мыш* аффиксли формага бир ўринда *турур (тур//түр, дур//дүр)* қўшилиб келса, бошқа ўринда қўшилмайди. Лекин ҳар иккала ҳолда ҳам бир хил маъно ифодаланади. Қиёсланг:

[83] Н. К. Дмитриев. Строй тюркских языков, стр. 185; Б. Чарыяров. Времена глагола в тюркских языках юго-западной группы, стр. 57, 58.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Уч йуз йыл артуқрақ б о л м у ш ким, биз мунда эрмиш-миз. Дақйунус ө л м и ш, анда азын киши о р н а м ы ш, султāн йэмә өзгә б о л м ы ш т у р у р, барча өзгә йаңлыг б о л м у ш, биз көрмиш кишиләрдин бир кимэрсә йоқ, барча ө л м и ш л ә р* (Таф., 96).

*Қ а л м а м ы ш т у р сажда қылғунча макāн,*
*Ким йуз анда қ о й м а м ы ш ул нāтавāн* (Нав. ЛТ, 126).

*-мыш* аффиксли формага *-дур* қўшилиб келиши ҳозир турк тилида мавжуд. А. Н. Кононов кейингисини *-мыш* аффиксли формадан фарқлаб, мустақил форма сифатида қарайди, яъни -miş *(-мыш)* аффиксли формани «прошедшее-субъективное (прошедшее-неочевидное) время», -mişdir (*-мышдыр*) аффиксли формани «прошедшее-настоящее время» номи билан беради[84].

Ниҳоят, эски ўзбек тилида *-мыш* аффиксли ўтган замон феълининг *-ма/-мә* аффикси билан ясалган *бармамыш* типидаги бўлишсиз формаси билан (эгалик аффикси+) *йоқ* инкор сўзи ёрдамида ҳосил бўлган бўлишсиз формаси ўртасида маънода фарқ бўлмаган. Шунингдек, *-мыш* аффиксли формага (эгалик аффикси +) *бар* сўзи қўшилиши билан ҳосил бўлган *бармышым бар*[85] типидаги формада ҳам янги маъно пайдо бўлмайди. Афтидан, бу форма *бармышым йоқ* типидаги бўлишсиз формага аналогия сифатида вужудга келганга ўхшайди.

### *-ған* аффиксли форма

§ 29. *-ған* аффиксли сифатдошнинг ёзма манбаларда акс этиши, хусусан, унинг ўтган замон феъли маъносида қўлланиши нисбатан кейинги даврлардан бошлаб кузатилади. Бу сифатдош ўрхун-енисей ёдгорликларида учрамайди, қадимги уйғур тилига оид текстларда эса *-ған* аффикси *-эр* тўлиқсиз феълигагина қўшилган *(эр+кэн)*[86]. XI аср ёдгорликлари — «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк» асарларида бу сифатдош анча кенг истеъмолда бўлиб, кейинги даврларда унинг қўлланиши яна активлаша борган. Лекин XI аср ёдгорликларида бу сифатдошнинг ўтган замон феъли функциясида қўлланиши унчалик характерли бўлмаган.

Ёзма ёдгорликларда *-ған* аффикси жарангли [ғ], [г] ундошлари билан бошланган *-ған/-гән* вариантларида ёки жарангсиз [қ], [к] ундошлари билан бошланган *-қан/-кән* вариантларида қўлланган.

---

[84] А. Н. К о н о н о в. Грамматика современного турецкого литературного языка, стр. 231—233. Қиёсланг: Б. Ч а р ы я р о в. Времена глагола в тюркских языках юго-западной группы, стр. 58.

[85] Бу форма XI—XIV асрларга оид айрим манбаларда қайд қилинди.

[86] М. В. Н а с и л о в. Древнеуйгурский язык, стр. 82; Э. Р. Т е н и ш е в. Грамматический очерк древнеуйгурского языка по сочинению «Золотой блеск», АКД, Л., 1953, стр. 14; Э. Ф о з и л о в. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси, Тошкент, 1965, 115-бет. Қиёсланг: A. G a b a i n. Alttürkische Grammatik, SS. 125, 181—182.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу вариантлардан қайси бирининг ишлатилиши асосан шу аффиксни қабул қилган феълнинг характерига боғлиқ бўлиб, бу ҳол ёзма манбаларда турлича акс этган.

Маҳмуд Кошғарийнинг кўрсатишича, XI аср тилида бу аффикс жарангли *-ған/-гән* вариантларида ишлатилган бўлиб, [ғ]ли ва [қ]ли, умуман, қаттиқ ўзакли феълларга *-ған* формасида, [к]ли, умуман, юмшоқ ўзакли феълларга *-гән* формасида қўшилган[87]. «Девону луғотит турк» даги текстларда ҳам шу хилда ишлатилган. Масалан: *тарытған, татурған, бақышған, қошулған, кәчургән, битилгән, кәвшәнгән, бәзәтген* каби. «Қутадғу билиг»да ҳам асосан шу ҳол кузатилади. Демак, XI аср тилида бу аффикс асосан жарангли *-ған/-гән* вариантларида ишлатилган.

XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларда ҳам бу аффикс асосан *-ган/-гән* вариантларида ишлатилган бўлиб, жарангсиз ундош билан тугаган феълларга баъзан жарангсиз *-қан/-кән* вариантларида қўшилиши ҳам учрайди. Масалан: *болған, барған, ынанған, озатған, қорқутған, қойған* (лекин баъзан: *қачқан*).

Бу аффикснинг *-кән* ва *-гән* вариантлари араб ёзувида бир хил کان формасида берилгани учун жарангсиз ундош билан тугаган юмшоқ ўзакли феълларга булардан қайси бири қўшилишини фақат *-ған, -қан* вариантларига нисбатангина аниқлаш мумкин: агар XIII—XIV асрларда жарангсиз ундош билан тугаган қаттиқ ўзакли феълларга ҳам асосан жарангли *-ған* варианти қўшилган экан (*қорқутған* каби), жарангсиз ундош билан тугаган юмшоқ ўзакли феълларга қўшилган юмшоқ варианти ҳам асосан жарангли *-гән* тарзида талаффуз қилинган бўлиши керак (*өтгән, эшитгән* каби).

XV аср ва ундан кейинги даврларга оид ёдгорликларда бу аффикс жарангли *-ган/-гән* ва жарангсиз *-қан/-кән* вариантларида ишлатилган: унли ёки жарангли ундош билан тугаган феълларга *-ған/-гән* вариантларида (*башлаган, оқуған, тапылған, барған, қойган, әйләгән, битилгән, бэргән* каби), жарангсиз ундош билан тугаган феълларга эса асосан *-қан/-кән* вариантларида қўшилган (*айтқан, тапқан, учқан, түшкән, өткән, йэтишкән* каби. Лекин баъзан: *тапған, айтған*).

Маълумки, ҳозирги ўзбек адабий тилида, шунингдек, шаҳар типидаги ўзбек шеваларида бу аффикс [қ], [ғ] ундошлари билан тугаган феълларга *-қан* формасида (*боққан, соққан*[<соғ+қан] каби), [к], [г] ундошлари билан тугаган феълларга *-кан* формасида (*эккан, теккан* [<тэг+кан] каби), бошқа ўринларда *-ган* формасида қўшилади (*айтган, борган, бўлган, очган, билган, тушган, ўтган, кўрган* каби). Сингармонизмли, асосан, «ж» ловчи ўзбек шеваларида эса эски ўзбек тилидаги каби *-ған/-гән, -қан/-кән* вариантларида ишлатилади[88]: *алған, чыққан, тынчыған, жа-*

---

[87] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк, II том, 57—58, 298, 369—370-бетлар.

[88] Ш. Шоабдураҳмонов. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари, 165—166-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*паган, келгэн, кеткэн* каби. Уғуз типидаги ўзбек шеваларида ҳам асосан шундай бўлиб, буларда *-гэн* варианти *-йэн* формасида ишлатилади[89]: *бэрйэн, өлйэн* каби. Ҳозирги сингармонизмли туркий тилларда ҳам бу аффикс *-ған/-гэн, -қан/-кэн* вариантларида ишлатилади (масалан, қозоқ тилида: *алған, айтқан, келген, кеткен*).

§ 30. *-ған* аффиксининг таркиби ва этимологияси ҳақида баъзи мулоҳазалар айтилган. Масалан, Г. И. Рамстедт бу аффиксни қуйидагича икки қисмга ажратади: -ga+n (*-га+н*). Унинг кўрсатишича, -ған аффикси таркибидаги *-н* форманти қадимги сифатдош кўрсаткичи бўлиб, *-ға* форманти феълдан феъл ясовчи аффиксдир (вторичная глагольная основа). Туркий тилларда кейинчалик *-ған* аффиксли сифатдош *-н* аффиксли сифатдошни сиқиб чиқара бошлаган. Г. И. Рамстедт ҳозирги чуваш тилида *-н* (*-ан/-ен*) ва *-на/-нē* аффикслари билан сифатдош ясалиш фактига асосланиб шундай хулосага келган[90]. Н. А. Баскаков ҳам *-ған* аффиксини шу хилда икки қисмга ажратади (*-ға+н*). Лекин Н. А. Баскаков бу аффикс таркибидаги *-н* форманти иш-ҳаракатнинг тугаллиги факти (завершенный, законченный факт действия) маъносини ифодаловчи аффиксдир[91], деган фикрни айтади. В. Банг *-ған* аффиксини *-(ы)ғ+ан* тарзида қисмларга ажратган[92].

В. Котвич туркий тиллардаги ўтган замон сифатдошини ясовчи -qan (-қан/-ған) аффиксини таркибий қисмларга ажралмайдиган бир бутун аффикс сифатида қараб, маньчжур тилидаги ўтган замон сифатдошини ясовчи -qa≈-qo≈-ke//-xa≈-xo≈-xe аффикси ана шу -qan аффиксидан охирги [n] ундошининг тушиб қолиши натижасида вужудга келган, деган фикрни айтади[93].

Мавжуд фактларнинг кўрсатишича, ўтган замон сифатдош формасини ясовчи *-ған* аффиксининг *-ға+н* тарзида икки мустақил аффикснинг қўшилувидан ташкил топганлиги ҳақиқатга мос келади. Бу аффикснинг таркибидаги -ға форманти «умумзамон» маъносидаги сифатдош ясовчи аффиксдир. Туркий тиллар тарихида «умумзамон» маъносини ифодаловчи *билгэ* (*<бил+гэ*) типидаги *-гэ(-га)* аффиксли сифатдош формасининг мавжудлиги (Қар.: § 93), *-ган* аффиксли сифатдошнинг дастлаб «умумзамон» маъносида қўлланганн[94] ва унинг бу хусусияти ҳозирги ўғуз группасидаги туркий тилларда сақланганн[95] каби фактлар бу фикрни тасдиқлайди. *-ған* аффикси таркибидаги *-н* форманти эса этимо-

---

[89] Ф. А. Абдуллаев. Хоразм шевалари. Тошкент, 1961, 172-бет.

[90] Г. И. Рамстедт. Введение в алтайское языкознание, стр 134.

[91] Н. А. Баскаков. Каракалпакский язык, стр. 456–457.

[92] Қаранг: А. Н. Кононов. Грамматика современного узбекского литературного языка, стр. 217.

[93] В. Котвич. Исследование по алтайским языкам, стр. 289.

[94] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк, I том, 61, 69, 477—478-бетлар; II том, 57—58, 298, 369—370, 416-бетлар.

[95] Э. В. Севортян. Аффиксы именного словообразования в азербайджанском языке, М., 1966, стр. 313—318.



www.ziyouz.com kutubxonasi

логик жиҳатдан феълнинг ўзлик даража формасини ясовчи *-н* аффикси билан боғлиқ бўлиши мумкин.

§ 31. *-ған* аффиксли ўтган замон феълининг шахс-сон аффикслари билан тусланиши. XI—XII асрларга оид ёдгорликлар — «Қутадғу билиг», «Девону луғотит турк» ва «Ҳибатул ҳақойиқ»да бу форма шахс-сон аффикслари билан ишлатилмаган. Чунки бу даврда у асосан атрибутив позицияда қўлланиб, ҳали ўтган замон феъли сифатида шаклланиб етмаган.

Бу феълнинг шахс-сон аффикслари билан ишлатилиши ёзма ёдгорликларда XIII—XIV асрлардан бошлаб кузатилади (I ва II шахс формаларида ишлатилиши жуда кам учрайди):

I шахс бирлиги учун *-мэн* қўшилган: *Тақы ҳақиқатда мэн қорқутған-мэн* (Таф., 98б). *Көп боғылған-мэн, ҳава ыссығ, кэтәр-мэн эртә-кэч* (Муқ., 74). *Ошал саҳибкарамлик ҳанадāныдын адашған-мэн* (Фурқ. I, 150);

II шахс бирлиги *сэн* ёрдамида ясалган: *...āдамизāдларны қара йэргә йандурған-сэн* (Амирий, 335а). *Ақл-у жан āламыға ишқ отыны салған-сэн* (Лутф., 208б);

I ва II шахсларнинг кўплик формаларида ишлатилиши ёзма ёдгорликларда қайд қилинмади.

III шахс кўплиги учун *-лар/-ләр* аффикси қўшилган: *Тақы анлар ким, тануқларыны узатғанлар,..* (Таф., 2б);

III шахс бирлиги одатда нуль кўрсаткичли бўлиб, баъзан *эрүр, турур (дур//дүр)* ёки *ул* қўшилган.

III шахс бирлигида *эрүр (эр-* тўлиқсиз феълининг ҳозирги-келаси замон формаси) қўшилиши XIII—XIV асрларга оид ёдгорликлардан «Тафсир»да[96], кейинги даврларга эса айрим шеърий текстларда учрайди: *Тәңри таāлā билгән эрүр* (Таф., 89а). *Бу сифат-у айин билә болған эрүр дарвиш* (Нав. МК, 63). *Ғāйāтэ шарм билә болған эрүр қан көзгү* (Мунис, 27б).

III шахс бирлигида *ул* қўшилиши «Тафсир»да учрайди: *Ул эшиткән, билгән ул* (Таф., 32а). Бу ҳол «Девону луғотит турк»да ҳам кузатилади: *Ол эвин бәзәтгән ол* (МК, II, 370).

III шахс бирлигида *турур (тур-* ҳолат феълининг ҳозирги-келаси замон формаси) ёки унинг қисқарган формаси *дур//дүр* қўшилиши анча характерли бўлган:

а) XV асргача *турур* формасида қўшилган: *Аңар көкләр, йэрләр өртүклүки йэмә көргән турур, эшиткән турур* (Таф., 2б). *Арыгларны улаш эмгәкдә тутган турур* (Рабғ., 100а);

б) XV аср ва ундан кейинги даврларда *дур//дүр* формасида қўшилган: *Софи Āтайи ҳāлатыны өткәндүр, валэ..* (Отойи, 69б). *Нэ тапсун кэ, тапылғандур мурāды* (Нав. ФШ, 23) *Ул кэлиб бир нэчэ лāф атқандур* (ШН, 122). *Қызыл қағазға*

---

[96] «Тафсир»да *эрүр* II шахс бирлик формасига ҳам қўшилган: *Мэндин аны ҳабул қылғыл ким, эшиткән, көргән, билгән эрүр-сэн, тэб өтүнди* (Таф., 17 а).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*мушкин нуқталар ҳар сары қ о й ғ а н д у р* (Мунис, 232). *Ҳур эрүр кэ, жаннатдын йэр йүзигэ түшкэндүр* (Фурқ. I, 179).

Бу даврда баъзан *дурур* формасида қўшилиши ҳам учрайди: *Бу қул бир нэчэ кун зийāратгāҳда эрдим, мирāхур к э л г э н д у р у р* (Нав. Мыш., 10).

Лекин XVII асрга оид «Шажараи тарокима» ва «Шажараи турк» асарларида фақат *турур* формасида қўшилган[97]: *Пāдшāҳлық атаңдын сэңэ мэрāс қ а л ғ а н т у р у р* (Ш. тар., 45). *Мэниң йэтти атам ушбу йуртта ө т к э н т у р у р* (Ш. турк).

*Турур (дур//дүр)* баъзан I шахс бирлик формасига ва III шахс кўплик формасига ҳам қўшилган: *Дурны й у т қ а н т у р у р м э н* (Ш. турк). *Улуг аталарымыз Түркистāндын к е л г э н т у р у р л а р* (Ш. тар., 62). *Бир либāс билэ падшāҳ арзыга й э т к ү р г э н д ү р л э р,.. ул сөзни р а д э т к э н д ү р л э р* (Нав. МН, 183).

*Түшкэнидин х а б а р э т к э н д ү р л э р,*
*Иниси сөзигэ й э т к э н д ү р л э р* (ШН, 152).

§ 32. Эски ўзбек тилида *-ған* аффиксли ўтган замон феълининг б ў л и ш с и з ф о р м а с и қуйидагича уч хил йўл билан ясалган[98]:

а) *-ма/-мэ* аффикси билан: *К ө р м э г э н бир сэн-дэк аҳли розгāр* (Нав. ЛТ, 55).

*Барыб Русийа шаҳрыда т у р м а г а н,*
*Алар расм-у тартыбыны к ө р м э г э н* (Фурқ. II, 46);

б) *эр-* тўлиқсиз феълининг ҳозирги-келаси замон бўлишсиз формаси *эрмэс* ёрдамида: *Хожа мажлисида тизи тизигэ й а в у т г а н э м э с т ү р* (БН, 23). *Могулның ҳэч атасы араб тилини э ш и т к э н э р м э с* (Ш. тар., 14). *Бу чаққача ҳэч фарзанды болган эрмэс турур* (Ш. турк.). *Аның б о л ғ а н э м э с т ү р майили āқил ҳануз* (Мунис, 145). *Киши к ө р г э н э м э с мундағ латāфат* (Фурқ. I, 207);

в) [эгалик аффикси+] *йоқ* инкор сўзи ёрдамида: *Бир йашар оғланның мундағ сөзни сөзлэгэнини ҳэч ким э ш и т к э н ва к ө р г э н й о қ т у р у р* (Ш. тар., 14). *Биз ҳэч йаманлық қ ы л ғ а н ы м ы з й о қ* (Ш. турк). *Мэн сэндин ҳэч нимэрсэ а л ғ а н ы м й о қ* (Фурқ. II, 147).

Қиёсланг: *Исā алайҳиссалāм қылған ишлэрдин сизлэрдэ кимэрсэ қ ы л г а н ы б а р-м у* (Рабғ., 146а). Бу форма (*қылғаны бар*) фақат «Қисасул анбиё»да қайд қилинди.

*-ған* аффиксли ўтган замон феълининг юқорида кўрсатилган бўлишсиз формалари ҳозирги ўзбек тилида ҳам ишлатилади[99].

---

[97] А. Н. К о н о н о в. Родословная туркмен. Сочинение Абу-л-Гази хана хивинского, М.—Л., 1958, стр. 145; С. И. И в а н о в. Родословное древо тюрок Абу-л-Гази-хана. Грамматический очерк, Ташкент, 1969, стр. 144.

[98] XV асрдан олдинги даврларга оид ёдгорликларда бу феълнинг бўлишсиз формада қўлланиши қайд қилинмади.

[99] С. Н. И в а н о в. Ўзбек тили перфектининг инкор формаси, ЎзТА, 1967, 5-сон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Эски ўзбек тилида *-ған* аффиксли ўтган замон феълининг шахс-сон аффикслари билан тусланиш парадигмаси қуйидаги кўринишда бўлган:

| Шахс | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| I шахс | *алаған-мэн*<br>*алған турур мэн* | |
| II шахс | *алған-сэн*<br>*алған эрүр сэн* | |
| III шахс | *алған*<br>*алған турур*<br>*алған дурур*<br>*алғандур*<br>*алған эрүр*<br>*(алған ул)* | *алған(лар)*<br>*алған турур(лар)*<br>*алғандур(лар)* |

Бўлишсиз формалари: *бармаған, барган эрмэс (барған эрмэс турур, барған эрмэстүр), барганы йоқ (барғаны йоқ турур, барғаны йоқтур).*

§ 33. *-ған* аффиксли ўтган замон феълининг маъноси. Бу феъл маъно жиҳатдан *-мыш* аффиксли ўтган замон феъли билан бир группага киради, яъни *-ган* аффиксли ўтган замон феъли ҳам олдин бажарилган иш-ҳаракатнинг нутқ моментида мавжуд бўлган натижасини кўрсатади: *Ҳақиқатда изиниң азабы кэлгэн эрүр* (Таф., 55 б). *Қазғурмағыл, ул ғайиб болған турур* (Рабғ., 64 а).

*Хабашдын олжа түшкэндүр қара тамғалық ай сизгэ,*
*Далили равшан уш заҳир таныр лар барча тамғадын*
(Лутф., 212б).

*Самарқандны Искандар бина қылгандур, моғул ва түрк улусы «Сэмизкэнт» дэрлэр* (БН, 55).

*Чу бу Хоразмга қол салғандур,*
*Ушбу ай ичрэ кэлиб алғандур* (ШН, 223).
*Ғарибu бу вилайат ҳаниманыдын адашган-мэн,*
*Басани мурги вахший ашйаныдын адашган-мэн*
(Фурқ. I, 150).

Эски ўзбек тилида *-ган* аффиксли ўтган замон феълининг бўлишсиз формаси, юқорида қайд қилинганидек, уч хил йўл билан



www.ziyouz.com kutubxonasi

ясалган бўлиб (*бармаган//барған эрмас//борганы йоқ*), бу формалар ўртасида маънода фарқ сезилмайди[100]. Қиёсланг:

1. *Бу ажаб мазҳарны көзгә ы л м а ғ а н,*
*Саждасын хайли малак-дэк қ ы л м а г а н* (Нав. ЛТ, 5).
*Аны йүздин бирин көз к ө р м ә г ә н д ү р,*
*Қулақ ҳам атыны э ш и т м ә г ә н д ү р* (Фурқ. II, 17).

2. *Қазақ хāн ва султāнларының арасыда ҳэч ким ул улусны Қасим ханча з а б т қ ы л ғ а н э м ә с т ү р* (БН, 15).

*Ана қадд-у ана ҳусн-у ана хулқ,*
*Киши к ө р г ә н э м ә с мундағ латāфат* (Фурқ. I, 207).

3. *Биз мусафир-миз, пāдшāҳның йарлық қылганыны б и л г ә н и м и з й о қ* (Ш. турк, 88). *Раҳмāн қули қой җаллабдын қойны талаб қылса, мэн сэндин ҳэч нимәрсә а л ғ а н ы м й о қ, дэб инкāр қылыбдур* (Фурқ. II, 147).

Кўриниб турибдики, *-ган* аффиксли ўтган замон феълининг бўлишсизлик маъноси келтирилган мисолларда *-ма/-мә* аффикси билан (*ылмаган, қылмаған, көрмәгәндүр, эшитмәгәндүр*), тўлиқсиз феъл (*эрмәс*) иштирокида (*забт қылған эмәстүр, көргән эмәс*) ва [эгалик аффикси +] *йоқ* сўзи ёрдамида (*билгәнимиз йоқ, алғаным йоқ*) ифодаланган бўлиб, бу формалар ўртасида маънода фарқ йоқ. Бу формалар ўртасида стилистик жиҳатдангина фарқ бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ёзма ёдгорликлардан маълум бўлишича, эски ўзбек тилида *-ған* аффиксли ўтган замон феълининг асосан *-ма/-мә* аффиксли *бармаган* типидаги бўлишсиз формаси қўлланган бўлиб, *эрмәс* ва *йоқ* сўзлари ёрдамида ҳосил бўлган *барған эмәс, барганы йоқ* типидаги формалар кам истеъмолда бўлган.

Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида *-ган* аффиксли ўтган замон феълига *-дир(<-дур)* қўшилиб келганда (*боргандирман, боргандирсан, боргандир* каби), асосан тахмин, гумон, ноаниқлик, шубҳа каби маънолар ифодаланади. Эски ўзбек тилида эса *-ган* аффиксли ўтган замон феълига қўшилган *дур//дүр (турур)* предикатив аффикси функциясида келган бўлиб, бу феълга ҳеч қандай қўшимча маъно бермайди. Қиёсланг:

1. *Өзи чун қатлын а г ā з ә й л ә г ә н д ү р,*
*Азā бирлә с а р а ф р ā з ә й л ә г ә н д ү р* (Нав. ФШ, 115).
*Жāни бэг хāн қызыны а л ғ а н д и р,*
*Барчадын қолны бурун с а л г а н д у р* (ШН, 230).
*Аны йүздин бирин көз к ө р м ә г ә н д ү р,*
*Қулақ ҳам атыны э ш и т м ә г ә н д ү р* (Фурқ. II, 17).

---

[100] Қиёсланг: А. Н. К о н о н о в. Грамматика современного узбекского литературного языка, стр. 217; С. Н. И в а н о в. Ўзбек тилида перфектнинг инкор формаси, 36-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2. *Ул нэчә мың йыл* и б а д а т *ә й л ә г ә н,*
*Амр илә т а қ в ā-в у т а а т ә й л ә г ә н* (Нав. ЛТ, 127).
*Ичидә йāди Али* қ а з ы л ғ а н,
*Нэчә āйаты тақы й а з ы л ғ а н* (ШН, 139).
*Барыб Русийа шаҳрыда т у р м а г а н,*
*Алар расм-у тартыбыны к ө р м ә г ә н* (Фурқ. II, 46).

Келтирилган мисолларнинг олдинги учтасида *-ған* аффикс… ўтган замон феълига *дур/дур* қўшилган бўлиб (*āғаз әйәлгәнд*… *сарафрāз әйләгәндур, алғандур, салгандур, көрмәгәндур, эшитм… гәндур*), кейинги учтасида қўшилмаган (*ибāдат әйләгән, тақва-… тāат әйләгән, қазылған, йазылған, турмаган, көрмәгән*). Лекин … формалар ўртасида маънода фарқ йўқлиги мисоллардан англаш… либ турибди.

*-ган* аффиксли ўтган замон феълига *дур/дур* қўшилганда (*-г… +дур*), тахмин, гумон, ноаниқлик, шубҳа каби маънолар ифод… ланиши XIX асрдан бошлаб айрим прозаик асарларда кузати… ди: *Мэн бу шаҳарға кэлгэн вақтда өз аҳвāлымдын сиз ҳурм… ликка бир хат йазыб эрдим, барыб* м а ъ л у м б о л ғ а н д… (Фурқ. II, 151).

Бу мисолдаги м а ъ л у м б о л ғ а н д у р феъли ифодалаг… иш-ҳаракатнинг бўлгани ёки бўлмагани сўзловчига аниқ эм… яъни бу феъл «маълум бўлган бўлса керак» маъносида қўлла… ган.

*-ған+дур* формасидаги феълнинг бундай қўлланиши ўзбек т… ли тараққиётининг кейинги даврлари учун характерли бўл… 1920—30 йилларга оид асарлар тилида ҳам бу ҳол кам кузати… ди. Қиёсланг:

*Бу масалалар тўғрисида ўқиш китобларида жудаям оз* ё з и… ғ а н д и р (М. Ўқит., 1925, № 1, 57-бет). *Мана шу юқорида к… сатилган миқдорда уруғлиқни ҳукумат деҳқонларга* б е р г а н д… (Қишл., 31). *Қисқасини айтганда, ҳар ҳайвоннинг тан тузилиш… ўзининг турмуши учун фойдали бўлиб* т у з и л г а н д и р (Ки… лар, 59). *Фабрикада ишлагинларнинг болалари учун кашшофл… бўлиги* т а ш к и л қ и л и н г а н д и р (Я. йўл, 28). *Бу назар… Кант-Лаплас томонидан* и ш л а н г а н д и р (М. Ўқит., 1930, №… 13-бет). *Маълумки, синфий душман емирилган, лекин бутунл…* ж о н с и з л а н м а г а н д и р (Вож., 33). *Унинг бирлигини, тутқ… йўлини бузушқа* қ а р а т и л г а н д и р (Сов. ад., 19). *Мазкур … лиссалар ана ўша фабрика эгаларининг пуллари билан кун ке… радирлар, пулға* с о т и л г а н д и р л а р (Юруш, 19). *Шунинг … тижасида сигирлар сутини анча кўп* б е р а т у р г а н б ў л г а… л а р д и р (Колх., 53).

Мисоллар 1920—30 йилларга оид асарлардан келтирилган … либ, кўриниб турибдики, буларда *-ған+дир* (<*-ған+дур*) фор… сидаги феълларнинг биронтаси ҳам тахмин, гумон, ноаниқлик ё… шубҳа маъносини ифодаламайди. Бу манбаларда *-ған+д…* (<*-ған+дур*) формасидаги феълларнинг бундай маъноларда қ…

www.ziyouz.com kutubxonasi

лашиши айрим ҳоллардагина учрайди: *Балки араблар ҳам Абу Али ибн Синонц арабча ёзгани учун аллақачон ў з л а р и н и к и қ и л и б о л г а н д и р л а р* (Арм., 8). *Иккинчи пленумнинг чиқарған қарорларини албатта ў қ и ғ а н д у р с и з* (М. Уқит., 1929, № 1, 6-бет). *Эҳтимолки, шундай б ў л и б ч и қ қ а н д и р ҳам* (Вож., 48). *Эй, — деди у бақириб, — ишни йиғиш вақти ҳам к е л г а н д и р* (Юруш, 20). *Майли, ўйнаб, ёзилиб келинглар. Қиш ичи юракларинг ғ а ш б ў л ғ а н д и р* (Сов. ад., 9).

Бу мисолларда *-ган+дир (<-ған+дур)* формасидаги феъллар тахмин, гумон, ноаниқлик, шубҳа каби маъноларда қўлланган.

Абдулла Қодирийнинг шу даврда ёзилган «Ўтган кунлар» романида бу форма асосан шу маънода қўлланган: *Илгарироқ, балки, шундоғ б ў л г а н д и р* (А. Қод., 24). *Бундан хабарим бўлмади. Гумонимча, б е р м а г а н д и р* (А. Қод., 10). *Юсуфбек ҳожининг қурган хийлаларига тушунмовчи, эҳтимол, Марғилонда т о п и л ғ а н д и р* (А. Қод., 117). *Уруш эҳтимоли йўқми, шунчаки фотиҳа учун к е т и ш г а н д и р л а р-а?* (А. Қод., 282). *Амакиларингизни сиз т а н и м а г а н д и р с и з, албатта* (А. Қод., 12).

1920—30 йилларда *-ган+дир (<ған+дур)* формасидаги феъларнинг тахмин, гумон, ноаниқлик, шубҳа каби маъноларда қўлланиши, афтидан, оғзаки нутқ учун характерли бўлиб, ёзув адабий тилда кам ўрин олганга ўхшайди.

## *-б* аффиксли равишдош асосида ясалган ўтган замон феъли

§ 34. Ўтган замон феълининг бу тури эски ўзбек тилида қуйидаги уч хил кўринишда қўлланган:

1. *-б+турур+мэн* (равишдошнинг *-б* аффиксли формаси+*турур* [*тур-* ҳолат феълининг ҳозирги-келаси замон формаси]+шахс-сон аффикси): *ал+ыб турур мэн, кэл+иб турур мэн* каби;
2. *-б+дур+мэн* (равишдошнинг *-б* аффиксли формаси+*тур*// *тур* ёки *дур*//*дур* [*турур* феълининг қисқарган формаси]+шахс-сон аффикси): *ал+ыб+тур+мэн, кэл+иб+тур+мэн* ёки *ал+ыб+ +дур+мэн, кэл+иб+дур+мэн* каби;
3. *-б+мэн* (равишдошнинг *-б* аффиксли формаси+шахс-сон аффикси): *ал+ыб+мэн, кэл+иб+мэн*, каби.

Бу формаларни кейинги ўринларда шартли равишда *алыб+ +турур+мэн, алыбтур+мэн, алыб+мэн* типидаги формалар деб атаймиз.

### 1. *Алыб+турур+мэн* типидаги форма

§ 35. Бу форма асосан XIII—XIV асрларга оид «Тафсир», «Қисасул анбиё», «Ўғузнома» ва бошқа айрим манбаларда, шунингдек, XVII аср ёдгорликлари «Шажараи тарокима» ва «Ша-



www.ziyouz.com kutubxonasi

жарап турк» асарларида қўлланган бўлиб[101], XV асрга оид баъзи шеърий асарларда ҳам (масалан, Лутфий, Навоий шеърларида) баъзан III шахс бирлигида учрайди.

Бу форма қипчоқ тилларига оид XIV аср ёдгорлиги «Кодекс куманикус»да ҳам III шахс бирлигида қўлланган: *Сөз этиз б о л у п т у р у р, ары қыз Марйамдын сәвинч бизгә б о л у п т у р у р, дунйāға тириклик б ә р и п т у р у р, Христос бизгә т о ғ у п т у р у р* (Код. кум., 106).

Бу форманинг ҳозирги туркий тиллардан қайси бирида мавжудлиги маълум эмас.

*Алыб+турур+мэн* типидаги ўтган замон феълига ш а х с-с о н а ф ф и к с л а р и н и н г тўла вариантлари қўшилган:

I шахс бирлиги: *Тэвәдин инмәккә анд ичиб турур мэн* (Рабғ., 32а). *Аның учун Туман ат қ о й у б т у р у р м э н ким,...* (Ш. тар., 44).

«Ўғузнома»да I шахс бирлик кўрсаткичи *турур* феълидан олдин келган: *Сэнләрдән баш чалунғулуқ т и л ә б-м э н т у р у р* (ЎН, 33—34).

I шахс кўплиги: *Биз уларны с а қ л а б т у р у р-м и з* (Рабғ., 28б). *Барчасының атларыны йуқарыда бир-бир а й т ы б т у р у р-м и з* (Ш. тар., 34).

II шахс бирлиги: *Бу йолны қойдуң эрсә, қайу йолны т у т у б т у р у р с э н* (Рабг., 58б).

II шахс кўплиги: *Сиз бу оғланлар сөзинчә āхир замāн пайғамбарынга и м ā н к э л т у р у б-м у т у р у р с и з?* (Рабғ., 142б). *Барчасы йигирми төрт пāдшāҳзāда б о л у б т у р у р с и з* (Ш. турк, 17).

III шахс бирлиги нуль кўрсаткичли бўлган: *Зāид Расулға а й т ы б т у р у р* (Таф., 91а). *Бу мэним қызым мэним тәңримдин й и н ы б т у р у р* (Рабғ., 75б). *Көрди ким, қыат буғуны а л ы б т у р у р* (ЎН, 25).

III шахс кўплиги учун *-лар* аффикси қўшилган: *Қачан көрсәләр аны ким, в а ъ д а қ ы л ы б т у р у р л а р...* (Таф., 112а). *Көрклүк йигитлāр қонуқ к э л и б т у р у р л а р* (Рабг., 39б). *С о р у б т у р у р л а р «ким болур-сэн...» тэб* (Ш. тар., 76).

Езма ёдгорликларда *алыб+турур+мэн* типидаги форма бўлишсиз аспектда ишлатилмаган. Чунки *-б* аффиксли равишдошнинг бўлишсиз формада ишлатилиши характерли бўлмаган. Бу форма маъно жиҳатдан *-мыш* ва *-ған* аффиксли формалар билан бир группага киради (бу ҳақда сўнг гапирилади). Шунинг учун бу форманинг ҳам инкор маъноси *-мыш* ёки *-ган* аффиксли феълнинг бўлишсиз формаси орқали ифодаланган.

§ 36. *Алыб+турур+мэн* типидаги форма м а ъ н о жиҳатдан ўтган замон феълининг *-мыш* ва *-ган* аффиксли формалари билан

---

[101] Бу форма қадимги уйғур тилига оид текстларда ҳам қайд қилинган (Д. М. Н а с и л о в. Структура времен индикатива в древнеуйгурском языке, стр. 16).



www.ziyouz.com kutubxonasi

бир группага киради, яъни бу форманинг ҳам асосий хусусияти олдин бўлган иш-ҳаракатнинг нутқ моментидаги натижасини кўрсатишдир: *Эриң қайда тэб сорды эрсә, авқа б а р ы б т у р у р, тэди* (Рабғ., 32а). *Тақы көрдиләр бостāнны, күйүб, қара кул б о л у б т у р у р* (Таф., 100б). *Мэңә атим бу балуқны б э р и б т у р у р* (ЎН, 42). *Халифа айды: аны ызмаз-мән, а н т й а з қ ы л ы б т у р у р м э н* (НФ, 99а).

*Иштийāқым фирāқыға чāра қылғыл, эй рафиқ,*
*Ким х а р ā б ә й л ә б т у р у р ҳāлымны маҳкам иттифāқ*
(Нав. ГС 60а).

*Худāй таāлā Машруқдын тā сэниң вилāйатыңғача мәңә б э р и б т у р у р* (Ш. турк, 55). *Бурунғы өткән билиглиләр а й т ы б т у р у р л а р ким, бир қынға икки қылыч сығмас* (Ш. тар., 37).

Келтирилган мисолларда *алыб+турур+мән* типидаги феъллар ўрнида *-мыш* ёки *-ган* аффиксли ўтган замон феъли қўлланса (масалан, биринчи мисолдаги *барыб турур* формаси ўрнида *бармыш* ёки *барған* формаси қўйилса), маънода ўзгариш бўлмайди.

Бу ўринда шуни уқдириб ўтиш кераккн, *-б+турур* ҳаракатни ифодаловчи феълларга қўшилганда, юқоридаги маънони ифодалаб, ўтган замон феълини ташкил этади, ҳолатни ифодаловчи феълларга қўшилганда эса нутқ моментида субъектнинг феъл ўзагидан англашилган ҳолатда эканини кўрсатади ва ҳозирги замон маъносини ифодалайди. Бу жиҳатдан *-б+турур* аффиксли форма *-мыш* ва *-ған* аффиксли формалардан фарқ қилади. Қиёсланг: *Йусуф йүз авурды, Зулайҳаны көрмәйин тэб артқару бақты, суратын көрди: Зулайҳā бирлә й а н а ш ы б т у р у р* (Рабғ., 53б). *Андан соң эртә болубда ақаларны, иниләрни чарлаб кэлдүрди тақы айтты ким, мэниң көңулум авны т и л ә б т у р у р* (ЎН, 58). *Исфандийāр хāн йурт алғалы бир йыл болды. Қырдын кэлгән түркмәнләрниң йахшыларын нэ учун рухсат бэрмэй с а қ л а б т у р у р?* (Ш. турк, 163).

Бу мисолларда *-б+турур* формасидаги *йанашыб турур, тиләб турур, сақлаб турур* феъллари «ёндашиб турибди» «тилаяпти», «сақлаб турибди» маъносида қўлланган.

## 2. *Алыбтур+мэн* типидаги форма

§ 37. Бу форманинг ёзма манбаларда акс этиши асосан XIV асрдан бошлаб кузатилади. XIV асрга оид ёдгорликларда бу форма таркибидаги ҳолат феъли жарангсиз [т] ундоши билан *тур//түр* кўринишида қўлланган бўлиб *(алыбтур-мэн, кэлибтүрмэн)*, XV асрдан бошлаб жарангли [д] ундоши билан *дур//дүр* кўринишида ҳам ишлатилган *(алыбдур-мэн, кэлибдүр-мэн)*. Лекин булардан қайси бирининг ишлатилишида маълум қонуният бўлмаган, яъни XV асрдан бошлаб бу форманинг *алыбтур-мэн, кэлибтүр-мэн* ва *алыбдур-мэн, кэлибдүр-мэн* вариантлари параллел ишлатила берган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қипчоқ тилларига оид XIV аср ёдгорлиги «Кодекс куманикус»-да кўпинча [ы], [и] унлилари билан *тыр//тир* кўринишида қўлланган. Қиёсланг: *бэриптур, билиптир, таңлаптыр, ичиптир-сэн, сиңиптир-сэн* (Код. кум., 95, 97, 102), *қонуптур, туруптур-мэн* (Код. кум., 94, 109). «Аттуҳфатуз закияту филлуғатит туркия» асарида ҳам шу вариантлари кўрсатилган: *кэлиптир-сэн, кэлиптир, кэлиптир-миз, кэлиптир-сиз, кэлиптирлэр*[102].

*Алыбтур+мэн* типидаги форма ҳозирги ўзбек тилида сақланмаган. Бу форма ҳозирги қирғиз ва туркман тилларида, Олтой ва Сибирдаги туркий тилларда қўлланади: қ и р г.: *алыптырмын*, т у р к м.: *алыпдырын*, т у в а: *алыптыр мен*, х а к а с: *алыптыр-бын*, ш ў р: *алыптырым//алыптырбым*, о л т.: *алыптырмын*.

Эски ўзбек тилида бу формага ш а х с-с о н а ф ф и к с л а р и н и н г тўла вариантлари қўшилган.

I шахс бирлиги: *Оқ саҳмыдын икки б у к у л у б т у р-м э н* (Яқиний, 320б). *Мэн б и л и б д у р-м э н кэ,...* (Мунис, 245);

I шахс кўплиги: *Маслаҳат бирлэ й а р а ш ы б т у р-б и з//бирбиримизни қ а р а ш ы б т у р-б и з* (ШН, 115). *...чун мунча к э л и б т у р-б и з* (БН, 76);

II шахс бирлиги: *Сэн латāфат суйы бирлэ й у ғ р у л у б т у р-с э н* (Отойи, 29а). *Бу камāлың ким, қ ы л ы б т у р-с э н г у м ā н,* ...(Нав. ЛТ., 140).

II шахс кўплигида қўлланишини ёдгорликларда учратмадик;

III шахс бирлиги нуль кўрсаткичли бўлган: *Чэчэк йапрақлары йэргэ т у ш у б д у р* (МН, 294б). *Көрди ким, оғлы сөзи а ш ы б д у р* (Нав. СС, 82). *Бир йаныда бир улуг көл в ā қ э б о л у б т у р* (БН, 60). *Учгалы пар чықарыбдур көңлум* (Мунис, 110).

III шахс кўплиги учун *-лар/-лэр* қўшилган: *Бу йаңлығ туш к ө р у б т у р л э р тамамы* (Нав. ФШ, 207). *Баъзи җайда шалы экибтурлэр* (БН, 336). *Ривāйатда андаг а й т ы б д у р л а р ким,..* (ТИ, 72а).

*Алыбтур+мэн* типидаги форманинг б ў л и ш с и з а с п е к т д а ишлатилиши «Бобирнома»да қайд қилинди: *Ҳэч тарафдын ғāлиб-у маглуб м а ъ л у м б о л м а б д у р* (БН, 128). *...вилāйатлығы қ а л м а б д у р* (БН, 161).

§ 38. *Алыбтур+мэн* типидаги форма *алыб+турур+мэн* типидаги форманинг қисқарган варианти бўлиб, м а ъ н о жиҳатдан ҳам шу формага ўхшайди, яъни *алыбтур+мэн* типидаги форма ҳам олдин бўлиб ўтган иш-ҳаракатнинг нутқ моментидаги натижасини кўрсатади:

*Җамāлыңдын хирāд ш а й д ā б о л у б т у р,*
*Ичим бағрым қамуқ с а в д ā б о л у б т у р* (МИ, 304а).
*Азалдын āшнāңыз-мэн, валэкин*
*Б о л у б т у р-м э н бу кун бэгāналар-дэк* (Отойи 34б).

---

[102] Аттуҳфатуз закияту филлугатит туркия, 121-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Мир Ҳусайн машҳадлығдур, йақында таҳсил учун шаҳарға к э л и б т у р* ва *«Ихлāсийа» хāнақāҳыда болур* (Нав. МН, 127).

*Андижāн мулкыда ҳāкимдур өзи,*
*И а й ы л ы б т у р бары āламга сөзи* (ШН. 91).

*Аммā нэ нақл қылай ким, мэниң ишим элкиңдин б а р ы б д у р ва қудуг гимның суву башымдын ө т ү б д ү р* (ТН, 34б).

*Қашларыңны ҳилāл д э б д ү р л э р,*
*Қāматыңны ниҳāл д э б д ү р л э р* (Мунис, 244).
*Хотан аҳулары-дэк анча с а р г а р д ā н б о л у б д у р-м э н,*
*Сачы мушки Хитā рашки хайāлы дилрабалардын*
(Фурқ. II, 119).

*Алыбтур+мэн* типидаги форманинг маъноси ҳозирги ўзбек тилида асосан *-ган* аффиксли форма орқали ифодаланади, яъни келтирилган мисоллардаги *шайдā болубтур* феъли ҳозирги ўзбек тилидаги *«шайдо бўлган»*, *савдā болубтур* — «савдо бўлган», *болубтур-мэн* — «бўлганман», *кэлибтүр* — «келган», *йайылыбтур* — «ёйилган», *барыбдур* — «борган», *өтүбдүр* — «ўтган», *дэбдүрлэр* — «деганлар», *саргардāн болубдур-мэн* — «саргардон бўлганман» маъносида қўлланган.

### 3. *Алыб+мэн* типидаги форма

§ 39. Бу форманинг ёзма манбаларда акс этиши XIII—XIV асрлардан бошлаб кузатилади, лекин унинг актив қўлланиши XV асрдан бошланган. XIII—XIV асрларда бу форма кам қўлланган бўлиб, айрим манбалардагина учрайди. Мас: *Ул, нэ ким сэн к э л т ү р ү б-с э н, сэниң розың турур* (Таф., 133а). *Балықны йахшы с а қ л а б-с э н* (ЎН ,44).

*Йолуңда дин-у дāниш т а р к э т и б-м э н,*
*Бу мэҳриңни көңүлдэ б э р к э т и б-м э н* (Саройи, 70а).

*Иаратған бир изимга й а л б а р ы б-м э н,*
*Ошул қылған йазуқларны а ң ы б-м э н* (ХШ, 109а).

*Алыб-мэн* типидаги формага ҳам ш а х с-с о н а ф ф и к с л а р и н и н г тўла вариантлари қўшилган[103]:

I шахс бирлиги: *Жамāлыңда к ө р ү б-м э н аны* (Лутф., 212б). *Мавлāнā Муҳаммад Бадахшийдин таърифин эшитиб-мэн* (Нав. МП, 186). *Көп карāматлар к ө р ү б-м э н хāндын* (ШН, 144). *Йāт йуртқа к э л и б-м э н* (Ш. тар., 27). *Йā рабб, бу рисāла ким, б и т и б-м э н,..* (Мунис, 355);

I шахс кўплиги: *Мунāсиб киши т а п ы б-б и з* (Нав. МН, 183). *Биз бу йолларда к ө р ү б-б и з өзни* (ШШ, 141). *М а с т о л у б-м и з жошиши майдын ажаб дэвāна-миз* (Фурқ. II, 95);

[103] Бу форманинг бўлишсиз аспектда қўлланиши айрим манбалардагина қайд қилинди: *Нэдэйим ким, жаҳāндын т о й м а й ы б-м э н* (Саройи, 136 а). *Мэн ҳам ҳэч к ө р м э б-м э н* (БН, 125).



www.ziyouz.com kutubxonasi

II шахс бирлиги: *Бу тавр кэ, сэн фитначы дилбар йэтилибсэн* (Отойи, 51б). *Бағайат кѳңлүмизни шāд этиб-сэн* (Нав. ФШ, 113). *Йана мэн дэгэн-дэк бу хатларыңны битиб-сэн* (БН, 452). *Хидматымны унутуб-сэн гойā* (ШН, 92). *Нэ қылыбсэн, сэн билүр-сэн* (Ш. турк, 35). *Бизни тапыб-сэн магарам ким осāл* (Муқ., 38);

II шахс кўплиги: *Сиз ҳам туна күн урушуб бастуруб-сиз* (БН, 331).

III шахснинг бирлик ва кўплик формаларида шахс кўрсаткичи бўлмаганлиги учун *тур//түр (дур//дүр)* сақланган. Кейингиси ҳозирги ўзбек тилида *-ди(-ти)* формасига айланган (*алыбтур// алыбдур>алыбдыр>алыбды>олибди* каби).

Ўзбек ёзув адабий тилида бу форма таркибидаги *тур(дур)*нинг III шахсда *-ди(-ти)* формасида қўлланиши XX аср бошларидан кузатилади. Лекин 1920—30 йилларга оид адабиётларда охирида [р] ундоши билан келган *-дир* формасида ҳам қўлланган. Қиёсланг:

*-дир* формасига мисоллар: *Бу ерга ажал ҳайдаб келибдир* (Арм., 17). *3 сўм ортуқ сотилибдир* (Пахта, 2). *Неча дарсдан қолибдир?* (М. Ўқит., 1930, № 2—3, 37-бет). *Қопим яримлаб қолибдир* (Колх., 8). *Бу ишга бекор аралашибдирлар* (Юруш, 35). *Яна айтиб юришибдир* (Сов. ад., 9). *Дўкон қурибдир* (А. Қод., 229).

*-ди(-ти)* формасига мисоллар: *Кампирлар ҳам очилипти* (М. Ўқит., 1927, № 6, 23-бет). *Нима бўлипти?* (М. Ўқит., 1929, № 1, 38-бет). *Қизларға ким қўйипти бу ишни* (Юруш, 14). *Мэним хаёлим сизларга кетиб қолибди* (Сов. ад., 7). *Ўзингга ёқса бўпти* (А. Қод., 304). *Ҳомидни аллакимлар чавоғлаб кетибдилар* (А. Қод., 245).

*Алыб+мэн* типидаги форма ҳозир қозоқ, қорақалпоқ, яқут, озарбайжон, уйғур ва бошқа туркий тилларда турли фонетик вариантларда қўлланади (Масалан, қорақалпоқ тилида: *ал-ып-пан, ал-ып-сан, ал-ып-ты, ал-ып-пыз, ал-ып сыз, ал-ып-ты*)[104]. Булардан уйғур ва озарбайжон тиллари ўзига хос хусусиятларга эга. Уйғур тилида бу форма таркибидаги *тур(дур)* форманти I шахс бирлик ва кўплигида ҳам *-ти/-ту* формаларида сақланган: *йезип-ти-мэн, йезип-ти-миз, йезип-сэн, йезип-силэр, йезип-ту; оқуп-ту-мэн, оқуп-ту-миз, оқуп-сэн, оқуп-силэр оқуп-ту*[105]. Озарбайжон тилида эса бу формант, ҳатто, III шахсда ҳам кўпинча тушиб қолади: *(сэн) алыбсэн, (сиз) алыбсыныз, (о) алыб(дыр), (онлар) алыб(дыр)-лар*[106].

§ 40. *Алыбтур+мэн* типидаги форманинг қисқарган кўриниши бўлмиш *алыб+мэн* типидаги форма эски ўзбек тилида маъноси жиҳатдан ҳам шу форма билан бир группага киради, яъни

[104] Н. А. Баскаков. Каракалпакский язык, «Яз. нар. СССР», II, стр. 315.

[105] А. К. Кайдаров. Краткий грамматический очерк уйгурского языка, «Уйгурско-русский словарь», Алма-Ата, 1961, стр. 326.

[106] Н. З. Гаджиева. Азербайджанский язык, «Яз. нар. СССР», II, стр. 75.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*алыб+мэн* типидаги форма ҳам бўлиб ўтган иш-ҳаракатнинг нутқ моментидаги натижасини кўрсатади: *Мавлāнā Муҳаммад Бадахшийдин таърифин э ш и т и б-м э н* (Нав. МII, 186). *Йана мэн дэгэн-дэк бу хатларыңны битиб-сэн* (БН, 452). *Йат йуртға к э л и б-м э н, ишим көп, ав авламаққа қолум йэтишмэй турур* (Ш. тар., 27).

*Көп карāматлар к ө р у б-м э н хāндым,*
*Көп макāлāтлар э ш и т и б-м э н хāндын* (ШН, 144).

*Мэн кэ танāбыңға ч ы қ ы б-м э н кэлиб,*
*Хизматымы йахшы қылыңлар билиб* (Муқ., 38).

Ҳозирги ўзбек тилида эса бу форма эшитилганлик, ҳикоя каби маъноларда қўлланади. Шунинг учун ҳам ҳозирги ўзбек тилига оид адабиётларда бу формани «ўтган замон эшитилганлик феъли»[107], «ўтган замон ҳикоя феъли»[108], «прошедшее повествовательное» («ўтган замон ҳикоя феъли»)[109], «прошедшее субъективное время»[110] каби номлар билан аталади. Уйғур, қозоқ ва бошқа айрим туркий тилларда ҳам шу маънода қўлланади. Озарбайжон, нўғай, қорақалпоқ якут ва бошқа кўпчилик туркий тилларда эса эски ўзбек тилидаги каби олдин бўлган иш-ҳаракатнинг нутқ моментидаги натижасини кўрсатувчи форма сифатида қўлланади.

* *
*

Эски ўзбек тилида *-б* аффиксли равишдош асосида ясалган ўтган замон феъли формаларининг шахс-сон аффикслари билан тусланиш парадигмаси қуйидаги кўринишда бўлган:

| Шахс | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| I шахс | *алыб турур мэн*<br>*алыбтур-мэн*<br>*алыдур-мэн*<br>*алыб-мэн* | *алыб турур миз*<br>*алыбтур-биз//алыбтур-миз*<br>*алыбдур-биз//алыбдур-миз*<br>*алыб-биз//алыб-миз* |
| II шахс | *алыб турур сэн*<br>*алыбтур-сэн*<br>*алыбдур-сэн*<br>*алыб-сэн* | *алыб турур сиз*<br>*алыб-сиз* |
| III шахс | *алыб турур*<br>*алыбтур*<br>*алыбдур* | *алыб турур(лар)*<br>*алыбтур(лар)*<br>*алыбдур(лар)* |

107 А. Ғ. Ғ у л о м о в. Феъл, 28-бет.
108 У. Т у р с у н о в, Ж. М у х т о р о в, Ш. Р а ҳ м а т у л л а е в. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 79-бет; М. М и р з а е в, С. У с м о н о в, И. Р а с у л о в. Ўзбек тили, 148-бет.
109 В. В. Р е ш е т о в. Основы фонетики и грамматики узбекского языка, стр. 149.

www.ziyouz.com kutubxonasi

**-б аффиксли равишдош асосида ясалган ўтган замон феълининг эволюцияси ҳақида**

§ 41. Ҳозирги ўзбек ва бошқа кўпчилик туркий тиллардаги -*б* аффиксли равишдош асосида ясалган *олибман* (<*алыб+мэн*) типидаги ўтган замон феъли тарихан *алыб турур мэн* типидаги формадан келиб чиққан. Кейингиси эса ўз навбатида тасвирий (аналитик) йўл билан ясалган бўлиб, икки мустақил компонентнинг бирикувидан ташкил топган: 1) равишдошнинг -*б* аффиксли формаси (*алыб*); 2) *тур-* ҳолат феълининг ҳозирги-келаси замон сифатдош формаси *турур* (+шахс-сон аффикси). Демак *алыб+мэн* типидаги ўтган замон феъли формаси тарихан равишдош асосига эмас, балки сифатдош асосига шахс-сон аффиксларини қўшиш йўли билан ҳосил бўлган. Лекин сифатдош кўрсаткичи асосий феълга бевосита эмас, балки *тур-* ҳолат феъли орқали қўшилган (*алыб+тур+ур*).

Дастлабки қўлланишида *алыб турур мэн* формаси таркибидаги компонентларнинг ҳар бири маълум даражада ўзининг лексик-грамматик мустақиллигини сақлаган: биринчи компонент (*алыб*) иш-ҳаракатнинг нутқ моментидан олдин бажарилганини кўрсатиб, ўтган замон маъносини ифодалайди, иккинчи компонент (*турур*) эса иш-ҳаракатнинг натижаси нутқ моментида мавжуд эканлигини кўрсатади[110a]. Шунинг учун *алыб турур мэн* формаси таркибидан иккинчи компонент (*турур*) бутунлай тушиб қолиб, *алыб-мэн* формасига айланганда ҳам замон нуқтаи назардан ўзгариш бўлмаган, яъни бу формаларнинг иккаласи ҳам ўтган замон маъносини ифодалайди.

*Алыб турур мэн* типидаги форманинг *алыб+мэн* типидаги формага айланишида формал жиҳатдан қуйидаги ўзгаришлар юз берган. Биринчидан, иккинчи компонент (*турур*) аста-секин ўзининг лексик-грамматик мустақиллигини йўқота бориб, бир бутун аналитик конструкциянинг таркибий қисмига айланади. Бунинг натижасида иккинчи компонент формал ўзгаришга учрайди, яъни *турур* таркибидан ҳозирги-келаси замон кўрсаткичи -*ур* тушиб қолиб, *тур* формасига айланади (*алыб турур мэн*>*алыбтур+мэн*). Кейингиси эса сингармонизм қонунига мувофиқ равишда қаттиқ (*тур*) ва юмшоқ (*тӱр*) вариантларига эга бўлади (*алыбтур+мэн*, *кэлибтӱр+мэн*). Шундай қилиб, *алыб турур мэн* формаси таркибидаги *турур* феълида грамматикализация ҳодисаси юз беради, яъни у ўзининг лексик-грамматик мустақиллигини йўқотиб, *тур*//*тӱр* аффиксига айланади. Сўнг айрим тилларда, масалан, эски ўзбек тилида *тур*//*тӱр* аффикси таркибидаги жарангсиз [т] ундоши жарангли [д] ундошига ўтиб, бу аффикс *дур*//*дӱр* формасида ҳам

[110] А. Н. Кононов. Грамматика современного узбекского литературного языка, стр. 220.

[110a] Қиёсланг: агар биринчи компонент -*а*/-*э*(-*й*) аффиксли равишдош бўлса (*ала турур мэн*), иш-ҳаракатнинг нутқ моментида давом этиб турганини кўрсатилиб, ҳозирги замон маъноси ифодаланади (Қар.: §§ 71, 77).



www.ziyouz.com kutubxonasi

қўлланган (*алыбтур+мэн>алыбдур+мэн, кэлибтур+мэн>кэлибдур+мэн*). Иккинчидан, *алыбтур+мэн* типидаги форма таркибидан *тур//түр (дур//дүр)* форманти I ва II шахсларда бутунлай тушиб қолади (*алыбтур+мэн//алыбдур+мэн > алыб+мэн, алыбтур+миз//алыбдур+миз>алыб+миз, алыбтур+сэн//алыбдур+сэн > алыб + сэн, алыбтур + сиз//алыбдур + сиз > алыб + сиз*). III шахсда эса шахс кўрсаткичи бўлмаганлиги учун *тур//түр (дур//дүр)* аффикси сақланган бўлиб, ҳозир кўпчилик туркий тилларда *-ды/-ди, -ты/-ти* формаларига айланган. Масалан, ўзбек тилида: *алыбтур//алыбдур>алыбдыр>алыбды>олибди (олипти); алыбтурлар//алыбдурлар>алыбдырлар>алыбдылар>олибдилар (олиптилар)*. Айрим туркий тилларда эса, масалан, озарбайжон тилида *тур//түр (дур//дүр)* форманти, юқорида айтилганидек, III шахснинг бирлик ва кўплик формаларида ҳам кўпинча тушиб қолади.

Ниҳоят, ҳозирги ўзбек тилида, юқорида қайд қилинганидек, *алыб+мэн* типидаги форманинг маъносида ҳам ўзгариш юз бериб, эшитилганлик, ҳикоя каби маъноларни ифодаловчи форма сифатида шаклланган. Лекин бу ҳодиса мазкур форма таркибидан *тур(<турур)* формантининг тушиб қолиши билан эмас, балки ҳозирги ўзбек тилида *-ган* аффиксли *олган (алған)* типидаги ўтган замон феълининг активлашгани ва олдин бажарилган иш-ҳаракатнинг нутқ моментидаги натижасини ифодалаш вазифаси тамоман шу формага юклангани каби ҳоллар билан боғлиқдир.

## Ўтган замон феъли содда формаларининг ўзаро муносабати

§ 42. Эски ўзбек тилида истеъмолда бўлган ўтган замон феъли содда формаларининг ҳар бири тузилиши ва генезиси жиҳатдан мустақилликка эга бўлса ҳам маъносига кўра икки группага бирлашадилар.

Биринчи группани асосан *-ды* аффиксли *бардым* типидаги «аниқ ўтган замон» («определенное прошедшее время») феъли ташкил этади. Маълумки, бу феъл иш-ҳаракатнинг ўзини, унинг бўлганлиги фактини кўрсатиши билан характерланади. Бу группага қадимги ёдгорликлар тили учун хос бўлган *-дуқ* аффиксли *бардуқ* типидаги формани ҳам қўшиш мумкин. Кейингиси маъноси жиҳатдан (генетик жиҳатдан ҳам) *-ды* аффиксли формага яқин бўлиб, баъзан иккинчи группадаги формалар маъносида ҳам қўлланган.

Иккинчи группани *-мыш* ва *-ған* аффиксли сифатдошлар ва *-б* аффиксли равишдош асосида ҳосил бўлган *бармыш-мэн//бармышам, барған-мэн* ва *барыб-мэн* (*<барыбтур-мэн//барыдур-мэн<барыб турур мэн*) типидаги формалар ташкил этади. Эски ўзбек тилида бу формалар бир хил маънода қўлланган, яъни булар олдин бўлган иш-ҳаракатнинг нутқ моментида мавжуд бўлган натижасини кўрсатиши билан характерланади. Бу формалар кўпинча «перфект» ёки «ўтган замон перфекти» номи билан аталади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Демак, эски ўзбек тилида бир хил маънони, яъни перфект маъносини ифодалаш учун ўтган замон феълининг бир неча содда формалари параллел қўлланиб келган. Қиёсланг:

*Кэ йоқ ул нав дилкаш йэр жаҳāнда,*
*К ө р ү б-м э н аны-йу б о л м ыш-м э н анда*
(Нав. ФШ, 104)
*Йүз үзрə зулфи паришāның т ө к ү б-с э н зэб үчүн,*
*Турфа ким, ж а м э й л э м и ш-с э н куфрны имāн била*
(Мунис, 55).

Келтирилган мисолларда -*б* аффиксли *көрүб-мэн, токүб-сэн* феъллари билан -*мыш* аффиксли *болмыш-мэн, жам эйлэмиш-сэн* феъллари бир хил текстда қўлланган бўлиб, айнан бир хил маънони ифодалайди.

Қуйидаги жумлада эса -*б* аффиксли форма билан -*ған* аффиксли форма бир хил маънода параллел қўлланган: *Мундақ улуғ ташны хили йырақ йолдын к э л т ү р ү б т ү р л ə р, ортасыда дарз б о л у б т у р. Дэрлəр ким, ушбу йэрдə кэлтүргэндин соң бу дарз б о л ғ а н д у р* (БН, 59).

Эски ўзбек тилида перфект маъносини ифодалаш учун параллел формаларнинг қўлланиб келганлиги сабабини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Б и р и н ч и д а н, бу ҳол ўзбек тили тараққиётининг специфик томонларини акс эттирувчи маълум тарихий шароитлар билан боғлиқ бўлган ҳодисадир. XV асрга қадар перфект маъносини ифодалаш учун асосий восита сифатида -*мыш* аффиксли форма прозаик асарларда ҳам, шеърий асарларда ҳам кенг истеъмолда бўлиб, -*б* ва -*ған* аффиксли формалар кам қўлланган. Шу даврдан бошлаб -*б* ва -*ған* аффиксли формаларнинг қўлланиши активлашгач, -*мыш* аффиксли форманинг истеъмол доираси маълум даражада чегараланган (кейингиси асосан шеърий асарларда қўлланган). XIX асрга келиб -*ған* аффиксли форманинг қўлланиши яна ҳам активлашгач, -*мыш* аффиксли форма истеъмолдан чиқа бошлаган, -*б* аффиксли форманинг эса маъносида ўзгариш бўла бошлаган. Ниҳоят, ҳозирги ўзбек тилида -*б* аффиксли форма эшитилганлик, ҳикоя каби маъноларни ифодаловчи ўтган замон феъли сифатида шаклланган бўлиб, перфект маъносида асосан -*ған* аффиксли форма қўлланади.

И к к и н ч и д а н, эски ўзбек тилида перфект маъносида қўлланувчи параллел формаларнинг мавжудлиги бу формаларнинг қўлланишидаги стилистик томонлар билан ҳам боғлиқ бўлган ҳолатдир. Яъни XV асрдан бошлаб -*б* ва -*ған* аффиксли формаларнинг қўлланиши активлашгач, -*мыш* аффиксли форма асосан шеърий асарларда қўлланган. Бундан ташқари, перфектнинг инкор маъноси -*ған* ёки -*мыш* аффиксли феълларнинг бўлишсиз формаси орқали ифодаланган бўлиб, -*б* аффиксли феълнинг бўлишсиз формада қўлланиши айрим манбалардагина қайд қилинди (бунинг сабаби шу феълнинг ясалишида асос бўлган -*б* аффиксли



www.ziyouz.com kutubxonasi

равишдошнинг бўлишсиз формасининг эски ўзбек тилидан кам қўлланганлигида бўлса керак).

## ЎТГАН ЗАМОН ФЕЪЛИНИНГ АНАЛИТИК ФОРМАЛАРИ

§ 43. Ўтган замон феълининг аналитик формалари эски ўзбек тилида ҳам феълнинг замон маъносини англатувчи содда формаларига тўлиқсиз феълнинг аниқ ўтган замон формаси қўшилиши билан ҳосил бўлган.

*эр-* тўлиқсиз феълининг аниқ ўтган замон формаси тарихан *эрти, эрди, эди* кўринишларда ишлатилган. Тўлиқсиз феълнинг қандай формада ишлатилиши, биринчи навбатда, ҳар бир тилнинг (ёки ёзма ёдгорликнинг) ўзига хос фонетик қонуниятлари билан боғлиқ бўлган ҳодисадир. Масалан, ўрхун-енисей ёдгорликларида аниқ ўтган замон феъли аффикси [р] ундоши билан тугаган феълларга одатда *-ты/-ти* формаларида қўшилган (*олур+ты, көр-ти* каби). Шунга мувофиқ бу манбаларда тўлиқсиз феълнинг ўтган замон формаси ҳам (айрим ҳоллардан ташқари) *эрти* кўринишида ишлатилган. XI—XIV асрларга мансуб бўлган «Қутадғу билиг», «Девону луғотит турк», «Ҳибатул ҳақойиқ», «Тафсир», «Қисасул анбиё» (илк қўлёзма нусхалари), «Ўғузнома», «Хисрав ва Ширин» каби ёдгорликларда *эрди* формасида қўлланган. XIV асрга оид ёдгорликларнинг айримларида (масалан, «Гулистон»да) *эди* формасида ҳам учрайди. XV аср ва ундан кейинги даврларга оид ёдгорликларда *эрди* ва *эди* формалари параллел қўллана берган. Ҳозирги ўзбек ва кўпчилик туркий тилларда *эди* формасида қўлланади.

Бу ҳол тўлиқсиз феъл иштирокида ҳосил бўлган ўтган замон феъли аналитик формаларининг барчаси учун умумий бўлиб, бу нарсани ҳар гал такрорлаб ўтирмаймиз.

Ўтган замон феълининг аналитик формалари учун умумий бўлган ҳоллардан яна бири шуки, бу формаларнинг ҳаммасида бўлишсизлик аффикси биринчи компонентга қўшилади: *бармамыш эрдим (бармышым йоқ эрди), бармаған эрдим (барғаным йоқ эрди), бармайдур эрдим* каби.

Шу нарсани ҳам уқдириб ўтиш керакки, *эр-* феълини «тўлиқсиз феъл» номи билан аташ ҳозирги туркий тилларга нисбатан тўғри бўлиб, бунда унинг мустақил лексик-грамматик маънога эга эмаслиги, тусланиш парадигмасини йўқотгани каби ҳоллар ҳисобга олинади. Лекин *эр-* феълини тарихан бундай аташ тўғри бўлмайди. Чунки қадимги ёдгорликларда, айниқса, қадимги уйғур тилига оид текстларда бу феълда тусланиш парадигмаси тўла акс этган[111]. Шу билан бирга, бу манбаларда *эр-* феъли кўпинча *ёрдамчи* феъли функциясини ҳам бажарган (бу масалалар маз-

---

[111] Қаранг: Д. М. Насилов. Структура времен индикатива в древнеуйгурском языке, стр. 12—13.



www.ziyouz.com kutubxonasi

кур ишимизнинг вазифасига кирмайди). Эски ўзбек тилида эса, айниқса, XV аср ва ундан кейинги даврларда *эр-* феъли ўзининг мустақиллигини анча йўқотган. Шунга кўра, бу феълни эски ўзбек тили учун шартли равишда «тўлиқсиз феъл» номи билан атай бердик.

Туркий тилларда (тарихан ҳам, ҳозир ҳам) ўтган замон феълининг аналитик формаларини ҳосил қилишда тўлиқсиз феълнинг *эрди (эрти, эди)* формасигина иштирок этади, бошқача айтганда, тўлиқсиз феълнинг шу формасигина замон нуқтаи назардан янги форма ясай олади. Тўлиқсиз феълнинг ёзма ёдгорликларда учрайдиган *эрмиш, эркән, эркин, эрки, эрур, эргәй, эринч* каби формалари иштирокида ҳосил бўлган қуйидаги бирикмалар эса турли модаллик маъноларини ифодалаш учун хизмат қилиб, замон нуқтаи назардан янги формани ташкил қилмайди: *бармыш+эрмиш (эркән// эркин//эрур//эринч), барған + эрмиш (+эркән//эркин), барыб(дур)+эрмиш (+эркән//эркин), барур (бармас)+эрмиш (+эркән// эркин//эрки), барадур+эрмиш (эркән//эркин), барғай+эрмиш (+эркин//эрки//эрур//эринч), баргу+эрмиш (+эрки), бардачы+ эрмиш (эрур), барды+эркән (+эркин//эрки//эринч)*. Бу типдаги бирикмаларнинг майл ва замон категориясига бевосита алоқаси йўқ. Шунинг учун мазкур ишимизда буларга ўрин берилмади.

Эски ўзбек тилида ўтган замон феълининг аналитик формалари маъно ва функциясига кўра уч группага бўлинади. Биринчи группани ўтган замон феълининг содда формалари асосида ҳосил бўлган *-мыш+эрди, -ған+эрди, -ды+эрди, -дуқ+эрди, -б+эрди (<-б+тур+эрди<-б+турур+эрди)* формалари, иккинчи ва учинчи группаларни ҳозирги ва келаси замон феъллари асосида ҳосил бўлган *-р+эрди (-мас+эрди), -а/-ә(-й)+эрди, -а/-ә(-й)+дур+ эрди, -а(-ә)-й/+турур+эрди* формалари ташкил этади[112].

### *-мыш+эрди* формаси[113]

§ 44. Бу форма, ёзма манбаларнинг кўрсатишича, туркий тилларда қадимдан қўлланиб келади. Кейинги даврларда бу форманинг актив қўлланиши ўғуз группасидаги туркий тилларда давом этган бўлиб, бу тилларда (туркман тилидан ташқари) ҳозир ҳам актив қўлланади. Ўзбек ва бошқа кўпчилик тилларда эса бу форма маълум даврларга келиб истеъмолдан чиққан ёки унинг истеъмол доираси чегараланган.

---

[112] Эски ўзбек тилида актив истеъмолда бўлган *-ғай+эрди* формаси *(барғай эрди)* маъно жиҳатидан аниқлик майли группасига кирмайди. Шунинг учун ишимизда бу формага тўхталмадик.

[113] «*-мыш-эрди* формаси» дейилганда, феъл негизига *-мыш* аффикси ва *эрди* тўлиқсиз феълининг қўшилиши билан ҳосил бўлган *алмыш эрди* типидаги феъл формаси тушунилади. Чунки форма тушунчаси аффикс ёки аффикс вазифасини бажарувчи элементлардан ташқари сўз негизини ҳам ўз ичига олади. Шунинг учун бу ўринда «*-мыш+эрди* ёрдамида ясалган форма» дейилиши керак эди. Лекин ихчамлик учун «*-мыш+эрди* формаси» деб қўлладик. Аналитик формаларнинг бошқаларига нисбатан ҳам шундай қўлладик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёзма ёдгорликларнинг кўрсатишича, ўзбек тилида *-мыш+эрди* формаси XV асргача актив истеъмолда бўлиб, кейинги даврларда асосан шеърий асарларда қўлланган. Ҳозир эса баъзан тарихий темада ёзилган бадиий асарларда (масалан, Ойбекнинг «Навоий» романида) персонажлар тилида учрайди. Ҳозирги ўзбек ва бошқа кўпчилик туркий тилларда бу форманинг функциясини *-ган+эди* ва *-б+эди* формалари бажаради.

Эски ўзбек тилида ҳам қадимги ёдгорликлар ва ҳозирги туркий тиллардаги каби бу формада ш а х с-с о н а ф ф и к с л а р и тўлиқсиз феълга қўшилган: *көрмиш эрдим* (Нав. ФШ, 106), *қалмыш эрдим* (Мунис, 265), *анд ичмиш эрдиң* (Рабғ., 80а), *кэлмиш эрдиң, билмиш эрдиң* (Мунис, 329), *узымыш эрдиңиз* (Таф., 9б).

III шахсда эса *-лар/-лэр* аффикси кўпинча тўлиқсиз феълга, баъзан асосий феълга, айрим манбаларда бир вақтнинг ўзида ҳар иккала компонентга қўшилган: *мусулмāн болмыш эрдилэр* (Таф., 26б), *ирикмиш эрдилэр* (Рабғ., 85б), *мафар қылмыш эрдилэр* (Нав., ЛТ, 187), *этэклэтмуш эрдилэр* (Муқ., 63), *аймышлар эрди* (Рабғ., 17а), *кэлтурмишлэр эрди* (Нав. ФШ, 156), *мусулмāн болмышлар эрдилэр* (Рабғ., 26б).

Б ў л и ш с и з ф о р м а с и қуйидагича икки йўл билан ясалган[114]:

а) *-ма/-мэ* аффикси билан: *көрмэмиш эрди* (ХШ, 96а; Нав. ЛТ, 145), *ағрымамыш эрди* (Мунис, 91);

б) эгалик аффикси+*йоқ* инкор сўзи ёрдамида. Бу форма асосан XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларда қайд қилинди: *көрмишим йоқ эрди* (Рабғ., 75а), *көрмиши йоқ эрди* (Таф., 38б; ХШ, 75б).

*-мыш+эрди* формасидаги феъллар уюшиб келганда, тўлиқсиз феъл охирги бўлаккагина қўшилиб келиши ҳам мумкин: *Мэним бир кэсэк тарығым эрди, т а й а н м ы ш, б и т и л м и ш э р д и* (Таф., 39а). *Өлукни кэлтурдилэр, к у й м и ш, с а с ы м ы ш э р д и* (Рабғ., 141а).

XIX асрга оид ёдгорликларнинг айримларида, масалан, Муқимий, Фурқатнинг шеърий асарларида *-мыш+эрди* таркибидаги *эрди* қисқариб, *-мышды/-мишди* формасида ҳам қўлланган: *шāд болмышды, йурмишдим* (Муқ., 116), *өтмишди, қул олмышды* (Фурқ. I, 8, 128).

Ҳозирги турк, озарбайжон, гагауз тилларида *-мыш+эрди* формаси асосан шу кўринишда қўлланади[115].

§ 45. *-мыш+эрди* формасининг м а ъ н о с и. Эски ўзбек тилида (бошқа туркий тилларда ҳам) *-мыш+эрди* формасининг характерли хусусиятларидан бири шундаки, бу формадаги феъл ифодаланган иш-ҳаракатнинг бажарилиш вақти нутқ моменти билан бево-

[114] Қадимги ёдгорликлар тилида бу феълнинг бўлишсиз формада қўлланиши характерли бўлмаган. Қадимги уйғур тилига оид текстларнинг бирида «эгалик аффикси+*йоқ*» ёрдамида ясалган форма қайд қилинди: *тимиси йоқ эрти* (Юрид., 203) — «дегани йўқ эди».

[115] Б. Ч а р ы я р о в. Времена глагола в тюркских языках юго-западной группы, стр. 79.



www.ziyouz.com kutubxonasi

сита чегарадош бўлмайди, балки бу иш-ҳаракатнинг натиж: сифатида нутқ моментига қадар яна бошқа воқеа юз берган бў ди. Кейингиси одатда ўтган замон феълининг *-ды* аффиксли ф маси билан ифодаланади. *-мыш+эрди* формасидаги феъл ифо лаган иш-ҳаракат нутқ моменти билан ана шу *-ды* аффиксли ф ифодалаган иш-ҳаракат орқали боғланади. Мас.: *Бāғ изиси йэм алғалы к э л м и ш э р д и, буларны көрди* (Рабг., 91б). Мисол шу нарса аниқ кўриниб турибдики, *-мыш+эрди* формасидаги ф (*кэлмиш эрди*) ифодалаган иш-ҳаракатнинг бўлиши натижас иккинчи иш-ҳаракат, яъни *-ды* аффиксли феъл (*көрди*) ифода ган иш-ҳаракат юзага келган. Бошқача қилиб айтганда, боғ эг боққа кирмаганда буларни кўрмаган бўлар эди.

Қуйидаги мисолларда ҳам *-мыш+эрди* формаси шу маън қўлланган:

*Ў р м ы ш э р д и ташлаған асрāри таб,*
*Көрди докāнларда нэъмат бэҳисāб* (Нав. ЛТ, 39).
*Хāлэ о л м ы ш э р д и даҳр афсāнаи фарҳāддын*
*Куҳи ғам қазмақлығым бирлэ тāла болды йана*
(Мунис, 62)

*-мыш+эрди* формасининг кўрсатилган хусусияти бу фо таркибидаги *эрди* тўлиқсиз феълининг характерига боғлиқ яъни бу форма таркибидаги тўлиқсиз феълнинг ўтган замон ф масида (*эрди*) келиши *-мыш* аффиксли феъл ифодалаган иш ракатдан кейин нутқ моментига қадар яна бошқа иш-ҳаракат лиши кераклигини (ёки мумкинлигини) кўрсатади.

*-мыш+эрди* формасининг яна бир характерли хусусияти и дан иборатки, бу форма иш-ҳаракатнинг тугалланганлигини к сатади, яъни *-ды* аффиксли феъл ифодалаган иш-ҳаракат бошл ган вақтда *-мыш+эрди* формасидаги феъл ифодалаган иш-ҳа кат юзага чиққан бўлади (юқоридаги мисолларга қаранг). *-мы эрди* формасининг бу хусусияти ундаги *-мыш* аффиксли ўтган мон феълининг характерига боғлиқдир (Қар.: § 28).

*-мыш+эрди* формасининг мана шу икки хусусияти унинг сий белгиларини ташкил этади.

*-мыш+эрди* формасидаги феъл ифодалаган иш-ҳаракат аффиксли феъл ифодалаган иш-ҳаракатнинг юзага келиш са бини ёки вақтини кўрсатади. Қиёсланг:

*Ибрāҳим он кундэн бэру й а т м ы ш ы йо қ э р д и, қонуқ миштэ сэвунди* (Рабғ., 38б). *Ул элниң қāзиси йэмэ йашру м у с м ā н б о л м ы ш э р д и, анларны тилэди ким, өлмэсэлэр* (Таф.,

Бу мисолларда *-мыш+эрди* формасидаги феъл ифодала иш-ҳаракат (*йатмышы йоқ эрди, мусулмāн болмыш эрди*) *-ды* фиксли феъл (*сэвунди, тилэди*) орқали ифодаланган иш-ҳара нинг юзага чиқишидаги сабабни кўрсатади. Бундай ўринла *-мыш+эрди* формасидаги феъл ифодалаган иш-ҳаракат билан аффиксли феъл ифодалаган иш-ҳаракат ўртасидаги муноса

www.ziyouz.com kutubxonasi

*аның учун, ким//кэ* каби боғловчилар ёрдамида яна ҳам конкретлаштирилиши мумкин: *Иана Умардын жафā т э г м и ш и й о қ э р д и, а н ы ң у ч у н к и м йарлықады...* (Таф., 27а). *Баъзилар аймышлар ким, ..аңар илм б э р м и ш э р д и тэб, а н ы ң у ч у н Хизр атландылар* (Таф., 10а).

*Этэк сары чэриккэ бэрдилэр майл,*
*К э т у т м ы ш э р д и саҳрāны қызыл сайл* (Нав. ФШ, 73).

Қуйидаги мисолларда *-мыш+эрди* формасидаги феъл ифодалаган иш-ҳаракат *-ды* аффиксли феъл ифодалаган иш-ҳаракатнинг бўлган вақтини кўрсатади: *Бир куни Исмāил авқа ч ы қ м ы ш э р д и, Ибрāҳимни көрэ кэлди* (Рабғ., 31а). *Бу иш ул вақтда эрди ким, бинни Исрāил Мисрда барча о р н а м ы ш э р д и л э р, Мусā йалавач оғрады* (Таф., 10а).

*-мыш+эрди* формаси бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисани эслаш, уни таъкидлаб ўтиш каби маъноларни ифодалашда ҳам қўлланади. Бундай ҳолларда кесими *-мыш+эрди* формасидаги феъл билан ифодаланган гап одатда мустақил содда гапни ташкил этади ёки боғланган қўшма гап таркибида келади: *Аның атасын өлтүрүб, аны асир қылыб к э л т у р м и ш э р д и, қамуғ қарабашларға аны эрклик қ ы л м ы ш э р д и, малын, таварын билүр эрди* (Рабғ., 30а).

*Аның ҳажрыда ҳāқāн ө л м и ш э р д и,*
*Кичик қардашы ҳāқāн б о л м ы ш э р д и*
(Нав. ФШ, 208).

*Лэк мэндин к э т м и ш э р д и ақл-у хуш,*
*Лаҳза-лаҳза шавқ оты эйлэрди жош* (Фурқ. II, 29).

Ниҳоят, кесими *-мыш+эрди* формасидаги феъл билан ифодаланган гап бирор гапнинг таркибида келиб, ундаги асосий фикр қаратилган бўлакни изоҳлаш, фикрни тўлдириш учун хизмат қилади. Бундай ҳолларда асосий гап билан кесими *-мыш+эрди* формасидаги феъл билан ифодаланган гап одатда *ким//кэ* боғловчиси ёрдамида боғланади. *-мыш+эрди* формасининг бундай қўлланиши асосан шеърий асарларда учрайди. Масалан:

*Қāм-у нāкāм алды шайхи ишқбāз*
*Майны к и м, т у т м ы ш э д и ул дилнавāз* (Нав. ЛТ, 82).

[Мазмуни: Ишқибоз шайх у дилнавоз тутган майни ночор олди].

Кўринадики, бу байтда кесими *-мыш+эрди* формасидаги феъл билан ифодаланган *тутмыш эрди ул дилнавāз* гапи асосий гапнинг тўлдирувчисини (*майны*) изоҳлаш учун келтирилган бўлиб, *тутмиш эрди* феъли «тутган» маъносида қўлланган. Қуйидаги мисолда ҳам бу форма шу маънода қўлланган:

*Нэ таълими к э, қ ы л м ы ш э р д и дāнā,*
*Барыга кāрбанд олды ҳамāнā* (Нав. ФШ, 70).



www.ziyouz.com kutubxonasi

### *-ған+эрди* формаси

§ 46. Бу форманинг ёзма ёдгорликларда ишлатилиши XIII—XIV асрлардан бошлаб кузатилади. Лекин бу даврда кам қўлланган бўлиб, «Тафсир», «Уғузнома», «Наҳжул фародис», «Гулистон», «Хисрав ва Ширин» каби айрим манбаларда қайд қилинди.

Бу форма эски ўзбек тилида умуман кам истеъмолда бўлган[116]. XVI—XVIII асрларга оид манбалардан «Шайбонийнома», «Бобирнома», «Шажараи тарокима», «Шажараи турк» каби айрим асарларда қўлланган. Бу форма Навоийнинг прозаик асарларида қўлланган. Навоийнинг шеърий асарларида эса *-ган+эрди* формаси билан семантик ва функционал ўхшаш бўлган *-мыш+эрди* формаси кенг қўлланган бўлиб, *-ған+эрди* формаси қайд қилинмади (бу ўринда шоирнинг мазкур ишимизда фойдаланган шеърий асарлари кўзда тутилянти).

Ўзбек тилида *-ган+эрди* формасининг қўлланиши XIX асрдан активлаша бошлаган. Масалан, Фурқат ва Муқимий асарларида анча кенг қўлланган.

*-ған+эрди* формасида шахс-сон аффикслари тўлиқсиз феълга қўшилган: *сағынған эрдим* (Муқ., 252), *қыйнаған эрдук* (Таф., 42б), *мутэ қылған эрдиқиз* (Фурқ. II, 158).

III шахс бирлиги нуль кўрсаткичли бўлиб, III шахс кўплиги учун *-лэр* аффикси қўшилган: *сэвгэн эрди* (XIII, 29б), *фиган қылған эрди* (ШН, 105), *кэлгэн эдилэр* (Муқ., 59).

Бу феълнинг бўлишсиз формаси эски ўзбек тилида ҳам ҳозирги ўзбек тилидаги каби қуйидагича уч йўл билан ясалган:

а) *-ма/-мэ* аффикси билан: *тугэнмэй қалған эрди* (Нав. МН 31); *жавр қылмаған эди* (Фурқ. II, 126).

б) *эр-* тўлиқсиз феълнинг бўлишсиз формаси *эрмэс (эмэс)* ёрдамида: *йэйилгэн эмэс эди* (БН, 199), *көргэн эрмэс эрди* (III. турк), *тушгэн эмэс эди* (Фурқ. II, 148).

в) эгалик аффикси *+йоқ* инкор сўзи ёрдамида: *кэлгэн йоқ эрди* (III. турк).

*-ған+эрди* формасидаги феъллар уюшиб келганда, тўлиқсиз феъл охиргисигагина қўшилиши ҳам мумкин. Мас.: *Пāныны бул тур йэгэн, пайлаган эрдиалар* (Муқ., 62).

*-ған+эрди* формаси ҳозирги ўзбек ва бошқа кўпчилик туркий тилларда актив қўлланади[117]. Ўгуз группасидаги турк, озарбайжон ва гагауз тилларида эса бу форманинг функциясини асосан шу форма билан семантик ва функционал мос келувчи[118] *-мыш+эрди* формаси бажаради.

---

[116] Шунинг учун бўлса керак, эски ўзбек тили бўйича ёзиган баъзи ишларда бу формага ўрин берилмаган (А. М. Щербак, Грамматика староузбекского языка, М.—Л., 1962; М. Я. Турабова, Морфологические особенности языка «Шейбани-намэ» Мухаммеда Салиха, АКД, Ташкент, 1966).

[117] А. А. Юлдашев, Аналитические формы глагола в тюркских языках М., 1965, стр. 167.

[118] Ўша асар, 185-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

§ 47. *-ған+эрди* формасининг **маъноси**. Эски ўзбек тилида бу форма қўлланиши ва маъноси бўйича *-мыш+эрди* формасига ўхшайди. Яъни *-ған+эрди* формасининг ҳам муҳим белгиси шундан иборатки, бу формадаги феъл ифодалаган иш-ҳаракат нутқ моменти билан бевосита чегарадош бўлмайди, балки бу иш-ҳаракатнинг натижаси сифатида нутқ моментига қадар яна бошқа воқеа юз беради. Кейингиси одатда *-ды* аффиксли ўтган замон феъли билан ифодаланади. *-ған+эрди* формасидаги феъл ифодалаган иш-ҳаракат нутқ моменти билан ана шу кейинги иш-ҳаракат орқали боғланади. Бундай ҳолларда *-ған+эрди* формасидаги феъл ифодалаган иш-ҳаракат *-ды* аффиксли ўтган замон феъли ифодалаган иш-ҳаракатнинг юзага келиш сабабини, вақтини кўрсатади:

1. *Сизләр аңа ынанған эрдиңиз, айатның ҳукмы мансуҳ болды* (Таф., 85б).

2. *Чун қуш бузмағыны-йу тограмағыны қылған эмәс эдим, элик элтмәдим* (БН, 241).

3. *Бизләр бундақ тарҳи аҗиб алий имаратларны ҳаргиз көрмәгән эрдук, ҳушымыз учуб ҳайран болдук* (Фурқ. II, 128).

4. *Йылға мың сәккиз йуз-у тоқсан эди,*
*Ийул айының бири болған эди...*
*Иттифақа, ул куни тапыб хабар,*
*Әйләдим йарманка сарыға гузар* (Фурқ. II, 26).

Келтирилган мисолларнинг олдинги учтасида *-ған+эрди* формасидаги *ынанған эрдиңиз, қылған эмәс эдим, көрмәгән эрдук* феъллари ифодалаган иш-ҳаракат *-ды* аффиксли *мансуҳ болды, элтмәдим, ҳайран болдук* феъллари ифодалаган иш-ҳаракатнинг юзага келиш сабабини кўрсатади. Охирги мисолдаги *болған эди* феъли ифодалаган иш-ҳаракат эса *-ды* аффиксли *гузар әйләдим* феъли ифодалаган иш-ҳаракатнинг бўлиш пайтини кўрсатади.

*-ған+эрди* формаси бўлиб ўтган воқеа, ҳодисани эслаш, уни таъкидлаб кўрсатиш учун ҳам қўлланади: *Бу алтун йа кун тоқушыдан да кун батушыгача тә(к)кән эрди тақы бу уч кумуш оқ тун йанғаққа кәтә турур эрди* (УН, 57). *Бу йигирми төрт оғул адамий хатунлардын болған эрди. Мунлардын өзгә қамалардын болған ҳам огланлар көп эрди* (Ш. тар., 30).

*Соңра чықды бир қуйаш рухсара зан,*
*Эгнигә кийгән эди көк пираҳан* (Фурқ. II, 27).

### *-б+эрди* (<*-б+тур+эрди*<*-б+турур+эрди*) формалари

§ 48. Ўтган замон феълининг *-б* аффиксли равишдошга *эрди* қўшилиши билан ҳосил бўлган *-б+эрди* формаси *-б+тур+эрди* формасининг қисқарган кўринишидир. Кейингиси эса ўз навбатида *-б+турур+эрди* формасидан келиб чиққан. Бунда аввал *турур* таркибидан ҳозирги-келаси замон сифатдошининг кўрсаткичи *-ур* (*турур*>*тур*), сўнг *тур* бутунлай тушиб қолади (*-б+турур+*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*эрди>-б+тур+эрди>-б+эрди).* *-б+турур+эрди* формасининг *-б+эрди* формасига айланишида ҳам *алыб-турур+мэн* типидаги ўтган замон феъли формасининг *алыб+мэн* типидаги формага ўтнишидаги процесслар юз берган (Қар.: § 41).

Эски ўзбек тилида *-б+эрди* формаси актив қўлланган бўлиб, *-б+турур+эрди* формаси маълум даврлардагина истеъмолда бўлган. *-б+тур+эрди* формасининг қўлланишига эса ёдгорликларда қуйидаги мисолларгина қайд қилинди (шунинг учун бу формага махсус тўхталмадик): *Мир Хисравның ашъāр-у рисāласын ва сāир мусаннифāтын андын көпрэк киши* *ж а м қ ы л м а б д у р э р д и* (Нав. МН, 48). *Ҳэч чапқунда мунча қой түшмэбтүр эрди* (БН).

## 1. *-б+эрди* формаси

§ 49. Бу форма ўрхун-енисей текстларида ҳам, XI—XII асрларга оид ёдгорликларда ҳам қўлланмаган. Қадимги уйгур тилига оид текстларнинг айримларида (масалан, «Олтин йоруқ»да) учрайди[119].

Ёзма ёдгорликларнинг кўрсатишича, ўзбек тилида *-б+эрди* формасининг актив қўлланиши XV асрдан бошланган. XIII—XIV асрларда[120] бу форма кам қўлланган бўлиб, айрим манбаларда учрайди: *Тақы мушриклар таба к э т и б э р д и л э р* (Таф., 85б) *Йинчкэ, йуғқа, назук тонлар к и з и б э р д и* (Рабғ., 53а). *Бэрк эмгэк бирлэ эл күнни б а с ы б э р д и* (УН, 24). *Булутда к э з л э[…] э р д и ай-тэк өзин* (XIII, 25а).

*-б+эрди* формасида ш а х с-с о н а ф ф и к с л а р и тўлиқси[…] феълга қўшилган: *айтыб эрдим* (Нав. Мнш., 13), *барыб эрдү[…]* (БН, 141), *мāҳазар эйлэб эдиң* (Фурқ. I, 33), *кэлиб эрдиңиз* (Ш тар., 56). III шахс бирлиги нуль кўрсаткичли бўлиб, III шахс кўп лиги учун *-лэр* қўшилган: *хоб айтыб эрди* (БН, 139), *билиб эрди лэр. иш йарағыны қылыб эрдилэр* (ШН, 74).

Бу форманинг б ў л и ш с и з а с п е к т д а қўлланишини «Бо бирнома» ва «Шайбонийнома» асарларида қайд қилинди: *көрмэ[…] эди* (БН, 117), *қоймаб эди* (ШН, 89), *қоймаб эрдилэр* (БН, 269) Эски ўзбек тилида *-б+эрди* формасининг бўлишсиз аспекти ўрни да ҳам шу форма билан семантик ва функционал ўхшаш бўлга[…] *-мыш+эрди* ва *-ған+эрди* формаларининг бўлишсиз аспекти қўл ланган.

§ 50. Ҳозирги ўзбек тилида *-б+эди(<эрди)* формаси оғзак[…] нутқ учун характерли бўлиб, ўзбек шеваларининг қарийб ҳамма сида турли фонетик вариантларда қўлланади. Кўпчилик шевалар да *-б+эди* формасидаги *-б* аффикси билан тўлиқсиз феъл талаф фузда қўшилиб кетади ва бу формада маълум фонетик ўзгариш

---

[119] Д. М. Насилов. Структура времен индикатива в древнеуйгурско[…] языке, стр. 5.

[120] Бу даврда *-б+эрди* формаси ўрнида асосан *-б+турур+эрди* формас[…] қўлланган (Қар.: § 52).



www.ziyouz.com kutubxonasi

юз беради. Масалан, Тошк.: *кўрувдъм (<кўриб эдим), кўрувдънг, кўрувдъ; кўрувдув//курувдуэ//кўрувдувэ, кўрувдъйъз//кўрувдъз//кўрувдъйла, кўръшувдъ//кўрувдълэ*[121]. Анд., *эйтувдъм, эйтувдънг, эйтувдъ; эйтувдъй//эйтувдък, эйтувдъйнэр//эйтъшувдъ*[122]. Шсбз.: *билувдим, билувдиқ//билувдиз, билувде; билувдик, билувдизлэ, билувде*[123]. Оғзаки нутқ учун хос бўлган бу ҳодиса кўпинча ёзув адабий тилда ҳам акс этади: *борувди(<бориб эди), келувди (<келиб эди)* каби.

Қипчоқ типидаги ўзбек шеваларида ва Хоразм шеваларининг кўпчилигида тўлиқсиз феълнинг формаси маълум даражада сақланади. Қиёсланг: Наманган қипчоқ шеваларида: *келиб эдим//келиведим*[124]. Қирқ: *билибидим, билибидиң, билибиди*[125]; Хонқа: *йазъп эдъм, йазъп эдънг, йазъп эдъ; йазъп эдьк, йазъп эдьнгъзлэр, йазъп эдьлэр;* Ҳзрсп.: *йазвэдьм, йазвэдьнг, йазвэдь; йазвэдьк, йазвэдънгъзлэр, йазвэдьлэр*[126]; Хоразм қипчоқ шеваларида: *баръви : дъм, баръви : дъң, баръви : дъ; барьви : дьк, баръви : дъңлэр, баръви : дь(лэр)*[127].

Ҳозирги ўзбек адабий тилида эса *-б+эди* формаси кам қўлланиб, бу форманинг функциясини ҳам асосан *-ган+эди* формаси бажаради. Шунинг учун ҳам Е. Д. Поливановнинг ўзбек тилида *-б+эди* формаси оғзаки нутқ учун хосдир[128] деганида маълум асос бор эди. Ҳақиқатан ҳам ҳозирги ўзбек тилида *-б+эди* формаси, юқорида айтилганидек, оғзаки нутқ учун характерли бўлиб, ўзбек шеваларининг қарийб ҳаммасида актив қўлланади, *-ган+эди* формаси эса кўпчилик шеваларда ишлатилмайди ёки кам қўлланади. Бу фикрни тасдиқловчи яна шу фактни ҳам уқдириб ўтиш керакки, *-б+эди* формасининг бўлишсиз аспектда ишлатилиши ўзбек шевалари[129], умуман, оғзаки нутқ учун характерли бўлиб, ҳозирги ўзбек ёзув адабий тилида бу ўринда асосан *-ган+эди* формасининг бўлишсиз аспекти қўлланади (*-б+эрди* формасининг бўлишсиз аспектда ишлатилиши, юқорида қайд қилингандек, эски ўзбек адабий тили учун ҳам характерли бўлмаган).

*-б+эди* формаси ҳозир уйғур, қозоқ, қорақалпоқ, туркман, қарачай-балқар, нўғой ва бошқа айрим туркий тилларда турли фоне-

---

[121] Я. Г. Гулямов. Грамматика ташкентского говора, стр. 114.

[122] С. Иброҳимов. Ўзбек тилининг Андижон шеваси, Тошкент, 1967, 207, 208-бетлар.

[123] Б. Джураев. Шахрисябзский говор узбекского языка, Ташкент, 1964, стр. 153, 154.

[124] Фатхулла Абдуллаев. Ўзбек тилининг қипчоқ шеваси, ЎзДМ, I том, 338-бет.

[125] Т. З. Мирсоатов. Ўзбек тилининг қирқ шеваси, ЎзДМ, I том, 249-бет.

[126] Ю. Жуманазаров. Ҳазорасп шевасининг баъзи бир феъл формалари, ЎзДМ, II том, 139-бет.

[127] Ф. А. Абдуллаев. Хоразм шевалари, 165-бет.

[128] Е. Д. Поливанов. Введение в изучение узбекского языка, стр. 95.

[129] Шеваларда (оғзаки нутқда) бу форманинг бўлишсиз аспектининг ясалишида ҳам маълум фонетик ўзгариш юз беради: *бормовдим (<бормаб эдим), келмовдим (<келмаб эдим)* каби.



www.ziyouz.com kutubxonasi

тик кўринишда қўлланади. Бу тилларнинг айримларида, масалан, туркман[130], қарачай-балқар[131] тилларида *-б+эди* формаси бўлишсиз аспектда қўлланмайди.

§ 51. *-б+эрди* формасининг маъноси. Эски ўзбек тилида бу форма маъно ва функцияси жиҳатдан *-мыш+эрди* ва *-ған+эрди* формалари билан бир группага киради[132]. Яъни *-б+эрди* формасининг ҳам муҳим белгиси шундан иборатки, бу формадаги феъл ифодалаган иш-ҳаракат нутқ моменти билан бевосита чегарадош бўлмайди, балки бу иш-ҳаракатнинг натижаси сифатида нутқ моментига қадар яна бошқа воқеа юз беради. Кейингиси одатда *-ды* аффиксли ўтган замон феъли билан ифодаланади. *-б+эрди* формасидаги феъл ифодалаган иш-ҳаракат нутқ моменти билан шу кейинги иш-ҳаракат орқали боғланади: *Чун āстāнбуслуқ иштийāқы ҳаддын өтүб эрди, бу васила билә ҳайāл қылылды ким,..* (Нав. Мнш., 10). *Шāҳ Мансур зай бир нәчә хушхор ва кайфийатлик камāли кәлтүрүб эрди, бир камāлини үч болуб, бир ҳиссасыны мән йэдим* (БН, 280). *Үч-төрт каррат айтыб эрдим, сән кәлмәдиң* (Ш. турк.)

*Ваъдаи васл эйләб эрди, эйләди таъхир көп,*
*Йā ибā қылды-йу йā йāдыға кәлмәйдүр ҳануз*
(Мунис, 133).

*-б+эрди* формасидаги феъллар бундай ўринларда одатда эргаш гапнинг кесими вазифасида келган бўлиб, асосан бош гапдаги иш-ҳаракатнинг бўлиш вақтини ёки сабабини кўрсатади:

1. Қуйидаги мисолларда *-б+эрди* формасидаги феъллар пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келган: *Намāзи хуфтāн болуб эрди, Йәккә өлән кәлиб түшдүк* (БН, 247).

*Достлар, аҳбāблар, барыб эрдим майхāнаға,*
*Нāгаҳāн түшти көзүм бир маҳлиқā жāнāнаға.*
(Фурқ. I, 37).

2. Қуйидаги мисолларда сабаб эргаш гапнинг кесими вазифасида келган: *Баш ул баргаҳ саждасыдын өтүб эрди, илтимас қылылды ким,..* (Нав. Мнш., 6). *Асас худ гузарā маст болуб эрди, андақ нахуш ҳаракатлар болды* (БН, 323). *Ғурның тағларыға қар көп түшүб эрди, лашкар халқы йүрмәккә қыйналдылар* (Ш. тар., 21).

---

[130] Б. Чарыяров. Времена глагола в тюркских языках юго-западной группы, стр. 80.

[131] И. Х. Урусбиев. Спряжение глагола в карачаево-балкарском языке, Черкесск, 1963, стр. 160.

[132] Қиёсланг:

*Урушуб эрди эр-у хатын булар,*
*Йараштырғалы қылған эрдим гузар* (Муқ., 49).

Бу байтда *-б+эрди* формасидаги *урушуб эрди* феъли билан *-ған+эрди* формасидаги *қылған эрдим гузар* феъли бир хил маънода қўлланган бўлиб, бу формаларнинг ўрнини алмаштирилса (яъни *урушуб эрди* ўрнида *урушған эрди* формаси ёки *қылған эрдим гузар* ўрнида *қылыб эрдим* гузар формаси қўлланса), маънода ўзгариш бўлмайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*-б-эрди* формасидаги феъллар пайт ва сабаб эргаш гапларнинг кесими вазифасида келганда, эргаш гап билан бош гап ўртасидаги муносабатни кўрсатиш учун боғловчи ёки боғловчи вазифасида келган сўзлар иштирок этиши ҳам мумкин:

1. *Бир оқ атым йол к э л и б э д у к к и м, ғанимниң чапқунчысыға йэтдук* (БН, 131).

2. *Көпрәк эл уйла б о л у б э р д и л ә р,*
*К и м ошул қалъа ара кирдиләр* (ШН, 60).

3. *Он йэтти йыл илгәри... бизгә йағы б о л у б э р д и л ә р, у л с а б а б д ы н биз анларны көп чапдуқ* (Ш. тар., 5).

4. *Бурундуқ Йунус ханның эгәчисини Улуғ бәг мирзā Абдулазиз мирзāға а л ы б б э р и б э д и, у л м у н ā с а б а т б и л ә... хāнның үч-төрт уйлук улусы билә Улуғ бәг мирзāға кэлтүрдиләр* (БН, 12).

Мисолларнинг биринчи ва иккинчисида *-б+эрди* формасидаги феъллар пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келган бўлиб, эргаш ва бош гаплар ўртасида *ким* боғловчиси қўлланган. Учинчи ва тўртинчи мисолларда эса сабаб эргаш гапнинг кесими вазифасида келган бўлиб, *ул сабабдын, ул мунāсабат билә* боғловчилари қўлланган.

Лекин *-б+эрди* формасидаги феъллар пайт ва сабаб эргаш гапларнинг кесими вазифасида келганда, эргаш ва бош гаплар ўртасида боғловчи бўлиши шарт эмас. Булар маънони кучайтиш, конкретлаштириш учун хизмат қилади, холос. Чунки бундай ҳолларда эргаш ва бош гаплар ўртасида мантиқий боғланиш мавжуд бўлади. Қиёсланг:

1. *Намāзи дигар б о л у б э р д и к и м, чарлардын чықыб, дашт йэргә чықтук* (БН, 139).

2. *Намāзи хуфтан б о л у б э р д и, йэккә өлән кэлиб түштүк* (БН, 247).

Келтирилган мисолларнинг биринчисида *ким* боғловчиси иштирок этган бўлиб, иккинчисида эргаш ва бош гаплар боғловчисиз бириккан. Лекин бу мисолларнинг иккаласи мазмун жиҳатдан ҳам, тузилиши жиҳатдан ҳам бир хил, яъни буларнинг иккаласи ҳам пайт эргаш гапли қўшма гап бўлиб, эргаш гапнинг кесими *-б+эрди* формасидаги феъл билан ифодаланган.

*-б+эрди* формасидаги феъллар бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисани эслаш, уни таъкидлаб кўрсатиш каби маъноларда ҳам қўлланади. Бундай ҳолларда кесими *-б+эрди* формасидаги феъллар билан ифодаланган гап одатда мустақил содда гапни ташкил этади ёки боғланган қўшма гап таркибида келади: *Хожаны «йэр фариштасы» дэрләр ва Хожа улуми зāҳирий-у батинийни т а к м и л қ ы л ы б э р д и* (Нав. МН, 9). *Атасы Бэнгалада пāдшāҳ б о л у б э р д и, Саид ва Султāн Алауддингә мулаққаб эди. Муңа салтанат т э г и б э р д и. Ажаб расмдур...* (БН, 351).

Кесими *-б+эрди* формасидаги феъл билан ифодаланган гап бирор гапнинг таркибида келиб, шу гапнинг бирор бўлагини изоҳлашга ва фикрни тўлдиришга хизмат қилади. Бундай ўринларда



www.ziyouz.com kutubxonasi

кесими *-б+эрди* формасидаги феъл билан ифодаланган гап асосий гап билан одатда *ким//кэ* боғловчиси орқали бирикади: *Аҳмад Қоҳбур ва йана бир нэчэ йигитни к и м, Мирзā хāнның соңыча й ы б а р ы л ы б э д и,.. алыб кэлди* (БН, 255). Бу жумлада кесими *-б+эрди* формасидаги *йыбарылыб эди* феъли билан ифодаланган гап асосий гапнинг тўлдирувчисини (*...йигитни*) изоҳлаш учун келтирилган. Қуйидаги мисолларда ҳам кесими *-б+эрди* формасидаги феъл билан ифодаланган гап шундай маънода қўлланган: *Нэчэ китāб к и м, ҳ у к м б о л у б э р д и, ул ким муйассар болур чағлығ эрди, андын йыбарылды* (Нав. Мнш., 8). *Чарбāғның эшикидин Дост Сарипулий пийāда к и м,.. Кāбулда қ о й у л у б э р д и, йаланғач қылыч элигдэ кириб кэлди* (БН, 251).

*-б+эрди* формасининг яна бир муҳим белгиси шундан иборатки, бу формадаги феъл ифодалаган иш-ҳаракат тугаллик хусусиятига эга бўлиб, кейинги иш-ҳаракат бошлангунга қадар бажарилган бўлади: *Бир икки куруҳ йол б а р ы б э д у к ким, бир қара суйға йэтилди* (БН, 141). Мисолдан кўриниб турибдики, *-б+эрди* формасидаги *барыб эдук* феъли ифодалаган иш-ҳаракат бўлгандан кейингина *йэтилди* феъли ифодалаган иш-ҳаракат амалга ошган.

*Отур-(олтур-), йат-, тур-, йүр-* ҳолат феъллари бундан мустасно. Бу феъллар *-б+эрди* формасида қўлланганда, иш-ҳаракатнинг тугаллиги эмас, балки давомийлиги кўрсатилади. Яъни субъект шу феъллар ифодалаган ҳолатда бўлиб турганда, кейинги иш-ҳаракат амалга ошган бўлади. Бошқача айтганда, кейинги иш-ҳаракатнинг бажарилиши шу феъллар ифодалаган ҳолат давом этиб турган процессда бўлади: *Йана бир җāлада о л т у р у б э р д и л э р, фармāн болды* (БН, 323). *Султāн ордуда йаланғач й а т ы б э р д и, ат айақының āвāзы кэлди* (Ш. турк, 107).

Бундай қўлланиш ҳолат феълларининг характери билан боғлиқдир. Гап шундаки, эски ўзбек тилида ҳам, ҳозирги ўзбек тилида ҳам ҳолат феъллари *-б* аффиксли ўтган замон феъли формасида қўлланганда (*ўтирибди, ётибди, турибди, юрибди* каби), контекст мазмунига қараб ўтган замон ёки ҳозирги замон маъносини ифодалаши мумкин. Ўтган замон маъносида қўлланганда, субъектнинг ҳаракати, ҳозирги замон маъносида қўлланганда, субъектнинг нутқ моментида шу феъллар ўзагидан англашилган ҳолатда эканлиги кўрсатилади. Бу феъллар *-б+эрди* формасида қўлланганда, юқоридаги мисолларда кўрганимиздек, ҳолатнинг давомийлигини ифодалайди. Бунда *эрди* феъли ҳолатнинг давомийлигини ўтган замонга кўчиради.

## 2. *-б+турур+эрди* формаси

§ 52. Бу форма қуйидагича уч компонентнинг бирикувидан ташкил топган: равишдошнинг *-б* аффиксли формаси+*турур* [*тур*- ҳолат феълининг ҳозирги-келаси замон формаси]+*эрди* [тўлиқсиз феълнинг ўтган замон формаси]: *алыб турур эрди, кэлиб турур*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*эрди* каби. Бу форма фақат XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларнинг айримларидагина қўлланган бўлиб, ҳозирги ўзбек ва бошқа туркий тилларда ҳам сақланмаган. Чунки бу форманинг таркибида ўзгариш юз бериб, юқорида айтилганидек, ундан *-б+эрди* формаси келиб чиққан (*барыб турур эрди>барыбтур эрди>барыб эрди*).

*-б+турур+эрди* формасида ш а х с-с о н а ф ф и к с л а р и тўлиқсиз феълга қўшилган: *назāра қылыб турур эрдим* (Рабғ., 7а), *бағлаб турур эрдим* (Саройи, 52б), *кэзлэниб турур эрдиңиз* (Таф., 60а).

III шахс бирлиги нуль кўрсаткичли бўлиб, III шахс кўплигида *-лар/-лэр* аффикси баъзан *турур* феълига, баъзан *эрди* феълига қўшилган: *тутуб турурлар эрди* (Таф., 79а), *басыб турур эрдилэр* (Рабғ., 27а).

«Тафсир»да III шахс кўплигида *эрди* қисқариб *-ды* формасида ҳам қўшилган: *Мэндин илгэру ы б а р ы б т у р у р д ы* (Таф., 87а). *Булардын оң ҳ и җ р а т қ ы л ы б т у р у р л а р д ы,.. тақы улар җаҳиллықта қ а л ы б т у р у р л а р д ы* (Таф., 93а).

Бу форма бўлишсиз аспектда қўлланмаган.

§ 53. *-б+турур+эрди* формаси м а ъ н о ва ф у н к ц и я с и жиҳатдан ҳам *-б+эрди* формасига ўхшайди. Яъни бу форманинг ҳам муҳим белгиси нутқ моменти билан бевосита чегарадош бўлмаган иш-ҳаракатни ифодалашдир. Бу иш-ҳаракатнинг натижаси сифатида нутқ моментига қадар яна бошқа иш-ҳаракат вужудга келиб, кейингиси одатда *-ды* аффиксли ўтган замон феъли билан ифодаланади. *-б+турур+эрди* формасидаги феъл ифодалаган иш-ҳаракат нутқ моменти билан ана шу кейинги иш-ҳаракат орқали боғланади. Шунингдек, бу форма ҳам бўлиб ўтган воқеа-ҳодисани, эслаш, ҳикоя қилиш каби маъноларда ҳам қўлланган: *Қарун бу сөзлэрни э ш и т и б т у р у р э р д и,.. Мусā кэтти эрсэ, Қарун кэлиб дарвишингэ сөзлэди* (Рабғ., 96а). *Атам мэңэ васийат қылыб турур эрди, аны сингэдим* (Рабғ., 132а). *Бу бизниң қулумыз турур, уч кун болды, биздин қ а ч ы б т у р у р э р д и* (Рабғ., 48а). *Бир парча йэр қ а л ы б т у р у р э р д и бир киши олтур(ур) чақлы, җарраҳ айақын узатды, ул йэри тутды* (Таф., 79а). *Хабар бэрди аны ким, э ш и т и б т у р у р э р д и мунāфиқлардын* (Таф., 91а). *Ошул бөри Оғуз қағанга сөз б э р и б т у р у р э р д и тақы дэди ким,..* (ЎН, 37). *Бир йыл Искандарийа шаҳрында йамғур йағмады... көклэр эшики йэр узэ бағланыб дағы йэр аҳлының фарйāды көклэргэ й э т и б т у р у р э р д и* (Сарайи, 86б). *Ул элгэ Абраха атлығ киши б э г л и к қ ы л ы б т у р у р э р д и* (НФ, 21а).

### *-ды+эрди* формаси

§ 54. Бу форма қадимги уйғур тилига оид текстларда ва XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларнинг айримларида қўлланган.

Ҳозир бу форма турк, гагауз, қрим татарлари ва қирғиз тилларида турли фонетик кўринишларда қўлланади, татар тилининг ай-



www.ziyouz.com kutubxonasi

рим шеваларида ҳам кузатилади[133], ўзбек тилининг Қорабулоқ шевасида ҳам мавжудлиги қайд қилинган[134].

Ёзма ёдгорликлар тилида *-ды+эрди* формасида ш а х с-с о н аффикслари ҳам бўлишсизлик аффикслари ҳам асосий феълга қўшилган: *бардым эрди (бармадым эрди), бардың эрди (бармадың эрди)* каби.

§ 55. Ёзма ёдгорликлар тилидаги *-ды+эрди* формаси ҳам м а ъ н о ва ф у н к ц и я с и г а кўра *-мыш+эрди* ва *ган+эрди* формалари билан бир группага киради. Яъни *-ды+эрди* формасининг ҳам асосий белгиси нутқ моменти билан бевосита чегарадош бўлмаган иш-ҳаракатни ифодалашдир:

*Әлиг тил у з у н қ ы л д ы м э р д и өкүш,*
*Өлүм кәлди, тутты, тиним қысды уш* (ҚБ, 47а).

*Қачан Йусуфны көргүм кәлсә, ул бөригә бақга эрдим, тәб й ы ғ л а д ы э р д и, ул күн үч йүз алтмыш үч йолы бэҳуш болды* (Рабғ., 47б). *Анлар қ а ч т ы л а р э р д и, Малик Дақйунус йарын билди қачмышларыны* (Таф., 9а). *Душманлық бирлә б а р д ы м э р д и, дост болуб кэлдим* (НФ, 83а).

*Тәлим ганж бирлә т а п т у м э р д и ул ганж,*
*Йитүрдүм, болды зайэ көрмишим ганж* (XIII, 48а).

Келтирилган мисолларда *-ды+эрди* формасидаги феълларни *-мыш+эрди* ёки *-ган+эрди* формасидаги феъллар билан алмаштирилса (яъни *узун қылдым эрди* феъли ўрнида *узун қылмыш эрдим* ёки *узун қилган эдим* феъли қўлланса), маънода ўзгариш бўлмайди.

Қуйидаги мисолларда *-ды+эрди* формасидаги феъллар бўлиб ўтган воқеа-ҳодисани эслаш, уни таъкидлаб кўрсатиш каби маъноларда қўлланган бўлиб, бу ўринда ҳам *-мыш+эрди* ва *-ған+эрди* формаларига мос келади: *Түлүмтэ мэн бәлгүлүг к ө р т ү м ә р т и бу бәлгүлүг,.. азығ тисим қоңрулун т ү с ү п к ә л и р б о л т ы ә р т и* (Олт. йор., 179). *Үзик бос битиг бирип мини а л д ы ә р т и, йантуру сатқалы а л м а д ы ә р т и* (Юрид., 203).

*Нәлүк т ә р д и м э р д и бу алтун күмүш,*
*Нәлүк қылмадым мән чығайқа улуш?* (ҚБ, 47б).

*Бу тайақ ҳам ул тайақ турур ким, өңдин ч ы қ а р д ы ң э р д и* (Таф., 28б). *Бу эргә қул оғлан с а т т ы м ы з э р д и* (Рабг., 96а).

*Шакар татлығ җавāб айды ким, эй бэг,*
*Уғақы йылда к ө р д ү м э р д и сэн-тэг* (ХШ, 76а).

---

[133] А. А. Юлдашев. Аналитические формы глагола в тюркских языках, стр. 198.

[134] К. К. Юдахин. Некоторые особенности карабулакского говора. УзДМ, I том, стр. 36.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*-дуқ+эрди* формаси

§ 56. Бу форма асосан «Тафсир»да қўлланган бўлиб, «Қисасул анбиё»да ҳам қайд қилинди.

*-дуқ+эрди* формаси асосан III шахс бирлигида қўлланган бўлиб, «Тафсир»да I шахс бирлигида ҳам учрайди: *Мэн бутларны ҳақиқат к ө р м э д ү к э р д и м, турдум, Маккаға бардым, көрдүм* (Таф., 73а).

Бу формада шахс-сон аффикслари тўлиқсиз феълга қўшилган (юқоридаги мисолга қаранг: *көрмэдүк эрдим*).

Шу нарса характерлики, *-дуқ+эрди* формаси «Тафсир»да фақат бўлишсиз аспектда, «Қисасул анбиё»да бўлишли аспектда ишлатилган.

*-дуқ+эрди* формасидаги феъллар уюшиб келганда, тўлиқсиз феъл охирги бўлаккагина қўшилиши ҳам мумкин. Мас.: *Мусāның наълини и з л э т м э д ү к, й ү л м и ш э д у к э р д и, аның үчүн йарлықады ким, азақыңны сачулғыл тэб* (Таф., 29а).

Шу нарсани ҳам уқдириб ўтиш керакки, *-дуқ+эрди* формасининг III шахс бирлиги билан *-ды+эрди* формасининг I шахс кўплиги формал жиҳатдан ўхшаш. Буларни асосан контекст мазмунидан фарқланади. Қиёсланг:

1. *Сāра қары урағут, аның илэрү āйāлы б о л м а д у қ э р д и* (Таф., 54а). Бу ўринда *āйāл* сўзи «*бола*», «фарзанд» маъносида қўлланган.

2. *Эй ата, биз йабанда йылқы, қарамал, күзэйү болуб, Йусуфны отағда қ о й д у қ э р д и, биз кэлгинчэ Йусуфны бөри йэмиш* (Рабғ., 47а).

Келтирилган мисоллардаги *болмадуқ эрди* ва *қойдуқ эрди* феъллари формал жиҳатдан ўхшаш. Лекин булар маъносига кўра фарқланади, яъни биринчи мисолдаги *болмадуқ эрди* феъли *-дуқ+эрди* формасининг III шахс бирлиги бўлиб, «бўлмаган эди» маъносида қўлланган, иккинчи мисолдаги *қойдуқ эрди* феъли эса *-ды+эрди* формасининг I шахс кўплиги бўлиб, «қўйган эдик» маъносида келган.

§ 57. *-дуқ+эрди* формаси м а ъ н о с и ва қ ў л л а н и ш хусусиятларига кўра ўтган замон феълининг юқорида кўрсатилган аналитик формалари билан бир группага киради. Яъни *-дуқ+эрди* формаси ҳам нутқ моменти билан бевосита боғланмаган нисбий замонни кўрсатади. Шунингдек, мустақил содда гапнинг кесими вазифасида қўлланиб, бўлиб ўтган воқеа-ҳодисани эслаш, уни таъкидлаб кўрсатиш каби маъноларни ифодалайди: *Мадина қавмын р а н ж у р қ ы л м а д у қ э р д и, андын бир оғланны анда қойды* (Таф., 49б). *Өлүк васийатын к ө р м э д ү к э р д и ким, дуруст болды* (Таф., 45а). *Байтулмуқаддасда төрт йүз баш киши эрди... анларың үзэ ҳэч йазуқ й ү р и м э д ү к э р д и* (Таф., 16б). *Эмдигэ тэги ашлық қолуб садақа қылғыл т э д ү к э р д и, эмди андын кичүк қарындашымыз ибн Йаминни садақа тэйү қ о л д у қ э р д и, эмди бизгэ кэлди* (Рабғ., 69а).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Келтирилган мисолларда *-дуқ+эрди* формасидаги *ранжур қылмадуқ эрди, көрмәдүк эрди, йүримәдүк эрди, тәдүк эрди, қолдуқ эрди* феъллари ҳозирги ўзбек тилидаги *-ган+эди* формасидаги феъл маъносида қўлланган (Масалан, *ранжур қылмадуқ эрди* — «ранжур қилмаган эди», яъни «бўйсундирмаган эди»).

### *-а/-ә(-й)[+турур>дур]+эрди* формаси

§ 58. Ўтган замон феълининг бу тури эски ўзбек тилида қуйидаги уч хил кўринишда қўлланган:

1. *-а/-ә(-й)+турур+эрди* (равишдошнинг *-а/-ә[й]* аффиксли формаси+*турур* [*тур-* ҳолат феълининг ҳозирги-келаси замон формаси]+*эрди*): *ал+а турур эрди, кэл+ә турур эрди, башла+й турур эрди* каби;

2. *-а/-ә(-й)+дур + эрди* (равишдошнинг *-а/-ә[-й]* аффиксли формаси *+дур* [*турур* феълининг қисқарган формаси]+*эрди*): *ал+а+дур эрди, кэл+ә+дүр эрди, башла+й+дур эрди* каби;

3. *-а/-ә(-й)+эрди* (равишдошнинг *-а/-ә[-й]* аффиксли формаси+*эрди*): *ал+а эрди, кэл+ә эрди, башла+й эрди* каби.

Ўтган замон феълининг бу тури дастлаб *-а/-ә(-й)+турур+эрди* формасида қўлланган бўлиб, кейинги иккитаси шу форманинг фонетик эволюцияси натижасида пайдо бўлган. *-а/-ә(-й)+турур+эрди* формаси ўз навбатида *-а/-ә(-й)+турур*[135] аффиксли ҳозирги замон феълига *эрди* қўшилиши асосида ҳосил бўлган: *-а/-ә(-й)+турур+эрди* [>*-а/-ә(-й)+тур+эрди*] >*-а/-ә(-й)+дур+эрди*>*-а/-ә(-й)+эрди*.

#### 1. *-а/-ә(-й)+турур эрди* формаси

§ 59. Бу форма асосан XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларда қўлланган бўлиб, XV асрга оид айрим шеърий асарларда ҳам учрайди. Мас.:

> *Фирāқыңда җафāлар ким қатық җāнлық көңүл көрди,*
> *Ҳайāт умрыда к э л м ә й д у р у р э р д и камāлына*
> (Отойи, 58а).

*-а/-ә(-й)+турур+эрди* формаси кейинги даврларга оид ёдгорликлардан «Шажараи тарокима», «Шажараи турк» (XVII аср) асарларида қўлланган[136].

XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларда бу форма *-у/-ү* (унлидан кейин: *йу/-йү, -йа/-йә*) аффиксли равишдош асосида ҳам ясалган: *йылдырайу турур эрди* (Таф., 68а), *кэлү турур эрди* (Рабғ., 143а), *ишләйү турур эрди* (Рабғ., 132а), *йылқылар кутәйә турур эрди, ав авлайа турур эрди* (УН, 23).

*-а/-ә(-й)+турур+эрди* формасида ш а х с-с о н аффикслари тўлиқсиз феълга қўшилган: *мэн ишни қыла турур эрдим* (Ш. тар., 45), *кэлә турур эрдүк* (Ш. тар., 22).

---

[135] Бу форма ҳақида қаранг: § 71.

[136] А. Н. К о н о н о в. Родословная туркмен. Сочинение Абу-л-Гази хана хивинского, стр. 146; С. Н. И в а н о в. Родословное древо тюрок Абу-л-Гази-хана, стр. 148.



www.ziyouz.com kutubxonasi

«Уғузнома»да бу форманинг IIIшахс кўплигида тўлиқсиз феъл икки марта қўшилган. Лекин маънода ўзгариш сезилмайди: *Бунлар қанға йүрүмәктә қанға сөз б э р ә т у р у р э р д и л ә р э р д и* (ЎН, 53).

§ 60. *-а/-ә(-й)+турур+эрди* формаси қуйидаги м а ъ н о л а р д а қўлланган:

а) нутқ моментидан олдин маълум бир вақтда давом этиб турган иш-ҳаракатни кўрсатади: *Оғуз қаған бир чоқур тан айғыр атқа м и н ә т у р у р э р д и. Ошул айғыр атны бэк чоқ сәвәйүр эрди* (ЎН, 47). *Ул вақтда халқ Тоғрулның ағзыга қ а р а й т у р у р э р д и л ә р* (Ш. тур.); *Оглыңыз аны көп сүйә турур эрди* (Ш. турк.);

б) пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, бош гапдаги иш-ҳаракатнинг бажарилиш вақтини кўрсатади. Аниқроғи, *-а/-ә (-й)+турур+эрди* формасидаги феъл ифодалаган иш-ҳаракат давом этиб турган пайтда, яъни шу иш-ҳаракат фонида бош гапдаги иш-ҳаракат бажарилади. Бундай ўринларда бош гапнинг кесими одатда *-ды* аффиксли ўтган замон феъли билан ифодаланади: *Қарун Мусāга салāм қылғалы к э л ә т у р у р э р д и, ырақдын Мусāны дарвиш бирлә көрди* (Таф., 95б). *Лашкарның соңында к э л ә т у р у р э р д ү м, хатуным ҳамла эрди, туғурды* (Ш. тар., 23).

## 2 *-а/-ә (-й)+дур эрди* формаси

§ 61. Бу форманинг ёзма ёдгорликларда қўлланиши XV асрдан бошлаб кузатилади. XV—XVI асрларга оид ёдгорликларда (масалан, «Бобирнома», «Шайбонийнома»да ва Навоий асарларида) кенг қўлланган бўлиб, кейинги даврларга оид манбаларда лсярли учрамайди, ҳозирги ўзбек тилида ҳам қўлланмайди.

*-а/-ә(-й)+дур+эрди* формасида ш а х с-с о н а ф ф и к с л а р и тўлиқсиз феълга қўшилган. Лекин *-лар/-ләр* кўплик аффикси асосий феълга қўшилган. Мас.: *маълум қылмайдур эрдим* (Нав. МН, 177), *фарāғат қылмайдур эдүк* (БН, 116), *аҳмал қыладурлар эди* (БН, 290), *чаладурлар эрди, аладурлар эрди* (ШН, 172).

§ 62. Бу форма қуйидаги м а ъ н о л а р д а қўлланган:

а) нутқ моментидан олдин маълум бир вақтда давом этиб турган иш-ҳаракатни кўрсатади: *Фақир бир мажлисда Пули Паланда аны көрдүм, бир анжуманда бир қасидасын о қ у й д у р э р д и* (Нав. МН, 62). *Мэни қышлақ дэб... с а ъ й қ ы л а д у р л а р э д и, валә қышлақ йэри-йу қышламақ асбāбыны йахшы саман б э р м ә й д ү р л ә р э д и* (БН, 142).

*Көзләримдин а қ а д у р э р д и йаш,*
*Хāтиримға й а қ а д у р э р д и йаш* (ШН, 172);

б) *-а/-ә(-й)+дур+эрди* формасидаги феъл пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, бош гапдаги иш-ҳаракатнинг бажари-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лиш вақтини кўрсатади. Яъни бу феъл ифодалаган иш-ҳаракат давом этиб турган вақтда (шу иш-ҳаракат фонида) бош гапдаги иш-ҳаракат бажарилади. Бундай ўринларда бош гапнинг кесими одатда *-ды* аффиксли ўтган замон феъли билан ифодаланади: *Бир кочада к э л э д у р э д и м, байакбар бабурий робаро учрап тушди* (БН, 92). *Бу фурсатта ким, «Мубайун»ны н а з м қ ы л а д у р э д и м, хāтири фатирға хутур этти* (БН, 326);

в) *-а/-э(-й)+дур+эрди* формасидаги феъл бўлишсиз аспектда қўлланганда, замон маъноси баъзан нисбий характерга эга бўлади, яъни бу феъл ифодалаган иш-ҳаракатдан (ҳолатдан) сўнг шунинг давоми, натижаси сифатида нутқ моментига қадар янги бошқа иш-ҳаракат вужудга келади. *-а/-э(-й)+дур+эрди* формаси бу жиҳатдан *-ган+эрди* формасига ўхшайди. Қиёсланг: *Өтэр вақтыда бу ғазал матлаини т у г э т м э й д у р э р д и, васийат қылды ким, Махдумий Нуран тугэтиб, өз дэвāнларыда битисунлэр* (Нав. МН, 73).

*Ҳāл к ө р м э й д у р э д и мундын қатық,*
*Навҳа бирлэ йығлады аччық-аччық* (Нав. ЛТ, 157).
*Танбал өз лашкарыны җам этсун,*
*Бэркитур болса, өзин бэркитсун.*
*Дэмэгэй соң киши к э л м э й д у р э д и,*
*Чэриким барча й ы ғ ы л м а й д у р э д и* (ШН, 164).

Бу мисолларда *-а/-э(-й)+дур+эрди* формасидаги *тугэтмэйдур эрди, көрмэйдур эди, кэлмэйдур эди, йығылмайдур эди* феъллари «тугатмаган эди», «кўрмаган эди», «келмаган эди», «йиғилмаган эди» маъносида қўлланган.

### 3. *-а/-э(-й)* эрди формаси

§ 63. Ўтган замон феълининг бу формаси эски ўзбек тили учун характерли бўлмаган. Бу форма XVII аср ёдгорликлари «Шажараи тарокима» ва «Шажараи турк» асарларида қайд қилинди: *Оғуз хāн авға чықыб, қ а й т ы б к э л э э р д и, көрди ким, сув ның йақасында бир нэчэ заъифалар кир йува турурлар* (Ш. тар., 15). *Тэвэгэ миниб кэйиниңдин б а р а э р д и м, қабарыб ит Бэчэнэ изимдин йэтди* (Ш. тар., 70). *Бу хатунны у н а м а й э р д и, шундақ бир фитна болур тэб, сэн мэниң ихтиййāрымга қоймады* (Ш. тар., 54). *Биз сизни Ирāқда тапар-миз тэб б а р а э р д у к сизниң туркмэн ичинэ кэлгэниңизни эшитдук* (Ш. турк, 149). *Ҳаннуз анлар кишиниң атыны т у т м а й э р д и л э р* (Ш. турк, 111).

Мисоллардан кўриниб турибдики, *-а/-э(-й-)+эрди* формаси маъноси, қўлланиши ва функцияси жиҳатдан *-а/-э(-й)+турур+эрди* ва *-а/-э(-й)+дур+эрди* формаларидан фарқ қилмайди.

* *
*

§ 64. Демак, ўтган замон феълининг *-а/-э(-й)+турур+эрди*, *-а/-э(-й)+дур+эрди* ва *-а/-э(-й)+эрди* формалари генетик жиҳат-



www.ziyouz.com kutubxonasi

дан ҳам, маъно ва функцияси жиҳатдан ҳам бир хил бўлиб, бири иккинчисининг давоми, фонетик варианти сифатида пайдо бўлган ва булар ўзбек тили тараққиётининг маълум даврларида ёки айрим ёдгорликларда истеъмолда бўлган.

Ҳозирги ўзбек тилида бу формалар қўлланмайди, буларнинг функциясини *-(а)ётган+эди* (бораётган эди), *-(а)ётиб+эди* (бораётиб эди), *-(а)ётир+эди* (бораётир эди) формалари бажаради.

Бу формалардан биринчи ва иккинчиси *(-а/-ә[-й]+турур+эрди* ва *-а/-ә[-й]+дур+эрди)* ҳозир бошқа туркий тилларда ҳам қўлланмайди. *-а/-ә(-й)+эрди* формаси эса бошқирд, татар, нўғой, қрим татарлари, қумиқ, қарачай-балқар ва бошқа айрим тилларда қўлланади ва ўтган замон тушунчаси билан боғлиқ бўлган турли маъноларни ифодалашга хизмат қилади[137].

Эски ўзбек тилида *-а/-ә(-й)+эрди, -а/-ә(-й)+дур+эрди, -а/-ә(-й)+турур+эрди* формаларининг кам қўлланганидаги асосий сабаб бу формалар билан семантик ва функционал ўхшаш бўлган *-р+эрди* формасининг актив истеъмолда бўлганидадир. Буларнинг, айниқса, *-а/-ә(-й)+дур+эрди* формаси билан *-р+эрди* формасининг ўхшашлиги бир жумлада айнан бир хил маънода параллел қўлланганида яна ҳам аниқроқ кўринади. Қиёсланг:

*Аңа қалмайдур эрди хушыдын баҳр,*
*Қуйар эрди өлүкниң қамыға заҳр* (Нав. ФШ, 150).

Бу мисолда *-а/-ә(-й)+дур+эрди* формасидаги *қалмайдур эрди* феъли билан *-р+эрди* формасидаги *қуйар эрди* феъли ўртасида (агар буларнинг биринчиси бўлишсиз аспектда, иккинчиси бўлишли аспектда эканлигини ҳисобга олмасак) маъно жиҳатдан фарқ йўқ, яъни буларнинг иккаласи ҳам иш-ҳаракатнинг (ҳолатнинг) нутқ моментидан олдин қачондир давом этиб турганини кўрсатади.

Бу ўринда шу нарсани ҳам эслатиб ўтиш керакки, бир неча қўлёзма нусхага эга бўлган асарларнинг айрим нусхаларида *-а/-ә(-й)+дур+эрди* ёки *-а/-ә(-й)+эрди* формаси қўлланган ўринларда бошқа нусхаларида *-р+эрди(-мас+эрди)* формасини ишлатиш ҳоллари ҳам учрайди. Масалан, «Маҳбубул қулуб» асарининг бир қўлёзма нусхасида *чық-* ва *қабул қыл-* феъллари *чықмайдур эрди, қабул қылмайдур эрди* формасида қўлланган ҳолда, бошқа қўлёзма нусхасида бу феъллар шу ўринда *чықмас эрди, қабул қылмас эрди* формасида ишлатилган[138]. Шунингдек, «Шажараи тарокима» асарининг бир қўлёзма нусхасида *қайтыб кэлә эрди, бара эрдим* формасида келган *қайтыб кэл-, бар-* феъллари бошқа қўлёзма нусхасида *қайтиб кәлүр эрди, барур эрди* формасида қўлланган[139].

---

[137] А. А. Юлдашев. Аналитические формы глагола в тюркских языках, стр. 145, 265.

[138] Қаранг: Алишер Навои. Возлюбленный сердец. Сводный текст, подготовил А. Н. Кононов, М.—Л., 1948, стр. 69.

[139] Қаранг: А. Н. Кононов. Родословная туркмен. Сочинение Абу-л-Гази хана хивинского, М.—Л., 1958 (Танқидий текст қисми, 15, 70-бетлар).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу фактлар ҳам ўз навбатида эски ўзбек тилида *-а/-ә(-й)+эрди, -а/-ә(-й)+дур+эрди* (*<-а/-ә[-й]+турур+эрди*) формалари билан *-р+эрди* формасининг семантик ва функционал ўхшаш формалар бўлганлигини кўрсатади.

*-р+эрди* формаси

§ 65. Ёзма ёдгорликларнинг кўрсатишича, туркий тилларда бу форма қадимдан шаклланган бўлиб, ҳозирги туркий тилларда ҳам актив қўлланади[140].

Бу форманинг шахс-сон аффикслари билан тусланиши қуйидагича: I ва II шахс бирлик ва кўплик формаларининг ясалишида эски ўзбек тилида ҳам ҳозирги ўзбек тилидаги каби шахс-сон аффикслари тўлиқсиз феълга қўшилган: *барур эрдим, барур эрдиң, барур эрдүк, барур эрдиңиз(ләр)* каби. III шахс бирлиги эски ўзбек тилида ҳам нуль кўрсаткичли бўлган (*барур эрди, кәлүр эрди*). III шахс кўплигининг ясалишида эски ўзбек тилининг ҳозирги ўзбек тилидан фарқ қилувчи ўзига хос томонлари бор. III шахсда кўплик аффикси ҳозирги ўзбек тилида тўлиқсиз феълга қўшилади (*борар эдилар//борардилар*), эски ўзбек тилида эса гоҳ тўлиқсиз феълга, гоҳ асосий феълга қўшилган. Қиёсланг: *тапынур эрдиләр, барурлар эрди* (Таф., 9а, 127а), *билүр эрдиләр, мундағ қылурлар эрди* (Рабғ., 92а, 31б), *йығлар эрдиләр* (Нав. МН, 38) — *урарлар эрди* (Нав. МҚ, 87), *ичәр эдиләр, кәлүрләр эди* (БН, 241, 245), *дәр эдиләр, кәлүрләр эди* (ШН, 137, 97).

Бундан ташқари, айрим ёдгорликларда кўплик аффикси бир вақтнинг ўзида ҳар иккала компонентга ҳам қўшилган: *өгтиләр эрдиләр* (Таф., 11а), *сатығ қылурлар эрдиләр, айтурлар эрдиләр* (Рабғ., 77а, 77б), *дәрләр эрдиләр, олтурурлар эрдиләр* (Ш. турк, 10, 35).

Маълумки, унли билан тугаган феълларга ҳозирги-келаси замон феълининг аффикси қадимги ёдгорликлар тилида *-йур/-йүр* формасида (*башла+йур, ишлә+йүр*), XI—XIV асрларга оид ёдгорликларда гоҳ *-р*, гоҳ *-йур/-йүр* формасида қўшилган: *башла+р//башла+йур, ишлә+р//ишлә—йүр* каби («Ҳозирги-келаси замон» баҳсига қаранг). Бу ҳол *-р+эрди* формасининг ясалишида ҳам акс этган. Мас.: *йорыйур эртиг* (КТ, 28), *байур эртимиз* (Тон., 62), *қаврайур эрти, йарлықайур эрти* (Уйг. III, 17, 80), *ойнайур эрди, сөзләйүр эрдиләр тэйүрләр эрди, синәйүр эрди* (Рабғ., 52а, 57б, 75а), *сэвәйүр эрди* (ЎН, 47), *йүрийүр эрди* (НФ, 54а).

*-р+эрди* формасининг бўлишсиз аспекти ҳозирги-келаси замон феълининг *-мас(-маз)* аффиксли бўлишсиз формасига *эрди* қўшилиши билан ҳосил бўлади: *бәрмәс эрдим* (Лутф., 206а), *қоймас эрдиң* (Мунис, 228), *билмәс эрдиләр, сөзләмәсләр*

---

140 А. А. Юлдашев. Аналитические формы глагола в тюркских языках, стр. 128, 251.

*эрдиләр* (Таф., 139б, 18а), *қатылмас эрдим, қорқмазлар эрди* (Рабғ., 30а, 85а), *сура алмаслар эрди, йэткүрә алмаслар эрди* (ШН, 113).

«Ўғузнома»да бу форманинг бўлишсиз аспектида *турур* феъли қўшилиб келиши ҳам учрайди. Лекин маънода фарқ йўқ. Қиёсланг: *Чэрикдә бир бэдик қағаз бэг бар эрди. Чалаң булақдын қоруқмас турур эрди* (УН, 48).

«Тафсир»да ва XIX асрга оид ёдгорликларда (масалан, Муқимий ва Фурқат асарларида) *-р+эрди* таркибидаги тўлиқсиз феъл қисқариб (асосан III шахс бирлик ва кўплигида), бу форма *-рды/-рди* кўринишида ҳам қўлланган. Мас.: *зāҳир болурды, ғāлиб болурды, табынурларды, сатарларды, кэлүрләрди, āси болмазды* (Таф., 67а, 84а, 89б, 82б), *тапардым, тинчиб қалурды, йэтмәс-му-ды* (Муқ., 159, 44, 128), *йахшы көрәрди, чāраэ қылмасму-ды* (Фурқ. II, 50, I, 111).

*-р+эрди* формасининг бундай қўлланиши ҳозирги ўзбек ва бошқа кўпчилик туркий тиллар учун характерлидир.

Ҳозирги ўзбек ва бошқа кўпчилик туркий тилларда *-р+эрди* формаси уюшиб келганда, тўлиқсиз феъл кўпинча охирги бўлакка қўшилади. Бу ҳол эски ўзбек тили учун характерли бўлмасдан, XIII—XIV асрларга оид айрим прозаик асарларда учрайди. Мас.: *Мусā ул тайақны көтәрсә, ул бийүк йығач тэпәсингә тэгәр, йапурғақ йығыб, қойларынға кэмишүр эрди* (Таф., 29а). *Башын йувар, сачын тарайур, инҗу бирлә өрәр эрди* (Рабғ., 52а). *Йусуф аңа бақмаз, сөзләмәс эрди* (Рабғ., 72а).

§ 66. *-р+эрди* формасининг маъноси ва қўлланиши. Эски ўзбек тилида ҳам ҳозирги ўзбек ва бошқа кўпчилик туркий тиллардаги каби бу форма аниқлик майлининг ўтган замон феъли функциясини бажаришидан ташқари, шарт эргаш гапли қўшма гап таркибидаги бош гапнинг кесими вазифасида келиб, аниқлик майлига хос бўлмаган маъноларни ифодалайди.

I. *-р+эрди* формаси аниқлик майлининг ўтган замон феъли сифатида қўлланганда, иш-ҳаракатнинг ўтган замонда давом этиб тургани, такрорланиб тургани каби маъноларни ифодалайди. *-р+эрди* формасининг бу хусусияти унинг таркибидаги биринчи компонентнинг характери билан боғлиқдир. Яъни *-р* аффиксли форма эски ўзбек тилида (ҳозирги кўпчилик туркий тилларда ҳам) ҳозирги-келаси замон феълини ташкил этиб, нутқ моментида давом этиб турган ёки нутқ моментидан кейин бўладиган ёки маълум бир шахснинг одатдаги машғулотига айланиб қолган иш-ҳаракатни ифодалайди. *Эрди* феъли эса бундай иш-ҳаракатни ўтган замонга кўчиради.

Эски ўзбек тилида *-р+эрди* формаси аниқлик майлининг ўтган замон феъли сифатида қуйидаги маъноларда қўлланган:

1. Нутқ моментидан олдин қачондир давом этиб турган иш-ҳаракатни эслаш, хотирлаш каби маъноларни ифодалайди: *Хэч қайу кимэрсэ кāфирлар Ҳамза ҳашматындын йалавачқа қатулмас*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*эрдиләр, Ҳамзадын қорқар эрдиләр* (Таф., 27б). *Ошул Урум қаған Оғуз қағаннуң йарлығын сақламас эрди, қатағлағу бармас эрди* (ЎН, 36).

*Кәчә болмас эрди шаҳр-у бāғ ара,*
*Өзни тартар эрди дашт-у тағ ара* (Нав. ЛТ, 102).

*Ата ағасыдын умидвāрлық бар жиҳатыдын даранг қылур эрди* (БН, 155).

*От ичрә самандар кә, тапар эрди ҳайāт,*
*Көр, шуълаи ишқымда нәчүк өртәнәдүр* (Мунис, 335).

2. *-р+эрди* формасидаги феъллар бирор шахсни характерлаш учун қўлланиб, бу феъллар ифодалаган иш-ҳаракат ўша шахснинг одатдаги, доимий белгисига айланиб қолган эканлиги кўрсатилади: *Ибрāҳимнуң āдаты ул эрди: қонуққа аш қойуб, өзи чықар эрди, қонуқлар офтамадын йэсүнләр тэб* (Рабғ., 39а) *Муҳаммад Али Шуғаний вазирзāдадур ва табъи хоб вāқә болған жиҳатдын назмға көп машғул болур эрди* (Нав. МН, 21) *Көп ҳайāсы бар эди. Дәрләр ким, ҳилватларда, маҳрамда ички ләрдин ҳам айағыны йапар эди. Гāҳи ким, ичкүлүккә түшәр эди, йигирмә-оттыз күн пайā-пай ичәр эди, гāҳи ким, чағыр дын чықар эрди. ...бир олтурған биле мажлисда кәчә-күндүз олтурур эди, йахшы ичәр эди* (БН, 24).

*Йана бир ичкиләридин Чалбаш,*
*Ул дағы йахшы қылур эрди саваш* (ШН, 138).

*Моғулның расмы андағ эрди ким, тā оғлан бир йашыға йэтмәгүнчә анға ат қоймаслар эрди* (Ш. тар., 13).

3. *-р+эрди* формасидаги феъллар пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида ҳам қўлланади. Бунда бош гапнинг кесими одатда *-ды* аффиксли ўтган замон феъли билан ифодаланган бўлади. Бундай ҳолларда бош гапдаги иш-ҳаракат эргаш гапдаги иш-ҳаракат фонида юзага келган бўлади, яъни *-р+эрди* формасидаги феъллар ифодалаган иш-ҳаракат давом этиб турган пайтда *-ды* аффиксли ўтган замон феъли ифодалаган иш-ҳаракатнинг бажарилгани кўрсатилади: *Хизр бирлә бардылар... Барур эрдиләр, бир кэми отру кэлди* (Таф., 11а). *Бāғ ичрә гашт этиб йүрүр эрдим, сабāи сэкин, дэдим кә, ...* (Амирий, 329б).

*Өтәр эрди оқуб ҳар бирни бат-бат,*
*Көрүнди бир эшик ҳайҳāт-ҳайҳāт* (Нав. ФШ, 77).

*Айш этәр эрди көңул рухсāры бирлә, қылды банд,*
*Шаҳнаи шавқи тутуб ул зулфи анбар бāр ара*
(Мунис, 216).

4. *-р+эрди* формасидаги феъллар пайт-шарт мазмунидаги эргаш гапли қўшма гапдаги бош гапнинг кесими вазифасида ҳам келади. Эргаш гапнинг кесими эса кўпинча *-са* аффиксли, баъзан *-са+эрди* формасидаги шарт феъли билан ифодаланган бўлади



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бунда бош гапдаги иш-ҳаракат эргаш гапдаги иш-ҳаракат амалга ошган вақтда, шу иш-ҳаракатнинг юзага чиқиши билан боғлиқ ҳолда бажарилган бўлади. Бундай ҳолларда *-р+эрди* формасидаги феъллар ифодалаган иш-ҳаракат такрорий характерга эга бўлади, яъни ҳар гал эргаш гапдаги иш-ҳаракат такрорланиши билан бош гапдаги иш-ҳаракат ҳам такрорланиб турган бўлади: *Зикрийā намāздын фāриғ болса, орнындын к э т э р э р д и, бузуңынға а й т у р э р д и, намāз қылың тэб* (Таф., 17б). *Аның билэ ким масала бахс қылса эрди, малзам болмағунча қ у т у л м а с э р д и* (Нав. МН, 142). *Ҳар нимэгэ эҳтийāж болса, бэглэрдин т и л э р э р д и* (БН, 351).

*Қалъа сары қылайын дэсэ гузар,*
*Коча гашты қ ы л у р э р д и лашкар* (ШН, 42).

*Кэчэлэр йүрүгэндэ, ҳар йэрдэ ким, эл бар болғай тэб гуман қылса, анда баланд āвāз бирлэн ч а р л а р э р д и* (Ш. турк., 120).

Эргаш гап таркибида *қачан, ҳар қачан* каби сўзлар бўлганда, *-р+эрди* формасидаги феълларнинг бу маънода қўлланганни яна ҳам аниқроқ кўринади: *Кун тугса эрди, ул өңүргэ оң йарудын кун т ү ш а р э р д и, қ а ч а н кун батса, сол йарудын б а т а р э р д и* (Таф., 9а). *Қ а ч а н офкаласа, бир вилāйатны харāб қылмагынча офкалары ө ч м э с э р д и* (Таф., 41а). *Ҳ а р қ а ч а н наълин шарāкигэ эҳтийāж вāқэ болса эрди, ҳамул дастур билэ муҳаййā шарāк з ā ҳ и р б о л у р э р д и* (Нав. МҚ, 73).

II. *-р+эрди* формасидаги феъллар шарт эргаш гапли қўшма гапдаги бош гапнинг кесими вазифасида келиб, аниқлик майлига алоқаси бўлмаган маъноларни ифодалайди, яъни бажарилиши мумкин бўлган, лекин эргаш гапдаги иш-ҳаракатнинг амалга ошмаганлиги туфайли бажарилмай қолган иш-ҳаракатни ёки эргаш гапдаги иш-ҳаракат амалга ошган тақдирдагина бажарилиши мумкин бўлган иш-ҳаракатни кўрсатади. Бу жиҳатдан *-р+эрди* формаси ифодалаган иш-ҳаракат ўтган замонга ёки келаси замонга тааллуқли бўлиши мумкин. Ҳар иккала ҳолда ҳам эргаш гапнинг кесими *-са* аффиксли ёки *-са+эрди* формасидаги шарт феъли билан ифодаланган бўлади:

1. *-р+эрди* формасидаги феъллар англатган иш-ҳаракат ўтган замонга тааллуқли бўлганда, эргаш гапдаги иш-ҳаракатнинг амалга ошмаганлиги сабабли бош гапдаги иш-ҳаракатнинг ҳам бажарилмаганлиги кўрсатилади, шунингдек, эргаш гапдаги иш-ҳаракат амалга ошган тақдирда бош гапдаги иш-ҳаракатнинг ҳам бажарилиши мумкин эканлигини тахмин қилиш ёки унинг бажарилмай қолганлигига афсусланиш каби маънолар ифодаланади: *Агар Āдам бармаса, бир сāат сабр қылса эрди, Ҳавā Āдамға к э л у р э р д и* (Рабг., 5а).

*Тирик болса эрди Фарҳāди ғамгин,*
*Қ ы л у р э р д и кэрāй қылмақ муңа кин* (Нав. ФШ, 197).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Агар ул маълум болса эди, ушбу сэкиз киши билэн хоб у р у ш у р э д у к* (БН, 139). *Агар атаң нāдāнлық қылыб, мэниң бирлэн йағы болмаса эрди, мундақ йэтим болуб, сарғарыб й ү р м э с э р д и ң* (Ш. тар., 50).

*Халāйиқға қ ы л м а с э д и и х т и л ā т,*
*Агар табъида болса нāмус-у āр* (Муқ., 50).

2. *-р+эрди* формасидаги феълляр англатган иш-ҳаракат келаси замонга тааллуқли бўлганда, истак, хоҳиш, иш-ҳаракатни бажаришга ундаш каби маънолар ифодаланади: *Бир дуруст эътибāр қылғу-дэк тāрих болса эрди, й а х ш ы б о л у р э р д и* (Ш. тар., 5). *Агар гунāҳымдын өтсэлэр, мэн барыб к ө р э р э д и м* (Ш. турк., 75).

*Қ а л м а с э р д и заррача көңлүмдэ армāным мэни,*
*Өлсэм эрди алдыда гул-дэк жамāлыға қараб* (Ҳув., 18).
*Й э т э р э р д и башым авжы самāға,*
*Дэсэң Фурқат ғулāми хайрихāҳым* (Фурқ. I, 141).

§ 67. Демак, *-р+эрди* формаси эски ўзбек тилида аниқлик майлига тааллуқли бўлмаган маъноларни ифодалаш учун ҳам хизмат қилган. *-р+эрди* формасининг бу функцияси ҳозирги ўзбек[141] ва бошқа кўпчилик туркий тилларда[142] яна ҳам активлашган. Шунга кўра, А. А. Юлдашев ҳозирги туркий тилларда структураси ва семантикаси жиҳатдан аниқлик майлидаги ўтган замон феълининг *-р+эрди* формасидан фарқ қилувчи *-р+эрди* формаси ҳам бор, деб ҳисоблайди. Кейингисини автор маъно ва функцияси жиҳатдан рус тилидаги «сослагательное наклонение» (орзу-истак майли) формасига мос келувчи мустақил форма сифатида қарайди ва уни ўзининг ҳозирги туркий тиллардаги аналитик феъл формаларига бағишланган асарининг «Формы сослагательного наклонения» бўлимида беради[143]. Ҳозирги ўзбек тилидаги *-р+эрди* формасини А. Қ. Боровков, А. А. Кокляпова, А. Ҳожиевлар ҳам шу хилда омоформа сифатида қарайдилар. Бу формапинг рус тилидаги «сослагательное наклонение»га мос келувчи маъносига кўра А. Қ. Боровков ва А. А. Кокляновалар «сослагательное наклонение»[144], А. Ҳожиев «Шартли майл»[145] номи билан мустақил майл турига ажратадилар.

---

[141] А. Ҳ о ж и е в. Недостаточный глагол в узбекском языке, АДД, Ташкент, 1968, стр. 19.

[142] А. А. Ю л д а ш е в. Аналитические формы глагола в тюркских языках, стр. 251.

[143] Ўша асар, 251—261-бетлар.

[144] А. К. Б о р о в к о в. Краткий очерк грамматики узбекского языка, «Узбекско-русский словарь», М., 1959, стр. 709; А. А. К о к л я н о в а. Категория времени в современном узбекском языке, стр. 95.

[145] А. Ҳ о ж и е в. Феълнинг майл турлари ҳақида, ЎзТА, 1969, 6-сон, 55—56-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳозирги туркий тилларда қандай бўлишидан қатъи назар, эски ўзбек тили учун *-р+эрди* формасини иккита мустақил формага ажратиш тўғри бўлмайди. Бу формани аниқлик майлининг ўтган замон феъли сифатида қараш ва «ўтган замон давом феъли» номи билан аташ тўғри бўлади. Чунки эски ўзбек тилида бу форма, юқорида кўрганимиздек, аниқлик майлининг ўтган замон феъли сифатида турли маъноларда актив истеъмолда бўлиб, «сослагательное наклонение»га алоқадор бўлган маъноларда қўлланиши ҳозирги туркий тиллардагидек актив характерга эга бўлмаган. Эски ўзбек тилида бу функцияни асосан *-ғай+эрди* формаси бажарган.

## Ўтган замон феъли аналитик формаларининг ўзаро муносабати

§ 68. Ўтган замон феъли аналитик формаларининг ҳосил бўлишида ўтган замон феълининг содда формалари билан бир қаторда ҳозирги ва келаси замон маъносини ифодаловчи феъл формалари ҳам иштирок этади. Содда форманинг қайси замонга оидлиги шу форма асосида ҳосил бўлган аналитик форманинг маъносига ҳам таъсир этади. Шунга кўра, эски ўзбек тилида истеъмолда бўлган ўтган замон феълининг аналитик формалари маъно ва функцияси жиҳатдан уч группага бўлиш мумкин.

Биринчи группани ўтган замон феълининг содда формалари асосида ҳосил бўлган қуйидаги аналитик формалар ташкил этади: *-ды+эрди, -дуқ+эрди, -мыш+эрди, -ған+эрди, -б+эрди* (<*-б+тур+эрди*<*-б+турур+эрди*). Туркологик адабиётларда бу формалар «давнопрошедшее время» («узоқ ўтган замон феъли»), «давнопрошедшее очевидное», «давнопрошедшее объективное», «давнопрошедшее предворительное время», «давнопрошедшее повествовательное время», «преждепрошедшее время», «предпрошедшее время», «плюсквамперфект» каби ҳар хил номлар билан аталади.

Эски ўзбек тилида бу формалар асосий маъноси ва функцияси жиҳатдан бир группани ташкил этади: буларнинг асосий функцияси нутқ моменти билан бевосита чегарадош бўлмаган иш-ҳаракатни кўрсатишдир, яъни бу формалар ифодалаган иш-ҳаракатнинг натижаси сифатида нутқ моментига қадар яна бошқа иш-ҳаракат юзага келган бўлади. Шунинг учун эски ўзбек тилида бу формаларни «предпрошедшее время» номи билан бир группага бирлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Эски ўзбек тилида «предпрошедшее время» маъносидаги параллел формаларнинг қўлланиб келганлиги сабабини қуйидагича изоҳлаш мумкин. Биринчидан, бу формаларнинг қўлланиш даражаси бир хилда бўлмаган ва тарихий тараққиёт процессида булар бири иккинчиси билан алмашиниб келган, яъни бир форманинг қўлланиши активлаша боргач, бошқасининг истеъмол доираси чегаралана борган, баъзилари эса маълум даврларга келиб бутунлай истеъмолдан чиққан. Масалан, *-ды+эрди* формаси



www.ziyouz.com kutubxonasi

XV асрга қадар қўлланган, *-дуқ+эрди* формаси эса XIII—XIV асрларга оид айрим манбалардагина қайд қилинди. XV асрга келиб *-б+эрди* формасининг қўлланиши активлашгач, қадимдан актив қўлланиб келган *-мыш+эрди* формасининг истеъмол доираси маълум даражада чегараланган. *-ған+эрди* формаси ёзма ёдгорликларда XIII—XIV асрлардан бери қўлланиб келган бўлса ҳам унинг активлашуви XIX асрдан бошлаб кузатилади. Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида *-ған+эди* ва *-б+эди* формалари истеъмолда бўлиб, булар стилистик жиҳатдан ўзаро фарқланадилар (*-ған+эди* формаси асосан ёзув адабий тил учун, *-б+эди* формаси асосан оғзаки нутқ учун характерлидир). Иккинчидан, эски ўзбек тилида «предпрошедшее время» маъносида қўлланувчи параллел формаларнинг мавжудлиги бу формаларнинг қўлланишидаги стилистик томонлар билан ҳам боғлиқ бўлган ҳолатдир. Масалан, XV асрдан бошлаб *-б+эрди* формасининг қўлланиши активлашгач, *-мыш+эрди* формасининг истеъмол доираси чегараланган бўлиб, асосан шеърий асарларда учрайди. Лекин *-б+эрди* формасининг бўлишсиз аспектда қўлланиши айрим манбалардагина қайд қилинди. Бу маънони ифодалаш учун *-мыш+ +эрди* ёки *-ған+эрди* формасининг бўлишсиз аспекти ишлатилган.

Иккинчи группани *-а/-э(-й)* аффиксли равишдош асосида ҳосил бўлган *ала+турур+эрди, аладур+эрди, ала+эрди* типидаги аналитик формалар ташкил этиб, булар «определенный имперфект» маъносида қўлланган. Бу формалар генетик жиҳатдан ҳам, маъно ва функцияси жиҳатдан ҳам бир хил бўлиб, бири иккинчисининг давоми сифатида пайдо бўлган (*ала+турур+эрди>аладур+эрди>ала+эрди*) ва булар ўзбек тили тараққиётининг маълум даврларида ёки айрим ёдгорликларда истеъмолда бўлган. Бу формаларнинг эски ўзбек тилида кам қўлланганлигидаги асосий сабаб шу формалар билан семантик ҳамда функционал ўхшаш бўлган *-р+эрди* формасининг кенг истеъмолда бўлганлигидадир (Қар.: §64). Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида «определенный имперфект» маъносида *-(а)ётган+эди, -(а)ётиб+эди, -(а)ётир+эди, -моқда+эди* ёрдамида ясалган *олаётган эди, олаётиб эди, олаётир эди, олмоқда эди* типидаги формалар қўлланади (булар асосан стилистик жиҳатдан, баъзан маъно ва функциясига ёки қўлланиш даражасига кўра ўзаро фарқланадилар).

Эски ўзбек тилида ўтган замон феъли аналитик формаларининг учинчи группаси *-р(-мас)* аффиксли ҳозирги-келаси замон феълига *эрди* тўлиқсиз феълининг қўшилиши асосида ясалувчи *-р+эрди* (*-мас+эрди*) формаси ташкил этади. Бу форма эски ўзбек тилида асосан «неопределенный имперфект» формасини ташкил этиб, юқорида айтилганидек, «определенный имперфект» маъносида ҳам қўлланган. XIX аср охири ва XX аср бошларидан адабий тилда *-(а)ётган+эди, -(а)ётиб+эди, -(а)ётир+эди, -моқда+эди* формалари қўллана бошлагач, *-р+эрди* (*-мас+эрди*) формасининг «определенный имперфект» маъносида қўлланиши чегаралана бошлаган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҲОЗИРГИ ЗАМОН

§ 69. Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида ҳам бошқа туркий тиллардаги каби аниқлик майлининг ҳозирги замон маъносини ифодаловчи махсус формалар мавжуд. Булар *-(а)яп, -(а)ётиб, -а(ётир), -моқда* аффикслари билан ясалган *ишлаяпман, ишлаётибман, ишлаётирман, ишламоқдаман* типидаги синтетик формалар ва *турмоқ, ётмоқ, ўтирмоқ, юрмоқ* ҳолат феъллари иштирокида ҳосил бўлган *ишлаб+турибман (ётибман//ўтирибман//юрибман)* типидаги тасвирий формалар бўлиб, бу формалар адабиётларда ҳар хил номлар билан аталади ва буларнинг маъно ва оттенкаларига кўра ўзаро муносабати масаласи турлича талқин қилинади.

Масалан, *-моқда* аффиксли *ишламоқдаман* типидаги формани А. Н. Кононов ҳозирги замон феълининг бошқа формаларидан фарқлаб, «настоящее длительное время» («ҳозирги замон давом феъли») номи билан атайди ва уни махсус группага ажратади[1]. Бошқа формаларни эса «настоящее конкретное время» номи билан бир группага бирлаштиради[2]. В. В. Решетов ҳам бу формани «длительное настоящее время» номи билан алоҳида группага ажратиб, уни «ҳаракат номи» («отглагольные имена») формалари группасига қўшади ва бу форма *-ман, -сан, -миз, -сиз, -лар* типидаги шахс-сон аффиксларини қабул қилиб, иш-ҳаракатнинг нутқ моментида давом этиб турган процесси ёки ҳолатини ифодалайди («выражает относительно длительный процесс или состояние действия, происходящий в момент речи»), деб изоҳлайди[3]. В. В. Решетов ҳозирги замон феълининг бошқа формаларини «формы прогрессива (настоящего времени данного момента)» номи билан бир группага бирлаштиради[4]. А. А. Ғуломов *-моқда* аффиксли

---

[1] А. Н. Кононов. Грамматика современного узбекского литературного языка, М.—Л., 1960, стр. 214.
[2] Ўша асар, 211—214-бетлар.
[3] В. В. Решетов. Основы фонетики и грамматики узбекского языка, Ташкент, 1965, стр. 133, 201.
[4] Ўша асар, 135—141-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

формани алоҳида группага ажратмаса ҳам унга иш-ҳаракатнинг давомийлик маъносини ифодаловчи форма сифатида қарайди, «лекин бу аслида феъл формаси бўлмай, от формасидир», деган изоҳни беради ва бу формани *-(и)ш(+да)* аффиксли ҳаракат номи (*ишлаш+да*) формаси билан тенглаштиради[5]. С. Усмонов эса *-моқда* аффиксли форманигина эмас, балки *-(а)ял, -(а)ётиб* ва *-(а)ётир* аффиксли формаларни, шунингдек, *ишлаб+турибман* (*ётибман//ўтирибман//юрибман*) типидаги тасвирий формаларни ҳам «ҳозирги замон давом феъли» номи билан бир группага бирлаштиради[6]. А. Ҳожиев бу формаларни «аниқ ҳозирги замон феъли» номи билан бир группага бирлаштириб, уларнинг ҳар бири иш-ҳаракатнинг давомийлигини ифодалай олади, шунинг учун *-моқда* аффиксли формани ҳозирги замон давом феъли сифатида алоҳида группага ажратиш тўғри бўлмайди, кейингисининг характерли хусусияти «образлилик» оттенкасини ифодалашдир, деган фикрни айтади[7]. У. Турсунов ва Ж. Мухторовлар ҳам ҳозирги замон феъли формаларига шундай қарайдилар ва буларни «аниқ ҳозирги замон формалари» номи билан атайдилар[8]. А. А. Коклянова ҳам *-моқда* аффиксли формани «ҳозирги замон давом феъли» («настоящее-длительное время») номи билан алоҳида группага ажратишга эътироз билдириб, бу форма иш-ҳаракатнинг бўлишидаги давомийликни (длительность) эмас, балки процессни (процессуальность) кўрсатади, деган фикрни айтади[9]. А. А. Коклянова, аксинча, *-(а)ётир* аффиксли *ишлаётирман* типидаги формани ҳозирги замон давом феъли сифатида қарайди[10]. Бундан ташқари, А. А. Кокляновa *турмоқ, юрмоқ, ўтирмоқ* ҳолат феъллари иштирокида ҳосил бўлган *ишлаб+турибман* (*юрибман//ўтирибман*) типидаги аналитик конструкциялар соф феъл формалари эмас, шунинг учун буларни конкрет ҳозирги замон формаси сифатида қараш тўғри бўлмайди, деган мулоҳазани айтади ва буларни турли вид оттенкаларини (различные видовые оттенки) ифодаловчи аналитик формалар қаторида қарашни тавсия қилади[11].

Ҳозирги ўзбек тилидаги ҳозирги замон феъли формалари бўйича адабиётларда шуларга ўхшаш яна бир қатор ҳар хилликлар кузатилади.

Ёзма ёдгорликларнинг кўрсатишича, эски ўзбек адабий тилида аниқлик майлининг ҳозирги замон маъносини ифодалаш учун

---

[5] А. F. Fуломов. Феъл, Тошкент, 1954, 32, 86-бетлар.

А. Г. Fуломов ҳозирги замон феъли формаларини «конкрет ҳозирги замон феъли» номи билан атайди (Ўша асар, 33—34-бетлар).

[6] М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов. Ўзбек тили, Тошкент, 1966, 151-бет.

[7] А. Ҳ. Сулаймонов, А. Ҳ. Ҳожиев, Ж. М. Жўраева. Феъл замонлари, Тошкент, 1962, 50, 89, 90-бетлар.

[8] У. Турсунов, Ж. Мухторов, Ш. Раҳматуллаев. Ҳозирги ўзбек адабий тили, Тошкент, 1965, 73—75-бетлар.

[9] А. Н. Коклянова. Категория времени в современном узбекском языке, М., 1963, стр. 13, 30-бетлар.

[10] Ўша асар, 25—26-бетлар.

[11] Ўша асар, 26—29-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*-а/-ә(-й)* аффиксли равишдош асосида ясалган *ала турур мэн, аладур-мэн, ала-мэн* типидаги формалар, шунингдек, *-р(-мас)* аффиксли *алур-мэн* (*алмас-мэн*) типидаги ҳозирги-келаси замон феъли қўлланган. Шу билан бирга, айрим ёдгорликларда *тур-, йат-, йур-, олтур-* ҳолат феъллари иштирокида ҳосил бўлган тасвирий формалар ва баъзи манбаларда *-мақда/-мәкдә* аффиксли форма ҳам кузатилади. *-(а)яп, -(а)ётиб* ва *-(а)ётир* аффиксли формаларнинг қўлланиши эса асосан XX аср бошларидан кузатилади.

### *-а -ә(-й)* аффиксли равишдош асосида ясалган ҳозирги замон феъли

§ 70. Ҳозирги замон феълининг бу тури эски ўзбек тилида қуйидагича уч хил формада қўлланган:

1. *-а/-ә(-й)+турур+мэн* (равишдошнинг *-а/-ә[-й]* аффиксли формаси+*турур* [*тур-* ҳолат феълининг ҳозирги-келаси замон формаси]+шахс-сон аффикси): *ал+а турур мэн, кэл+ә турур мэн, башла+й турур мэн* каби;

2. *-а/-ә(-й)+дур+мэн* (равишдошнинг *-а/-ә[-й]* аффиксли формаси+*дур* [*турур* феълининг қисқарган формаси]+шахс-сон аффикси):*ал+а+дур+мэн, кэл+ә+дур+мэн, башла+й+дур+* *+мэн* каби;

3. *-а/-ә(-й)+мэн* (равишдошнинг *-а/-ә[-й]* аффиксли формаси+шахс-сон аффикси): *ал+а+мэн, кэл+ә+мэн, башла +й+мэн* каби.

Бу формаларни кейинги ўринларда шартли равишда *ала+турур+мэн, аладур+мэн, ала+мэн* типидаги формалар деб атаймиз.

#### 1. *Ала+турур+мэн* типидаги форма

§ 71. Ёзма ёдгорликларнинг кўрсатишича, *ала+турур+мэн* типидаги форма туркий тиллар, шу жумладан, ўзбек тили тараққиётининг маълум даврларида истеъмолда бўлган. Бу форма «Девону луғотит турк», «Қутадғу билиг», «Ҳибатул ҳақойиқ», «Тафсир», «Ўғузнома», «Қисасул анбиё», «Кодекс куманикус», «Гулистон», «Наҳжул фародис» каби XI—XIV асрларга оид ёдгорликларда ва қадимги уйғур тилига оид манбаларда, шунингдек, XVII асрга мансуб бўлган «Шажараи тарокима» ва «Шажараи турк» асарларида қўлланган бўлиб, XV—XVI асрларга оид айрим манбаларда (асосан шеърий асарларда) ҳам учрайди.

Қадимги уйғур тилига оид манбаларда, шунингдек, «Тафсир»да ва «Қисасул анбиё»нинг қадимги қўлёзма нусхаларида бу форманинг ясалишида асосий феъл кўпинча *-у/-ү(-йу/-йү)* аффиксли равишдош формасида келган. Масалан: *йырақтын көзүнү турур* (Уйг. II, 22), *йана-өк йалынайу турур, қашы қапақы көзүнү турур* (ТТ, X, 26, 30), *өтәкләрин адыртлайу турурлар* (Олт. йор, 156), *йāд алу турур, сақлану турур, азāб қылу турур* (Таф., 54б, 107б, 136а), *сөзләйү турур, намāз қылу турур* (Рабг., 7а, 10б).

«Қутадғу билиг»да бу форманинг фақат шу варианти қайд қилинди: *оқыйу турур, көрнү турур* (ҚБ, 130б, 172а). «Ўғузнома»да



www.ziyouz.com kutubxonasi

эса бу форманинг ясалишида унли билан тугаган феъллар *-йа/-йә* аффиксли равишдош формасида келган: *Көк тәңри йығлайа турур* (УН, 28).

XIV асрга оид манбалардан «Гулистон»да ва «Қисасул анбиё» нинг кейинги даврларда кўчирилган қўлёзма нусхаларида *ала+ +турур+мән* формаси таркибидаги *турур* ҳолат феъли [*д*] жарангли ундош билан *дурур* формасида ҳам қўлланган. Масалан, *өзи сөзләй дурур* (Рабғ., Т, 20. Қиёсланг: *сөзләйү турур* — Рабғ., 7а), *учмаҳқа кирәр вақт болмай дурур* (Рабғ., Т, 49), *тута дурурлар, кәлә дурур* (Саройи, 256, 139а). XV—XVI асрларга оид шеърий асарларда бу форманинг асосан шу варианти учрайди. Масалан: *көзум дарйā болмай дурур* (Лутф., 191а), *қылмай дурур гунāҳ* (Отойи, 56а), *ойнай дурур* (Нав. ҒС, 62а), *алмай дурур* (Нав. ФК, 140а), *ҳәч киши көрмәй дурур* (Бобир, 35).

Ҳозирги замон феълининг *ала+турур+мән* типидаги формасига ш а х с-с о н   а ф ф и к с л а р и н и н г тўла вариантлари қўшилган. III шахс бирлиги нуль кўрсаткичли бўлиб, III шахс кўплиги учун *-лар* аффикси қўшилган. Бу форманинг шахс-сон аффикслари билан қўлланиши «Қисасул анбиё», «Наҳжул фародис», «Шажараи тарокима» ва «Шажараи турк» асарларида қайд қилинди. Масалан: Рабғ.— *тиләйү турур мән* (11а), *истәйү турурлар* (11а); **Рабғ. Т** — *аҳдны бузи турур сиз* (814), *кәлтүрә турурлар* (170); **НФ** — *заъиф болу турур сән* (181а), *бара турур сиз* (25а), *күлүшү турурлар* (7а); **Ш. тар.**— *мән қайта турур мән* (47), *рāст айта турур сән* (22), *пийāда кәлә турур миз* (22), *амал қыла турурлар* (56); **Ш. турк.** — *қорқа турур мән* (17), *нә қыла турур сән?* (5), *шундақ ҳайāл қыла турур миз* (175), *изтирāб тарта турур сиз* (111), *сөзләшә турурлар* (44).

Бошқа манбаларда бу форма кўпинча III шахс бирлигида, баъзан III шахс кўплигида қўлланган.

*Ала+турур+мән* типидаги форма ҳозирги ўзбек ва бошқа туркий тилларда қўлланмайди. Озарбайжон шеваларининг айримларида унинг *ала дурур* типидаги варианти қайд қилинган[12].

§ 72. *Ала+турур+мән* типидаги форма ёдгорликлар тилида қуйидаги м а ъ н о л а р д а қўлланган:

1. XIV асрга қадар асосан ҳозирги замон маъносида қўлланган:

*Этил сувы  а қ а   т у р у р,*
*Қайа түби  қ а қ а   т у р у р* (МҚ, I, 103).
*Бидадын йығықлы киши қалмады,*
*Аның күндә  а р т а   т у р у р бу бида* (ҲҲ, 156).

*Ул күн Абу Бакир ассиддиқ Разиаллāҳ анҳу өтиб барур эрди, ун эшитилди зāр-зāр Умаййā эвиндә. Сорды: «Бу нә ун турур?» Айтылар: «Умаййā қулы Билāлға  а з ā б   қ ы л у   т у р у р»* (Таф., 136а). *Ул ҳалда хитāб кәлди: «Эй Иблис, тамуғлуглар сәни ис-*

---

[12] Р. Ә. Р у с т а м о в. Губа диалекты, Бакы, 1961, сәһ. 148.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*тәйү турурлар»*. *Иблис айғай: «Мэн ҳам уларны тиләйү турур мэн»* (Рабғ., 11а). *Расулāллāҳисаламға хабар кэлди ким, Макка бāзāрғāны Шāмдын кэлә турурлар. Буғдай, арпа, ҳурма, қуруқ узум йүкләб кэлә турурлар* (Рабғ. Т, 801).

Келтирилган мисолларда *-а/-ә(-й)+турур* формасидаги феъллар нутқ моментида бажарилаётган ёки давом этиб турган иш-ҳаракатни ифодалаб, ҳозирги ўзбек тилидаги *-(а)яп, -(а)ётир* ёки *-моқда* аффиксли ҳозирги замон феъли формаларига мос келади (Қиёсланг: *ақа турур* — «оқмоқда», *азāб қылу турур* — «азоб беряпти» ва ҳоказо).

Бундан ташқари, бу форма шу даврга оид манбаларнинг айримларида бажарилиши нутқ моменти билан чегараланмаган «умумзамон» характеридаги иш-ҳаракатни ифодалашда ҳам қўлланган:

*Тириглик бэрүр, көр, тақы йәр нәҳиң,*
*Оқыйу турур күндә тәкмә өҳиң* (ҚБ, 130б).

*Ошул қыз андағ көрүглүк эрди ким, күлсә, көк тәңри күлә турур; йығласа, көк тәңри йығлайа турур* (ЎН, 28). *Аммā эрдәм бир чашма дурур ким, дāйим суві ташыб кэлә дурур* (Саройи, 43а).

Бу мисолларда *оқыйу турур, күлә турур, йыглайа турур, кэлә дурур* феъллари маъносига кўра ҳозирги ўзбек тилидаги *оламан* типидаги ҳозирги-келаси замон феълига мос келади (*оқыйу турур* — «даъват этади», *күлә турур* — «кулади», *йығлайа турур* — «йиглайди», *кэлә дурур* — «келади»).

2. XV—XVI асрларга оид шеърий асарларда бу форма ҳозирги замон, «умумзамон» каби маъноларда қўлланган:

*Ғам йүки қылмай дурур йалғыз мэни —*
*маҳзунны каж,*
*Ҳам бу йүк қылмыш эрди Фарҳāд илә Мажнунны каж*
(Нав. ҒС, 43а).
*Аҳ, йашымдын арта дурур заъф, эй табиб,*
*Билдим, йарашмас эмди бу āб-у ҳавā мэңә* (Бобир, 9).
*Шарбати ичмәй турур сāҳиб назарлар жāмыдын,*
*Ким кэ хоблар дардыға дāру-ву дармāн āрзулар*
(Отойи, 16а).
*Аҳ, агар болса гунāҳ хобларны сэвмәк ақбида,*
*Дунйāда қылмай дурур ҳэч кимсә мэндин көп гунāҳ*
(Отойи, 56а).

Мисолларнинг олдинги иккитасида *-а/-ә(-й)+турур* формасидаги феъллар ҳозирги замон маъносида (*қылмай дурур каж* — «эгмаяпти», «букмаяпти», *арта дурур* — «ортмоқда»), кейинги иккитасида «умумзамон» маъносида қўлланган (*ичмәй дурур* — «ичмайди», *қылмай дурур гунāҳ* — «гуноҳ қилмайди»).



www.ziyouz.com kutubxonasi

3. *Ала+турур+мэн* типидаги форма XVII аср ёдгорликлари да — «Шажараи тарокима» ва «Шажараи турк» асарларида нис батан актив қўлланган бўлиб, маъноси ҳам анча кенг бўлган[13]:

а) ҳозирги замон маъносида қўлланган: *Ким болур-сэн ва қай дын кэлэ турур сэн?»* (Ш. тар., 76). *Тунав кун Муҳамма Қули бэгдин рухсат тиләдим. «Бар»,— дэдиләр. Аның учун с рай турур мэн* (Ш. турк, 170—171);

б) одатдаги, доим ёки вақти-вақти билан такрорланиб турувч иш-ҳаракатни ифодалайди: *Бу ашның аты «буғрахāний» болсуı тэди. Бу кун халқ ичиндә «буғра» тэб пиширә турурлар-ул аш турур* (Ш. тар., 51). *Имāм олтурса, олтура турурлаı турса тура турурлар* (Ш. турк, 25; Ш. тар., 16);

в) келаси замон маъносида қўлланган: *Тэз оғуз элиниң ичинд уруш болуб, қызыл қан қара сув-тэк ақа турур, Али хāн тэ өлә турур, аның орныға бир киши пāдшāҳ бола туру* (Ш. тар., 60). *Йахшысы ул турур ким, мэн йэтти мың моғул би лән бара турур мэн* (Ш. турк, 71).

Демак, тарихий тараққиёт процессида *ала+турур+мэн* типи даги форманинг маъноси кенгая борган. Яъни бу форма дастла ҳозирги замон феъли сифатида шаклланган бўлиб, кейинчали одатдаги, такрорланиб турадиган иш-ҳаракатни кўрсатувчи «уму замон» маъносида, сўнг келаси замон маъносида ҳам қўлланга Лекин кейинги даврларда ҳам унинг асосий функцияси ҳозирı замон маъносини ифодалашдан иборат бўлган.

## 2. *Аладур+мэн* типидаги форма

§ 73. *Аладур+мэн* типидаги форманинг ёзма ёдгорликлард акс этиши XIV асрдан бошлаб кузатилади. Масалан, бу форм қипчоқ тилларига мансуб бўлган XIV аср ёдгорлиги «Кодекс к маникус»да истеъмолда бўлган, «Аттуҳфатуз закияту филлуғатı туркия» асарида ҳам бу форманинг шу давр қипчоқлари тилид қўлланганı ҳақида маълумот берилган[14], шунингдек, озарба жон тилининг XIV—XV асрларга оид ёзма ёдгорликларида исте молда бўлгани ҳам қайд қилинган[15].

Ёзма ёдгорликларнинг кўрсатишича, ўзбек тилида бу форм нинг актив қўлланиши XV асрдан бошланган ва XIX асрнинг ох

[13] Шунинг учун ҳам А. Н. Кононов ва С. Н. Иванов ушбу асарлар ти. учун бу формани «настоящее-будущее время» номи билан атаганлар (А. Н. К но нов. Родословная туркмен. Сочинение Абу-л-Гази хана хивинского. М.— 1958, стр. 144; С. Н. Иванов. Родословное древо тюрок Абу-л-Гази-ха Грамматический очерк, Ташкент, 1969, стр. 138).

[14] Аттуҳфатуз закияту филлуғатит туркия (Таржимон ва нашрга тайёрло чи С. М. Муталлибов), Тошкент, 1968, 121, 138-бетлар.

[15] М. Ш. Рагимов. Формы выражения настоящего и будущего врем в письменных памятниках азербайджанского языка XIV—XVIII вв., «Язык ведческий сборник», Труды Института литературы и языка им. Низами, т. Баку, 1957, стр. 214.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ри ва XX асрнинг бошларига қадар ҳозирги замон маъносини ифодаловчи асосий воситалардан бири сифатида қўлланиб келган.

Эски ўзбек тилида феъл негизининг қандай бўлишидан қатъи назар бу форма таркибидаги аффикс вазифасини бажарувчи ҳолат феъли фақат [у], [ү] унлилари билан *-дур/-дүр* формаларида келган (*ала+дур, кэлә+дүр* каби). Бошқа туркий тилларга оид манбаларда эса лаб гармонияси талаби билан боғлиқ бўлмаган ҳолда [ы], [и] унлилари билан *-дыр/-дир* формаларида ҳам қўшилган. Қиёсланг: *Ит урәдүр, ит уғрайадыр, қой маңрайдыр, сиир муңрайдыр, йылқы кишнәйдир, тауқ чақарадыр, бөрү улуйдыр, киши ынчқайдыр* (Код. кум., 79). Озарб.: *чыхадыр, ахадыр, соядырлар, чан верәдүр, өләдүр, язадурлар*[16]. «Туҳфа»: *кэләдир, сөзләйдир, маңлайдыр, башлайдырлар, бошламайдур, уқмайдур, күлмәйдүр, йатмайдур*[17].

Эски ўзбек тилида *-а/-ә(-й)+дур* аффиксли ҳозирги замон феълига шахс-сон аффиксларининг тўла формалари қўшилган: *аладур-мэн, аладур-сэн, аладур-миз (аладур-биз), аладур-сиз; кэләдүр-мэн, кэләдүр-сэн, кэләдүр-миз (кэләдүр-биз), кэләдүр-сиз* каби. III шахс бирлиги нуль кўрсаткичли бўлиб, III шахс кўплиги учун *-лар/-ләр* аффикси қўшилган: *аладур, кэләдүр; аладур+лар, кэләдүр+ләр* каби.

*Аладур+мэн* типидаги форма ҳозир хакас, тува, шўр ва бошқа айрим туркий тилларда сақланган бўлиб, турли фонетик вариантларда қўлланади[18].

Олтой тилида бу форма таркибидаги *-дыр/-дир* (*-дур/-дүр*) қисқариб, ундан [р] ундоши тушиб қолган: *бара-ды-м* — «я обычно езжу», «я поеду», *бара-ды-нъ, бара-д; бара-ды-быс, бара-дыгар, бара-ды-лар*[19].

Бу форманинг ҳозир туркман ва озарбайжон шеваларида, шунингдек, фольклор асарлари тилида турли фонетик вариантларда қўлланиши ҳам қайд қилинган[20].

Ҳозирги ўзбек ва бошқа кўпчилик туркий тилларда эса *-а/-ә(-й)+дур* аффиксли *аладур+мэн* типидаги форма *ала+мен* (оламан) типидаги ҳозирги-келаси замон (ёки ҳозирги замон) феълига айланган (Қар.: § 77).

---

[16] Мисоллар М. Ш. Рагимовнинг кўрсатилган асаридан олинди (214-бет).

[17] Аттуҳфатуз закийту филлуғатит туркия, 121, 138, 141-бетлар.

[18] В. Г. Карпов. Изъявительное наклонение в хакасском языке (Канд. дисс.), М., 1955, стр. 52; Ф. Г. Исхаков, А. А. Пальмбах. Грамматика тувинского языка. Фонетика и морфология. М., 1961, стр. 384; Г. Ф. Бабушкин, Г. И. Донидзе. Шорский язык, «Яз. нар. СССР», II, стр. 475.

[19] Н. А. Баскаков. Алтайский язык, «Яз. нар. СССР», II, стр. 516.

[20] А. П. Поцелуевский. Диалекты туркменского языка, Ашхабад, 1936, стр. 50; М. Ш. Ширалиев. Бакы диалекти, Бакы, 1949, сәh. 114; Х. А. Машаков. Човдурский диалект туркменского языка (Канд. дисс.), Ашхабад, 1949, стр. 47—48; Р. Ә. Рустәмов. Губа диалекти, сәh. 148—151; Б. Ибрагимов. Говоры района Маразы, АКД, Баку, 1949, стр. 7; А. Г. Велиев. Говоры западных районов Апшеронского полуострова, АКД, М., 1952, стр. 8.



www.ziyouz.com kutubxonasi

§ 74. *Аладур+мэн* типидаги форма эски ўзбек тилида қуйидаги маъноларда қўлланган:

1. Ҳозирги замон маъносида қўлланган: *Бу йўртта хабар келди ким, шāҳ Мансурның қызы Йусуф зайның мāлы билә кэләдур* (БН, 282).

*Дэди: қопғыл! нэ йатыб-сэн, қопғыл!..*
*Ким бир атыңны оғурлайдурлар,*
*Сэни уйқу бирлә алдайдурлар* (ШН, 192).

*Аның қасды учун йолға туркмән тушуб, киши өткэрмәйдур* (Ф. иқб., 71). *Уйның ичиндә āвāз бэрдиләр: «Нэгә ичкэри кирмәйдурләр?»* (ТИ, 23а).

*Тушкэн-му мадрасаға ағз-у бэлиң ҳадиси?*
*Ҳар ҳужрадын чықадур āвāз қийл-у қāла* (Фурқ. I, 31).

2. Такрорланиб турувчи, доимий иш-ҳаракатни кўрсатади:

*Қайсыларны дэр эдиләр «Тамадур»,*
*Қан аларның қылычыдын тамадур* (ШН, 137).

*Баъзи йэрдә шали экибдурләр. Ортасыдын уч төрт тэгирмāн сув ақыб барадур* (БН, 336).

*-а -ә(-й)+дур* формасидаги феълларнинг бундай қўлланиши асосан шеърий асарлар тили учун характерли бўлиб, бу маъно *ҳамиша, дāим, ҳар дам, ҳар нафас, пайваста* каби пайт билдирувчи сўзлар ёрдамида яна ҳам конкретлашади:

*Лутфийни тиргузәдур ҳар нафас ул лаъл лабың,*
*Ушбу дам ичрә, Мусиҳā, сэни-оқ көрдум, бас*
(Лутф., 190б).
*Төкәдур қанымны ҳар дам көзләриң бақыб туруб,*
*Ким нэчә йузумгә баққай-сэн йырақдын тэлмуруб*
(Нав. МЛ, 10).
*Ҳамиша эйлә мэни Мунисиңға раҳм, эй шох,*
*Кэ қасды җāн қыладур дард-у ғам ҳамиша мэңә*
(Мунис, 45).
*Алыб йāдыға, сормас кимсә Зāкирҗāн Фурқатны,*
*Агарчэ айтадур даим дуā бāди сабāлардын*
(Фурқ. II, 120).

3. Келаси замон маъносини ифодалайди. Лекин *аладур+мэн* типидаги форма бу маънода кам қўлланган бўлиб, айрим ёдгорликлардагина кузатилади:

*Хāн бу сөз бирлә уруш қылмайдур,*
*Чэрики қалъа сары кэлмэйдур* (ШН, 69).

*Албатта, Султāн Хурāсан бирлән йав боладур* (Ш. турк, 138).



www.ziyouz.com kutubxonasi

### 3. *Ала+мэн* типидаги форма

§ 75. Эски ўзбек тилида ҳам ҳозирги ўзбек ва кўпчилик туркий тиллардаги каби бу формага шахс-сон аффиксларининг тўла вариантлари қўшилган: *ала-мэн, ала-сэн, ала-миз (ала-биз), ала-сиз (ала-сизләр)* каби.

III шахсда махсус шахс-сон кўрсаткичи бўлмаганлиги учун *-дур* форманти сақланган бўлиб (*ала+дур, ала+дур+лар*), кейинчалик *-дур* (*-дүр*) таркибидаги [у], [ү] лаб унлилари [ы], [и] унлиларига ўтган, сўнг охирги [р] ундоши тушиб қолган (*ала+дур> >ала+дыр>ала+ды, кэлә+дүр>кэлә+дир>кэлә+ди; ала+ +дур+лар>ала+дыр+лар>ала+ды+лар, кэлә+дүр+ләр>кэлә+дир+ләр>кэлә+ди+ләр* каби).

Тошкент, Қарши, Қарноб ва бошқа айрим ўзбек шеваларида бу феълнинг I шахс кўплиги учун *алавуз* типидаги форма қўлланади[21].

*Ала+мэн* типидаги форманинг ёзма манбаларда акс этиши XIII—XIV асрлардан бошлаб кузатилади. Лекин бу даврда у кам қўлланган бўлиб, «Тафсир», «Қисасул анбиё», «Ўғузнома» каби айрим манбалардагина учрайди. Мисоллар: **Таф.**— *Кирү қайтмай-мэн* (143а), *йана ичә-сиз ҳалим сувындын* (70а); **Рабғ.**— *йығлай-мэн, сиз кирмәй-сиз, эшитмәй-сиз*[22]; **ЎН** — *Мэн уйғурның қағаны бола-мэн* (33), *Урум үстигә атлар бола-сэн* (37).

Ёзма ёдгорликларнинг кўрсатишича, ўзбек тилида *ала-мэн* типидаги форманинг истеъмол доираси XV асрдан маълум даражада кенгая борган. Лекин унинг актив қўлланиши XIX аср охири ва XX аср бошларидан кузатилади.

Ўзбек тилида бу феълнинг *алады, аладылар* типидаги III шахс бирлик ва кўплик формалари асосан XVIII—XIX асрлардан бошлаб кузатилади. Лекин XX аср бошларига қадар бу феълнинг *аладур, аладурлар* типидаги III шахс бирлик ва кўплик формалари актив истеъмолда бўлиб, *алады, аладылар* типидаги формалар кам қўлланган.

Бундан ташқари, XV аср ва ундан кейинги даврларга оид айрим ёдгорликларда бу феълнинг III шахс бирлик ва кўплик формалари таркибидан *-дур* формантининг бутунлай тушиб қолиши ҳам учрайди:

*Кāматымны нэчә қашың йа қ ы л а?*
*Нэчә ҳажр оты жāнымда й а қ ы л а?*

---

[21] Я. Г. Гулямов. Грамматика ташкентского говора. Ташкент. 1968. стр. 115; А. Шерматов. Қарши шевасининг баъзи морфологик хусусиятлари. ЎзДМ. II том. 207—208-бетлар; Н. Ражапов. Ўзбек тилининг Қарноб шеваси (Канд. дис.). Самарканд. 1958, 122-бет.

[22] Мисоллар Я. Шинкевичнинг «Рабғузис синтакс» асаридан олинди (J. Schinkewitsch. Rabyuzis Syntax. MSoS. II Abtheilung, Band XXX. Berlin. 1927. S. 40).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Ғамза билә тәкти қаным ул санам,*
*Тā хина-тәк қан элинә йа қ ы л а* (Лутф., 260б).
*Қылурлар маҳбус Йусуфны қудуқта,*
*Йана қул дәб с а т а л а р ҳар қапуқта* (ЛН, 143а).

*Мәниң мажлисимда гāҳ айақ башқа қ о й а л а р ва гāҳ ба айаққа турубтурлар* (Амирий, 331а). *Агар гузар тапылса, худ б кэлгусидур, валә ул гузарлар сув улғайғач т а ғ а й й у р т а п л а р* (БН, 151). *Сарт халқы б и л м ә й, тәб кәлдиләр* (I турк, 178).

Бу ҳолни К. Броккельман ҳам қайд қилган ва Навоий, Лутфі асарларидан қуйидаги мисолларни келтирган[23]: *Икки шатран атыдәк бириси к ө т ә р ә а л м а й өз йэридин айақ* (Навоий). *Н таң, гар т э ш ә қатра сув ташны* (Навоий). *Ким көзумниң сув дын көңлидә тухми муҳаббат т а р ы л а* (Лутфий).

Ҳозирги замон феълининг бундай қўлланиши ҳозир татар, бо қирд ва қрим татарлари тиллари учун характерлидир. Шу бил бирга, ушбу тилларда бошқа туркий тиллардан фарқ қилиб, феълнинг I шахс бирлиги *алам (ала+м)* формасида қўлл нади[24].

§ 76. *Ала+мэн* типидаги форма эски ўзбек тилида қуйида маънол а р д а қўлланган:

1. Кўпинча ҳозирги замон маъносида қўлланган:

*Дэдим кэ, ө л т у р ә-с э н ишқ ара, нэдур гунāҳым?*
*Дэди кэ, ишқдын артуқ йана болур-му гунāҳ?*
(Нав. ФК, 159

*Хāн дэди: «Хат битиб, оқ бирлә атың,*
*Айтыңыз: «Чин Софи, йоқ-му уйатың?*
*Кимниң умиди билә и ш қ ы л а-с э н?*
*Бэркитиб қалъаны, с а н ч ы ш қ ы л а-с э н»* (ШН, 211).

*Аҳмад Йусуф бәг изтирāблар қылыб, ҳар замāн айтадур ки йалангач мундақ кириб б а р а-с и з. Икки-үч оқны көрдум ки башыңыздын өтди* (БН, 200). *Эй тайақ, бу āвāзны э ш и т м ә м у-с э н?* (ТН, 156). *Эй бирāдар, сабаб нэдур кэ, буйан ө т м ә с и з* (Гулх., 42).

2. Одатдаги, доим ёки вақти-вақти билан такрорланиб турув иш-ҳаракатни ифодалашда қўлланган. *Ала+мэн* типидаги ф манинг бундай қўлланиши асосан шеърий асарлар тили учун х рактерли бўлган:

---

[23] C. Brockelmann. Osttürkische Grammatik der islamishen Litterat Sprachen Mittelasiens, Leiden, 1954, § 179-d.

[24] Современный татарский литературный язык. Лексикология, фонети морфология, М., 1969, стр. 219; А. А. Юлдашев. Система словообразова и спряжения глагола в башкирском языке, М., 1958, стр. 120; Э. В. Сев тян. Крымско-татарский язык, «Яз. нар. СССР», II, стр. 245.

www.ziyouz.com kutubxonasi

*Ким нэдин бизгэ* й а м а н л ы қ қ ы л а-с и з,
*Башымыз устигэ ҳар дам* к э л э-с и з (ШН, 147).
*Куйуб фирақың отыда мудам* й ы ғ л а й-м э н,
*Ғамыңның заҳрын ичиб талхкам* й ы ғ л а й-м э н
(Ҳув., 113).
*Шамдын та субҳидам ҳажрыңда өртэб* й а н а-м э н...,
*Ҳар кэчэ йадыңда мың йол уйқудын* у й ғ а н а-м э н
(Муқ., 159).

3. Келаси замон маъносида қўлланган: *Хатиримға йэтти ким, Аҳмад Қавчинни чарлаб, ...атларыны* т и л э б а л а-м э н (БН, 142). *Эмди* б а р а-м и з. *Сизлэр нэ* а й т а-с и з? (Ш. турк, 163). *Қара хан элгэ киши йубарды: «Тэз кэлсунлэр, авға* ч ы қ а-м э н»,- *тэб* (Ш. тар., 16).

*Дэди: «Ҳар куни бэрсэң он сом ҳам,*
Б а р ы л м а й д ы, *қой завтуны, хожам»* (Муқ., 41).

* *
*

Эски ўзбек тилида *-а/-э(-й)* аффиксли равишдош асосида ясалган ҳозирги замон феъли формаларининг шахс-сон аффикслари билан тусланиш парадигмаси қуйидаги кўринишда бўлган:

| Шахс | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| I шахс | *ала турур мэн*<br>*аладур-мэн*<br>*ала-мэн* | *ала турур миз*<br>*аладур-миз* (*аладур-биз*)<br>*ала-миз* (*ала-биз*) |
| II шахс | *ала турур сэн*<br>*аладур-сэн*<br>*ала-сэн* | *ала турур сиз*<br>*аладур-сиз*<br>*ала-сиз* |
| III шахс | *ала турур*<br>*аладур*<br>*алады*<br>(*ала*) | *ала турур*(*лар*)<br>*аладур*(*лар*)<br>*алады*(*лар*)<br>(*алалар*) |

**_-а/-э(-й)_ аффиксли равишдош асосида ясалган ҳозирги замон феълининг эволюцияси ҳақида**

§ 77. Ҳозирги ўзбек ва бошқа кўпчилик туркий тилларда «ҳозирги-келаси замон» номи билан аталувчи *алaман* (*оламан*) типидаги форма тарихан *ала+турур+мэн* типидаги формадан ке-



www.ziyouz.com kutubxonasi

либ чиққан[25]. Кейингиси ўз навбатида тасвирий (аналитик) йўл билан ясалган бўлиб, икки мустақил компонентнинг бирикувидан ташкил топган: 1) равишдошнинг *-а/-ә(-й)* аффиксли формаси; 2) *тур-* ҳолат феълининг ҳозирги-келаси замон сифатдош формаси (+-шахс-сон аффикси). Демак, *аламан* типидаги ҳозирги-келаси замон феъли тарихан равишдош эмас, балки сифатдош формасига шахс-сон аффикслари қўшилиши йўли билан ҳосил бўлган. Лекин сифатдош кўрсаткичи феъл негизига бевосита эмас, балки (равишдош кўрсаткичи+) *тур-* ҳолат феъли орқали қўшилган (*ал+а+тур+ур>ала+турур*).

*Ала+турур+мэн* типидаги форманинг тараққиёти ва унинг *ала+мэн* (*аламан*) типидаги формага айланишида қуйидаги ўзгаришлар содир бўлган:

1. Дастлабки қўлланишда *ала+турур+мэн* формаси таркибидаги компонентларнинг ҳар бири маълум даражада ўзининг лексик-грамматик мустақиллигини сақлаган: биринчи компонент (*ала*) иш-ҳаракатнинг нутқ моментида мавжудлигини, иккинчи компонент (*турур*) эса нутқ моментида иш-ҳаракатнинг бажарилиш процессида эканини, давом этиб турганини кўрсатади. Демак, *ала+турур+мэн* типидаги форма дастлабки қўлланишида икки тушунчани, яъни замон ва вид (нутқ моментида иш-ҳаракатнинг бажарилиш процессида экани, давом этиб тургани) тушунчаларини ифодалаган. Кейинчалик бу форманинг компонентлари ўртасида ўзаро боғланиш мустаҳкамлана боради ва улар бир бутун аналитик конструкциянинг ажралмас қисмларига айланади. Натижада бу формада вид тушунчаси аста-секин кучсизлана боради ва замон тушунчаси устунлаша боради. Шундай қилиб, бу форма замон маъносини ифодаловчи восита сифатида шакллана бошлайди. Бу формадаги семантик ўзгариш унинг структурасига ҳам таъсир этади: иккинчи компонент (*турур*) ўзининг мустақиллигини йўқотиб, бирикманинг ёрдамчи элементига айланади ва ундан ҳозирги-келаси замон сифатдош кўрсаткичи *-ур* тушиб қолади, яъни унда грамматикализация ҳодисаси юз беради (*ала турур мэн* [>*ала дурур мэн*]>*аладур-мэн*).

Ёзма ёдгорликларнинг кўрсатишича, *ала+турур+мэн* типидаги форманинг *аладур+мэн* типидаги формага ўтиш процесси XIII—XIV асрлардан бошланган. Ўғуз ва қипчоқ группаларидаги туркий тилларда бу процесс XIV асрдаёқ асосан тугалланган. Масалан, озарбайжон тилининг XIV асрга оид ёдгорликларида фақат *аладур+мэн* (*аладыр+мэн*) типидаги форма қўлланган[26]. Қипчоқ тилларига мансуб бўлган шу давр ёдгорлиги «Аттуҳфа-

---

[25] Ф. Е. Корш. Происхождение формы настоящего времени в западно-турецких языках, «Древности восточные», т. III, вып. 1, М., 1907, стр. 20; А. Н. Баскаков. Система спряжения или изменения слов по лицам в языках тюркской группы, ИСГТЯ, II, стр. 280, 284, 285. Қиёсланг: А. Н. Кононов. Грамматика современного узбекского литературного языка, стр. 209.

[26] М. Ш. Рагимов. Формы выражения настоящего и будущего времен в письменных памятниках азербайджанского языка XIV—XVIII вв., стр. 214.



www.ziyouz.com kutubxonasi

туз закияту филлугатит туркия» асарида ҳам фақат *аладур+мэн* (*аладыр+мэн*) типидаги форма кўрсатилган[27]. *Аладур+мэн* типидаги форманинг ўзбек тилига оид ёдгорликларда қўлланиши эса XIV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кузатилади. Демак, *ала+турур+мэн* типидаги форманинг *аладур+мэн* типидаги формага ўтиши ҳар хил туркий тилларда турли даврларда юз берган.

2. Кўпчилик туркий тилларда, шу жумладан, ўзбек тилида *аладур+мэн* типидаги форманинг формал ўзгариши яна давом этиб, унинг таркибидан I ва II шахсларда *-дур* форманти бутунлай тушиб қолган ва *ала+мэн* типидаги формага айланган. III шахсда эса, юқорида қайд қилинганидек, *-дур* сақланган бўлиб, кейинчалик унинг таркибидан охирги [р] ундоши тушиб қолган. Масалан, ўзбек тилида: *аладур>аладыр>алады, аладурлар>аладырлар>аладылар* (ҳозирги ўзбек тилида: *олади, оладилар*)[28].

Езма ёдгорликлар ва ҳозирги туркий тилларда мавжуд бўлган фактларнинг кўрсатишича, *аладур+мэн* типидаги форманинг тараққиёти ва унинг *ала+мэн* типидаги формага ўтиши ҳамма туркий тилларда бир хил планда содир бўлган эмас. Бу жиҳатдан туркий тилларни шартли равишда қуйидаги уч группага бўлиш мумкин:

а) туркий тилларнинг бир группасида, масалан, хакас, тува, шўр тилларида бу форма таркибидаги *-дур* форманти *-дыр/-дир* формасида ҳозир ҳам сақланган. Олтой тилида эса охирги [р] ундоши тушиб, *-ды/-ди* (*бара-дым*) формасида сақланган.

Бу форма ушбу тилларда ҳозирги-келаси замон феъли сифатида шаклланган;

б) туркий тилларнинг яна бир группасида, асосан, ўғуз группасида *аладур+мэн* типидаги форма кейинчалик ўз мавқеини йўқотган ва ёзув адабий тилда истеъмолдан чиққан. Бунинг сабаби ушбу тилларда ҳозирги замон маъносини ифодаловчи *-мақда/-мәкдә, -йор, -ур/-үр//-ыр/-ир* аффиксли формаларнинг анча қадимдан шаклланганлигидадир[29]. Ҳозир бу форма озарбайжон ва туркман тилларининг айрим шеваларидагина турли фонетик вариантларда қўлланади;

в) кўпчилик туркий тилларда эса, масалан, ўзбек, уйғур, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, татар, бошқирд тилларида *аладур+мэн* типидаги форма асосида *ала+мэн* типидаги форма вужудга келган. Бу тилларнинг аксариятида *ала+мэн* типидаги форма ҳозирги-келаси замон, татар ва бошқирд тилларида эса ҳозирги замон феъли сифатида шаклланган. Бунинг сабаби ўзбек, уйғур, қозоқ, қиргиз,

---

[27] Аттуҳфатуз закияту филлуғатит туркия. 121—138-бетлар.

[28] Татар, бошқирд ва қрим татарлари тилларида, юқорида қайд қилинганидек, *-дур* форманти III шахс бирлик ва кўплик формаларида ҳам тушиб қолган.

[29] М. Ш. Рагимов. Формы выражения настоящего и будущего времен в письменных памятниках азербайджанского языка XIV—XVIII вв., стр. 241.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қорақалпоқ тилларида ҳозирги замон маъносини ифодалаш учун махсус формаларнинг пайдо бўлганлигидадир.

Бу группага кирувчи тилларда *аладур+мэн* ва *ала+мэн* типидаги формалар узоқ вақтгача параллел қўлланиб келган. Масалан, ўзбек тилида *аладур+мэн* типидаги форма XIX аср охирларига қадар актив истеъмолда бўлган. Шу даврдан ҳозирги замон маъносини ифодаловчи махсус формалар пайдо бўла бошлайди, *ала+мэн* типидаги форма ҳозирги-келаси замон феъли сифатида актив қўллана бошлайди, *аладур+мэн* типидаги форма эса истеъмолдан чиқа бошлайди.

### *-мақда/-мэкдэ* аффиксли форма

§ 78. Бу форма XIII—XIV асрларга оид ёдгорликлардан «Уғузнома»да учрайди. Лекин ушбу асарда ҳам фақат III шахс бирлигида қўлланган бўлиб, унга *тур-* ҳолат феълининг ҳозирги-келаси замон формаси (*турур*) қўшилиб келган: *Кэнэ кэлиб көрди ким, бир шунқар қыатның ичэгусин йэмэктэ турур* (УН, 26).

Бундан ташқари, «Уғузнома»да *-мақда/-мэкдэ* аффиксли ҳозирги замон феъли билан бир хил маънога эга бўлган *-ғуда/-гүдэ* (*—турур*) аффиксли форма ҳам қўлланган. Кейингиси *-ғу/-гү* аффиксли ҳаракат номи формасига ўрин-пайт келишиги аффикси қўшилиши билан ясалган. Бу форма ҳам фақат III шахс бирлигида қўлланган бўлиб, унга *турур* қўшилиб келган: *Оғуз қаған... көрди ким, чэрикниң тапуғларыда көк жаллуғ бэдүк бир эркэк бөри йүрүгүдэ турур* (УН, 38).

*-мақда/-мэкдэ* аффиксли форма билан *-ғуда/-гүдэ* аффиксли форма ўртасида маънода фарқ йўқлиги мисоллардан кўриниб турибди.

*-ғуда/-гүдэ* аффиксли форма кейинги даврларга оид манбаларда қайд қилинмади. *-мақда/-мэкдэ* аффиксли форма эса Навоий ва Муниснинг шеърий асарларида қайд қилинди:

*Маст олуб бир дам шабāб аййāмыны тут муғтанам,*
*Ким йигитлик дамбадам өтмэкдэдүр аййāм ара*
(Нав. FC, 66).

*Айни инāйатыңдын ҳāлымға қыл назāра,*
*Өлмэкдэ-мэн ғамыңдын, дардымға эйлэ чāра*
(Мунис, 58).

*Жāн бэрүр ҳар дам, алур жан ҳар нафас, виҳким, аңа,*
*Нэ балā, жāн бэрмэк-у алмақдадур устāдлығ*
(Мунис, 292).

Ўзбек тилида *-мақда/-мэкдэ* аффиксли ҳозирги замон феълининг қўлланиши XX аср бошларидан, асосан, матбуот саҳифаларида активлаша борганлиги кузатилади[30]. Ҳозирги ўзбек тилида

[30] Б. Турдиалиев. Морфологические особенности языка периодической печати 1905—1917 гг., АКД, Ташкент, 1969, стр. 20; Ш. Шукуров. Ўзбек адабий тилининг ривожланиши масаласига доир, УзТА, 1965, 4-сон, 64-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам бу феъл асосан матбуот тили учун характерли бўлиб, фақат бўлишли формада ва кўпинча III шахсда қўлланади (эски ўзбек тилида ҳам фақат бўлишли формада қўлланган).

Ҳозирги замон феълининг *-мақда/-мәкдә* аффиксли формаси ҳозир асосан ўғуз группасидаги озарбайжон ва турк тиллари учун характерли бўлиб, бу тилларда анча қадимдан истеъмолда бўлиб келган.

## *Тур-, йат-, йүр-, олтур-* ҳолат феълларининг ҳозирги замон формалари

§ 79. Маълумки, ҳозирги ўзбек ва бошқа айрим туркий тилларда *тур-, йат-, йүр-, о(л)тур-* ҳолат феълларидан ҳозирги замон формасининг ясалиши ўзига хос хусусиятларга эга.

Ҳозирги ўзбек тилида *турмоқ, ётмоқ, юрмоқ, ўтирмоқ* ҳолат феълларининг ҳозирги замон формаси бу феълларнинг *-(и)б* аффиксли равишдош формасига шахс-сон аффикслари қўшилиши билан ясалади[31]: *турибман, турибсан, турибди; турибмиз, турибсиз, турибдилар*[32] каби.

Эски ўзбек тилида эса бу феълларнинг ҳозирги замон формаси қуйидагича икки усул билан ясалган:

1. Биринчи усул. Ҳозирги ўзбек тилидаги каби бу феълларнинг *-б*[33] аффиксли равишдош формасига шахс-сон аффикслари қўшилиши билан ясалган.

I ва II шахсларнинг бирлик ва кўплиги учун шахс-сон аффиксларининг тўла формалари қўшилган: *туруб-мән, туруб-сән, туруб-миз, туруб-сиз* каби.

III шахс бирлиги учун *тур-* ҳолат феълининг ҳозирги-келаси замон сифатдош формаси (*турур*)ёки унинг қисқарган формалари *тур//дур* қўшилган. III шахс кўплиги учун III шахс бирлик формасига *-лар/-ләр* кўплик аффикси қўшилган: *Малик, мәним қарындашым уш о л т у р у б  т у р у р, сөзләсүн* (Рабг., 29б).

*Т у р у б т у р көздә қаддыңыз хийāлы,*
*Аның-дәк ким сув үзрә тал ниҳāлы* (МН, 302б).
*Көрди ким, очақ ичиндә бир йаш оглан й а т ы б  т у р у р*
(Ш. тар., 72).

---

[31] Бу феълларнинг ҳозирги замон формаси бўлишсиз аспектига эга эмас. *Турмабди, ётмабди, юрмабди, ўтирмабди* формалари эса фақат ўтган замон маъносида қўлланади. Эски ўзбек тилида ҳам шундай бўлган.

[32] Ҳозирги ўзбек тилида ҳам, эски ўзбек тилида ҳам бу тилдаги ясалиш бошқа феъллар доирасида ўтган замон феълини ташкил этади. Қар.: § 39.

[33] Айрим ёдгорликларда *йүр-* фелининг одатдаги *йүрүб* (یوروب) формаси ўрнида *йүрий* (یوری) қўлланиши ҳам учрайди: *Тақы ул ким, й ү р и й  т у р у р, ..* (Таф. Т., 42 б). *Тамāм йалаңач й ү р и й д ү р л ә р* (БН, 377).

Ҳозирги замон феълининг тасвирий формаси таркибида ҳам *йүр-* феълининг баъзан шу формада келиши кузатилади: *Хāн Саидниң йылқысын б а қ ы б  й ү р и й  т у р у р* (Ш. турк, 125). *Сизниң кучиңиз бирлән б и р и к и б  й ү р и й  т у р у р* (Ш. тар., 55—56).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Пайзасыны кифтигэ тик үшләб, йўқары-қуйы й ү р ү б д ү* (Гулх., 42). *Анда көп уламāлар давра алыб о л т у р у б д у р л а* (Фурқ. II, 134).

Айрим ёдгорликларда баъзан I ва II шахсларда ҳам (асоса I шахс бирлигида) *турур* (>*тур*//*дур*) қўшилиб келиши кузатила ди: [*Оғуз хāн*] *бир йыл йуртында туруб, иккинчи йыл элгэ жа, қылдурды: «Эрāн сары й ү р ү б т у р у р м э н, нэчэ йыллық гам ларын йэсүнлэр»,— тэб* (Ш. тар., 22—23). [*Тайақ айды*] *хизмат-қуллуғда т у р у б д у р-м э н, барыб таҳқиқ-у тафаххус қыла ал майдур-мэн* (ТН, 15б).

*Й ү р ү б д ү р-м э н сэни дэб тэлбалар-дэк,*
*Йаман-йахшыга күлгү ҳам сөз болуб* (Ҳув., 134).
*Ошал куни кэ сэни көрдим-у асир олдым,*
*Қылур ишимни билалмай й ү р ү б д ү р-м э н нāчāр*
(Фурқ. I, 189)

Келтирилган мисоллар шундан далолат берадики, *тур-, йат-йүр-, олтур-* ҳолат феълларидан ясалган ҳозирги замон формаси нинг бу тури дастлаб икки компонентнинг бирикувидан ташки. топган, яъни *тур-, йат-, -йүр-, олтур-* ҳолат феълларининг *-б* аф фиксли равишдош формасига *тур-* ҳолат феълининг *-ур* аффиксл ҳозирги-келаси замон сифатдош формаси *турур* қўшилган: *туру турур мэн, йатыб турур мэн, йүрүб турур мэн, олтуруб турур мэ* каби (ҳозирги ўзбек тилидаги «турибман», «ётибман», «юрибман» «ўтирибман» маъносида). Кейинчалик бу форма таркибидаги *ту рур* қисқаришга учраб, *-дур/-дүр* формасидаги аффиксга айлан ган, сўнг *-дур/-дүр* аффикси I ва II шахсларда бутунлай тушиі қолган (*туруб турур мэн*>*турубтур-мэн*>*турубдур-мэн*>*туруб мэн, йүрүб турур мэн*>*йүрүбтүр-мэн*>*йүрүбдүр-мэн*>*йүрүб-мэ* каби). III шахсда эса шахс-сон кўрсаткичи бўлмаганлиги учу *-дур/-дүр* сақланган бўлиб, ҳозирги ўзбек тилида *-ди* формасига айланган (*туруб турур*>*турубтур*>*турубдур*>*турубды*>*турибди йүрүб турур*>*йүрүбтүр*>*йүрүбдүр*>*йүрүбди*>*юрибди* каби)[34].

*Тур-, йат-, олтур-* ҳолат феълларининг *-б* аффиксли равишдош формаси асосида ясалган ҳозирги замон феъли эски ўзбек тилида ҳам субъектнинг нутқ моментидаги ҳолатини кўрсатиш маъносида қўлланган:

*Дэсэң ким, жāн сипар қыл, Атайым!*
*Т у р у б-м э н ушмунақ, өлдүр, ат, айым* (Отойи, 39а).
*Й ү р ү б-м э н мунча махфи ранж тартыб,*
*Валэкин āшкāрā йүз қызартыб* (Ф. иқб., 124а).
*Дэди: қопғыл, нэ й а т ы б-с э н, қопғыл!*
*Нэ төшэк ичрэ й а т ы б-с э н, қопғыл!* (ШН, 192).

---

[34] Ҳозирги уйғур тилида *-дур/-дүр* (*-тур/-түр*) аффикси I шахснинг бирли ва кўплигида ҳам *-ту* формасида сақланган: *турубтумэн, турубтумиз, жүрүп түмэн, жүрүптүмиз, йетиптүмэн, йетиптүмиз, олтурубтумэн, олтурубтумиз.*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Қызылбаш вилāйатының ичиндә* о л т у р у б-м и з (Ш. турк, 172). *Сувның йақасында бир нэчә заифалар кир йува турурлар. Атасының иниси Урхāнның қызы мунларның ичиндә* о л т у р у б т у р у р (Ш. тар., 15).

*Йүр-* феъли эса контекст мазмунига кўра субъектнинг нутқ моментидаги ҳолатини ёки унинг иш-ҳаракатини кўрсатиши мумкин. Қиёсланг:

*Й ү р ү б-м э н хасратыңда мунда йығлаб,*
*Кэзэр-сэн айш илә иштатда анда* (Фурқ. I, 28).

[*Сангпушт*] *нāгāҳ арқасыға бақды, көрди кэ, йолдашы йолда харған, ...найзасыны кифтига тик үшләб, йүқары-қуйы й ү р ү б-д ү р* (Гулх., 42).

Мисолларнинг биринчисидаги *йүрүб-мэн* феъли субъектнинг нутқ моментидаги ҳолатини, иккинчисидаги *йүрүбдүр* эса субъектнинг нутқ моментидаги конкрет ҳаракатини, яъни юриш процессида эканини кўрсатади.

Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида *турмоқ, ётмоқ, юрмоқ, ўтирмоқ* феълларининг *-б* аффиксли равишдош формасига шахс-сон аффикслари қўшилиши билан ясалган форма контекст мазмунига кўра ҳозирги замон ёки ўтган замон маъносини ифодалаши мумкин. Бу ҳол ушбу феълларнинг ўзига хос семантик хусусияти билан боғлиқ ҳодисадир. Яъни бу феъллар ҳолатни ифодалаганда, ҳозирги замон маъносини, конкрет иш-ҳаракатни ифодалаганда эса ўтган замон маъносини билдиради[35].

Эски ўзбек тилида бу ҳодиса *олтур-* феълига хос бўлиб, бу ҳам айрим манбалардагина кузатилади. Масалан: *Хазрати рисāлат замāнидын бу тарихқача ул йүз пāдшāҳларыдын уч киши Ҳиндустāн вилāйатыға мусаллит болуб, салтанат қылыбтурлар: бир[и] Султāн Муҳаммад Ғāзи ва авлāды Ҳиндустāн вилāйатыда муддати мадид салтанат тахтыға* о л т у р у б т у р л а р... (БН, 348). *Йамир эли халқының аслы мундақ турур ким, Манқышлақда ички салурдын бир киши бир ички салурны өлтүрүб, қачыб Дурунда олтурган салур элиниң ичинә кэлиб турур тақы анлардын бир қыз алыб, анда ватан қылыб* о л т у р у б т у р у р (Ш. тар., 71).

Бу мисолларда *олтурубтурлар* ва *олтуруб турур* феъллари ўтган замон маъносида қўлланган бўлиб, конкрет иш-ҳаракатни ифодалайди.

2. *Тур-, йат-, йүр-, олтур-* ҳолат феълларидан ҳозирги замон феълининг и к к и н ч и у с у л билан ясалиши. Эски ўзбек тилида бу феълларнинг ҳозирги замон формаси сифатдошнинг *-ур* аффикси ёрдамида ҳам ясалган. I ва II шахслар учун шахс-сон аффиксларининг тўла формаси қўшилган. III шахс кўплиги учун

---

[35] А. Ҳ. С у л а й м о н о в, А. Ҳ. Ҳ о ж и е в, Ж. М. Ж ў р а е в а. Феъл замонлари, 51—57-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*-лар/-лэр* кўплик аффикси қўшилган: *турур-мэн, турур-сэн, турур-миз, турур-сиз(лэр), турур, турурлар* каби.

Эски ўзбек тилида *тур-, йат-, йур-, олтур-* ҳолат феълларининг *-ур* аффиксли формаси асосан ҳозирги замон маъносида қўлланган: *Балқис бу карāмат бирлэ Сулаймāн хазратында кирди, көрди: Сулайман тахт үзэ о л т у р у р* (Рабғ. Т, 520). *Йүгүрүб ташқары чықты эрсэ, көрди: йав т у р у р* (Ш. турк, 107).

*Сэвүр-мэн көзни сизни көрмэк үчүн,*
*Й у р ү р-м э н йэрдэ изни көрмэк үчүн* (МН, 303а).
*Сач йā сунбул йā ганж үстидэ й а т у р ылан,*
*Йā кэлибтүр Рум элигэ Чин-Мāчин лашкары* (Отойи, 67а).
*О л т у р у р-с э н āшиққа бақмай, гапырмай, тунд болыб,*
*Сөзлэриң тоти кэби ширинкалāм этсэң нэтэр* (Муқ, 172).

Бундан ташқари, *тур-, йат-, йүр-, олтур-* ҳолат феълларининг *-ур* аффиксли формаси эски ўзбек тилида қуйидаги маъноларда ҳам қўлланган:

а) одатдаги иш-ҳаракатни кўрсатувчи «умумзамон» маъносида қўлланган: *Кэчэ көчүб, күндүз й а т у р л а р* (Ш. турк, 126). *Ул вилāйат лолилары икки йығачны айағларыға бағлаб, «пāйи чобин» қылыб, йол й у р у р л э р* (БН, 457);

б) пайт билдирувчи *дāим, мудāм* каби сўзлар ёрдамида маълум бир грамматик замон билан боғлиқ бўлмаган доимий ҳолат ифодаланади, яъни субъектнинг доим шу феъллар ифодалаган ҳолатда эканлиги кўрсатилади:

*М у д ā м өсрук й а т у р мэҳрāб ичиндэ,*
*Магар кāфир көзүң тархāн болубтур* (Отойи, 13б).
*Пāйбусың арзусыда ҳамиша жāн чэкиб,*
*О л т у р у р д ā и м йолыңда Фурқати бэдаст-у пā*
(Фурқ. I, 175);

в) келаси замон маъносида ҳам қўлланган: *Андын соң сэнсиз бу дунйāда йүрүмэк манга ҳарāм турур. Өзүмни өзүм өлтүрүр-мэн тақы сэниң айақ үчиңдэ й а т у р-м э н* (Ш. тар., 56—57).

§ 80. Шундай қилиб, *тур-, йат-, йур-, олтур-* ҳолат феълларининг ҳозирги замон формаси эски ўзбек тилида икки хил йўл билан ясалган: а) бу феълларнинг *-б* аффиксли равишдош формасига (*+турур>тур//дур*) шахс-сон аффикслари қўшилиши билан; б) бу феълларнинг *-ур* аффиксли сифатдош формасига шахс-сон аффикслари қўшилиши билан.

Булардан *-б* аффиксли равишдош асосида ясалган форманинг қўлланиши асосан XV асрдан бошлаб кузатилади, *-ур* аффиксли сифатдош асосида ясалган форма эса, ёзма ёдгорликларнинг кўрсатишича, эски ўзбек тили тараққиётининг ҳамма даврларида истеъмолда бўлган.

Шу нарса характерлики, бошқа туркий тилларга оид ёдгорликларда, масалан, «Кодекс куманикус», «Китоби Дада-Қўрқуд» асарларида, қадимги уйғур тилига оид манбаларда фақат *-ур*



www.ziyouz.com kutubxonasi

аффиксли сифатдош орқали ясалган форма қўлланган. Масалан: *Тагдын йыңаққа көрсәр-мән, төртә әрклиг қан* *о л у р у р* (Олт. йор., 15б). *Қачан чықтылар Иарусаламдан, үч йулдуз экинчи көрүнди, барды илгәри аңа дәгри ол әвгә, қайда Христос* *й а т ы р*, ... (Код. кум., 84). *Сәниң йазуқыңның алында мән* *т у р у р-м э н* (Код. кум., 79). *Нэ* *о т у р у р-с и з*, *султаным, Байбижан бэг ол сана вәрәжәги қызы Бәйрәгә вәрди* (Китоби Дада-Қўрқуд, 8)[36]. [*Базарганлар*] *көрдиләр ким, ол йигит ким, бош кәсибдир, қан дөкибдир, Байбура бәгин сағында* *о т у р у р* (Китаби Дада-Қўрқуд, 3). *Бәйрәк бундан кәчди, улу қыз қарындашлары йанына кәлди, бақды, көрди: қыз қардашлары қаралу, көклү* *о т у р ы р л а р* (Китаби Дада-Қўрқуд, 12).

XI аср ёдгорлиги «Қутадғу билиг»да ҳам фақат *-ур* аффиксли сифатдош орқали ясалган форма қўлланган:

*Эшитти Илик, айды: кәлдүр, қаны,*
*Қайуди* *т у р у р*, *бир көрәйин аны* (ҚБ, 27а).
*Мән эмди әв ичрә* *й а т у р-м ә н* *осал,*
*Ишим барча таштын, әй билги түгәл* (ҚБ, 210а).
*Пәгү-тәк* *й ү р и р-м ә н* *бу йәрдә қуруг,*
*Иликкә барайын, қылайын тапуг* (ҚБ, 23б).
*Кумуш курси урмыш, үзә* *о л т у р у р*,
*Бу курси азақы үч азры турур* (ҚБ, 33б).

Юқорида қайд қилинган фактлар асосида қуйидагича хулоса чиқариш мумкин: *тур-, йат-, йүр-, олтур-* ҳолат феълларининг *-ур* аффикси билан ясалган ҳозирги замон формаси ҳамма туркий тиллар учун умумий бўлиб, қадимий формадир. Шу муносабат билан «Грамматика алтайского языка» китобида айтилган қуйидаги фикр диққатга сазовордир: «Из всех глаголов в алтайском (и киргизском) языке, как некоторое исключение, отличаются следующие четыре глагола: *јат* «лежи», *тур* «стой», *оттур* «сиди», *јӱр* «ходи». Эти глаголы, особенно три первые, означают еще отвлеченно нахождение и также пребывание в действии или состоянии. Отличие их от всех других глаголов состоит в том, что только они имеют самостоятельно образованную форму собственно-настоящего времени. П о л н а я т ю р к с к а я ф о р м а (разрядка бизники.— Ш. Ш.) этого времени означенных четырех глаголов есть: *јатыр, турур, отурур, јӱрӱр*, т. е. оканчивается на *р* с предыдущей беглой *ы* или *у*»[37].

Кейинчалик туркий тилларда бу феълларнинг ҳар хил йўллар билан ясалган ҳозирги замон формалари вужудга келган. Масалан, ҳозир тува, қозоқ, нўғой ва бошқа айрим туркий тилларда *тур-, йүр-, олтур-* ҳолат феълларининг ҳозирги замон формаси бу

[36] Мисоллар В. В. Бартольд нашридан олинди (В. В. Б а р т о л ь д. Китаби-Коркуд, «Записки восточного отделения Русского археологического общества», т. XV, СПб., 1904).

[37] Грамматика Алтайского языка (составлена членами Алтайской миссии). Казань, 1869, стр. 56.



www.ziyouz.com kutubxonasi

феълларнинг негизига шахс-сон аффиксларининг бевосита қўшилиши билан ҳосил бўлади, яъни ҳозирги замон формасининг ясалишида бу феъллар таркибидан *-ур* аффикси тушиб қолади. *Йат*-феъли таркибида эса бу аффикс сақланади. Қиёсланг: тува: *мен тур мен* (мен турибман), *мен чор мен* (мен юрибман), *мен олур мен* (мен ўтирибман), *мен чыдыр мен* (мен ётибман)[38]; қоз.: *мен турмын, мен жүрмін, мен отырмын, мен жатырмын*[39]; нўг.: *мен тур ман, мен отур ман, мен йуър ман, мен йатыр ман*[40]. Олтой тилида *-ур* аффикси баъзан *йат*- феълида ҳам тушиб қолади: *мен турым, мен јўрим, мен отурым, мен јадырым//мен јадым*[41]. Ҳозирги туркман тилида ҳолат феълларининг ҳозирги замон формаси қуйидагича икки хил йўл билан ясалади: *дуряр//дуур, ятяр//ятыыр, йөрйәр//йөөр, отуряр//отыыр*[42]. Қирғиз, татар, бошқирд ва бошқа айрим тилларда эса равишдошнинг *-а* аффиксли формаси орқали ясалади. Масалан: *турат//тура* (турибди), *журөт//юра* (юрибди), *отурат//отура* (ўтирибди), *жатат//ята* (ётибди)[43]. Ниҳоят, ҳозирги ўзбек ва уйғур тилларида, юқорида айтилганидек, *-б(-п)* аффиксли равишдош формаси орқали ясалади. Ўзб.: *турибман, ётибман, юрибман, ўтирибман;* уйғ.: *туруптумән, йетиптумән, җуруптумән, олтуруптумән.*

## Ҳозирги замон феълининг тасвирий формалари

§ 81. Эски ўзбек тилида ҳам ҳозирги ўзбек ва бошқа туркий тиллардаги каби ҳозирги замон феълининг *тур-, йат-, йур-, олтур*-ҳолат феъллари иштирокида ясалувчи тасвирий формалари истеъмолда бўлган.

Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида ҳозирги замон феъли тасвирий формаларининг ясалишида асосий феъл ҳам, ҳолат феъли ҳам *-б* аффиксли равишдош формасида келади ва шахс-сон аффиксларининг тўла формалари қўшилади: ***ишлаб турибман, ишлаб ётибман, ишлаб юрибман, ишлаб ўтирибман*** каби. Бўлишсизлик аффикси асосий феълга қўшилади: ***ишламай турибман, ишламай юрибман*** каби.

Эски ўзбек тилида ҳозирги замон феълининг тасвирий формалари қуйидагича икки усул билан ясалган:

1. Биринчи усул. Ҳозирги ўзбек тилидаги каби асосий феъл ҳам, ҳолат феъли ҳам *-б* аффиксли равишдош формасида

[38] Ф. Г. Исхакова, А. А. Пальбах. Грамматика тувинского языка, стр. 359—360.

[39] Т. Р. Кордабаев. Қазіргі қазақ тіліндегі етістік шақ категориясы, Алматы, 1953, 90—91-бетлар.

[40] Н. А. Баскаков. Ногайский язык и его диалекты, М.—Л., 1940, стр. 98.

[41] Ф. Г. Исхаков. Формы настоящего времени глагола изъявительного наклонения в тувинском языке, ИСГТЯ, II, стр. 307.

[42] Б. Чарыяров. Времена глагола в тюркских языках юго-западной группы, АДД, Ашхабад, 1970, стр. 14; Грамматика туркменского языка, Часть I, Фонетика и морфология, Ашхабад, 1970, стр. 275—276.

[43] А. Турсунов. Кыргыз тилиндеги этиштин келер чагы менен учур чагы, Фрунзе, 1959, 22—24-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

келган. Ёзма ёдгорликларда бу форманинг III шахс бирлик ва кўплигидагина қўлланиши қайд қилинди:

*Шакар ағзың қашында лаъл кāнын,*
*Мэңиң ҳиндулары с а қ л а б т у р у б т у р* (Отойи, 15а).
*Й у р у б д у р о й н а б Истанбулда хушнуд,*
*Эрур аҳвāлы кундин-кунгэ бэҳбуд* (Фурқ. II, 111).

*Кѳрди ким, бир нэчэлэри йана қ а з ы б о л т у р у б т у р у р л а р* (Ш. турк, 35). *Ҳазāраспдын қызылбаш к э т м э й т у р у б д у р* (Ш. турк, 112).

2. Иккинчи усул. Асосий феъл *-б* аффиксли равишдош формасида, ҳолат феъли эса *-ур* аффиксли ҳозирги-келаси замон формасида келган: *Нэчэ йылдын бэри сиз — халқның тузын й э й у б й у р у р м э н. Эмди сизниң ризāқыз мэниң кэтмэкликимдэ болса, кэтэйин, ...* (Ш. турк, 111). *Биз аларны с а қ л а б т у р у р м и з* (Рабғ., 28б). *Кѳрдум ким, наълин йанында бир шарāк т у ш у б й а т у р* (Нав. МҚ, 73).

Ҳозирги замон феъли тасвирий формаларининг ҳар иккала тури ҳам эски ўзбек тилида кам қўлланган бўлиб, айрим ёдгорликлардагина учрайди.

Ҳозирги замон феъли тасвирий формаларининг ёзма манбаларда акс этиши XIV асрдан бошлаб кузатилади. Олдинги даврларга оид ёдгорликлардан «Қутадғу билиг»да *йатур* ёрдамида ясалган қуйидаги мисол қайд қилинди:

*Нэчэ мың тириг ѳлди, т о л у б й а т у р,*
*Бизиң кэлгумизгэ к ѳ з э з и б й а т у р* (ҚБ, 174б).

Ҳозирги туркий тилларда ҳозирги замон феъли тасвирий формаларининг ясалишида ҳам ҳолат феълларидан ҳозирги замон формасининг ясалишидаги ўзаро фарқлар мавжуд (Қар.: § 80). Масалан: т у в а: *бижип тур мен* (ёзиб турибман), *бижип чор мен* (ёзиб юрибман), *бижип олур мен* (ёзиб ўтирибман), *бижип чыдыр мен* (ёзиб ётибман)[44]. Қозоқ, туркман, шўр ва бошқа айрим тилларда ҳам ҳозирги замон феълининг тасвирий формалари асосан шу усулда ясалади[45]. Қ и р ғ.: *алып турам* (олиб турибман), *иштеп журѳм* (ишлаб юрибман), *жазып олтурам* (ёзиб ўтирибман), *иштеп жатам* (ишлаб ётибман)[46]; у й ғ.: *кѳруп турумэн* (кўриб турибман), *оқуп журумэн* (ўқиб юрибман), *қараб олтурумэн* (қараб ўтирибман), лекин: *йезиватимэн* (ёзиб ётибман, ёзаётибман)[47].

---

[44] Ф. Г. Исхаков. Формы настоящего времени глагола изъявительного наклонения в тувинском языке, стр. 309.

[45] Современный казахский язык. Фонетика и морфология, Алма-Ата, 1962, стр. 337—338; Грамматика туркменского языка, стр. 276; Н. П. Дыренкова. Грамматика шорского языка, М.—Л., 1941, стр. 193.

[46] А. Турсунов. Кыргыз тилиндеги этиштин келер чагы менен учур чагы, 30-бет.

[47] Э. Н. Наджип. Современный уйгурский язык, М., 1960, стр. 98—99; А. Кайдаров. Краткий грамматический очерк уйгурского языка, «Уйгурско-русский словарь», Алма-Ата, 1961, стр. 312.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҲОЗИРГИ-КЕЛАСИ ЗАМОН

§ 82. Замон формаларининг айримлари ҳозирги замон, келаси замон, шунингдек, бажарилиши маълум грамматик замон билан чегараланмаган иш-ҳаракатни кўрсатувчи «умумзамон» каби маъноларни ифодалашга хизмат қилади. Бундай формалар одатда «ҳозирги-келаси замон» («настояще-будущее время») номи билан аталади. Ҳозирги ўзбек тилидаги *оламан* типидаги форма шундай хусусиятга эга.

Эски ўзбек тилида *-р* аффиксли форма шундай вазифани бажарган. *Ала-мэн, аладур-мэн* ва *ала турур мэн* типидаги формалар ҳам баъзан шундай маънода қўлланган (Қар.: §§ 72, 74, 76, 77).

Қадимги ёдгорликлар тилида истеъмолдан бўлган *-ғалыр/-гәлир* аффиксли *алғалыр-мэн, кэлгәлир-мэн* типидаги форма ҳам шундай хусусиятга эга бўлган[1]. Бу форма ўзбек тилига бевосита алоқадор бўлган ёзма манбаларда учрамайди. Шунинг учун ушбу ишимизда бу формага тўхталмадик.

Қуйида ҳозирги-келаси замон феълининг *-р* аффиксли формасига тўхтаймиз.

* *
*

§ 83. Ёзма манбалардан маълум бўлишича, ҳозирги-келаси замон феълининг *-р* аффиксли формаси туркий тилларда жуда қа-

[1] Бу форма ҳақида қаранг: Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. II том, Тошкент, 1961, 70—71-бетлар; C. Brockelmann. Mahmud al-Kasgharis Darstellung des türkischen Verbalbaus, «Keleti Szemle», t. XVIII, Budapest, 1918, ss. 43—44 W. Bang und A. Gabain. Türkische Turfan-Texte, II, SPAW, Berlin, 1929, s. 26; A. Gabain. Alttürkische Grammatik. II Auflage, Leipzig, 1950, s. 132; С.Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., 1951 (Раздел: «Указатель грамматических форм», стр. 189); Э. Р. Тенишев. Грамматический очерк древнеуйгурского языка по сочинению «Золотой блеск», АКД, Л., 1953, стр. 14; Э. Фозилов. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси, Тошкент, 1965, 87, 116-бетлар; Ш. Шукуров. *-ғалыр/-гәлир* формаси ҳақида, «Исследования по грамматике и лексике тюркских языков», Ташкент, 1965.



www.ziyouz.com kutubxonasi

димги даврларда шаклланган бўлиб, ҳозирги туркий тилларнинг деярли ҳаммасида қўлланади.

Ҳозирги-келаси замон феълини ясовчи бу аффикс эски ўзбек тилида *-р, -ар/-әр, -ур/-үр* вариантларида қўлланган. Қадимги ёдгорликлар тилида *-ыр/-ир* вариантлари ҳам учрайди. Бу вариантлардан қайси бирининг ишлатилиши шу аффиксни қабул қилган феъл негизининг характерига, унинг қандай товуш билан тугаган бўлишига ва ҳар бир тилнинг (ёки ҳар бир ёдгорлик тилининг) ўзига хос фонетик қонуниятларига боғлиқдир.

Эски ўзбек тилида ҳам ҳозирги ўзбек ва бошқа туркий тиллардаги каби унли билан тугаган феълларга *-р* варианти қўшилган: *башла+р, ишлә+р* каби. Бунда [ы], [и] унлилари билан тугаган феълларга -р қўшилганда, бу унлилар [у], [ү] лаб унлиларига ўтади: *тинчи+р>тинчүр, оқы+р>оқур, тоқы+р>тоқур* каби. Лекин XIV асрдан олдинги даврларга оид ёдгорликларнинг айримларида [ы], [и] унлилари сақланади. Масалан, *оқы+р* (Таф., 59а), *тоқы+р* (Таф., 19б).

Ўрхун-енисей ёдгорликларида ва қадимги уйғур тилига оид манбаларда унли билан тугаган феълларга бу аффикс асосан *-йур/-йүр* формаларида қўшилган (*башла+йур, ишлә+йүр* каби), XI—XIV асрларга оид ёдгорликларда эса бундай феълларга гоҳ *-р*, гоҳ *-йур/-йүр*[1] вариантлари қўшилган.

Эски ўзбек тилида ундош билан тугаган феълларга бу аффикс *-ар/-әр, -ур/-үр* вариантларида қўшилган: *қач+ар, кәт+әр, бар+ +ур, бил+үр* каби. «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк» асарларида, шунингдек, ўрхун-енисей ёдгорликларида ва қадимги уйғур тилига оид манбаларда ундош билан тугаган феълларга бу аффикс *-ыр/-ир* вариантларида ҳам қўшилган: *бар+ыр, қал+ыр, бил+ир, кәл+ир* каби. Шу нарса характерлики, ушбу манбаларнинг айримларида, масалан, «Қутадғу билиг»да ундош билан тугаган бир бўғинли айрим феълларга бу аффикснинг унли билан бошланган уч хил варианти параллел қўшила берган. Қиёсланг: ҚБ — *тәг+әр* (115б) ≈ *тәг+үр* (22а) ≈ *тәг+ир* (23б).

Ёзма ёдгорликларнинг кўрсатишича, эски ўзбек тилида ундош билан тугаган кўп бўғинли феълларга бу аффикснинг фақат *-ур/-үр* вариантлари қўшилган: *көргүз+үр, йалбар+ур, мағрурлан+ур, иттифāқлаш+ур* каби. Қадимги ёдгорликлар тилида, масалан, «Девону луғотит турк»да бундай қонуният кузатилмайди. Қиёсланг: МК — *әтлән+үр* (I, 256), *ытлын+ур* (I, 256), *әшил+әр* (I, 205), *ишил+үр* (I, 205), *тапчын+ур* (II, 203), *тамчын+ар* (II, 203).

Эски ўзбек тилида (қадимги ёдгорликлар тилида ҳам) ундош билан тугаган бир бўғинли феълларга *-ар/-әр, -ур/-үр* вариантларидан қайси бирининг қўшилиши қонуниятини аниқлаш қийин.

---

[1] Бу форма ҳақида қаранг: Ш. Шукуров. История развития глагольных форм узбекского языка, Ташкент, 1966, стр. 84—92. Ўша автор. *-йур/-йүр* формаси ҳақида, ЎзТА, 1964, 4-сон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бундай феълларнинг бир группасига *-ар/-әр* вариантлари (*аҡ+ар, кәч+әр, кир+әр, той+ар, түй+әр* каби), бошқа бир группасига *-ур/-үр* вариантлари қўшилган (*бар+ур, кәл+үр, бол+ур, бил+үр* каби).

Демак, эски ўзбек тилида ундош билан тугаган кўп бўғинли феълларга ҳозирги-келаси замон феъли аффиксининг *-ур/-үр* вариантлари қўшилган бўлиб, ундош билан тугаган бир бўғинли феълларга қандай вариантда қўшилиши бўйича маълум қонуниятга асосланувчи тартиб бўлмаган.

Ҳозирги турк тилида бу аффикснинг юқорида қайд қилинган фонетик вариантларининг ҳаммаси амалда бўлиб, буларнинг ишлатилишида маълум қонуният мавжуд: ундош билан тугаган бир бўғинли феълларга *-ар/-әр* (-ar/-er) вариантлари, ундош билан тугаган кўп бўғинли феълларга, шунингдек, ундош билан тугаган 15 та бир бўғинли феълга *-ур/-үр, -ыр/-ир* (-ur/-ür, -ır/-ir) вариантлари, унли билан тугаган феълларга эса *-р* (-r) варианти қўшилади[3].

Маълумки, ҳозирги озарбайжон тилида (эски озарбайжон тилида ҳам маълум даврлардан бошлаб) бу аффикснинг кенг унли билан келган *-ар/-әр* вариантлари ҳозирги-келаси замон феълини, тор унли билан келган *-ур/-үр, -ыр/-ир* вариантлари ҳозирги замон феълини ясаш учун хизмат қилади. Бошқа туркий тилларда, шунингдек, эски ўзбек тилида ҳам, қадимги ёдгорликлар тилида ҳам бу аффикснинг вариантлари ўртасида семантик жиҳатдан бундай дифференцияланиш кузатилмайди. Қадимги ёдгорликлар тилида ҳам, эски ўзбек тилида ҳам бу аффикснинг ҳамма вариантлари бир хил функцияни бажарган, яъни ҳозирги-келаси замон феъли формасини ясаган. Ҳозирги туркий тилларнинг кўпчилигида ҳам бу форма шу вазифани бажаради. Айрим тилларда, шу жумладан, ўзбек тилида бу форма баъзи фонетик ўзгаришларга учраган бўлиб, келаси замон гумон феъли сифатида шаклланган.

§ 84. Ҳозирги-келаси замон феълини ясовчи *-р* (*-ар/-әр, -ур/-үр, -ыр/-ир*) аффиксининг э т и м о л о г и я с и ҳақида айрим фикрлар айтилган. Жумладан, Ф. Е. Корш бу аффикснинг тор унли билан келган вариантлари билан кенг унли билан келган вариантларини этимологик жиҳатдан фарқлаб, уларни ҳар хил манбалардан келтириб чиқаради. Унинг кўрсатишича, бу аффикснинг тор унли билан келган *-ур/-үр, -ыр/-ир* вариантлари -уог (*-йор*) аффиксидан ривожланган бўлиб, кейингиси *йатур* феълидан келиб чиққан (*-йор*<*йатур*). Кенг унли билан келган *-ар/-әр* вариантларини эса Ф. Е. Корш мўғул тилида *болорун* типидаги равишдош формасини ясовчи *-рун/-рүн* аффикси билан боғлайди[4]. А. Н. Кононовнинг

---

[3] А. Н. Кононов. Грамматика современного турецкого литературного языка. М.—Л., 1956, стр. 225.

[4] Ф. Е. Корш. Происхождение формы настоящего времени в западно-турецких языках, «Древности Восточные», т. III, вып. 1, М., 1907, стр. 6, 12—13.



www.ziyouz.com kutubxonasi

кўрсатишича ҳам бу аффикснинг кенг унли билан келган вариантлари билан тор унли билан келган вариантлари икки хил йўл билан ривожланган. Яъни автор бу аффикснинг ундош билан тугаган феълларга қўшилувчи *-ар/-әр* вариантлари, шунингдек, унли билан тугаган феълларга қўшилувчи *-р* варианти жўналиш (дательно-направительный) келишигининг -gar/-ger<-garu/-gerü (*-ғар/-гәр<-гару/-гәру*) формантидан келиб чиққан бўлса керак, деган тахминни айтади (*yaz-gar>*yazzar>yazar; *oku-gar> >*okuyar>*okūr>okur), ундош билан тугаган феълларга қўшилувчи *-ыр/-ир, -ур/-үр* вариантларини эса сифат ясовчи -gır/-gir (*-ғыр/-гир*) аффикси билан боғлайди. Жўналиш келишигини ясовчи -gar аффикси билан сифат ясовчи -gır аффикси, А. Н. Кононовнинг тахминича, келиб чиқиши жиҳатдан умумий бўлиб, кейинчалик ҳар хил йўллар билан ривожланган аффикслардир[5]. А. Н. Баскаковнинг кўрсатишича, *-р (-ар/-әр, -ур/-үр, -ыр/-ир)* аффикси шу аффикснинг қадимги формаси бўлмиш *-гъар/-гер≈-гъыр/-гир* аффиксидан ривожланган: $\frac{\text{-гъар}}{\text{-гер}} \approx \frac{\text{-гъыр}}{\text{-гир}} > \frac{\text{-ар}}{\text{-ер}}, \frac{\text{-ыр}}{\text{-ир}}, = р$[6]. Баъзи тадқиқотчилар ҳозирги-келаси замон феълини ясовчи *-р(-ар/-әр, -ур/-үр, -ыр/-ир)* аффиксининг келиб чиқишини *әр-* тўлиқсиз феълига боғлайдилар[7].

Ҳозирги-келаси замон феълини ясовчи *-р(-ар/-әр, -ур/-үр, -ыр/-ир, -йур/-йүр)* аффиксининг этимологиясини аниқлаш учун, бизнингча, даставвал унинг таркибини, кўп вариантли бўлишини ва бунинг сабаблари каби масалаларни аниқлаш зарур.

Ҳозирги тил нуқтаи назаридан *-р(-ар/-әр, -ур/-үр, -ыр/-ир)* аффикси таркибий қисмларга ажралмайдиган бир бутун аффикс сифатида тасаввур қилинади. Унли билан тугаган феълларга бу аффикснинг биргина ундошдан иборат бўлган *-р* формасида қўшилиши ҳам (*башла+р, ишлә+р* каби) шу фикрни тасдиқлайди. Лекин ёзма ёдорликлар тилида, шунингдек, ҳозирги туркий тилларда мавжуд бўлган айрим фактлар бундай қараш тарихий нуқтаи назардан тўғри бўлмаслигини кўрсатади. Ган шундаки, биринчидан, ёзма ёдгорликларнинг кўрсатишича, туркий тиллар тарихида, юқорида айтилганидек, маълум даврларгача ҳозирги-келаси замон феълининг аффикси унли билан тугаган феълларга *-р* эмас, балки *-йур/-йүр* формасида қўшилган, яъни *башла+р, ишлә+р* формаси ўрнида *башла+йур, ишлә+йүр* формаси қўлланган (Қиёсланг: озарб.: оху+јур//оху+јар, ишлә+јир//ишлә+јәр). Иккинчидан, туркий тилларда ҳозирги замон (шунингдек, ҳозирги-келаси замон ҳамда келаси замон) феълини

---

[5] А. Н. Кононов. Грамматика современного турецкого литературного языка, стр. 225—226.

[6] Н. А. Баскаков. Каракалпакский язык, II. Фонетика и морфология, М., 1952, стр. 425.

[7] И. А. Батманов. Категория времени сказуемости в турецких языках, Сб. «Научные труды УзНИИКС», т. I, вып. 2, Ташкент, 1934; В. Atalay. Türk dilinde ekler ve kökler üzerine bir deneme, Istanbul, 1946, s. 333.

ясовчи аффикслар феъл негизига бевосита эмас, балки равишдош формаси орқали қўшилади. Масалан, ҳозирги ўзбек тилида *бораётир(ман)* типидаги ҳозирги замон феълини ясовчи *-аётир* аффикси қуйидагича икки морфемага ажралади: 1. *-а-* — ҳозирги-келаси замон равишдоши формасини[8] ясовчи аффикс; 2. *-ётир* — ҳозирги замон феълининг кўрсаткичи[9]. Ҳозирги замон феълининг *боряпман* (<бор+а+яп+ман), *бораётибман* (<бор+а+ётиб+ман) типидаги формаларини ясовчи *-а+яп, -а+ётиб* аффикслари, шунингдек, келаси замон феълининг *боражакман* (<бор+а+жак+ман) типидаги формасини ясовчи *-а+жак* аффикси ҳам шу хилда таркибий қисмларга ажралади. Ҳозирги-келаси замон феълининг *бораман* типидаги формаси тарихан ҳозирги-келаси замон равишдош формасига *турур* ҳолат феълининг қўшилиши билан ясалган бўлиб, бунда *турур* феъли иш-ҳаракатнинг давомийлигини кўрсатиш вазифасини бажарган (*бар+а турур мэн>бар+а дурур мэн>бар+а+дур+мэн>бар+а+мэн>бораман*). Учинчидан, ҳозирги-келаси замон равишдошини ясовчи аффикс қадимги ёдгорликлар тилида *-а/-э, -у/-ү* (*-йу/-йү*), *-ы/-и* формаларида қўлланган (*бар+а//бар+у//бар+ы, бил+э//бил+ү//бил+и, ишлэ+йү, башла+йу* каби).

Юқорида қайд қилинган факторларни ҳисобга олсак, ҳозирги-келаси замон феълининг *-йур/-йүр* (*-р*), *-ар/-эр, -ур/-үр, -ыр/-ир* аффиксини ҳам тарихан мустақил грамматик маънога эга бўлган икки морфеманинг бирикувидан ташкил топган таркибли аффикс, деб қараш тўғри бўлади (*-йу+р/-йү+р, -а+р/-э+р, -у+р/-ү+р, -ы+р/-и+р*), яъни: 1. *-а/-э, -у/-ү* (*-йу/-йү*), *-ы/-и* — равишдош кўрсаткичи; 2. *-р* — замон (вид) кўрсаткичи (*бар+а+р//бар+у+р//бар+ы+р, бил+э+р//бил+ү+р//бил+и+р, башла+йу+р, ишлэ+йү+р* каби). Кейинчалик бу аффикснинг *-йур/-йүр* формаси таркибидан равишдош кўрсаткичи бўлмиш *-йу/-йү* тушиб қолиб, унли билан тугаган феълларга *-р* формасида қўшиладиган бўлган (*башла+йур>башла+[йу]р>башла+р+башлар*). Демак, унли билан тугаган феълларга ҳозирги-келаси замон феъли аффиксининг *-р* формасида қўшилиши кейинги ҳодисадир.

Ҳозирги-келаси замон феъли аффикси таркибидаги *-р* форманти этимологик жиҳатдан жўналиш (йўналиш) келишигининг қадимги кўрсаткичи бўлмиш *-ру/-рү* аффикси билан боғлиқ бўлиши мумкин (*бар+у+ру > бар+у+р > барур, башла+йу+ру > башла+йу+р>башлайур>башлар* каби).

---

[8] Бу формани қулайлик учун шартли равишда «ҳозирги-келаси замон равишдош формаси» номи билан атадик.

[9] Тарихан бу типдаги формаларда замон ифодалаш вазифасини *-а-* форманти бажарган бўлиб, *-ётир* иш-ҳаракатнинг давомийлигини кўрсатган, яъни бу ўринда *-ётир* вид маъносини ифодалаган. Қиёсланг: *Бар+а турур мэн* (>бар+а+дур+мэн>бар+а+мэн) — ҳозирги замон феъли формаси; *бар+ыб турур мэн* (>бар+ыб+дур+мэн>бар+ыб+мэн) — ўтган замон феъли формаси (бу формалар ҳақида ўз ўрнида гапирилган).



www.ziyouz.com kutubxonasi

§ 85. *-р* аффиксли ҳозирги-келаси замон феълининг шахс-сон аффикслари билан тусланиши. Эски ўзбек тилида бу феълга шахс-сон аффиксларининг тўла формалари қўшилган. III шахс бирлиги нуль кўрсаткичли бўлиб, III шахс кўплиги учун *-лар/-лэр* кўплик аффикси қўшилган:

Бирлик формалари

| | | | |
|---|---|---|---|
| I шахс | *алур-мэн* | *бақар-мэн* | *сөзлэр-мэн (сөзлэйүр-мэн)* |
| II шахс | *алур-сэн* | *бақар-сэн* | *сөзлэр-сэн (сөзлэйүр-сэн)* |
| III шахс | *алур* | *бақар* | *сөзлэр (сөзлэйүр)* |

Кўплик формалари

| | | | |
|---|---|---|---|
| I шахс | *алур-миз*<br>*алур-биз* | *бақар-миз*<br>*бақар-биз* | *сөзлэр-миз (сөзлэйүр-миз)*<br>*сөзлэр-биз (сөзлэйүр-биз)* |
| II шахс | *алур-сиз* | *бақар-сиз* | *сөзлэр-сиз (сөзлэйүр-сиз)* |
| III шахс | *алурлар* | *бақарлар* | *сөзлэрлэр (сөзлэйүрлэр)* |

Айрим манбаларда, шунингдек, шеърий асарлар тилида I шахс бирлик ва кўплик формаларининг ясалишида баъзи ўзига хос хусусиятлар кузатилади:

1. Шеърий асарларда I шахс бирлиги учун *алур-мэн* типидаги форма билан бир қаторда *алурам* типидаги форма ҳам қўлланган, яъни I шахс бирлик формасини ясовчи *-мэн* аффикси ўрнида унинг қисқарган формаси *-(а)м/-(э)м* қўшилган:

*Қашы үчүн җāн бэрүрэм, достлар,*
*Тақ қопарыңыз йасағанда мазар* (Лутф., 169б).
*Нэ асығ, чүн йāр көңли эйлэмэс бу йан кашиш,*
*Эй Навāий, нэчэ ким дилкаштарāна эйлэрэм*
(Нав. ФК, 134б).
*Ҳар нэчэ эл тилэмэс, мэн тилэрэм,*
*Эл мэни сийлэмэсэ, мэн сийлэрэм* (ШН, 75).
*Бинафшазāрны сайр эйлэрэм баҳāр ичрэ,*
*Нэ суд ким, аны көрмэн бинафшазāр ичрэ*
(Мунис, 54).
*Забāни хāманы сөз қылса тақрир,*
*Газэтда эйлэрэм минбаъд таҳрир* (Фурқ. II, 16).

*Алурам* типидаги форма ўғуз группасидаги туркий тиллар учун характерли бўлиб, бу тилларда қадимдан актив қўлланиб келади. Ушбу тиллар тарихига оид прозаик асарларда ҳам, шеъ-



www.ziyouz.com kutubxonasi

рий асарларда ҳам ҳозирги-келаси замон феълининг I шахс бирлик формаси вазифасида асосан шу форма қўлланган[10]. Бу форма «Кодекс куманикус»да ҳам қўлланган. Лекин бу асарда шахс-сон қўшимчаси тор унли билан *-ым/-им* формасида қўшилган. Масалан: *Мен саға а с а у э т и ш э р и м* (Код. кум., 79). Бу форманинг ушбу варианти XVIII—XIX асрларга оид туркман тили ёдгорликларида ҳам учрайди[11].

Ҳозир ўғуз группасига мансуб бўлган турк, гагауз, озарбайжон тилларида ҳозирги-келаси замон феълининг I шахс бирлиги учун шу форманинг турли фонетик вариантлари қўлланади[12]. Бу форманинг *аларым, кэлэрим* типидаги тор унли билан келган варианти олтой, шўр ва бошқа айрим туркий тилларда ҳам қўлланади[13]. Татар тилининг айрим шеваларида бу форманинг ҳар иккала варианти қайд қилинган (*аларым, парырым, кайтарым; килэрэм, пирэрэм*)[14].

Ҳозирги туркман тилида эса ўғуз группасидаги бошқа туркий тиллардан фарқ қилиб, ҳозирги-келаси замон феълининг I шахс бирлиги учун *-ын/-ин* аффикси билан ясалган *аларын, гөрерин* типидаги форма қўлланади[15]. Маҳмуд Кошғарийнинг маълумотига кўра, *аларын* типидаги форма XI асрда ҳам мавжуд бўлиб, ўғуз группасидаги туркий тилларда қўлланган, яъни ўғузлар *алар-мэн* формасидаги I шахс бирлик кўрсаткичи *-мэн* даги [м] ундошини тушириб қолдирганлар. Унинг кўрсатишича, бу даврда ўғузлар феъл ўзагида [р] ундоши бўлганда, замон қўшимчаси бўлмиш [р]

---

[10] W. R a d l o f f. Über alttürkische Dialekte, I. Die Seldschukischen Verse im Rebab-Nameh, «Melanges Asiatiques Tire's du Bulletin de l'Academie imperiale des sciences de», t. X, St.-Petersbourg, 1890, s. 64; A. Z a j a c z k o w s k i. Studia nad jezykiem staroosmanskim, I. Wybrane ustepy z anatolijskotureckiego przekladu Kalili i Dimni, Kraków, 1934, s. 168; A. Z a j a c z k o w s k i. Studia nad jezykiem staroosmanskim, II. Wybrane rozdialy z anatolijskotureckiego przekladu Koranu, Kraków, 1937, s. XVII; М. Ш. Р а г и м о в. Формы выражения настоящего и будущего времен в письменных памятниках азербайджанского языка XIV—XVIII вв., «Языковедческий сборник», Труды Института литературы и языка им. Низами, т. X, Баку, 1957, стр. 229; Б. Ч а р ы я р о в. Гүнорта-гүнбатар түрки диллерде ишлик заманлары, Ашгабат, 1969, 100-сах.

[11] Б. Ч а р ы я р о в. Кўрсатилган асар, 101-бет.

[12] А. Н. К о н о н о в. Грамматика современного турецкого литературного языка, стр. 226; Л. А. П о к р о в с к а я. Грамматика гагаузского языка. Фонетика и морфология, М., 1964, стр. 186; Б. Ч а р ы я р о в. Кўрсатилган асар, 97—98-бетлар; Азәрбајҹан дилинин грамматикасы, I һиссә. Морфолокија, сәһ. 198.

[13] Грамматика Алтайского языка (составлена членами Алтайской миссии). Казань, 1869, стр. 54, 81; Н. А. Б а с к а к о в. Алтайский язык, «Яз. нар. СССР», II, стр. 516; Н. П. Д ы р е н к о в а. Грамматика шорского языка, М.—Л., 1941, стр. 187; У ш а а в т о р. Грамматика ойротского языка, М.—Л., 1940, стр. 177.

[14] Д. Г. Т у м а ш е в а. Язык татар западной Сибири (Тюменский говор), «Уч. зап. Казанского госуниверситета им. В. И. Ульянова-Ленина» т. 116, кн. 11, Казань, 1956, стр. 120—121; Г. Х. А х а т о в. Диалект западносибирских татар, Уфа, 1963, стр. 167.

[15] Б. Ч а р ы я р о в. Гүнорта-гүнбатар түрки диллерде ишлик заманлары, 98-сах.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ни ҳам тушириб қолдирганлар, яъни *барыран* (<*барыр-мэн*) ўрнида *баран* формасини қўллаганлар[16].

Юқорида келтирилган фактлар асосида шундай хулоса чиқариш мумкин: ҳозирги-келаси замон феълининг *аларам* (*алурам*) ва *аларын* типидаги I шахс бирлик формалари тарихан ўғуз группасидаги туркий тилларнинг маҳсули бўлган, тор унли билан келган *аларым* типидаги форма эса қипчоқ (ёки ўғуз-қипчоқ) тиллари доирасида вужудга келган.

*Алурам* типидаги форманинг эски ўзбек тилига ўғуз группасидаги туркий тиллардан, биринчи навбатда, озарбайжон тилидан адабий алоқалар натижасида келиб кирганлиги шубҳасиздир. Эски ўзбек тилида бу форманинг қўлланиши фақат шеърий асарлар билан чегаралангаилиги ҳам шу фикрни тасдиқлайди.

2. «Тафсир»да ҳозирги-келаси замон феълининг I шахс кўплиги учун *-ыз/-из//-уз/-үз* аффикси билан ясалган *билүриз//билүрүз* типидаги форма ҳам қўлланган: *Аны сиз-му битрүр-сиз йā биз-му битрүриз* (Таф., 70б). *Билүрүз ким, бар ва тақы бар болғай* (Таф., 72а).

Бу форма ҳам тарихан ўғуз группасидаги туркий тиллар учун характерли бўлган[17]. Ҳозир эса ушбу группага мансуб бўлган турк, гагауз ва туркман тилларида ҳозирги-келаси замон (ёки келаси замон гумон) феълининг I шахс кўплиги учун шу форма қўлланади[18].

§ 86. Ҳозирги-келаси замон феълининг бўлишсиз формаси эски ўзбек тилида *-мас/-мэс* (*-маз/-мэз*) аффикси ёрдамида ясалган: *бар+мас//бар+маз, бил+мэс//бил+мэз* каби.

Урхун-енисей ёдгорликлари тилида ва қадимги уйғур тилига оид манбаларда бу аффикс фақат жарангли [з] ундоши билан келган *-маз/-мэз* формасида қўлланган. XI аср ёдгорлиги «Қутадғу билиг»да *-маз/-мэз* ва *-мас/-мэс* формалари параллел қўлланган, ҳатто, бир феълга гоҳ унisi, гоҳ бунisi қўшила берган. Қиёсланг: *бол+маз//бул+маз* (ҚБ, 15б, 18а, 24а, 55а, 56б, 131а) — *бол+мас//бул+мас* (ҚБ, 43б, 47а, 58б, 92б, 129а, 172а, 173а), *билү+мэз* (ҚБ, 14б, 29а) — *билү+мэс* (ҚБ, 203б), *бэр+мэз* (ҚБ, 19а, 130а, 131б) — *бэр+мэс* (ҚБ, 18а, 106а), *кэт+мэз* (ҚБ, 130б) — *кэт+мэс* (ҚБ, 97а). Лекин шу давр ёдгорлиги «Девону луғотит турк»да асосан *-мас/-мэс* формаси ишлатилган бўлиб, баъзи ўринлардагина *-маз/-мэз* қўшилиши учрайди. Масалан: *пушмаз-мэн*

[16] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк, II том, 68-бет.

[17] W. Radloff. Über alltürkische Dialekte, I. Die seldschukischen Verse im Rebab-Nameh. S. 65; Ә. М. Дәмирчизадә. «Китаби-Дәдә Горгуд» дастанларынын дили, Бакы, 1959, сәһ. 114; М. Ш. Рагимов. Формы выражения настоящего и будущего времен в письменных памятниках азербайджанского языка XIV—XVIII вв., стр. 220, 227.

[18] А. Н. Кононов. Грамматика современного турецкого литературного языка, стр. 226; Б. Чарыяров. Гүнорта-гүнбатар түрки диллерде ишлик заманлары, 97—98-сах.; Л. А. Покровская. Грамматика гагаузского языка, стр. 186—188.

(МК, II, 19). Маҳмуд Кошғарийнинг ўзи ҳам ҳозирги-келаси замон феъли бўлишсиз формасининг ясалиши ҳақида гапирганда *-мас/-мэс* формасинигина кўрсатган[19].

Ҳозирги-келаси замон феъли бўлишсизлик аффиксининг *-маз/-мэз* ва *-мас/-мэс* формалари XII—XIV асрларга оид ёдгорликлар тилида ҳам параллел истеъмолда бўлган. Лекин кўпчилик манбаларда *-мас/-мэс* формасини ишлатиш устун бўлган.

Ўзбек тилида XV асрдан бошлаб бу аффикснинг фақат жарангсиз [с] ундоши билан келган *-мас/-мэс* формаси қўлланган.

Бу аффикснинг *-маз/-мэз* формаси *-мас/-мэс* формасига нисбатан қадимий бўлиб, кейинчалик унинг таркибидаги жарангли [з] ундоши жарангсиз [с] ундошига ўтган (*-маз/-мэз*>*-мас/-мэс*). *-маз/-мэз* формаси ўз навбатида *-мар/-мэр* формасидан келиб чиққан (*-мар/-мэр*>*-маз/-мэз*). Кейингиси эса икки мустақил аффикснинг бирикувидан ташкил топган: 1) *-ма/-мэ* — бўлишсизлик аффикси; 2) *-р* — ҳозирги-келаси замон феълининг кўрсаткичи. Бу фикр кўпчилик туркологлар томонидан эътироф қилинган[20].

Ҳозирги-келаси замон феълининг бўлишсизлик аффикси ҳозир кўпчилик тилларда, шу жумладан, ўзбек тилида ҳам *-мас/-мэс* формасида қўлланади. Унинг *-мар/-мэр* ва *-маз/-мэз* формалари ўғуз группасига мансуб бўлган гагауз, туркман, озарбайжон, турк тиллари учун хос бўлиб, бу тилларнинг тарихи учун ҳам характерли бўлган[21]. Ушбу тилларнинг диалект ва шеваларида бу аффикс яна ҳам хилма-хил фонетик кўринишларга эга ва бу форманинг шахс-сон аффикслари билан тусланишида ҳам ҳар хилликлар мавжуд[22].

Кейинги йилларда маълум бўлишича, Тожикистон территориясида яшовчи ўзбек қорлуқлари нутқида ҳозирги-келаси замон феълининг бўлишсизлик аффикси *-мар/-мэр* формасида қўлланади ва бу форма тўла тусланиш парадигмасига эга[23].

Эски ўзбек тилида ҳозирги-келаси замон феълининг бўлишсиз формасига ҳам бўлишли формасидаги каби шахс-сон аффиксларининг тўла вариантлари қўшилган:

---

[19] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк, II том, 69-бет; III том, 327-бет.

[20] Қиёсланг: Б. А. Серебренников. Методы изучения истории языков, применяемые в индоевропеистике и в тюркологии. «Вопросы методов изучения истории тюркских языков», Ашхабад, 1961, стр. 52—53.

[21] А. Н. Кононов. Грамматика современного турецкого литературного языка, стр. 227; Н. З. Гаджиева. Азербайджанский язык, «Яз. нар. СССР», II, стр. 74—75; Л. А. Покровская. Грамматика гагаузского языка, стр. 189; М. Ш. Рагимов. Формы выражения настоящего и будущего времен в письменных памятниках азербайджанского языка XIV—XVIII вв., стр. 230; Б. Чарыяров. Гунорта-гунбатар турки диллерде ишлик заманлары, 114—115-сах.

[22] Б. Чарыяров. Кўрсатилган асар, 107—114-бетлар.

[23] Т. Юлдашев. Узбекские говоры Южного Таджикистана. АКД, Ташкент, 1968, стр. 20—21.



www.ziyouz.com kutubxonasi

| Шахс | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| I шахс | *алмас-мэн* (*алмаз-мэн*) | *алмас-миз* (*алмаз-миз*)<br>*алмас-биз* (*алмаз-биз*) |
| II шахс | *алмас-сэн* (*алмаз-сэн*) | *алмас-сиз* (*алмаз-сиз*) |
| III шахс | *алмас* (*алмаз*) | *алмаслар* (*алмазлар*) |

Шу билан бирга, I ва III шахслар бўйича баъзи ўзгачаликлар ҳам кузатилади.

1. Биринчи шахс бирлигининг *алмас-мэн* (*алмаз-мэн*) типидаги тўла формаси билан бир қаторда *-ман/-мэн* ва *-мам/-мэм* аффикслари билан ясалган *алман, алмам* типидаги қисқарган формалар[24] ҳам истеъмолда бўлган:

а) *-ман/-мэн* аффиксли форма эски ўзбек тилида анча кенг қўлланган бўлиб, деярли ҳамма ёдгорликларда қайд қилинди. Бу форма асосан шеърий асарлар тили учун характерли бўлиб, прозаик асарларда ҳам учрайди: *Нэтэк билмэн мэн йаратқанымны* (Таф., 97б). *Таам тилэб тойдыру билмэн* (Рабғ., 130а).

*Көңулгэ өзгэниң мэҳрин йавутман,*
*Йырақлық бирлэ мэн сизни унутман* (МII, 297б).
*Салман назарны өзгэ санамлар жамālына,*
*Болды мэңэ чу гошаи чашмаң инāйаты*
(Отойи, 69б).
*Аңламан, Жайхунда ул ай кэмэ бирлэ сайр этэр,*
*Йā ҳилал-у мэҳр аксын эл көрэр Жайхун ара*
(Нав. ҒС, 5а).
*Дэди: йоқ өзгэлигим ул хāндын,*
*Кэчэрэм жāндын-у кэчмэн андын* (ШII, 157).

*Билмэн, нэ жарима билэ Султāн Абусаид Мирзā Ҳиридин ихрāж қылды* (БН, 213). *Мэн бу ишни қыла алман* (Ш. турк, 115).

*Мыңдын биригэ эшитмэн жавāб,*
*Қаны эйлэгэн ваъдаң, эй бэвафа* (Мунис, 330).

Бу форма «Кодекс куманикус»да ҳам қўлланган: *билмэн, болман, барман, тилэмэн* (Код. кум., 79, 82, 87, 88, 89), татар тилига оид ёзма манбаларда ҳам истеъмолда бўлган ва айрим та-

---

[24] Бу формаларнинг иккаласи ҳам *бармар-мэн* (ёки: *бармаз-мэн//бармас-мэн*) типидаги форманинг қисқариши натижасида вужудга келган: 1. *бармар-мэн>бармар-[м]эн>барма* [р]-[ы]н>*барман;* 2. *бармар-мэн>барма*[р]-*мэн>барма-м*[эн]>*бармам* (Қаранг: Б. Чарыяров. Гунорта-гүнбатар түрки диллерде ишлик заманлары, 109-сах.).



www.ziyouz.com kutubxonasi

тар шеваларида ҳозир ҳам мавжудлиги қайд қилинган[25], «Грамматика Алтайского языка» асарида ҳам кўрсатилган[26].

Ҳозирги-келаси замон феъли бўлишсиз аспектининг *-ман/-мән* аффиксли формаси ўғуз группасидаги туркий тиллар учун, айниқса, туркман тили учун характерли бўлиб, бу тилларга онд ёзма манбаларда ҳам актив истеъмолда бўлган. Ҳозир эса бу форма туркман тилининг кўпчилик шеваларида қўлланади ва бадиий адабиёт тили учун ҳам анча характерлидир, шунингдек, озарбайжон ва турк тилларининг айрим шеваларида ҳам мавжудлиги қайд қилинган[27].

Утган асрнинг ўрталарида Н. И. Ильминский *-ман/-мән* аффиксли форманинг келиб чиқиши жиҳатидан туркман тилига хос эканлиги ҳақидаги фикрни айтган эди[28]. Бу форманинг ҳозирги озарбайжон тилида нисбатан кам истеъмолда бўлганлиги каби фактларни ҳисобга олиб, М. Ш. Рагимов ҳам бу форма аслида туркман тилига хосдир, деб ҳисоблайди ва эски озарбайжон тилига шу тилдан ўтган бўлиши керак, деган хулосага келади[29]. Ҳ. Мирзазода эса М. Ш. Рагимовнинг бу фикрига эътироз билдириб, ушбу форма озарбайжон тилига туркман тилидан ўтган эмас, балки озарбайжон тили учун ҳам хос бўлиб, бу тилда қадимдан қўлланиб келади, деган мулоҳазани айтади[30]. Бу форманинг туркман тили ёзма ёдгорликларида актив қўллангани ва ҳозирги туркман тили учун ҳам анча характерли эканлиги, шунингдек, I шахс бирлик кўрсаткичи бўлмиш *-мән(-ман)* аффиксининг *-(ы)н* формасида қўлланиши, биринчи навбатда, туркман тилига хослиги каби фактлар Н. И. Ильминский ва М. Ш. Рагимовнинг фикрини тасдиқлайди.

*-ман/-мән* аффиксли форманинг эски ўзбек тилига ҳам туркман тилидан ёки умуман ўғуз группасидаги туркий тиллардан ўтганлиги шубҳасиздир;

б) ҳозирги-келаси замон феълининг *-мам/-мәм* аффиксли бўлишсиз формаси эски ўзбек тили учун унчалик характерли бўлмаган. Бу форманинг қўлланиши XVIII асрдан бошлаб кузатилади, бунда ҳам айрим шеърий асарлардагина учрайди:

---

[25] Д. Г. Тумашева. Язык татар западной Сибири, стр. 127.

[26] Грамматика Алтайского языка (составлена членами Алтайской миссии), стр. 73.

[27] М. Ш. Рагимов. Формы выражения настоящего и будущего времен в письменных памятниках азербайджанского языка XIV—XVIII вв., стр. 231—232; Б. Чарыяров. Гүнорта-гүнбатар түрки диллерде ишлик заманлары, 109—110-сах.; И. М. Мамедов. Карягинские говоры азербайджанского языка, АКД., М., 1958, стр. 31.

[28] N. Ilminsky. Ueber die Sprache de Turkmen. «Melanges Asiatiques Tire's du Bulletin Hist.-Phil. de l'Academie imperiale des sciences», de Tomes IV, St.- Petersbourg, 1860, P. 68.

[29] М. Ш. Рагимов. Формы выражения настоящего и будущего времен в письменных памятниках азербайджанского языка XIV—XVIII вв., стр. 231—232.

[30] h. Мирзәзадә. Азәрбајҹан дилинин тарихи морфолокијасы, Бакы, 1962, сәh. 259.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Арэ, втэдүр ушбу тариқа билә умрум,*
*Тақдир азалдын, б и л э  а л м а м, не рақам бар*
(Ҳув., 47).
*Истэй-истэй бару бум ичрэ сэни, тэлба көңгүл,*
*Т у т м а м  āрāм-у қарāр* (Мунис, 305).
*Көңүлгэ йүз туман урса ҳижрāн, э й л э м э м  н ā л а,*
*Висали ношыдын ул заҳмлар шāйад түзэлгэй дэб*
(Муқ., 193).
*Ғайр илэ кэчэ ҳамдам, бэн қапуңда ағлайуб,*
*Субҳ оланчи башым а л м а м дашлары зāнусыдын*
(Фурқ. I, 171).

*-мам/-мэм* аффиксли форма тарихан асосан озарбайжон ва турк тилларига хос бўлиб, ҳозир турк, гагауз, қрим татарлари, бошқирд ва бошқа айрим туркий тилларда қўлланади[31], туркман тилининг айрим шеваларида мавжудлиги ҳам қайд қилинган[32].

Эски ўзбек тилига бу форманинг ҳам ўғуз группасидаги туркий тиллардан, биринчи навбатда, озарбайжон тилидан ўтганлиги шубҳасиздир.

2. «Тафсир»да ҳозирги-келаси замон феъли бўлишсиз аспектининг I шахс кўплик формаси ясалишида *-миз(-биз)* билан бир қаторда *-уз/-үз* аффикси ҳам қўлланган. Кейингиси I шахс кўплик кўрсаткичи бўлмиш *-биз* аффиксининг қисқарган вариантидир (*-биз>-виз>-вуз/-вүз>-уз/-үз*): *Өлдүки үчүн й ы ғ л а ш м а з у з* (Таф., 71б). *Биз аны йэңэ б и л м э з ү з* (Таф., 139б).

Бу форма, умуман, I шахс кўплик формасининг *-уз/-үз (-ыз/-из)* аффикси билан ясалиши тарихан ҳам, ҳозир ҳам ўғуз группасидаги туркий тиллар учун характерлидир[33].

---

[31] А. Н. Кононов. Грамматика современного турецкого литературного языка, стр. 227; Н. К. Дмитриев. Грамматика башкирского языка, М.—Л., 1948, стр.150; Э. В. Севортян. Крымско-татарский язык, «Яз. нар. СССР», II, стр. 246; Һ. Мирзэзадэ. Кўрсатилган асар, 260-бет. М. Ш. Рагимов. Формы выражения настоящего и будущего времен в письменных памятниках азербайджанского языка XIV—XVIII вв., стр. 231; Б. Чарыяров. Гүнорта-гүнбатар түрки диллерде ишлик заманлары, 105, 110-сах.; Л. А. Покровская. Грамматика гагаузского языка, стр. 189.

[32] А. П. Поцелуевский. Диалекты туркменского языка, Ашхабад, 1936, стр. 53.

[33] C. Brockelmann. 'Ali's qissa'i Jusuf, der älteste Vorläufer der osmanischen Literatur, APAW, Jahrgang 1916, Phil.-Hist. Klasse. Nr. 5, Berlin, 1917, SS. 31—33; A. Zajaczkowski. Studia nad jezykiem staroosmanskim, I. Wybrane ustepy z anatolijskotureckiego przekladu Kalili i Dimni, SS. 170—171; A. Zajaczkowski. Studia nad jezykiem staroosmanskim, II. Wybrane rozdialy z anatolijskotureckiego przekladu Koranu, S. 41; А. Н. Кононов. Грамматика современного турецкого литературного языка, стр. 227; Ә. М. Дэмирчизадэ. «Китаби-Дэдэ Горгуд» дастанларынын дили, сәһ. 114; Һ. Мирзэзадэ. Азәрбајчан дилинин тарихи морфолокијасы, сәһ. 257; М. Ш. Рагимов. Формы выражения настоящего и будущего времен в письменных памятниках азербайджанского языка XIV—XVIII вв., стр. 230; Б. Чарыяров. Гүнорта-гүнбатар түрки диллерде ишлик заманлары, 105, 112—113-сах.; Л. А. Покровская. Грамматика гагаузского языка, стр. 189.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3. Ниҳоят, айрим ёдгорликларда ҳозирги-келаси замон феъли бўлишсиз аспектининг III шахс бирлик формасига *турур* ҳолат феъли ёки унинг қисқарган формалари *тур//дур* қўшилиб келиши учрайди[34]. Мас.: *Эмди тәңри таāлā мәңә йарлыг й а р л ы қ а м а с т у р у р* (Таф., 30а). *Эй Идрис, тақы уштмаҳқа киргү вақт б о л м а с т у р у р* (Раб., 13б).

*Қалъаларны худ а л а а л м а с т у р,*
*Қол ситам бирлә с а л а а л м а с т у р* (ШН, 128).

*Шайбāний хан көрди ким, ҳәч иш қ ы л а а л м а с т у р. Андын-оқ йанды* (БII, 103).

*Умидиң қат қылмай бол, Ҳувайдā, җāн куллидин,*
*Җаҳāнны пушт-пā урмий т а п а л м а с д у р сәни аслā*
(Ҳув., 4).

Баъзи манбаларда бу феълнинг I шахс бирлик ва кўплик формаларига ҳам *турур* (>*тур//дур*) қўшилиши кузатилади: *Бәргү бәриб, достлуқтын ч ы қ м а с т у р у р м ә н* (ЎI, 43).

*Лэк Султāн дәди ким, йарлыгсыз,*
*Ҳәч āдамны й у б а р м а с д у р-б и з* (ШН, 179).

Мисоллардан кўриниб турибдики, ҳозирги-келаси замон феълининг бўлишсиз формаси таркибида келган *турур* (>*тур//дур*) маънога таъсир этмайди ва бу формага ҳеч қандай қўшимча маъно бермайди.

§ 87. Ҳозирги-келаси замон феълининг -р аффиксли формаси эски ўзбек тилида қуйидаги м а ъ н о л а р д а қўлланган:

1. Ҳозирги замон маъносида қўлланган: *Бизниң маликимиз мундақларны тиләйүр. Сән муны билиб, муны қайда қ а ч у р у б б а р у р-с ә н* (Рабғ., 59б).

*К ү й ә р җāным, нәтәй, дилхāх унутты,*
*Көңүл аҳвāлыдын āгāҳ унутты* (Отойи, 71а).

*Эмди сәңә бу җуръат қайдын пайдā болды ким, мәниң алымда түз туруб, оқ үчидин с ө з л ә ш ү р-с ә н* (Яқиний, 319а). *Айтты: «Нимәгә к ү л ә р-с ә н?» Айтты ким, җамāатға к ү л ә р-м ә н: бу āвāзны хуш қылыб, х у ш ҳ ā л б о л у р л а р* (TII, 72б).

*Түшүб башымға кулфат лаҳза-лаҳза,*
*Ч ә к ә р-м ә н ранҗ-у хасрат лаҳза-лаҳза* (Фурқ. I, 29).

2. Келаси замон маъносида қўлланган: *Тақы айтурлар: тағ й а р ы л у р, андын сув а қ а р* (Таф., 147а). *«Муны нә қылурсән?»— дәб сорсалар, «Кәмә э т ә р-м ә н, м и н ә р-м ә н, сув үзә й ү р ү т ү р-м ә н»,— дәб айтур эрди* (Рабғ. Т, 57).

---

[34] Бундай ҳодисанинг туркман тили тарихига оид ёзма манбаларда ва ҳозирги қараим тилида ҳам мавжудлиги қайд қилинган (Б. Ч а р ы я р о в. Гүнорта-гүнбатар түрки диллерде ишлик заманлары, 117-сах.; К. М. М у с а е в. Грамматика караимского языка. Фонетика и морфология, М., 1964, стр. 285).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Ул а л у р ушбу вилāйатларны,*
*Қ ө р с ә т ү р элгә инайатларны* (ШН, 19).

*Бу оғлан улуғ п а д ш ā ҳ б о л у р, йэр йүзиниң барчасын а л у р, көп эллэрни ва вилайатларны қ а т л қ ы л у р* (Ш. турк, 41).

*Қойар йүз җанāбыңға туғйāн эли,*
*Қ э л ү р достлығ бирлә адвāн эли* (Ф. иқб., 134а).

*-р* аффиксли ҳозирги-келаси замон феъли I шахс формасида қўлланганда, кўпинча яқин келасида бажариладиган ёки бажарилиши мўлжалланган иш-ҳаракат ифодаланади, яъни бундай ҳолларда сўзловчи иш-ҳаракатни бажаришга қасд қилганини, уни бажаришга киришганини ёки тездан киришмоқчи эканини баён қилади. Мас.: *Умар көңлиндә бу андиша түшди, тафаккур түшди, анларқа айди: «Мэн Муҳаммадны өлдүргәли б а р у р-м э н,— тэб* (Таф., 27а). *Қабил Ҳабилға айди: «Мэн сэни ө л д ү р ү р-м э н»,— тэди* (Рабғ., 10а).

*Сим-тэк йаңақын, дэдим, ө п ә р-м э н,*
*Айтур: «Таъмың эрур бары хам»* (Лутф., 207б).
*Айтыңыз: сувдын ө т ә р-м э н филҳāл, ...*
*Барыб өзбэк билә р а з м ә й л ә р-м э н,*
*Размның азмыны җ а з м ә й л ә р-м э н* (ШН, 36).

*Йунис хāн... қырқ йигит бирлә Мангыт б а р у р-м э н, деб Бухāрадын чықды* (Ф. иқб., 56б).

3. *-р* аффикели форма «умумзамон» маъносида қўлланиб, одатдаги иш-ҳаракатни ёки субъектнинг доимий машғулотига айланган иш-ҳаракатни ифодалайди: *Бизниң йуртымызда огрының элкин к э с ә р л ә р* (Рабғ. Т, 30б).

*Қамуқ йақут эринли сөзи дурлар,*
*Вафāсызлықны сиздин ө г р ә н ү р л ә р* (МН, 308а).
*Лутфий, йүз атлуны билә васл истәмә, фақир,*
*Ким ақча йүзни эр киши қ у ч м а с кэ, зар қучар*
(Лутф., 188б).

*Бахил азиз āдамыны х ā р э т ә р,*
*Эл көзидә ит кәби м у р д ā р э т ә р*
(Ҳайдар, 128б).

*-р* аффиксли форманинг бундай қўлланиши кўпинча мақолларда, ҳикматли иборaларда учрайди: *Аз-аз өргәниб, д ā н ā б о л у р; қатра-қатра йыгылыб, д а р й ā б о л у р* (Нав. МҚ, 145). *Ул бир түркий масалдур ким, ынанмағын достуңға, саман т ы қ а р постуңға* (БН, 96).

*Сөз илә ақл-у ҳунар з ā ҳ и р о л у р, ...*
*Сөз билә āлам эшиги а ч ы л у р* (ШН, 11).



www.ziyouz.com kutubxonasi

4. *-р* формасидаги феъллар ифодалаган иш-ҳаракат доимий, такрорланувчи характерга эга бўлиши мумкин. Лекин бу маъно асосан *даим, ҳамиша, ҳар дам, мудāм, дамбидам//дамадам, ҳар лаҳза, ҳар қачан, пайваста* каби пайт маъносидаги сўзлар орқали англашилади:

*Мэңэ жавр эйлэр ул дилбар ҳ а м и ш а,*
*Сучук тилдин аччық с ө з л э р ҳ а м и ш а* (Отойи, 54б).
*Жāнны рақиб жаврь била к ү й д ү р ү р м у д ā м,*
*Дилбар жафасы болмаса, нэ болды бир сары*
(Сакк., 27б).
*Ранди кэ, фанā жāмыны т а р т а р п а й в а с т а,*
*Дунйā билэ āхиратқа эрмэс пāбаста* (Нав. МҚ, 62).
*Дин йагысы будур, оғрысы ул,*
*Ким көңул ичрэ д ā и м с а л у р й о л* (ШН, 80).
*Мэн д а м ā д а м қан й у т а р-м э н ҳажр айагыдын, нэтэй,*
*Өзгэлэрниң жāм-у васлы гарчэ малāмалдур* (Бобир, 11).

5. Ҳозирги-келаси замон феълининг *-р* аффиксли формаси шарт эргаш гапнинг кесими вазифасида ҳам қўлланган, яъни ҳозирги-келаси замон шарт феъли ўрнида келган. *-р* аффиксли форманинг бундай қўлланиши асосан шеърий асарларда кузатилади:

*Эй Навāий, гар т и л э р-с э н йар васлын тапқа-сэн,*
*Кэч икки āламдын ва қол тарт йоқ-у бардын*
(Нав. ҒС, 77б).
*Хāн дэди: ким кэ қ ы л у р бизгэ р а з м,*
*Бил кэ, āхир башы мундақ кэсилүр* (ШН, 215).
*Бир āдāбны киши гар т а р к қ ы л у р,*
*Ушбу эл көңлидин ул түшкусидүр* (Бобир, 75).
*Эй кэ, дилбар висāлын и с т э р- с э н,*
*Өздин өзлүк йүкин бадар эйлэ* (Мунис, 52).

Келтирилган мисолларда *-р* формасидаги *тилэр-сэн, қылур разм, тарк қылур, истэр-сэн* феъллар «тиласанг», «разм қилса», «тарк қилса», «истасанг» маъносида қўлланган.

6. Ниҳоят, *-р* аффиксли ҳозирги-келаси замон феъли айрим ёдгорликларда буйруқ, истак, илтимос каби маъноларда ҳам қўллаган: *Зикрийā ул ҳāлатны көрди эрсэ, дуā қылды: «Илāҳā, ҳаримга қыш күнлэриндэ йаз нэъматы б э р ү р-с э н, йаз күнлэриндэ қыш нэъматы б э р ү р-с э н», ...дэб дуā қылды* (Рабғ., Т, 410). *Айтты-лар: «Тэнгэниңизни оғры д э р-с и з»* (Рабғ. Т, 304). *Хāтирымға йэтишти ким, мундақ этиб тагдын тагқа аламан ва алахан, уйсыз ва йэрсиз йүрүгэн бэтақрибдур, Хан бāбāм қашыга б а р у р-м э н, дэдим* (БН, 121).

Мисолларнинг биринчисида *-р* формасидаги *бэрүр-сэн* феъли илтимос маъносида (бергин), иккинчисида *дэр-сиз* — буйруқ (денглар), учинчисида *барур-мэн* — истак (борайин) маъносида қўлланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## КЕЛАСИ ЗАМОН

§ 88. Келаси замон маъносининг ифодаланиши ва бу маънони ифодаловчи формалар бўйича ҳам эски ўзбек тили ҳозирги ўзбек тилидан фарқ қилувчи ўзига хос хусусиятларга эга.

Ҳозирги ўзбек тилидаги келаси замон феъли масаласида ўзбекшунослар ўртасида бирлик йўқ. Масалан, А. Ғ. Ғуломов *-а(-й)+диган* аффиксли *оладиган* типидаги формани ҳам келаси замон феъли сифатида қарайди ва уни «келаси замон давом феъли» деб атайди[1]. С. Усмонов ва Ж. Жўраевалар келаси замон феъли формалари группасига *-моқчи* аффиксли *олмоқчи* типидаги формани ҳам қўшадилар ва бу формани «келаси замон мақсад феъли» номи билан атайдилар[2]. А. Н. Кононов бу формаларни «Формы глагола, выражающие модальные оттенки» бўлимида қарайди ва буларни «модальность на *-моқчи*», «модальность на *-а+диган*» номлари билан атайди[3].

*-(а)р* аффиксли *оларман* типидаги форма ҳозирги ўзбек тилига оид адабиётларда одатда «келаси замон гумон феъли» («будущее предположительное время») номи билан аталиб, келаси замон феъли формалари группасига киритилади. А. Ҳожиев бу формани ҳозирги-келаси замон феъли сифатида қарайди ва уни «ҳозирги-келаси замон гумон феъли» номи билан атайди[4]. А. А. Коклянова эса ҳозирги ўзбек тилида бу форма иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги гумон, тахмин каби маъноларни ифодалаганлиги учун уни аниқлик майли формалари группасига қўшиб бўлмайди, деган мулоҳазани айтади[5].

Мавжуд фактларнинг кўрсатишича, ҳозирги ўзбек тилида ке-

---

[1] А. Ғ. Ғуломов. Феъл, Тошкент, 1954, 35-бет.

[2] М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов. Ўзбек тили, Тошкент, 1966, 152-бет; А. Ҳ. Сулаймонов. А. Ҳ. Ҳожиев, Ж. М. Жўраева. Феъл замонлари, Тошкент, 1962, 153—156-бетлар.

[3] А. Н. Кононов. Грамматика современного узбекского литературного языка, М.—Л., 1960, стр. 278, 280.

[4] А. Ҳ. Сулаймонов, А. Ҳ. Ҳожиев, Ж. М. Жўраева. Феъл замонлари, 94-бет.

[5] А. А. Коклянова. Категория времени в современном узбекском языке, М., 1963, стр. 10—12.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ласи замон маъносини ифодалаш учун асосан *оламан* типидаги ҳозирги-келаси замон феъли билан *-(а)р* аффиксли *оларман* типидаги келаси замон гумон феъли қўлланади. *-моқчи*, *-а-(й)+диган* аффикслари билан ясалган *олмоқчиман*, *оладиганман* типидаги формалар эса ўзига хос модаллик маъноларига эга бўлиб, буларни аниқлик майлининг келаси замон формалари сифатида қараш тўғри бўлмайди.

Эски ўзбек тили учун характерли бўлган *-ғу* аффиксли *алғум-(дур)* типидаги форма ва Хоразм диалекти учун хос бўлган *-ажақ* аффиксли *алажақман* типидаги форма ҳозирги ўзбек тилининг умумий нормасига кирмайди. Эски ўзбек тили учун характерли бўлган ва Хоразм шеваларида истеъмолда бўлган *-ғай* аффиксли *алғайман* типидаги форма эса ҳозирги ўзбек тилида асосан истак, тилак, орзу каби маъноларда қўлланади. Бу формалар ҳозирги ўзбек тилида жуда кам истеъмолда бўлиб, бадиий адабиётда, асосан, шеърий асарларда учрайди.

§ 89. Ёзма ёдгорликлардан маълум бўлишича, эски ўзбек тилида келаси замон феълини асосан *-ғу* аффиксли *алгум(дур)* типидаги форма билан *-гай* аффиксли *алгай-мэн* типидаги форма ташкил этган. Шу билан бирга, юқорида кўрганимиздек, эски ўзбек тилида келаси замон маъносини ифодалаш учун *-р* аффиксли *алур-мэн* типидаги ҳозирги-келаси замон феъли билан *ала-мэн* (<*аладур-мэн*<*ала турур мэн*) типидаги ҳозирги замон феъли ҳам қўлланган (Қар.: §§ 72, 74, 76, 87).

Булардан ташқари, айрим манбаларда келаси замон феълининг *-асы/-эси*, *-ысар/-исэр*, *-аҗақ/-эҗэк* аффиксли формалари ҳам кузатилади. Бу формалар ўзбек тилига оид бўлган ёки ўзбек тилига маълум даражада алоқадор бўлган манбаларнинг айримларидагина учрайди, уларда ҳам фақат III шахс бирлик формасида қўлланган. Шунинг учун мазкур ишимизда бу формаларга махсус бўлим ажратмадик.

1. *-асы/-эси* аффиксли форма XIII—XIV асрларга оид айрим манбаларда қайд қилинади: *Бу шаҳарға бир пайғамбар ҳиҗрат қ ы л а с ы т у р у р, йаъни к э л э с и т у р у р* (Таф., 49б). *Билурсэн ким, ул иман к э л т у р э с и т у р у р* (Таф., 124а). *Мундын бурун туғмыш йоқ, т у ғ а с ы т а қ ы й о қ т у р у р* (Рабғ., 49б).

*Ким ул дэвāна эргэ н э қ ы л а с ы,*
*Нэ чāра бирлэ андын қ у р т а л а с ы?* (ХШ, 63а).
*Лабың лаъли эрур дардым давāсы,*
*Бу дардымға давā мушкил б о л а с ы* (ЛН).

2. *-ысар/-исэр* аффиксли форма XIV асрга оид ёдгорликларнинг айримларида қўлланган:

*Ичэлиң бāданы, гуллар с о л ы с а р,*
*Танымыз āқибат тупрақ б о л ы с а р* (МН, 309а).
*Өзимизга өзимиз йыгласақ хāр,*
*Ким уш биз-тэк биэə ким й ы ғ л а й ы с а р* (ХШ, 113а.)



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Йараш бу багры таш бирлә, эй йāр,*
*Ким уш түн барды, бу күн* қ *а л м а й ы с а р* (ХШ, 98а).
*Б о л у с а р ул йақында элгә муҳтаж,*
*Чэкиб ифлāс элиндин көп машаққат* (Саройи, 142б).
*Миннат көтүрүб тирилгән эр хāр* ө *л и с ә р*
(Саройи, 105б).

3. Ўзбек тилида *-ажақ/-әжәк* аффиксли форманинг қўлланиши XVIII—XIX асрлардан бошлаб кузатилади. Лекин бу даврда ҳам ушбу форма хоразмлик шоирларнинг асарларидагина учрайди. Масалан:

*Гулшани базмым ара зулфи самана к э л ә ж ә к,*
*Лгзы гунча, йүзи гул, қāматы зэбā к э л ә ж ә к*
(Комил Хоразмий).

Ўзбек тилида бу форманинг XX аср бошларидан (асосан вақтли матбуот саҳифаларида) маълум даражада активлашиб борганн кузатилади ва 1920—30 йилларда турли жанрларга оид асарларда анча актив истеъмолда бўлган[6]. Ҳозир эса, юқорида айтилганидек, Хоразм диалекти учун хос бўлиб, ўзбек адабий тилида кам қўлланади, асосан бадиий адабиётда кузатилади.

Келаси замон феълининг *-асы/-әси, -ысар/-исәр, -ажақ/-әжәк* аффиксли формалари тарихан ўғуз группасидаги туркий тиллар учун характерли бўлиб, бу тилларга оид ёзма манбаларда ҳам актив истеъмолда бўлган[7].

---

[6] Б. Турдиалиев. Морфологические особенности языка периодической печати 1905—1917 гг., АДД, Ташкент, 1969, стр. 20: Ш. Шукуров. Ўзбек адабий тилининг ривожланиши масаласига доир, ЎзТА, 1965, 4-сон, 64-бет.

[7] C. Brockelmann. 'Ali's qissa'i Jusuf, der älteste Vorläufer der osmanischen Literatur, APAW, Jahr. 1916, Phil.-Hist. Klasse, Nr. 5, Berlin, 1917, SS. 33—34; A. Zajaczkowski. Studia nad jezykiem staroosmanskim, I. Wybrane ustepy z anatolijskotureckiego przekladu Kalili i Dimni, Kraków, 1934, SS. 171—172; A. Zajaczkowski. Studia nad jezykiem staroosmanskim. II. Wybrane rozdialy z anatolijskotureckiego przekladu Koranu, Kraków, 1937, SS. XVII, XXX; V. Kılıc oğlu. Gerundiumların özellikleri ve «-ısar» eki, «Türk Dili», cilt III, sayi 33; Talat Tekin. -ısar eki hakkında, «Türk Dili», cilt IV, sayı 38; А. Н. Самойлович. К истории литературного среднеазиатско-турецкого языка, Сб. «Мир-Али-Шир», Л., 1928, стр. 16—17; А. К. Боровков. Очерки истории узбекского языка, II, «Советское востоковедение», М., 1949, стр. 46; Э. Н. Наджип. Кыпчакско-огузский литературный язык мамлюкского Египта XIV века, АДД, М., 1965, стр. 66—70; М. Ш. Рагимов. Формы выражения настоящего и будущего времен в письменных памятниках азербайджанского языка XIV—XVIII вв., «Языковедческий сборник», Труды Института литературы и языка им. Низами, т. X, Баку, 1957, стр. 236, 238, 240; Э. И. Фазылов. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века, АДД, Ташкент, 1967, стр. 77; М. С. Михайлов. О форме на -(y)ası в турецком языке, «Уч. зап. кафедры иностранных языков восточного факультета Института международных отношений», вып. I, Вопросы языка и литературы стран Востока, М., 1958; М. Н. Хыдыров. Түркмен дилиниң тарыхындан материаллар, Ашгабат, 1958, 145—146-сах.; Э. М. Дэмирчизадэ. «Китаби-Дәдә Горгуд» дастанларынын дили, Бакы, 1959, сәһ. 96—97; һ. Мирзәзадә. Азәрбајҹан дилинин тарихи морфолокијасы, Бакы, 1962, сәһ. 249—254, 260 264.

Ушбу формалар тарихан қипчоқ группасидаги туркий тиллар учун ҳам характерли бўлган. Бу формалар ҳақида қипчоқ тилларига мансуб бўлган XIV аср ёдгорлиги «Аттуҳфатуз закияту филлуғатит туркия» асарида ҳам маълумот берилган. Лекин бу асарда *-ажақ/-әжәк, -ысар/-исәр* аффиксли формаларнинг туркман тили учун хос эканлиги уқдирилади[8]. *-асы/-әси* аффиксли форманинг ўғуз, қипчоқ ва бошқа айрим туркий тиллар учун хос бўлганлиги ҳақида Маҳмуд Кошғарий ҳам маълумот берган. Унинг кўрсатишича, XI асрда чигил, ягмо, тухси, арғу, уйғур ва бошқа турклар тили учун *-ғу* аффиксли форма характерли бўлиб, ўғуз, қипчоқ, печенег, булғорлар бу форма ўрнида *-асы/-әси* аффиксли формани қўллаганлар[9].

Маълумки, *-ажақ/-әжәк* аффиксли форма ҳозир ҳам ўғуз группасидаги туркий тиллар учун характерли бўлиб, қипчоқ группасидаги туркий тилларда ҳам қўлланади[10]. Тадқиқотчиларнинг уқдиришича, XV—XVI асрлардан кейин бу тилларда *-ажақ/-әжәк* аффиксли форма активлашгач, *-асы/-әси* ва *-ысар/-исәр* аффиксли формалар истеъмолдан чиқа бошлаган ёки кам қўллана бошлаган. *-асы/-әси* аффиксли форма ҳозир ўғуз тилларида ҳам келаси замон феъли функциясида кам қўлланади, *-ысар/-исәр* аффиксли форма эса бутунлай истеъмолдан чиққан.

### *-ғай* аффиксли форма

§ 90. Бу форма тарихан қипчоқ ва қорлуқ группасидаги туркий тиллар, шу жумладан, ўзбек тили учун характерли бўлган, қадимги уйғур тилига оид манбаларда ҳам актив истеъмолда бўлган. Ўрхун текстларида учрамайди, енисей текстларида эса, И. А. Батмановнинг кузатишига кўра, *эр-* тўлиқсиз феъли бир мартагина шу формада қўлланган: «В енисейских текстах встретился лишь один такой пример: РьГьЙ *эргей* — хорошо бы, чтобы было»[11].

*-ғай* аффиксли форма ҳозир асосан Олтой ва Сибирдаги тува, олтой, туфалар, хакас, шўр ва бошқа туркий тиллар учун характерли бўлиб[12], қипчоқ ва қорлуқ группасидаги туркий тилларда ҳам маълум даражада қўлланади. Ўғуз группасидаги туркий тилларда қўлланмайди, бу тилларга оид бўлган ёзма ёдгорликлар тили учун ҳам характерли бўлмаган. Лекин шу группага мансуб бўлган туркман тили бундан мустасно. Туркман тилига оид бўлган ёзма ёдгорликларда бу форма анча актив истеъмолда бўлиб, ҳо-

---

[8] Аттуҳфатуз закияту филлуғатит туркия (Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов). Тошкент, 1968, 121-бет.

[9] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк, I том, Тошкент, 1960, 53-бет; II том. 1961, 71—73, 374, 418—419-бетлар.

[10] Б. Чарыяров. Времена глагола в тюркских языках юго-западной группы. АДД. Ашхабад, 1970, стр. 32.

[11] И. А. Батманов. Язык енисейских памятников древнетюркской письменности. Фрунзе, 1959, стр. 87.

[12] Ф. Г. Исхаков, А. А. Пальмбах. Грамматика тувинского языка. Фонетика и морфология, М., 1961, стр. 397.



www.ziyouz.com kutubxonasi

зир туркман шеваларининг айримларида қўлланади[13]. Бу ҳол туркман тилининг қипчоқ ва қорлуқ группасидаги туркий тиллар билан қадимдан яқин алоқада бўлиб келганлиги ва бу тилларнинг туркман тилига таъсири натижаси эканлиги шубҳасиздир.

Эски ўзбек тилида *-ғай* аффикси жарангли [ғ], [г] ундошлари билан бошланувчи *-гай/-гәй* ва жарангсиз [қ], [к]) ундошлари билан бошланувчи *-қай/-кәй* вариантларида қўлланган. Булардан қайси бирининг ишлатилиши шу аффиксни қабул қилган феъл ўзагининг қаттиқ ёки юмшоқлигига, шунингдек, феъл охиридаги ундош товушнинг жарангли ёки жарангсиз бўлишига боғлиқдир. Жарангсиз ундош ва жарангли [ғ] ундоши билан тугаган қаттиқ ўзакли феълларга *-қай*, жарангсиз ундош ва жарангли [г] ундоши билан тугаган юмшоқ ўзакли феълларга *-кәй* варианти, қолган ўринларда *-гай/-гәй* вариантлари қўшилган: *қорқ+қай, йап+қай, сач+қай, йарут+қай, туқ+қай* (<*туғ+қай*), *төк+кәй, йәт+кәй, тук+кәй* (<*түг+кәй*), *тэк+кәй* (<*тэг+кәй*), *бар+гай, башла+ +гай, бил+гәй, ишлә+гәй* каби. «Қутадғу билиг», «Девону луғотит турк» асарларида жарангсиз *-қай* варианти фақат жарангли [ғ] ундоши билан тугаган қаттиқ ўзакли феълларга (*сағ+қай, ағ+ +қай*), жарангсиз *-кәй* варианти жарангли [г] ундоши билан тугаган юмшоқ ўзакли феълларга (*тәг+кәй, эг+кәй*), бошқа ўринларда эса жарангли *-ғай/-гәй* вариантлари қўшилган. XI аср тилида бу аффикс вариантларининг шу хилда қўлланганлигини Маҳмуд Кошғарий ҳам қайд қилган[14]. Афтидан, бу аффикс дастлаб фақат жарангли *-гай/-гәй* вариантларида қўлланган бўлиб, унинг жарангсиз *-қай/-кәй* вариантлари сўнг пайдо бўлганга ўхшайди.

§ 91. Эски ўзбек тилида *-ғай*(*-гәй, -қай, -кәй*) аффикси охирги [й] ундошисиз *-ға*(*-гә, -қа, -кә*) формасида ҳам қўлланган. Лекин кейингиси шеърий асарлар тили учун хос бўлиб, I ва II шахсларнинг бирлик ва кўплик формаларида қўлланган:

*Истәбән тәңридин сөзүмгә кушāд,*
*Дастāн тарҳын этгә-мэн бунйад* (Нав. СС, 44).
*Эй җафāчы, мэн сэни сэвдүм кэ, җāнāн болға-сэн,*
*Билмәдим мундақ вафāсыз душмани җāн болға-сэн*
(Отойи, 49а).
*Эй җафāгар, бир вафā қыл ким, икәвләң болға-биз:*
*Мэн җафā чэкмәкдин-у сэн бэвафāдын халāс*
(Нав. ФК, 94б).
*Болға-сиз улуғ урушда мансур,*
*Нафси аммāраны әйләб мақҳур* (ШН, 143).

*-гай* аффиксининг *-ға* формасида қўлланиши XI—XIV асрларга оид ёдгорликлардан «Қутадғу билиг» ва «Хисрав ва Ширин» асарлари тили учун ҳам характерли бўлиб, бу асарларда кейингиси III шахс формасида ҳам анча кенг қўлланган:

---

[13] М. Н. Хыдыров. Түркмен дилиниң тарыхындан материаллар, 132-сах.
[14] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк, II том, 69—70-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Сәңә мән кәрәкиң б а қ а т у р ғ а-м ә н,*
*Қамуғ ишләриңни сәвә қ ы л ғ а-м ә н* (ҚБ, 26а).
*Игиң ә з г ү б о л ғ а, ә с ә н б о л ғ а-с ә н,*
*Йазуқуң арығай, муйан б у л ғ а-с ә н* (ҚБ, 215а).
*Ғариблуқ йәриндә к ә р ә к б о л г а нәң,*
*Бу нәң ким түгәнсә, с а р ы ғ б о л ғ а әң* (ҚБ, 24а).
*Нәгү өтнү алса йана бәрсә тәрк,*
*Аңар б ә р г ә л ә р нәң, қачан қолса, тәрк* (ҚБ, 104б).

*Айур ким, эй тамāм йүзи толун ай,*
*Нәчәгә тәгру мун-тәк қ ы л ғ а-м ә н вāй* (ХШ, 65б).
*Гāҳи бахтыңға айды ким, эй ағйāр,*
*Нәчәгә тәгру мәни қ ы л ғ а-с ә н з ā р* (ХШ, 58а).
*Көрүб бир бириңизни б о л ғ а-с и з ш ā д,*
*Фирāқдын васл бирлә а л ғ а-с и з дāд* (ХШ, 55а).
*Йāр элгә к и р г ә тәб, андиша бирлә,*
*Кәсә башлады тагны тәшә бирлә* (ХШ, 65а).

*-ғай* аффиксининг *-ға* формасида қўлланиши «Девону луғотит турк», «Ҳибатул ҳақойиқ» асарларида ҳам кузатилади. Мас.:

*Кәлсә абаң тәркәним,*
*Э т и л г ә-м а т түркүнүм* (МК, I, 414).
*Мың киши йолуғы болыб өзиңә,*
*Б ә р г ә л ә р өзин аның көзиңә* (МК, I, 245).
*Бу күн кәндү сүчүк бу тәрмәк сәңә,*
*А ч ч ы қ б о л ғ а йарын қойуб бардугуң* (ҲҲ, 158).

*-гай* аффиксининг *-ға* формасида қўлланиши ҳақида Ибн Муҳанна ва Абу Ҳайён асарларида ҳам қайд қилинган[15].

Демак, *-ғай* аффиксининг [й] ундошисиз *-ға* формасида қўлланиши ўзбек ва бошқа туркий тиллар тарихида характерли ҳодиса бўлган.

§ 92. Эски ўзбек тилида ҳам ҳозирги ва қадимги туркий тиллардаги каби *-ғай(-ға)* аффиксли формага ш а х с-с о н а ф ф и к с л а р и н и н г тўла формалари қўшилган:

| Шахс | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| I шахс | *алғай-мән // алға-мән* | *алғай-миз // алға-миз* (*алғай-биз // алға-биз*) |
| II шахс | *алғай-сән // алға-сән* | *алғай-сиз // алға-сиз* |
| III шахс | *алғай* (*алға*) | *алғайлар* (*алғалар*) |

[15] П. М. Мелиоранский. Араб-филолог о турецком языке, СПб., 1900, стр. XXII, 028; Н. А. Расулова. Исследование языка «Китаб-ал-идрāк лилисāн ал-атрāк» Абу-Хаййāна, АКД, Ташкент, 1969, стр. 16—17.



www.ziyouz.com kutubxonasi

XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларда *-гай(-ға)* аффиксли феълнинг I шахс бирлигининг ясалишида шахс-сон аффикси *-ым/-им, -ын/-ин* ёки *-м* формасида ҳам қўшилган, яъни *барғаймэн, билгәй-мэн* ўрнида *баргайым, билгәйим, барғайын, билгәйин, барғим, билгәм* формалари қўлланган (Бу формалар ҳақида феъл майлларига бағишланган ишимизда гапирамиз).

«Тафсир»да эса *-ғай* аффиксли феълнинг I шахс кўплик формасининг бир ўрнида *-вуз* ( ﻭﺯ ) ёрдамида ясалиши қайд қилинди: *Тиләсәвуз, ҳақ йолда т у р ғ а й в у з* (Таф., 126б).

§ 93. *-ғай* аффиксининг э т и м о л о г и я с и ва т а р к и б и масаласи деярли ўрганилган эмас.

Бу аффикснинг этимологияси ва таркиби ҳақида гапирилганда, биринчи навбатда, унинг *-ға* формасида ҳам қўлланганн фактига эътибор бериш, *-ғай* ва *-ға* формантларидан қайси бирининг қадимий эканлигини аниқлаш керак бўлади. Бу ҳақда икки хил фикр айтилган. А. Габэннинг кўрсатишича, *-ға* форманти қадимий бўлиб, кейинчалик унга [й] қўшилиши билан *-ғай* аффикси вужудга келган (*-ға+й*>*-ғай*), *-ға* форманти эса аслида феълдан исм ясовчи (Verbalnomen) аффикс бўлган. Автор *-ғай* аффиксининг «Қутадғу билиг»да -ға формасида ҳам қўлланганн, «Девону луғотит турк» ва бошқа манбаларда «ўйламоқ, фикрламоқ» маъносидаги ө- феълига *-гә* қўшилиши билан ясалган *өгә* (ақлли, тажрибали) формасининг ясалиши каби фактларга асосланиб шундай хулосага келган[16]. Бошқа тадқиқотчиларнинг кўрсатишича эса бу аффикснинг *-ғай* формаси қадимий бўлиб, *-ға* формаси кейинги ҳодисадир, яъни бу аффикс дастлаб *-ғай* формасида қўлланган бўлиб, кейинчалик унинг таркибидан [й] ундошининг тушиб қолиши натижасида *-ға* варианти вужудга келган[17].

Мавжуд фактлар бу аффикс дастлаб *-ға* формасида қўлланган бўлиб, кейинчалик унга [й] ундоши қўшилиши билан *-ғай* формаси вужудга келган, деган фикрни тасдиқлайди.

*-ға* форманти аслида ҳозирги-келаси замон маъносидаги сифатдош формасини ясовчи аффикс бўлган. Лекин ёдгорликлар тилида бу аффикс ёрдамида *бил-* (билмоқ), *ө-* (ўйламоқ, фикрламоқ) каби айрим феъллардангина сифатдош ясалиши кузатилади (*бил+гә, ө+гә*). Ёдгорликларда *өгә* сифатдоши асосан отлашган ҳолда, баъзан атрибутив позицияда қўлланган. *Билгә* сифатдоши эса қуйидаги уч ҳолатда қўлланган:

1. Предикат функцияда келган: *Нәгү б и л г ә тэлва билиг қадрыны* (ҚБ). *Билигсиз нә б и л г ә билиг қимматы* (ҚБ).

---

[16] A. G a b a i n. Alttürkische Grammatik, II Auflage, Leipzig, 1950, Nachtrage, 114, 3.

[17] С. М. М у т а л л и б о в. «Динану луғат-ит турк» Махмуда Кашгарского (перевод, комментарии, исследование), АДД, Ташкент, 1967, стр. 41; Э. А. Г р у н и н а. Форма времени на -а/-е по памятникам турецкого языка, Сб. «Тюркологический сборник. К шестидесятилетию Андрея Николаевича Кононова», М., 1966, стр. 30.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2. Атрибутив позицияда (аниқловчи вазифасида) қўлланган: *Билгә қаған әрмис* (КТ). *Билгә Тонйуқуқ қазғантуқ үчүн* (Тон.). *Әшиткил, нәгү тәр бөгү билгә бәг* (ҚБ). *Билгә әриг әзгү тутуб, сөзин әшит* (МК).

3. Отлашган ҳолда қўлланган: *Алп чәрикдә, билгә тирикдә* (МК). *Өкүш сөзләйү билгә болмас киши* (ҚБ).

*Билгә* сифатдоши отлашганда, от категориясига хос бўлган эгалик, келишик ва кўплик аффиксларини ҳам қабул қилади: *Нәгү тәр, әшит тәжик билгәси. Тәжик билгәләри чавықар күси* (ҚБ).

*Унамады, айды: қазашың ҳалы,*
*Йавузрақ, әй билгәм, күнәр-тәк йолы* (ҚБ).
*Бу Ойтолды айды: сөзүг билгәдин,*
*Эшитгү, билигсизгә айса кәзин* (ҚБ).
*Қалы билгәгә тәгсә илдә орын* (ҚБ).
*Қамағ билгәләргә ...инч, мәңилик қылайын*
(Олт. йор)..

Демак, туркий тиллар тараққиётининг қадимги даврларида *-гә* ёрдамида ясалган *билгә* типидаги ҳозирги-келаси замон сифатдош формаси мавжуд бўлиб, бу форма дастлабки даврларда предикатив функцияда қўлланган, атрибутив позицияда келган, шунингдек, отлашган ҳолда ҳам актив қўлланган. Кейинчалик унинг предикатив функцияси ривожланган ва унга [й] ундоши қўшилиб, *-гәй(-ғай, -қай, -кәй)*[18] аффикси вужудга келган. Бунда [й] ундоши дастлаб III шахс бирлигига, яъни сўз охирида келган очиқ бўғинга қўшилган (*билгә>билгәй*)[19]. Сўнг [й] қўшилиши бошқа шахсларга ҳам кўчган (*билгә-мән>билгәй-мән, билгә-сән>билгәй-сән, билгә-миз[-биз]>билгәй миз[-биз], билгә-сиз>билгәй-сиз, билгәләр>билгәйләр*).

*-ға(-гә)* аффикси ўз навбатида икки мустақил аффикснинг бирикувидан ташкил топган мураккаб аффикс бўлиб (*-ғ+а*), булардан биринчиси, яъни *-ғ(-г)* форманти феълдан исм ясовчи *-ғ(-г)* аффиксини эслатади (*бил+[и]г>билиг, ө+г>өг*). Иккинчиси, яъни *-а(-ә)* форманти эса сифатдош ҳамда равишдош маъноларини ифодаловчи аффикс бўлиши мумкин.

§ 94. *-ғай* аффиксли форма эски ўзбек тилида қуйидаги маъноларда қўлланган:

1. Келаси замон маъносида қўлланган: *Тақы көргәй-сән: халайиқлар ким, киргәйләр, ...* (Таф., 114б). *Тавратда көрдиләр ким, шундаг сурат-у сифатлығ оғлан туғғай, Байтулмуқаддасны харāб қылғай тақы өкүш артуқ ишләр қыл-*

[18] *-гәй (-ғай, -қай, -кәй)* аффиксли форма ёзма ёдгорликлар тилида ҳам, ҳозирги туркий тилларда ҳам фақат предикатив позицияда қўлланади.

[19] Қиёсланг: «Қамалак» маъносидаги *йай* (ёй) сўзи қадимги ёдгорликларда, масалан, «Девону луготит турк»да *йа* формасида, кейинги даврларга оид ёдгорликларда (ҳозирги туркий тилларда ҳам) *йай* формасида учрайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*ғ а й* (Рабг., Т, 600). *Муқаррар болды ким, таңласы болған нокар-у сардāр, мāл-у жиҳаты билән чықыб, қорғанны т а п ш у р ғ а й* (БН).

*Бир кэчэ б а р г а й-м э н, тэди, қашыға,*
*Ким Хожасти атлыг зэбāи арус* (ТН, 13б).

2. «Умумзамон» маъносини ифодалайди. *-ғай* формасидаги феълларнинг бундай қўлланиши асосан мақолларда, ҳикматли ибораларда кузатилади: *Шāҳ улдур ким, а л м а г а й-у б э р г э й; гада улдур ким, с а ч м а ғ а й-у т э р г э й* (Нав. МҚ, 73).

*Муҳаббат жамыны ул āшиқ ичкэй,*
*Ким ул жāныдын ишқыда к э ч к э й* (ЛН, 151б).
*Āрэ, уйқуға барған а ң л а м а ғ а й,*
*Уйқусызларга ҳар нэ болса агар* (Мунис, 133).

3. Контекстда *ҳар дам, ҳар вақт, ҳар нафас, ҳамиша, пайваста* каби пайт маъносидаги сўзлар бўлганда, *-ғай* формасидаги феъллар ифодалаган иш-ҳаракат доимий, такрорланувчи характерга эга бўлади:

*Ваҳ, нэчэ жисмимни гамдын нāтавāн эткэй фирāқ?*
*Нāтавāн жисмимға ҳ а р д а м қ а с д и ж ā н э т к э й*
*фирāқ* (Нав. ҒС, 59а).
*Таңдын ақшамға тэгру п а й д а р п а й,*
*Ул кэ и ч к э й қадаҳ тола-тола май* (Нав. СС, 32).
*Ҳ а р в а қ т кэ, к ө р г э-с э н мэниң сөзумни,*
*Сөзумни оқуб с а ғ ы н ғ а-с э н өзумни* (Бобир, 90).

4. Нутқ моментидан кейин бажарилиши тахмин, фараз қилинган иш-ҳаракатни ифодалайди, яъни ҳозирги ўзбек тилидаги *-(а)р* аффиксли келаси замон гумон феъли маъносида қўлланган: *Бу тайақ кишиниң амāнаты турур, болғай ким, изиси к э л г э й, қ о л ғ а й* (Таф., 28б). *Эй ата, ...тилэйу эрсэң, Йусуфны йэгэн бөрини сэңэ кэлтурэлиң. Аны көрсэң, көңлуң а в р у л ғ а й* (Рабг., Т, 240). *Эй кадбāну, мэниң қорқунчум улдур ким, нāгāҳ эриң сафардын й э т к э й* (ТН, 34а).

*-ғай* формасидаги феъллар тахмин, фараз каби маъноларда қўлланганда, иш-ҳаракат ўтган замонга тааллуқли бўлиши ҳам мумкин, яъни бундай ҳолларда иш-ҳаракатнинг нутқ моментидан олдин бажарилганлиги (ёки бажарилмаганлиги) тахмин қилинади. Мас.: *Тахтыны ушбу йэрдэ қ о й ғ а й тэб, тахтның төрт айағлары турган йэрни қазды* (Рабғ., Т, 404). *Барча гумāн қылдылар ким, бу ҳаракат алардын б о л ғ а й. Аммā таҳқиҳ болмады* (БН, 124).

Келтирилган мисолларда *-ғай* формасидаги *қойғай, болғай* феъллари ҳозирги ўзбек тилидаги «қўйгандир» (ёки «қўйган бўлса керак»), «бўлса керак» маъносида қўлланган бўлиб, иш-ҳаракатнинг бажарилганлиги ҳақида тахмин, фараз қилинганини кўрсатади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу маънода кўпинча *-мыш* ёки *-ган* аффиксли ўтган замон сифатдошига *бол-* феълининг *-ғай* аффиксли формаси қўшилиши асосида ҳосил бўлган *-мыш+болғай* ёки *-ган+болғай* типидаги форма қўлланган. Қиёсланг: *Бу нимәрсәләр бизниң йүкләримиздә чықды. Йаңылыб қ о й м ы ш б о л ғ а й л а р* (Рабғ. Т, 300). *Бизниң ҳам хāтиримизға йэтәдүр ким, ошал йолға б а р ғ а н б о л ғ а й* (БН, 145). *Көч узаб кэткәндин соң шāйад нимәрсә қ а л г а н б о л ғ а й тэб, йуртқа барды эрсә, көрди ким, ...* (Ш. тар., 71—72).

Бу мисолларда *қоймыш болғайлар, барған болғай, қалған болгай* бирикмалари ҳозирги ўзбек тилидаги «қўйган бўлсалар керак», «борган бўлса керак», «қолган бўлса керак» (ёки «қўйгандирлар», «боргандир», «қолгандир») маъносида қўлланган.

5. Тилак, истак, хоҳиш каби маъноларни ифодалайди:

*Җамāлың нур с а л ғ а й туфрағымға,*
*С э в ү н г ә й қалбым, руҳ-у равāным* (ДН, 137а).
*Ушбу эрди мәңә ҳавас дāим,*
*Ким ошул йэрдә б о л ғ а-м э н н ā ҳ и м* (Нав. СС, 115).
*Давлат билә ш ā д-у ш ā д м ā н б о л ғ а й-с э н,*
*Шавкат билә м а ш ҳ у р и җ а ҳ ā н б о л ғ а й-с э н*
(Бобир, 86).

*Сизни көрмәй барурга ихтийāр йоқлуқдын чāра тапмай, бэчāравāр азимат вāқэ болды. Сағ-салāмат, тәңри панāҳида б о л ғ а й с и з* (Нав. Мнш., 19). *Ул вақтда моғуллар хāҳладылар ким, Җайхунны б а ғ л а ғ а й л а р, тā Урганчга сув бармағай* (Ш. турк. 64).

*Алар иҗмāидин ā с ā и ш о л ғ а й,*
*Шукуҳи дунйāға ā р ā и ш о л г а й* (Фурқ. II, 48).

6. Илтимос маъносини ифодалайди:

*Өлгәли йэтти Атайи ул қадд-у қāмат үчүн,*
*Қ ы л ғ а-с и з сарв-у санāбардын аның табутыны*
(Отойи, 67а).
*Достлар, көңлүмдәгин қабрым ташыға й а з ғ а й-с и з,*
*Тā бирдэк болгай ул ай ишқыда ичим ташым*
(Бобир, 25).
*Ақидатлик калāмымны д э г ә й-с э н,*
*Муҳаббатлик салāмымны д э г ә й-с э н* (Фурқ. II, 113).

*-ғай* аффиксли форманинг илтимос маъносини ифодалаши бу форманинг эргаш гапли қўшма гап таркибида қўлланганида яна ҳам аниқроқ кўринади. Бундай ҳолларда *-гай* аффиксли форма эргаш гапнинг кесими вазифасида келган бўлиб, бош гапнинг кесими *тилә-, илтимāс қыл-* каби феълларнинг ўтган замон формаси билан ифодаланади: *И л т и м ā с қ ы л ы л д ы ким, иқбāли āсā қуллуқға м у т а в а җ җ у ҳ б о л г а й* (Нав. Мнш., 6). *Пушағурны, т и л ә д ү м ким, бу қыш āрийат б э р г ә й* (БН, 140). *Ҳазрат Йāфас атасыдын и л т и м ā с қылды ким, аңа дуāйи в р г ә т г ә й* (Ф. иқб., 25б—26а).



www.ziyouz.com kutubxonasi

7. Маслаҳат, насиҳат каби маъноларни ифодалайди: *Бу кун мэн нэтэк қылдым эрсэ, сэн мэндин соң мундағ қ ы л ғ а й-с э н тэб, ул оғланға насиҳат қылу сөзлэди* (Рабг., 15а). *Саид Йусуф бэг ва баъзиниң рāйы бāрин ким, қыш йавуқтур, фиалҳāл Лāмғанат б а р ы л ғ а й, андын йана ҳар маслаҳат рой бэрсэ, аңа йараша а м а л қ ы л ғ а й-б и з* (БН, 154). *Қорқут башлығ барча халқ Туманға айтдылар: «...Пāдшāҳлықны анға бэриб, өзүң айш-у ишратға м а ш ғ у л б о л ғ а й-с э н»* (Ш. тар., 49).

8. Мақсад, ният каби маъноларни ифодалайди. *-ғай* аффиксли форма бундай маънода одатда мақсад эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, бу эргаш гап бош гап билан *ким//кэ, тā, тāкэ* каби боғловчилар ёрдамида бирикади: *Бу дуāны аны үчүн қылды к и м, өзгэлэр аның шукрын а й т а б и л м э г э й л э р* (Рабғ. Т, 501).

*Йолыда туфрақ олайын ат үчүн,*
*Т ā мэңэ қ ы л ғ а й г у з а р ул шāҳсувāр* (Отойи, 169б).

*Шарим Тағāйини Ҳусрав шāҳқа қошуб йыбарылыб эди к и м. Ҳусрав шаҳны Хурāсāн узатыб, өзи барыб уруқны к э л т ү р г э й* (БН, 154). *Йахшыларыны тутуб өлтүрсүн, т ā йаманлары ҳукмға б о й у н қ о й г а й л а р* (Ш. тар., 59).

9. Буйруқ маъносини ифодалайди. *-ғай* аффиксли форма бу маънода асосан тўлдирувчи эргаш гапнинг кесими вазифасида қўлланади, бош гапнинг кесими эса одатда *буйур-, ҳукм қыл-, ҳукм эйлэ-, фармāн қыл-* каби феълларнинг ўтган замон формаси билан ифодаланган бўлади:

*Эйлэди ҳ у к м кэ, а т л а н ғ а й бат, ...*
*Ҳамза Султāнға барыб қ о ш у л ғ а й* (ШН, 102).

*Ф а р м ā н б о л д ы ким, толғамаға тайин болғанлар, ...урушға м а ш ғ у л б о л ғ а й л а р* (БН, 345). *Б у й у р д ы ким, халқ қабал асбабыга м а ш ғ у л б о л г а й л а р* (Ш. түрк, 71). *Б у й р у қ б о л д ы ким, туфрақ к э л т ү р г э й* (Ф. иқб., 17а).

10. Феъл ўзагидан англашилган иш-ҳаракатнинг бажарилишига бўлган ишонч, умид каби маъноларни ифодалайди. *-ғай* аффиксли форма бу маънода қўлланганда ҳам одатда эргаш гапнинг кесими вазифасида келади: *Умид ул ким, чун оқуғучылар диққат-у эътибар көзи билэ н а з а р с а л ғ а й л а р ва ҳар қайсы өз фаҳм-у идрāкларыға көрэ б а ҳ р а а л ғ а й л а р* (Нав. МҚ, 8). *Тэңри инайатыдын умид бар ким, бу банд а б ā д а н б о л г а й* (БН, 171).

*Бар умидим кэ, муңа к ө з с а л ғ а й,*
*Балкэ көз силыб, элигэ алғай* (ШН, 22).

*Умидвāр-мэн кэ, мадамул ҳайāт аларга тāбэ болуб, аларның хизматыда б о л г а й-м э н* (Ш. түрк, 50).

11. Ниҳоят, баъзи ёдгорликларда (асосан шеърий текстларда) *-гай* формасидаги феъллар баъзан шарт эргаш гапнинг кесими



www.ziyouz.com kutubxonasi

вазифасида ҳам келган, яъни ҳозирги-келаси замон шарт феъли ўрнида қўлланган: *Ҳар ким кэ ул йолға* *а̄ з и м* *б о л ғ а й, икки жаҳан саа̄даты аңа мулазим болғай* (Нав. МҚ, 133).

*Ҳар киши ким бирәвгә* *қ а з г а й* *ча̄ҳ,*
*Тушкәй ул чаҳ ара өзи на̄га̄ҳ* (Нав. СС, 156).
*Ким кэ хатун сөзи бирлә* *б о л ғ а й,*
*Аҗаб эрмәс бу кэ, қаны толғай* (ШН, 31).

Келтирилган мисолларда *-гай* формасидаги *азим болғай, қазгай, болгай* феълларининг «азим бўлса», «қазса», «бўлса» маъносида қўлланганни англашилиб турибди.

§ 95. Тарихий тараққиёт процессида *-ғай* аффиксли форманинг маъносида маълум ўзгаришлар юз берган.

XI—XIV асрларга оид ёзма манбаларда бу форма асосан аниқлик майлининг келаси замон формаси сифатида қўлланган. Шу даврга оид филологик асарларда ҳам келаси замон феъли сифатида изоҳланган[20]. Қадимги уйғур тилига оид манбаларда ҳам бу форма асосан келаси замон феълини ташкил этиб, истак, тилак, мақсад каби маъноларни ифодалашда ҳам қўлланган[21]. Эски ўзбек тилида эса, айниқса, XV—XIX асрлар давомида *-ғай* аффиксли форма жуда актив истеъмолда бўлиб, юқорида кўрганимиздек, хилма-хил маъноларни ифодалашга хизмат қилади. Бу форма ҳозир ҳам ҳар хил туркий тилларда турли маъноларда қўлланади. Масалан, олтой, хакас, тува, тўфалар, шўр тилларида истак, тилак, илтимос, мақсад, ният, умид, тахмин каби маъноларда қўлланади[22]. Ҳозирги ўзбек тилида эса бу форманинг истеъмол доираси анча чегараланган бўлиб, истак, тилак, илтимос каби маъноларда қўлланади[23]. Ҳозирги уйғур, татар, бошқирд, қирғиз, қорақалпоқ тилларида ҳам шундай.

Демак, *-ғай* аффиксли форма туркий тилларда дастлаб асосан аниқлик майлининг келаси замон формаси сифатида шаклланган бўлиб, кейинчалик келаси замон тушунчаси билан боғлиқ бўлган хилма-хил маъноларда қўлланган.

*-ғай* аффиксли форманинг хилма-хил маъноларда қўлланиши унинг номланишида ҳам ҳар хилликлар пайдо бўлишига сабаб

---

[20] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк, II том, 69-бет; Аттуҳфатуз закияту филлуғатит туркия, 121-бет; П. М. Мелиоранский. Араб-филолог о турецком языке, стр. XXII, 028; Н. А. Расулова. Исследование языка «Кита̄б ал-идра̄к ли-лисан ал-атра̄к», Абу Хаййа̄на, стр. 16—17.

[21] A. Gabain. Alttürkische Grammatik, s. 115; Э. И. Фозилов. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси, Тошкент, 1965, 89—90-бетлар; Д. М. Насилов. Структура времен индикатива в древнеуйгурском языке (по памятникам уйгурского письма), АКД, М., 1963, стр. 11—12.

[22] Ф. Г. Исхаков, А. А. Пальмбах. Грамматика тувинского языка. Фонетика и морфология, М., 1961, стр. 397—399; Н. П. Дыренкова. Грамматика ойротского языка, М.—Л., 1940, стр. 161—166; Ўша автор. Грамматика хакасского языка, Абакан, 1948, стр. 88—89; Н. А. Баскаков. Алтайский язык. «Яз. нар. СССР», II, стр. 517.

[23] Н. А. Кононов. Грамматика современного узбекского литературного языка, стр. 236.



www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлган. Масалан, Н. Ф. Катанов туркологик адабиётларда бу форманинг қуйидагича тўрт хил ном билан аталишини қайд қилган: «сослагательное наклонение», «желательное наклонение», «будущее время», «предупредительная форма желательного наклонения»[24]. Кейинги даврларга оид адабиётларда бу форманинг номланиши яна ҳам ҳархиллаша борган. Қисқаси, умумтуркологик адабиётларда, шунингдек, ҳар хил туркий тилларга оид асарларда бу форманинг йигирмадан ортиқ ном билан аталиши кузатилади[25]. Бу ўринда шу нарсани ҳисобга олиш керакки, ушбу формани у ёки бу ном билан аташда авторлар текширилаётган давр тилида (ёки ёдгорлик тилида) ва ҳар бир туркий тилда бу форманинг ифодалаган конкрет маъносидан келиб чиққанлар. Бу табиий ҳолдир.

Мавжуд фактларнинг кўрсатишича, *-ғай* аффиксли форманинг маъносида тарихан юз берган ўзгаришларни ҳисобга олиб, бу формани даврлар бўйича қуйидаги номлар билан аташ тўғри бўлади:

а) XIII—XIV асрларгача бўлган давр учун «келаси замон аниқ феъли» ёки «аниқлик майлининг келаси замон формаси» (бу даврга оид ёзма ёдгорликларда асосан шу маънода қўлланган);

б) XV—XIX асрлар ўзбек адабий тил учун (бошқа туркий тиллар учун ҳам) «келаси замон феъли» ёки «келаси замон формаси» (бу даврга оид ёзма ёдгорликларда келаси замон ҳамда тилак, истак, хоҳиш, илтимос, маслаҳат, мақсад, ният, буйруқ каби хилма-хил маъноларда қўлланган);

в) ҳозирги ўзбек, уйғур, татар, бошқирд, қирғиз, қорақалпоқ тилларида «истак формаси» (ёки «келаси замон истак феъли») номи билан аташ мақсадга мувофиқдир (бу тилларда асосан истак, тилак, илтимос каби маъноларда қўлланади).

Ҳозирги олтой, хакас, тува, тўфалар каби тилларда *-ғай* аффиксли форманинг қўлланиши, маъно ва функцияси анча кенг ва хилма-хил. Шунинг учун ҳам А. А. Пальмбах бу формани тува тили учун «сослагательное наклонение»[26], Н. П. Дыренкова хакас ва тўфалар (ойрот) тиллари учун «сослагательно-желательная форма»[27], Н. А. Баскаков олтой тили учун «желательно-побудительное наклонение»[28] номи билан атаган.

---

[24] Н. Ф. Катанов. Опыт исследования урянхайского языка с указанием главнейших родственных отношений его к другим языкам тюркского корня. Казань, 1903, стр. 610.

Проф. Н. Ф. Катановнинг ўзи бу формани «желательное наклонение» номи билан атаган (Ўша асар, 610).

[25] Қаранг: Ф. Г. Исхаков, А. А. Пальмбах. Грамматика тувинского языка, стр. 397—398; Ш. Шукуров. -ғай формасининг тарихига доир, ЎзТА, 1964, 3-сон, 67—68-бетлар.

[26] Ф. Г. Исхаков, А. А. Пальмбах. Кўрсатилган асар, 397-бет.

[27] Н. П. Дыренкова. Грамматика хакасского языка, стр. 97; Ўша автор. Грамматика ойротского языка, стр. 161.

[28] Н. А. Баскаков. Алтайский язык, стр. 517.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*-гий* аффиксли *алғай-мэн* типидаги форма эволюцияси, маън ва функциялари жиҳатдан ўғуз тилларидаги *-а* аффиксли *ала* типидаги формани эслатади. *Алам* типидаги форма ҳам ўғуз ти ларида шундай эволюцион тараққиёт йўлини босиб ўтган[29] ва н ҳоят, бу форма ҳозир озарбайжон тилида тўла парадигмаси била сақланган бўлиб, истак майли формаси сифатида шаклланга *-ғай* аффиксли *алғай-мэн* ва *-а* аффиксли *алам* типидаги форм лар этимологик жиҳатдан ҳам бирликни ташкил этади, яъни б формаларнинг иккаласи ҳам *-ға(-гә)* аффиксли *билгә* типидаг сифатдош асосида ривожланган (Бу ҳақда феъл майлларига б ғишланган ишимизда гапирилади).

## *-ғу* аффиксли форма

§ 96. Келаси замон феълининг *-ғу* аффиксли формаси эски ў бек тили учун характерли бўлиб, ҳозирги ўзбек тилида бу форм нинг қўлланиши анча чегараланган ва асосан шеърий асарлар учрайди.

Келаси замон феълининг *-ғу* аффиксли формаси қадимги уйғу тилига оид манбаларда ҳам истеъмолда бўлган, ўрхун-енисе текстларида учрамайди, ўғуз ва қипчоқ группасидаги туркий ти ларга оид ёзма ёдгорликларда қўлланган ҳам қайд қилинмага Ўғуз группасидаги тилларнинг кўпчилигида бу форма ҳозир ҳа қўлланмайди. Ёзма манбалардан маълум бўлишича, *-ғу* аффикс форма тарихан қорлуқ группасидаги туркий тиллар учун хос бў ган. Бу фикрни Маҳмуд Қошғарийнинг маълумоти ҳам тасдиқла ди. Унинг кўрсатишича, XI асрда *-ғу* аффиксли форма чигил, я мо, тухси, арғу, уйғур ва бошқа айрим турклар тилида қўлланг бўлиб, ўғиз, қипчоқ, бажанак, булғорлар тилида бу форма ўрн да *-асы/-әси* аффиксли форма қўлланган[30].

Эски ўзбек тилида келаси замон феълини ясовчи *-ғу* аффик жарангли [ғ], [г] ундошлари билан бошланувчи *-ғу/-гу* ва жара сиз [қ], [к] ундошлари билан бошланувчи *-қу/-ку* вариантлари қўлланган. Булардан қайси бирининг ишлатилиши шу аффикс қабул қилган феъл ўзагининг қаттиқ ёки юмшоқлигига, шуни дек, феъл охиридаги ундош товушнинг жарангли ёки жаранг бўлишига боғлиқ бўлган. Масалан: *ал+ғу, бил+гу, қорқ+ туқ+қу (<туғ+қу), йэт+ку, тэк+ку (<тэг+ку), башла+ ишлә+гу.*

§ 97. *-ғу* аффиксининг э т и м о л о г и я с и аниқланган эм Баъзи тадқиқотчилар бу аффиксни этимологик жиҳатдан *би* типидаги сифатдошни ясовчи *-ға(-гә)* аффикси билан бирлаш

---

[29] Э. А. Грунина. Форма времени на -а/-е по памятникам турецкого я ка, стр. 28—35; М. Ш. Рагимов. История формирования наклонений гла в азербайджанском языке, АДД, Баку, стр. 49—50.

[30] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк, II том, 71—73-бетл



www.ziyouz.com kutubxonasi

радилар, тўғрироғи, улар *-ға* аффикси *-ғу* аффиксидан келиб чиққан, деган фикрни айтадилар[31].

Мавжуд фактларнинг кўрсатишича, *-ғу* ва *-ға* аффикслари этимологик жиҳатдан ҳақиқатан ҳам бир-бирлари билан ўзаро боғлиқдир. Лекин булар бири иккинчисидан эмас, балки бир манба асосида параллел равишда ривожланган аффикслардир. Гап шундаки, *билгә* типидаги сифатдош формасини ясовчи *-ға* мураккаб аффикс бўлиб, икки мустақил аффикснинг бирикувидан ташкил топган (*-ғ+а*), яъни *-ғ(-г)* аффикси билан ясалган *билиг* (<бил+[и]г — «илм, билим, ақл» маъносида) типидаги формага *-а(-ә)* қўшилиши билан *билгә* (<бил+[и]г+а) типидаги сифатдош формаси ҳосил бўлган (Қар.: §93). *Билгу* типидаги сифатдош формасини ясовчи *-ғу* аффикси ҳам шу хилда мураккаб аффикс бўлган (*-ғ+у*), яъни *-ғ(-г)* аффиксли *билиг* (<бил+[и]г) типидаги формага *-у(-ү)* қўшилиши билан *билгү* (<бил+[и]г+ү) типидаги сифатдош формаси ҳосил бўлган. Мана шу жиҳатдан *-ғу* ва ва *-ға* аффикслари ўзаро бирлашадилар. Лекин булар маъно ва функцияси жиҳатдан фарқланадилар. *Билгә* типидаги форма иш-ҳаракатнинг бажарувчисини ёки унинг ҳаракати, ҳолати ва бошқа хусусиятлари билан боғлиқ бўлган белгисини кўрсатувчи сифатдош вазифасини бажарган. Яъни бу сифатдош шахсга нисбатан қўлланган (масалан: *билгә* — «олим, билағон, оқил, ақлли, доно» маъносида, *билгә бәг* — «илмли, ақлли, донишманд бег» маъносида). *Билгү* типидаги сифатдош эса предмет ёки воқеа-ҳодисаларнинг функцияси, хусусияти каби белгиларини кўрсатган. Яъни бу сифатдош предмет ва воқеа-ҳодисаларга нисбатан қўлланган (масалан, *кәсгү нәң* — «кесадиган нарса», *йәгү нәң* — «ейиладиган нарса»)[32]. Шу асосда кейинчалик *чалғу, чопқи* (<чап+қу), *супурги* (<сүпүр+гү) каби предмет номлари, *ачитқи* (<ачыт+қу), *куйдирги* (<күйдүр+гү), *томизғи* (<тамыз+ғу) каби ҳаракат натижасини англатувчи номлар ва *кулги* (<күл+ +гү), *севги* (<сэв+гү), *сезги* (<сэз+гү) каби ҳис-туйғу билан боғлиқ бўлган ҳолатни ифодаловчи номлар ҳосил бўлган. Иккинчи томондан, *-ғу* аффиксли сифатдош предикатив функцияда ҳам қўллана бошлаган ва аниқ (ёки қатъий) келаси замон феъли вазифасини бажарган.

Демак, ҳозирги тил нуқтаи назаридан таркибий қисмларга ажралмайдиган бир бутун аффикс сифатида тасаввур қилинувчи *-ғу* ҳам *-ға* аффикси каби тарихан икки мустақил аффикснинг бирикувидан ташкил топган мураккаб аффикс бўлган.

---

[31] J. Schinkewitsch. Rabγuzis Syntax, MSoS, II Ahtheilung, Band XXX, Berlin, 1927, S. 41; J. Eckmann. Das Charezmtürkische, «Philologiae Turcicae Fundamenta», t. I, Wiesbaden, 1959, S. 132.

[32] *-ға(-гә)* аффиксли *билгә* ва *-ғу(-гү)* аффиксли *билгү* типидаги формаларни Маҳмуд Кошғарий ҳам шу хилда изоҳлаган (Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк, I том, 52—53, 55, 403-бетлар; II том, 71—73, 372—373-бетлар; III том, 228, 331-бетлар).



www.ziyouz.com kutubxonasi

§ 98. Эски ўзбек тилида *-гу* аффиксли келаси замон феълининг шахс-сон формалари *-м, -ң, -сы/-си, -мыз/-миз, -ңыз/-ңиз, -лары/-ләри* аффикслари ёрдамида ясалган: *Ҳәч ринҗ зāҳир олмай мән худ өлгүм, эй табиб* (Нав. FC, 8а). *Карашма бирлә нәчә җāныма җафā қылғуң* (Лутф., 196а). *Қалгумыз қилъада махбус абад* (ШН, 35).

Бу феълнинг бўлишсиз формаси қуйидаги икки йўл билан ясалган:

а) бўлишсизлик аффикси *-ма/-мә* ёрдамида: *Бāғ ичрә кириб сарв-у равāнга аслә//көз салмағум, эй сарв-у равāным, сәнсиз* (Ҳув., 120). *Адам дийарыға ҳам тапмағуң хабар мәндин* (Нав. ФК, 145б). *Айытмақ мунда ҳāҗат олмағусы* (Нав. CC, 32);

б) *йоқ* инкор сўз ёрдамида ясалган: *Ул айтқанча айта алгум йоқ* (Нав. CC, 42). *Бил кә, тапқуң йоқ бу расвāи җаҳāндын йахшырақ* (Нав. FC, 60а). *Аны алмай бәри ул кәлгүси йоқ* (ШН, 124).

Ёзма ёдгорликларда *-ғу* аффиксли келаси замон феълига кўпинча *тур-* ҳолат феълининг ҳозирги-келаси замон формаси *турур* (*дурур*) ёки унинг қисқарган формалари *тур//түр, дур//дүр* қўшилиб келган. Лекин маънода ҳеч қандай ўзгариш бўлмаган.

XIV асрнинг охирларига қадар *тур-* ҳолат феъли асосан *турур* формасида қўшилган: *Нә ким, йәр үзрә болдачы турур, ҳалāк болғусы турур* (Таф., 65а). *Сизләрни уруғуңыз бирлә өлдүргүси турур* (Рабғ., 86).

XV асрдан бошлаб асосан *дур//дүр,* баъзан *турур//дурур* ёки *тур//түр* формасида қўшилган[33]:

а) бўлишли формасига ва *-ма/-мә* ёрдамида ясалган бўлишсиз формасига асосан *дур//дүр* қўшилган бўлиб, баъзан *дурур* қўшилиши ҳам учрайди. Мас.: *Кәлмәгүңдүр, интизāр отыға җāным өртәмә* (Нав. ФК, 165б). *Бармагумдур йүрүбән йолумга* (ШН, 203). *Минар тағыдын өткәч улуқ от йандурғумыздур* (БН, 249). *Тапқусыдур, қарагыл, өз бағрыдан āзāр гул* (Фурқ., I, 122). *Башлағусы дурур мәни ташвиш-у ғам сары* (Отойи, 67б). *Астāнаңда йатыб болғум дурур āхир турāб* (Ҳув., 19);

б) *йоқ* инкор сўзи ёрдамида ясалган бўлишсиз формасига асосан *тур//түр* қўшилган бўлиб, баъзан *турур* қўшилиши ҳам кузатилади: *Эмди кишидә ақл-у хирад қалғусы йоқтур* (Отойи, 51б). *Ҳәч кимгә болғусы йоқтур ғавғā* (ШН, 31). *Зулфыдын, эй заҳмлығ көңлум, қутулғуң йоқ турур* (Нав. ФК, 48а).

---

[33] XVII аср ёдгорликлари «Шажараи тарокима» ва «Шажараи турк» бундан мустасно. Бу асарларнинг иккаласида ҳам *турур* формасида қўшилган (Қаранг: А. Н. Кононов. Родословная туркмен. Сочинение Абу-л-Гази хана хивинского, М.—Л., 1958, стр. 148; С. Н. Иванов. Родословное древо тюрок Абу-л-Гази-хана. Грамматический очерк, Ташкент, 1969, стр. 137—138).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шундай қилиб, эски ўзбек тилида *-ғу* аффиксли келаси замон феълининг шахс-сон аффикслари билан тусланиш парадигмаси қуйидаги кўринишда бўлган:

| Шахс | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| I шахс | *алғум*<br>*алғумдур*<br>*алғум дурур*<br>*алғум турур* | *алғумыз*<br>*алғумыздур*<br>*алғумыз дурур*<br>*алғкмыз турур* |
| II шахс | *алғуң*<br>*алгуңдур*<br>*алғуң дурур*<br>*алғуң турур* | *алғуңыз*<br>*алғуңыздур*<br>*алғуңыз дурур*<br>*алғуңыз турур* |
| III шахс | *алғусы*<br>*алғусыдур*<br>*алгусы дурур*<br>*алгусы турур* | *алғулары*<br>*алғуларыдур*<br>*алғулары дурур*<br>*алғулары турур* |

Бўлишсиз формалари: *алмағум, алмағумдур, алмағум дурур, алмағум турур*; *алғум йўқ, алгум йоқтур, алғум йоқ турур* каби.

*-гу* аффиксли келаси замон феъли «Қутадғу билиг» тилида кенг қўлланган бўлиб, III шахс бирлигининг ифодаланиши бўйича бу асар ўзига хос хусусиятларга эга.

Эски ўзбек тилига оид ёзма манбаларда *-ғу* аффиксли келаси замон феълининг III шахс бирлиги, юқорида қайд қилинганидек, *-сы/-си* аффикси ёрдамида ясалган (*алгу+сы, билгү+си* каби), шунингдек, *турур* (<*дурур*<*дур*//*дүр*) ҳолат феъли қўшилганда ҳам III шахс бирлигида *-сы/-си* аффикси сақланган (*алғу+сы турур, алғу+сы дурур, алғу+сы+дур* каби). «Қутадғу билиг»да эса *-ғу* аффиксли келаси замон феълининг III шахс бирлиги қуйидагича беш хил йўл билан ифодаланган:

1) ҳеч қандай қўшимча орттирилмаган: *Өзүң ө л г ү ӑхир, бу атың қалыр* (ҚБ, 161б).

2) *турур* ҳолат феъли қўшилган: *Бу дунйӑ нәҳи барча қ а л г у т у р у р* (ҚБ, 201б);

3) *-сы/-си* аффикси қўшилган: *Нәчә қачса, ӑхир өлүм т у т ғ у с ы* (ҚБ, 56б);

4) *ол* олмоши қўшилган: *Осал болма, ахир өзүң ө л г ү о л* (ҚБ, 60а);

5) *-сы/-си* аффикси ва *ол* олмоши қўшилган:

*Нәрәк ганж урур-сән бу алтун-күмүш,*
*Саңар т ә г к ү с и о л ики бөз улуш* (ҚБ, 57б).



www.ziyouz.com kutubxonasi

§ 99. *-ғу* аффиксли келаси замон феъли иш-ҳаракатнинг бажарилиши (ёки бажарилмаслиги) аниқ ва қатъий эканлигини кўрсатади. Шунинг учун бу формани «аниқ келаси замон феъли» ёки «қатъий келаси замон феъли» номи билан аташ мумкин: *Сизләрни уруғуңыз бирлә ө л д у р г у с ы т у р у р* (Рабғ., 86). *Нә ким йәр узрә болдачы турур, ҳ а л а к б о л ғ у с ы т у р у р* (Таф., 65а).

*Мәъда тамуғы ким, эрүр душманың,*
*Т о й м а ғ у с ы д у р, агар ичсә қаның* (Ҳайдар, 14а).
*Ҳажрыңда, бәгим, «иҳ» д э г у м д у р дағы ө л г у м,*
*«Йāд әйләгил, эй шāҳ» д э г у м д у р дағы ө л г у м*
(Отойи, 41а).
*Кәлди дилдāр-у мән қадаҳ и ч к у м д у р,*
*Заҳид-у нāмуси нәңдин к э ч к у м д у р* (Нав. МА, 57).
*Ул жамāатға бу навъ эрди ҳайāл,*
*Ким ақл б о л г у с ы й о қ ҳәч з а в ā л* (ШН, 90).

*Бу сөзниң рāстлығы сизгә ҳам тәз м а ъ л у м б о л ғ у с ы т у р у р* (Ш. турк, 55).

*Уйла муътад олмышам тартарға дарди ишқ ким,*
*Āқибат жāнымны б э р г у м д у р бу афйун устидә*
(Мунис, 48).

*-ғу* аффиксли келаси замон феълида иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги (ёки бажарилмаслигидаги) аниқлик, қатъийлик маъносидан ташқари зарурлик (долженствование) оттенкаси ҳам мавжуд[34]. Бу табиий ҳолдир. Чунки аниқлик, қатъийлик ва зарурлик бир-бири билан яқин тушунчалардир. *-гу* аффиксли форманинг бу маънода қўлланиши «Қутадғу билиг» тили учун характерли бўлган:

*Огул-қызқа ө г р э т г у эрдәм билиг,*
*Бу эрдәм билә болсу қылқы силиг* (ҚБ, 51а).
*Уқушсыз кишини киши т ә м ә г у,*
*Нәчә сөзләсә сөз, йәмә б у т м ә г у* (ҚБ, 71а).

«Қутадғу билиг»да *-гу* аффиксли форма зарурлик (долженствование) маъносида кўпинча *кэрәк (кәрәк)* сўзи билан бирга қўлланган:

*Нәчә ма агыр кәлсә б а р ғ у к ә р ә к,*
*Иликкә тәгиб, бир к ө р у н г у к ә р ә к* (ҚБ, 128а).
*Қайу ким туғар эрсә, ө л г у к ә р ә к,*
*Қайу нәң ағар эрсә, и л г у к ә р ә к* (ҚБ, 46а).

*-ғу* аффиксли форманинг *кэрәк* сўзи билан бирга қўлланиб зарурлик (долженствование) маъносини ифодалаши XIII—XIV асрларга оид манбаларда ҳам учрайди: *Бир қач кун буларға замāн б э р г у к э р ә к* (Таф., 9а). *Балуқны қ а т а г л а ғ у к э р ә(к)*

[34] А. М. Щербак. Грамматика староузбекского языка, М. Л., 1962, стр. 149.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*т у р у р* (УН, 42). *Эвдэ қуртқага йол б э р м э г ү к э р э к* (Рабғ., 53а).

Кейинги даврларда *-ғу* аффиксли формада зарурлик (долженствование) маъноси кучсизлана борган ва у асосан аниқ (ёки қатъий) келаси замон феъли сифатида шаклланган.

*-ғу* аффиксли феълга *кэл-* феъли бирикиб, асосий феълдан англашилган иш-ҳаракатни бажаришни исташ, хоҳлаш каби маънолар ифодаланади. Ёзма ёдгорликларда *-ғу* аффиксли форманинг бундай қўлланиши спорадик характерга эга бўлиб, *кэл-* феъли фақат ҳозирги-келаси замон формасида қўшилган (*ғу+кэлүр*):

*Хаста көңлүм өртэнүр, ғойā сэвэр җāным барур,*
*И ы ғ л а ғ у м к э л ү р, мағар гулбирги ханданым барур* (Нав. ГС, 33а).
*Ҳар шаҳарда көп ағар йүрсэм, бир ай й ү р г ү м к э л ү р,*
*Нэйлэйин, савдāйи, аҳвāлым паришāн көсэ-мэн* (Муқ., 73).
*Мэни какуллары савдāйи ҳылды,*
*Нэчүк т у р ғ у м к э л ү р эмди ватанда?* (Фурқ. I, 28).

*-ғу* аффиксли форманинг бундай қўлланиши «Қутадғу билиг» ва қадимги уйғур тилига оид манбаларда ҳам учрайди: *Ай инилэрим, мэниң бу күнки күн эртингү қ о р қ қ у м б э л и ң л э г ү м к э л и р* (Олт. йор., 174).

*Иликкэ өтүнди, айур: мэн бу күн,*
*Қадашымқа б а р г у м к э л и р өртүкүн* (ҚБ, 203б).
*Битигдэ хат уз болса, ачлур көңүл,*
*О қ ы ғ у к э л и р, бақса, авнур көңүл* (ҚБ, 101а).

*-ғу* аффиксли форманинг *кэл-* феъли билан бирга истак, хоҳиш каби маъноларни ифодалаши ҳозирги ўзбек тилида активлашган бўлиб, *кэл-* феъли турли замон ва майл формаларида кела олади[35]. Масалан: *боргим келди (боргим келмади), боргим келяпти (боргим келмаяпти), боргим келади (боргим келмайди), боргим келса (боргим келмаса), боргим келарди (боргим келмасди)* каби.

*-ғу* аффиксли форманинг бундай қўлланиши ҳозирги уйғур, қозоқ, қорақалпоқ тиллари учун ҳам характерли эканлиги қайд қилинган[36].

### Ҳозирги ва келаси замон феълларининг ўзаро муносабати

§ 100. Эски ўзбек тилида аниқлик майлидаги ҳозирги ва келаси замон феъллари формал ҳамда семантик жиҳатдан бири ик-

[35] А. Н. Кононов. Грамматика современного узбекского литературного языка, стр. 281.
[36] К. Мелиев. Ҳозирги туркий тилларда ҳаракат номлари, Тошкент, 1970, 106—108-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

кинчиси билан узвий боғлиқ бўлган категорияларни ташкил этади. Бу нарса конкрет ҳозирги замон феъли формаларининг (яъни фақат ҳозирги замон маъносида қўлланувчи формаларнинг) йўқлиги, ҳозирги замон ва келаси замон феълларининг кўп маънолилиги каби ҳоллар билан изоҳланди.

Ҳозирги замон феълининг *ала-мэн, аладур-мэн, ала турур мэн* типидаги формалари эски ўзбек тилида ҳозирги замон маъносидан ташқари келаси замон, «умумзамон» каби маъноларда ҳам қўлланган. Ҳозирги замон маъносини ифодалаш учун бу формалардан ташқари *-р(-мас)* аффиксли ҳозирги-келаси замон формасидан ҳам кенг фойдаланилган. Ҳозирги замон феълининг *тур-йур-, йат-, олтур-* ҳолат феъллари иштирокида ясалувчи тасвирий формалари эса эски ўзбек тилида кам қўлланган бўлиб, айрим манбалардагина қайд қилинди. XIX аср охири — XX аср бошларидан ўзбек адабий тилида конкрет ҳозирги замон феълининг *-(а)ётир, -(а)ётиб, -(а)яп* аффиксли формалари қўллана бошлаган, ҳозирги замон феъли тасвирий формаларининг ҳамда «ҳозирги замон давом феъли» деб аталувчи *-моқда* аффиксли форманинг қўлланиши активлаша борган. Бунинг натижасида *ала-мэн* типидаги ҳозирги замон феъли ҳозирги-келаси замон феъли сифатида шаклланa бошлаган. Бу ҳол эски ўзбек тилида ҳозирги-келаси замон феъли вазифасини бажарувчи *-р(-мас)* аффиксли форманинг семантик-функционал ўзгаришига сабаб бўлган. Маълумки, кейингиси ҳозирги ўзбек тилида келаси замон гумон феъли вазифасини бажаради.

Эски ўзбек тилида келаси замон феълининг *-ғу* ва *-ғай* аффиксли формалари истеъмолда бўлган. Лекин *-ғу* аффиксли форма асосан қатъий келаси замон феъли вазифасини бажарган. *-ғай* аффиксли форма эса ўзбек тилининг тарихий тараққиёти давомида семантик ҳамда функционал жиҳатдан ўзгара борган: XIV аср охири - XV аср бошларига қадар бу форма асосан келаси замон феъли вазифасини бажарган бўлиб, кейинги даврларда унинг бу функцияси чегаралана борган. Бу ҳол *-р(-мас)* аффиксли ҳозирги-келаси замон феълининг келаси замон маъносида ҳам актив қўлланишига имкон берган. Бундан ташқари, юқорида қайд қилинганидек, келаси замон маъносини ифодалаш учун қисман *ала-мэн аладур-мэн, ала турур мэн* типидаги ҳозирги замон феъллари ҳам қўлланган. Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида келаси замон маъносида асосан *оламан* (<ала+мэн) типидаги ҳозирги-келаси замон феъли қўлланади. *-р(-мас)* аффиксли форма, юқорида айтилганидек, келаси замон гумон феъли сифатида шаклланган. *-ғу* ва *-ғай* аффиксли формалар эса ҳозирги ўзбек тилига нисбатан архаиклашган бўлиб, адабий тил нормасига кирмайди. Ҳозирги кунда бу формалар шеърий асарларда учрайди, тарихий темада ёзилган бадиий асарлардаги персонажлар нутқида ишлатилади. Бунда ҳам *-ғай* аффиксли форма келаси замон феъли сифатида эмас, балки истак, тилак, илтимос каби маъноларда қўлланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Феъл замонларининг шаклланиши туркий тиллар тараққиётининг қадимги давларидан бошланган бўлиб, бу процесс ҳозир ҳам тугалланган эмас, айниқса, ҳозирги ва келаси замон формалари ўртасида семантик дифференцияланиш процесси туркий тилларнинг кўпчилигида ҳозир ҳам давом этмоқда. Бу ҳол замон маъноларини ифодаловчи формаларнинг миқдори ва чегараси, бу формаларнинг ўзаро муносабати, замон системасидаги ўрни, буларнинг номланиши каби масалалар бўйича ўзбек тилшунослигида, шунингдек, бошқа туркий тилларга оид адабиётларда ҳар хил қарашларнинг пайдо бўлишига асос бўлган сабаблардан биридир.

2. Ўзбек тилининг тарихий тараққиёти давомида феъл замонлари бўйича маълум ўзгаришлар юз берган: замон маъносини ифодаловчи янги формалар вужудга келди, натижада қадимги формаларнинг бир группаси ўз мавқеини йўқота борди, айримлари эса маълум даврларга келиб истеъмолдан чиқиб қолди ёки кам қўлланадиган бўлиб қолди, параллел қўлланиб келаётган функциядош формалар маъноси жиҳатдан дифференциялаша борди, айрим формалар шаклан ўзгариб, такомиллаша борди.

3. Эски ўзбек тилида феъл замонларининг кўп формали бўлиши, бир хил маънони ифодалаш учун кўпинча параллел формалар қўлланиши маълум тарихий шароитлар билан боғлиқ бўлган ҳодисадир, яъни паралел қўлланувчи формаларнинг айримлари қадимги (архаик) формаларни ташкил этса, баъзилари диалектал хусусиятга эга бўлган ёки бошқа туркий тиллардан ўтган формалардир. Шунинг учун ҳам бундай формаларнинг кўпчилиги ўзбек тили тараққиётининг маълум даврларида истеъмолда бўлган ёки айрим ёдгорликлардагина учрайди.

4. Эски ўзбек тилида замон формаларидан айримларининг қўлланиши шеърий асарлар билан чегараланган бўлиб, буларнинг бир группаси бошқа туркий тиллардан қабул қилинган ёки диалектал формалар бўлса, бошқалари қадимги (архаик) формалардир. Масалан, ўтган замон феълининг *алмышам* типидаги I шахс бирлик формаси, ҳозирги-келаси замон феълининг *алу-*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*рам, алмам* типидаги I шахс бирлик формалари ўғуз группасидаги туркий тиллар учун хос формалардир. Келаси замон феълининг *-га* аффиксли *алға-мэн* типидаги формаси *-ғай* аффиксли *алғай-мэн* типидаги форманинг қадимги кўриниши бўлиб, бу форма ҳам фақат шеърий асарларда қўлланган.

5. Ўзбек тилининг тарихий тараққиёти давомида замон формаларининг айримлари шаклан ўзгариб, такомиллаша борган, айримларида семантик ўзгариш юз берган.

Бу жиҳатдан *алыб турур мэн, алыб турур эрдим* типидаги ўтган замон феълларида ва *ала турур мэн* типидаги ҳозирги замон феъли таркибида юз берган формал ўзгаришлар характерли. Масалан: *алыб турур мэн>алыбтур-мэн>алыбдур-мэн>алыб-мэн>>олибман.*

XIX аср охири ва XX аср бошларидан ўзбек адабий тилида *-(а)яп, -(а)ётир, -(а)ётиб* аффиксли *ол(а)япман, олаётирман, олаётибман* типидаги конкрет ҳозирги замон формаларининг қўллана бошлаши ва *-моқда* аффиксли ҳозирги замон феълининг активлаша бориши натижасида эски ўзбек тилида асосан ҳозирги замон маъносида қўлланиб келган *ала-мэн* (оламан) типидаги форма ҳозирги-келаси замон феъли сифатида шакллана бошлаган. Бунинг натижасида эски ўзбек тилида ҳозирги-келаси замон феъли вазифасини бажарувчи *алур-мэн* (олармаи) типидаги форма шу даврдан бошлаб келаси замон гумон феъли сифатида шакллана бошлаган. Эски ўзбек тилида перфект маъносида қўлланган *алыб-мэн* (олибман) типидаги форма ҳозирги ўзбек тилида ўтган замон эшитилганлик, ҳикоя феъли сифатида шаклланган. Эски ўзбек тилида кўп маънoли бўлган *-ғай* аффиксли *алғай-мэн* типидаги форма ҳозирги ўзбек тилида асосан истак, тилак, илтимос каби маъноларда қўлланади.

6. Эски ўзбек тилида истеъмолда бўлган замон формаларидан бир группаси ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланмайди; булардан айримлари баъзи ўзбек шеваларида сақланган. Масалан, ўтган замон феълининг *алдым эрди* типидаги аналитик формасининг Қорабулоқ шевасида сақлангани қайд қилинган.

7. Ёзма манбаларнинг кўрсатишича, ўзбек тилида феълнинг замон формалари тараққиётини учта асосий босқичга бўлиш мумкин:

Биринчи босқич XIV аср охирларигача бўлган давр ташкил этади. Бу давр эски ўзбек адабий тилининг шаклланиш арафаси бўлиб, параллел қўлланувчи функциядош формаларнинг кўплиги, қадимги (архаик) формаларнинг актив қўлланиб келиши, диалектал ёки бошқа туркий тилларга хос бўлган формаларнинг кўплаб истеъмолда бўлиши билан характерланади.

Иккинчи босқич XIV аср охирларидан XIX асрнинг охирларигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда эски ўзбек адабий тили шаклланган бўлиб, унинг грамматик қурилиши, хусусан, замон формалари маълум даражада тартибга тушган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзбек тилида феълнинг замон формалари тараққиётидаги учинчи босқич XIX аср охирларидан бошланган бўлиб, бу давр янги ўзбек адабий тилининг шаклланиши арафасидир. Бу даврда ўзбек адабиётида демократик оқим пайдо бўлди, матбуот вужудга келди, ўзбек тилида газета, журнал ва китоблар нашр этила бошлади. Бу эса ўз навбатида адабий тил билан халқ сўзлашув тилининг янада яқинлаша боришига ва адабий тилнинг халқ сўзлашув тили ҳисобига янада бойиб боришига замин яратди. Бу ҳол маълум даражада феъл замонлари соҳасида ҳам ўз аксини топди. Масалан, конкрет ҳозирги замон маъносини ифодаловчи *-(а)ял, -(а)ётир, -(а)ётиб* аффиксли формаларнинг адабий тилда қўлланиши шу даврдан бошлаб кузатилади. *-моқда* аффиксли ҳозирги замон феълининг активлашуви ҳам, *ала-мэн* (оламан), *алур-мэн* (оларман), *алыб-мэн* (олибман) каби формаларда юз берган семантик ўзгаришлар ҳам шу даврдан бошланган.

8. Эски ўзбек тилида ҳам ҳозирги ўзбек тилидаги каби феълнинг аниқлик майлида ҳар учала грамматик замон мавжуд бўлган. Шу билан бирга, феъл замонларининг кўп формали бўлиши, бу формаларнинг мураккаблиги, уларнинг қўлланиши ва шахс-сон аффикслари билан ўзгаришидаги ўзига хос хусусиятлари билан эски ўзбек тили ҳозирги ўзбек тилидан фарқланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

## I. Манбалар

### 1. Урхун-енисей ёдгорликлари ва қадимги уйғур тилига оид манбалар

**Ен. Т** — Енисей текстлари (С. Е. Малов. Енисейская письменность тюрков, М.—Л., 1952).

**Ирқ бит.**—Ирқ битиг [Гадательная книжка] (С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., 1951).

**КТ** — Култегин шаънига қўйилган ёдномa (С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности, М. Л., 1951).

**Мог.**— Могилян шаънига қўйилган ёднома (С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии, М.—Л., 1959).

**МЧур** — Моюн-чур шаънига қўйилган ёднома (С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии, М.—Л., 1959).

**Олт. йор.** — Олтин йоруқ [Золотой блеск] (С. Е Малов. Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., 1951).

**Онг.**— Онгин ёдномаси (С. Е. Малов. Памятники древнетюрской письменности Монголии и Киргизии, М.—Л., 1959).

**Тон.**— Тонюқуқ шаънига қўйилган ёднома (С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., 1951).

**ТТ** — Турфан текстлари (В. Банг, А. Габэн ва Г. Раҳматий нашрлари), Берлин, VI — 1934; VIII — 1954; X — 1959.

**Тшс.**— Тишаствустик (В. В. Радлов нашри), СПб., 1910.

**Уйг.**— Уйгурика (К. Мюллер нашри), Берлин, II — 1911; III — 1922.

**Уйг. шпр.**— W. R a d l o f f. Uigurische Sprachdenkmäler, Leningrad, 1928.

**Хуаст.**— Хуастуанифт (С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., 1951).

**Юрид.**— Юридик ҳужжатлар (С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., 1951).

### 2. XI—XIV асрларга оид манбалар

**Код. кум.**— Кодекс куманикус (В. В. Радлов нашри), СПб., 1887.

**МК** — М а ҳ м у д К о ш г а р и й. Девону луғотит турк (Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов), Тошкент, I том — 1960; II том — 1961; III том — 1963.

**МН** — Х о р а з м и й. Муҳаббатнома (Қўл ёзма), Британия музейи, Add. 7914.

**НФ** — Наҳжул фародис (Э. И. Фазылов. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века, Ташкент, I — 1966, II — 1971).

**Рабг.** — Р а б ғ ў з и й. Қисасул анбиё (Қўл ёзма), СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлими, С-245.

**Рабғ. (Т)** — Р а б ғ ў з и й. Қисасул анбиё (Қўл ёзма), ЎзССР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти, инв. № 1834.

**Саройи** — С а й ф и С а р о й и. Гулистон бит туркий (Э. И. Фазылов. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века, Ташкент, I — 1966, II — 1971).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Таф.— Тафсир (Қўл ёзма), СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлими, С-197.
ХШ — Қутб. Хисрав ва Ширин (А. Зайончковский нашри), Варшава, 1958.
ЎН — Ўғузнома (А. М. Шчербак нашри), Москва, 1959.
ҚБ—Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Қўл ёзма. Наманган нусхаси), ЎзССР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти, инв. № 1809.
ҲҲ — Аҳмад Югнакий. Ҳибатул ҳақойиқ (Рашид Раҳматий Арат нашри), Истанбул, 1951.

### 3.XV—XIX асрларга оид манбалар

Амирий — Юсуф Амирий. Банг ва чоғир орасинда мунозара (Қўл ёзма), Британия музейи, Add. 7914.
Аҳмадий — Аҳмадий. Руджоманинг орасинда мунозара ва мубоҳаса (Қўл ёзма), Британия музейи, Add. 7914.
БН — Заҳириддин Муҳаммад Бобир. Бобирнома (Н. И. Ильминский нашри), Казань, 1857.
Бобир — Бобир. Девон (А. Н. Самойлович нашри), Петроград, 1917.
Гулх.— Гулханий. Зарбулмасал ва ғазаллар (Нашрга тайёрловчи Ҳ. Ёқубов), Тошкент, 1958.
ДН — Юсуф Амирий. Даҳнома (Қўл ёзма), Британия музейи, Add. 7914.
ЛН — Хожандий. Латофатнома (Қўл ёзма), Британия музейи, Add. 7914.
Лутф.— Лутфий. Девон (Қўл ёзма). Британия музейи, Add. 7914.
Мунис —Шермуҳаммад Мунис. Танланган асарлар (Нашрга тайёрловчи Юнус Юсупов), Тошкент, 1957.
Муқ.— Муқимий. Танланган асарлар (Нашрга тайёрловчи Ғулом Каримов), Тошкент, 1958.
Нав. ЛТ — Алишер Навоий. Лисонут тайр (Илмий-танқидий текст, тайёрловчи Шарофиддин Эшонхўжаев), Тошкент, 1965.
Нав. МА — Алишер Навоий. Мезонул авзон (Илмий-танқидий текст, тайёрловчи Иззат Султонов), Тошкент, 1949.
Нав. МЛ — Алишер Навоий. Муҳокаматул луғатайн (М. Катрмер нашри), Париж, 1841.
Нав. МН — Алишер Навоий. Мажолисун нафоис (Илмий-танқидий текст, тайёрловчи Суйима Ғаниева), Тошкент, 1961.
Нав. Мнш.— Алишер Навоий. Муншаат (Қўл ёзма), Салтиков-Шчедрин номидаги Ленинград Давлат кутубхонаси, Х-55.
Нав. МҚ — Алишер Навоий. Маҳбубул қулуб (Илмий-танқидий текст, тайёрловчи А. Н. Кононов), М.—Л., 1948.
Нав. СС — Алишер Навоий. Сабъаи сайёр (Илмий-танқидий текст, тайёрловчи Порсо Шамсиев), Тошкент, 1956.
Нав. ФК — Алишер Навоий. Фавоидул кибар (Қўл ёзма), ЎзССР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти, инв. № 774.
Нав. ФШ — Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин (Танқидий текст, тайёрловчи Порсо Шамсиев), Тошкент, 1963.
Нав. ҒС — Алишер Навоий. Ғароибус сиғар (Қўл ёзма), ЎзССР Беруний номидаги Шарқшунослик институти, инв. № 790.
Отойи — Отойи. Девон (Қўл ёзма), СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлими, В-2456.
Сакк. — Саккокий. Девон (Қўл ёзма), Британия музейи, Or 2079.
ТН — Тўтинома (Қўл ёзма), СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлими, С-172.
Ф. иқб.— Мунис бин Авазбий ва Муҳаммад Ризо Огаҳий. Фирдавсул иқбол (Қўл ёзма), СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлими, С-571.
Фурқ.— Фурқат. Танланган асарлар (Нашрга тайёрловчи Холид Расул), Тошкент, I том — 1959; II том — 1959.
ШН — Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома (П. М. Мелиоранский нашри). СПб., 1908.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ш. тар.— Абулғози Баҳодирхон. Шажараи тарокима (Илмий-танқидий текст, тайёрловчи А. Н. Кононов), М.—Л., 1958.
Ш. турк — Абулғози Баҳодирхон. Шажараи турк (Н. Румянцев нашри), Қазань, 1825.
Яқиний — Яқиний. Ўқ [ва] ёй орасида мунозара (Қўл ёзма), Британия музейи, Add. 7914.
Ҳайдар — Ҳайдар Хоразмий. Маҳзанул асрор (Қўл ёзма), Британия музейи, Add. 7914.
Ҳув.— Ҳувайдо. Девон (Литографик нашр), Тошкент, 1913.

### 4. 1920—30 йилларга оид манбалар*

Арм.— Армуғон (Тўплам), Тошкент, 1922.
А. Қод.— Абдулла Қодирий. Ўтган кунлар, Тошкент, 1958.
Вож.— Вожатий (Журнал), Тошкент, 1933, 4-сон.
Кишилар — Н. Рубакин. Ер юзида кишилар қачон ҳам қандай пайдо бўлдилар, Тошкент, 1924.
Колх.— (Коллектив). Колхоз болалари. III ўқув йили учун дарслик китоби (Қишлоқ варианти), Тошкент, 1931.
М. Ўқит.— Маориф ва ўқитгучи (Журнал), 1925, 1-сон; 1927, 6-сон; 1929, 1-сон; 1930, 2—3-сонлар.
Пахта — Даромадли кўп олиш учун пахтани қандай экиш керак, М., 1923.
Сов. ад.— Совет адабиёти (Журнал), Тошкент, 1935, 3-сон.
Юруш — А. Иркутов. Юруш (Повесть), Тошкент, 1932.
Я. йўл — Янги йўл (Журнал), Тошкент, 1926, 7—8-сонлар.
Қишл.— Янги қишлоқ (Журнал), Тошкент, 1922, 1-сон.

## II. Туркий тиллар ва ўзбек шевалари

Анд.— Андижон шеваси.
гаг.— гагауз тили.
нўғ.— нўғой тили.
озарб.— озарбайжон тили.
олт.— олтой тили.
тат.— татар тили.
Тош.— Тошкент шеваси.
тува — тува тили.
турк — турк тили.
туркм.— туркман тили.
уйғ.— уйғур тили.
хакас — хакас тили.
Хонқа — Хонқа шеваси.
чулим — чулим тили.
Шсбз.— Шаҳрисабз шеваси.
шўр — шўр тили.
ўзб.— ўзбек тили.
Қарши — Қарши шеваси.
қирғ.— қирғиз тили.
қирқ — қирқ шеваси.
қоз. қозоқ тили.
Ҳзрсп.— Ҳазорасп шеваси.

## III. Бошқа қисқартмалар

АДД — Автореферат докторской диссертации.
АКД — Автореферат кандидатской диссертации.
ИСГТЯ — Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков, М., Изд-во АН СССР, Часть I — Фонетика, 1955; Часть II - Морфология, 1956.
Сб.— Сборник
Уч. зап.— Ученые записки.
Яз. нар. СССР — Языки народов СССР, Том II. Тюркские языки, М., Изд-во «Наука», 1966.
ЎзДМ — Ўзбек диалектологиясидан материаллар, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, I том — 1957, II том — 1961.
ЎзТА Ўзбек тили ва адабиёти, Тошкент (Журнал).
Қар.— Қаранг.

---

* Ушбу манбалар (асарлар)нинг кўпчилиги араб ёзуви ёки лотин алфавити асосида нашр қилинган бўлиб, уларни биз қулайлик учун ҳозирги ўзбек графикаси асосида транслитерация қилдик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## МУНДАРИЖА


Автордан . . . 3
Кириш . . . 5
Майл ва замон . . . 8
Шахс-сон формалари . . . 13
Фойдаланилган манбалар ҳақида . . . 17
Транскрипция ҳақида . . . 18
Ўтган замон . . . 21
Ўтган замон феълининг содда формалари . . . 24
*-ды* аффиксли форма . . . 24
*-дуқ* аффиксли форма . . . 37
*-мыш* аффиксли форма . . . 42
*-ған* аффиксли форма . . . 52
*-б* аффиксли равишдош асосида ясалган ўтган замон феъли . . . 60
1. *Алыб+турур+мэн* типидаги форма . . . 60
2. *Алыбтур+мэн* типидаги форма . . . 62
3. *Алыб+мэн* типидаги форма . . . 64
*-б* аффиксли равишдош асосида ясалган ўтган замон феълининг эволюцияси ҳақида . . . 67
Ўтган замон феъли содда формаларининг ўзаро муносабати . . . 68
Ўтган замон феълининг аналитик формалари . . . 70
*-мыш+эрди* формаси . . . 71
*-ган+эрди* формаси . . . 75
*-б+эрди(<-б+тур+эрди<-б+турур+эрди)* формалари . . . 76
1. *-б+эрди* формаси . . . 77
2. *-б+турур+эрди* формаси . . . 81
*-ды+эрди* формаси . . . 82
*-дуқ+эрди* формаси . . . 84
*-а/-э(-й) [+турур>дур]+эрди* формаси . . . 85
1. *-а/-э(-й)+турур+эрди* формаси . . . 85
2. *-а/-э(-й)+дур+эрди* формаси . . . 86
3. *-а/-э(-й)+эрди* формаси . . . 87
*-р+эрди* формаси . . . 89
Ўтган замон феъли аналитик формаларининг ўзаро муносабати . . . 94




www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳозирги замон . . . . . . . . . . . . . . 96
-a/-ә(-й) аффиксли равишдош асосида ясалган ҳозирги замон феъли 98
1. *Ала+турур+мән* типидаги форма . . . . . . . 98
2. *Аладур+мән* типидаги форма . . . . . . . . 101
3. *Ала+мән* типидаги форма . . . . . . . . . . 104
-a/-ә(-й) аффиксли равишдош асосида ясалган ҳозирги замон феълининг эволюцияси ҳақида . . . . . . . . 106
-*мақда/-мәкдә* аффиксли форма . . . . . . . . . . 109
*Тур-, йат-, ўур-, олтур-* ҳолат феълларининг ҳозирги замон формалари . . . . . . . . . . . . . . . . 110
Ҳозирги замон феълининг тасвирий формалари . . . . . 115
Ҳозирги-келаси замон . . . . . . . . . . . . . . 117
Келаси замон . . . . . . . . . . . . . . . 132
-*ғай* аффиксли форма . . . . . . . . . . . 135
-*ғу* аффиксли форма . . . . . . . . . . . . 145
Ҳозирги ва келаси замон феълларининг ўзаро муносабати . . 150
Умумий хулосалар . . . . . . . . . . . . . . 152
Шартли қисқартмалар . . . . . . . . . . . . . 155

www.ziyouz.com kutubxonasi

**Шукуров Ш.**

Ўзбек тилида феъл замонлари тараққиёти. [Масъул муҳаррир.
проф. Э. В. Севортян] Т., «Фан», 1976 (С)
160 б. жадвал (ЎзССР ФА А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт ин-ти).

Шукуров Ш. Развитие времен глагола в узбекском языке.

4Ўз

*На узбекском языке*

**Шукуров Шамсудин**

РАЗВИТИЕ ВРЕМЁН ГЛАГОЛА
В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

*Ўзбекистон ССР А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ил... советиi, ЎзССР ФА Тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўл... томонидан нашрга тасдиқланган*

Муҳаррир *С. Раззоқова*
Художник *П. Н. Хапилин*
Техмуҳаррир *В. Тарахович*
Корректор *О. Абдуллаева*

Р08261. Теришга берилган 13/Х-75 й. Босишга рухсат этилди 2/III-76 й. Формати 60×90 1/16. Босмахона қоғози № 1. Босма л. 10,0. Қоғоз л. 5,0. Ҳисоб-нашриёт л. 9,7. Нашриёт № 1455. Тиражи 3000. Баҳоси 84 т.

ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси, Тошкент, М. Горький проспекти, 79. Заказ 236.
Нашриёт адреси: Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.

www.ziyouz.com kutubxonasi